

84/2A19
-T-64

ОЛТЕР ТЕВИС

ҚИРОЛИЧАНИНГ ЮРИШИ

**NEW YORK
TIMES**

БЕСТСЕЛЛЕРИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач _____

6.10.21	11
14.11.21	11
10.01.22	11
305.27	11
14.06.22	11
28.01.22	11
5.11.22	11
6.07.2023	11
7.04.23	11
22.04.23	11
15.04.23	11

00с

УОЛТЕР ТЕВИС



ҚИРОЛИЧАНИНГ ЮРИШИ



ZABARJAD
MEDIA

2021

УЎК: 821.111(73)-32

КБК: 84(7АҚШ)

Т - 64

Тевис, Уолтер

Қироличанинг юриши: роман / Уолтер Тевис. Инглиз тилидан Мафтуна Пўлатова таржимаси. – Тошкент: Zabarjad Media, 2021. – 400 б.


ISBN 978-9943-7069-7-2

Ота-онасидан эрта айрилган Элизабетни биқиқ ва заҳматга тўла етимхона ҳаёти қарши олди. “Мумкин”, “Мумкин эмас” деган темир қоидалар, қатъий тартиб-интизом остида тарбияланаётган қизалоқ турли тазйиқларга қарамай етимхона фарроши жаноб Шейбелдан шахмат ўйнашни ўрганди ва фавқулодда бу ўйинга меҳр қўйди.

Табиатан ёлғизликка мойил асар қаҳрамони тунларни ҳаёлан шахмат тахтаси устида ўтказар, доналарни кўз олдида гавдалантирар, унинг бутун фикру ҳаёлини ўйиннинг оҳанрабоси ўзига банд қилганди.

Китобхон кичкина жуссали Элизабетни кўз олдида келтираркан, шафқатсиз ўйинлар, шафқатсиз юришлар, шафқатсиз ҳужумлар қаршисида мардонавор турган қизалоқнинг иродасига тан бермасликнинг иложини тополмайди. Ўз навбатида Элизабет ҳам ҳар бир ўйинга рақиблари каби шафқатсиз муносабат билан жавоб қайтаради.

Ҳаётнинг турли зарбаларини метин иродаси орқали четлаб ўтган Элизабет образи шахмат ўйнашга иштиёқ уйғотиши билан бир қаторда, ўқувчини қатъият ва кучли хоҳиш-истак албатта муваффақият келтиришига ишонтиради, мақсад сари дадил қадам ташлашга умидлантиради.



ISBN 978-9943-7069-7-2

© Уолтер Тевис, «Қироличанинг юриши». «Zabarjad Media», 2021 й.

Элеонорага

Қайтаринг, эй, менинг хотираларим,
Дилбарим сиймоси ҳамда қасрлар
гумбазин ёндирган оташларимни.
Олис-олислардан тинглагайман жим
Музликлар остидан жилдираб оққан
жилгалар сасидай қадамларингни.
Пошнанг тошлар билан суҳбатлашган ҳув,
Ул гўзал кунларга қайтмоқ истайман.
Ҳуркак эдинг сен ва ҳамда мағрур,
Тўлқиндай сузардинг сирли ва шўхчан.
Сен менинг аёлим, сен гўдагимсан,
Сен мени алдаган эрка шайтончам.
Фоже яқинлигин билмай сув узра,
Яшаб келаётган гўзал ниначим.

У. Б. Йейтс, «Ниначи»

БИРИНЧИ БОБ

Элизабет онасининг автоҳалокатга учраганини ёндафтарча кўтарган аёлдан эшитди. Эртасига эса «Геральд-лидер»да унинг сурати чоп этилди: Мейплвуд-Драйвдаги кулранг уй айвончасида оддий чит кўйлак кийган Элизабет турарди. Қизалок ўша пайтдаёқ жуда одми кўринарди. Сурат остидаги хабарда эса шундай сўзлар ёзилган эди:

«Кеча Нью-Сёркл-роудда¹ содир бўлган йирик автоҳалокат оқибатида етим бўлиб қолган Элизабет Ҳармон келажакка хавотир ила боқмоқда. Йўл транспорт ҳодисаси натижасида икки киши ҳалок бўлди, бир неча киши жароҳатланди, саккиз ёшли Элизабет эса оиласидан айрилди. Қизалокнинг ўзи бу пайтда уйда ёлғиз эди ва фожиа ҳақида сурат олинишидан бир озгина аввал эшитди. Ҳукумат унга гамхўрлик қилишга ваъда бермоқда».

* * *

Кентукки штати Маунт-Стерлинг шаҳарчасининг «Метуэн-Ҳоум» етимхонасида Элизабет кунига икки бор транквилизатор² қабул қилишни бошлади. Бу дорини ҳамма болаларга «ахлоқни тузатиш» учун беришарди. Элизабетнинг ахлоқи яхшилиги ҳаммага аён, бироқ кичкина хапдорини у доим хурсанд

¹ Нью-Сёркл-роуд – АҚШнинг Кентукки штатидаги миллий йўл.

² Транквилизатор – тинчлантирувчи психотроп дорилар гурӯҳи.

бўлиб оларди. Дори қизалоққа қорнининг тубидаги оғирликдан халос бўлишга ва етимхонадаги қийин дамларни уйқусираб ўтказишга ёрдам берарди.

Жаноб Фергюссен дориларни кичкина қоғоз идишда тарқатарди. «Тинчлантириш»га мўлжалланган яшил доридан ташқари у ерда соғломлаштириш учун яна оловранг ва жигарранг дорилар ҳам бор. Дориларни қабул қилиш учун болалар қатор бўлиб навбатга туришлари керак.

Бу гал навбатда турган энг новча қиз қора танли ўн икки яшар Жолин эди. Етимхонадаги иккинчи куни Элизабет витаминли навбатда унинг ортида туриб қолди, шунда Жолин қизчага ўтириларкан, юқоридан қовоғини уйиб қаради.

– Сен чин етиммисан ёки ҳаромими?

Элизабет унга қандай жавоб беришни билмади. Қўрқиб кетганди. Улар навбатнинг охирида туришар, жаноб Фергюссен ўтирадиган дарчага етиб боришлари учун кутишга тўғри келарди. Элизабет онаси отасини «ҳароми» деб атаганини эшитган, лекин бу сўзнинг маъносига ҳали тушунмасди.

– Исминг нима, қизалоқ? – сўради Жолин.

– Элизабет, сен мени Бет деб чақаришинг мумкин.

– Онанг ўлганми? Отанга нима бўлган?

Элизабет унга тикилиб қолди. «Она» ва «ўлган» сўзларига чидаб бўлмасди. Қизнинг қочиб кетгиси келди-ю, аммо қочадиган жойнинг ўзи йўқлигини фаҳмлаб, индамай қўя қолди.

– Улар ўлганми? – Жолиннинг овозида энди раҳмдиллик сезилди. – Ўлишганми?

Элизабет нима деярини ҳам, нима қиларини ҳам билмай, навбатда чўчиганча дорини кутиб тураверди.

* * *

«Ҳамманг лаънати очкўз, ҳезалаксанлар!» – Ралф ўғил болалар ҳовлисида бақириб қолди. Элизабет ойналари ўғил болалар ҳовлисига қараган кутубхонада ўтиргани учун уни яхши эшитди. Қизнинг хаёлида «ҳезалаклар» сўзи ҳеч қандай тасаввур уйғотмади. Бу ғалати сўз эди, аммо оҳангидан шуни-си аниқки, тарбиячилар бу учун Ралфнинг оғзини совунлаб ювишади. Элизабет бир марта «лаънати» деган сўзни айтгани учун шу кўйга тушган, онаси эса бу сўзни жуда кўп такрорларди.

* * *

Сартарош Элизабетга тўғри ўтиришни ва қимир-ламасликни тайинлади. «Қимирласанг, – деди у, – кулоғингдан айрилиб қолишинг мумкин». Унинг овозидан бу ҳазил гапга ўхшамасди. Элизабет бор кучи билан тўғри ўтиришга уринар, лекин умуман қимир этмасликнинг иложини қилолмасди. Етимхонадаги бошқа қизлар каби сочи пешонасига тушиб турадиган турмак қилиш учун сартарош узоқ каловланди. Элизабет бу пайтда «ҳезалаклар» сўзи ҳақида ўйлаш билан банд қилди ўзини. Унинг кўз олдида фақат қизилиштонга ўхшаган қуш гавдаланар, лекин бу тасаввури нотўғри эканини ўзи ҳам фаҳмлаб турарди.

* * *

Фаррош семиз киши эди ва бир томондан қараганда бошқа томондан қарагандан кўра семизроқ кўринарди. Унинг исми Шейбел – Жаноб Шейбел эди.

Бир куни Элизабетни синфхона доскасини артиш учун ўчиргични ювиб келишга ертўлага юборишганда у йўлда фаррошни учратиб қолди. Жаноб Шей-

бел кўмир печка ёнидаги темир ўриндик рўпарасида яшил-оқ шашка тахтасига қовоғини уйганча тикилиб ўтирарди. Фақат шашка ўрнига унинг устида ғалати кўринишдаги пластик доналар бор эди. Баъзилари катта, бошқалари кичикроқ, кичикроқлари кўпроқ эди. Фаррош бошини кўтариб, Элизабетга қаради. Қиз ҳеч нарсa демай чиқиб кетди.

Жума кунлари ҳамма католик бўлса ҳам, бўлмаса ҳам балиқ ейишга мажбур³. Тўртбурчак қилиб кесилган, қотган нонга беланган балиқ тўқ жигарранг қобиқ билан қопланган ва унинг устидан шишали француз қайласига ўхшаб кетадиган апельсинли қайла қуйилган. Қайла ўта ширин ва бадҳазм, балиқ эса ундан ҳам баттар эди. Унинг таъмидан Элизабетнинг кўнгли айнир, қайт қилиб юборишига сал қолганди. Аммо овқатни охиригача еб қўйиш керак: бўлмаса сени директор Дирдорфф хонимга чақиб беришади, кейин эса «алвидо, янги оила», деявер.

Баъзи болаларни келиши биланоқ янги оила асраб олади. Элис исмли олти ёшли қиз етимхонага Элизабетдан бир ойдан сўнг келган, уч ҳафта ўтиб эса уни ўзгача талаффуз билан гапирадиган, кўринишидан ажойиб одамлар асраб олишди. Элисни олиб кетишга келишган куни улар ҳовлида айланиб юришганди. Элизабет бу одамларни кучгиси келди, чунки бу нотаниш одамлар қизга бахтли кўринарди. Аммо уларнинг кўзи Элизабетга тушиши билан қизалоқ ўгирилиб кетди. Бошқа болалар етимхонада узоқ вақтдан бери яшашади ва уларни ҳеч ким олиб кетмаслигини яхши билишади. Болалар ўзлари ҳақида «бир умрлик жазога маҳкум қилинганлар», дейишади. Элизабет эса ўзига қанча «муддат» берилгани ҳақида ўйланарди-ю, аммо ўйининг охирига етолмасди.

³ Жума – католикларнинг балиқ ейдиган куни.

* * *

Жисмоний тарбия дарси қийин, айниқса, волейбол ўйнаш жуда оғир эди. Элизабет тўпни ҳеч тўғри ура олмас ёки бор кучи билан кафтида шапатиларди ёки букилмайдиган бармоқлари билан қайтаришга уринарди. Ҳатто бир куни тўпни қаттиқ урганидан бармоғи шишиб кетди. Ўйин пайтида ҳамма қизлар кулишар ва хурсанд бўлиб қийқиришарди. Элизабет эса бу хурсандчиликка қўшилмасди.

Қизлар орасида Жолин волейболни яхши ўйнарди. Ҳаммадан катта ва новча бўлгани учунгина эмас – у доим қандай ўйнаш кераклигини яхши биларди. Тўп тўр устидан баланд учганида олдинга югурар, унга йўл беришлари учун бақириши ҳам шарт эмасди, сакраб, қўлининг бир ҳаракати билан тўпни рақиб майдониға улоқтирарди. Жолин қайси жамоада ўйнаса, ўша жамоа шубҳасиз ғолиб бўларди.

Элизабет бармоғини қайириб олганидан бир ҳафта ўтгач, жисмоний тарбия дарсидан чиқиб, ҳамма ювинишга отланаётган вақт Жолин қизчанинг йўлини тўсди.

– Кел, сенга бир нарса кўрсатаман, – деди Жолин. У қўлларини кўтариб, узун бармоқлари орасини очди ва бир оз букди. – Мана бундай қилиш керак, – тирсакларини текис тутган, елкаларини бир оз буккан, худди хаёлий тўпни кафти билан ушлаб қолаётгандек ҳолатда турарди Жолин. – Уриниб кўр, – деди у.

Элизабет аввалига бир оз кўрқиб уриниб кўрди. Жолин кулиб, унга бошқатдан кўрсатди. Элизабет қизнинг ортидан бир неча бор такрорлади – анча яхши чиқди. Жолин хаёлий тўпни Элизабет томон отди. Бир неча уринишдан сўнг Элизабет тўпни қайтариш унча қийин эмаслигини ҳис қилди.

– Энди ўзинг шуғулан, – деди-ю, Жолин ювиниш хонасига қараб кетди.

Элизабет бутун ҳафта мобайнида тинимсиз шуғулланди ва ниҳоят волейбол ўйнаш у учун муаммо бўлмай қолди. Қизалоқ, албатта, яхши волейболчи бўлиб қолмади, аммо энди бу ўйин уни чўчитмасди.

* * *

Сешанба кунлари Грэм хоним Элизабетни ертўлага, арифметика дарсидан кейин доска ўчиргични тозалашга юборарди. Бу шарафли вазифа эди. Элизабет ҳаммадан кичкина бўлса-да, синфдаги энг яхши ўқувчи ҳисобланарди. Ертўла унга ёқмасди – у ердан могор ҳиди келар, Элизабет тагин жаноб Шейбелдан ҳам қўрқарди. Аммо фаррош шашка тахтасида ўзи билан ўзи ўйнаган ўйин қизни жуда қизиқтириб қўйган ва у ҳақда кўпроқ билгиси келарди.

Бир куни Элизабет ертўлага келди, фаррошнинг ёнида туриб, унинг кейинги юришини кута бошладди. Фаррош қўлини кичик устун устида отнинг калласи бўлган донага олиб борди, сония ўтиб Элизабетга қаради ва жаҳл билан сўради:

– Сенга нима керак, қизча?

Одатда, Элизабет ҳар қандай суҳбатдан, айниқса, катталар билан гаплашишдан ўзини олиб қочарди. Лекин бу сафар ундай бўлмади. Аксинча, Элизабет юрак ютиб: «Бу қандай ўйин?» деб сўради.

Жаноб Шейбел унга тикилиб қаради ва деди:

– Сен тепада, қолган болалар билан бирга бўлишинг керак.

Қиз яна ўша савол назари билан Шейбелга юзланди.

– Қолганлар билан бўлишни истамайман, – деди.

– Нима ўйнаётганингизни билмоқчиман.

Фаррош ўйин унинг хаёлини қанчалик банд этган бўлмасин, жавоб қайтарди:

– Бу ўйин «шахмат» дейилади.

* * *

Жаноб Шейбел ва кўмир печка ўртасида қора симга илинган очиқ чироқ осиглиқ эди. Элизабет бошининг сояси ўйин тахтасига тушмайдиган ҳолда тик турарди.

Якшанба тонги. Болаларни хор ва диний суҳбатлар учун кутубхонага йиғишганида Элизабет кўлини кўтариб, ҳожатхонага чиқиш учун рухсат сўради ва ертўлага келди. У ўн дақиқадан буён фаррошнинг шахмат ўйнашини кузатиб турарди. Улардан ҳеч бири бир сўз демасди, лекин жаноб Шейбел қизнинг бу ерда туришига кўниккан кўринади.

Баъзида фаррош шахмат доналарига бир неча дақиқалаб қимир этмай тикилар, уларга худди нафратлангандай қарар, кейин эса катта қорни билан олдинга эгилиб, бармоқларининг учи билан бирор донани бошидан ушлаб кўтарарди, худди ўлик сичқонни думидан тутгандек бир дам тўхтаб қолар ва бошқа катакка кўярди. Шу алфозда Элизабетга эътибор бермасди.

Қизалоқнинг сояси оёғи остидаги полда турар, ўзи эса тахтага тикилганча, ўйинчининг ҳар бир ҳаракатини кўз узмай кузатарди.

* * *

Элизабет транквилизаторни кечгача асраб қўйиш мақсадида уни яширишни ўрганди. Дори қизалоққа ухлашга ёрдам берарди. Жаноб Фергюссендан чўзиқ дорини олар экан, уни огзига солиб, тилининг остига ташлар, дори билан бериладиган консерва идишдан бир қултум апельсин шарбатини ҳўпларди. Жаноб Фергюссен бошқа болага қараган вақт оғзидан дорини чиқариб, кофтасининг чўнтакчасига солиб кўярди. Дори анча қаттиқ бўлганидан тил остида эришга улгурмасди.

Аввалги икки ой Элизабет жуда кам ухлади. Ухлашга қаттиқ уринар, кўзини чирт юмиб, қимирламай ётар, аммо қўшни каравотлардаги қизларнинг йўталиши, уйқусида қимирлаши ва алланималарни ғўлдирашлари, тунги навбатчининг йўлак бўйлаб юриши эшитилар, навбатчининг каравотга тушадиган соясини эса Элизабет ҳатто юмуқ кўзлари билан кўрарди. Узоқроқда бирдан телефон жиринглар ёки кимдир ҳожатхона сувини туширарди, лекин ҳаммасидан баттари – навбатчининг йўлак охиридаги столда энага билан суҳбатлашиши эди. Улар қанчалик паст овозда гаплашишмасин, суҳбат қанчалар ёқимли туюлмасин, Элизабет ўзини ўнгайсиз ҳис қилар, бу овозлар унга ҳеч тинчлик бермасди. Қорнида оғриқ туриб, оғзига сирка мазаси келар ва бу кеча уйқу ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмаслигини ҳис қиларди.

Шундай паллаларда ғужанак бўлиб ётиб олар ва асабий титроқлар бутун танасини эгаллаб олишига қўйиб берарди, чунки бу тез орада ўтиб кетишини биларди. Ўз танасига қулоқ солар экан, ичидаги саросима чўққига чиқишини кутар, кейин эса иккита дорини ичар ва қўл-оёқларини ёзиб, енгиллик гўё илиқ денгиз сувларидек танаси бўйлаб тарқалишини ҳис қиларди.

* * *

– Менгаям ўргатасизми?

Жаноб Шейбел жавоб бермади, ҳатто эшитганини билдириш учун бошини қимирлатиб ҳам қўймади. Узоқда, юқори қаватда ҳамма жўр бўлиб қуйларди:

«Боғлам сомонларни олиб келамиз»⁴.

⁴ Шоир ва композитор Ноулз Шоу (1834 – 1878)нинг сўзлари асосида ишланган протестантлик мусиқаси.

Элизабет бир неча дақиқа кутиб турди. Унинг вужуди қалтираб, огзига келаётган сўзни айтишга қанчалик монелик қилмасин, истак кўрқувдан кучли келди.

– Мен шахмат ўйнашни ўрганмоқчиман.

Жаноб Шейбел ўзининг семиз кафти билан каттароқ қора донани бошидан чаққон тутиб, тахтанинг нариги тарафига қўйди. Элизабетнинг сўроғини эшитган бўлса-да, жавоб беришга шошилмади.

– Мен бегоналар билан ўйнамайман, – деди у ниҳоят.

Унинг жавоби жуда совуқ эшитилди. Қизалоқ ўгирилиб, зинама-зина тепага чиқиб кетди, огзига ачимсиқ таъм келди.

– Мен бегона эмасман, – деди у икки кун ўтиб, фаррош ёнига келгач. – Мен шу ерда яшайман.

Фаррошнинг боши тепасида осилиб турган чироқ атрофида парвона учиб юрар, сояси шахмат тахта-сига текис тушиб турарди.

– Менга ўргатинг, мен аллақачон баъзи нарсаларни тушуниб олдим – қараб туриб ўргандим.

– Қизлар шахмат ўйнашмайди, – яна ўша ҳиссиоз оҳангда гапирди жаноб Шейбел.

Элизабет олдинга қатъий қадам ташлади ва хаёлида «замбарак» деб ном берган цилиндрсимон донага қўл теккизишга жазм қилмай, боши билан имо қилди:

– Мана бу, – Элизабет қўли билан бир шахмат донасини кўрсатди, – агар катаклар банд бўлмаса, истганча олдинга ва орқага, ўнгга ва чапга юради.

Жаноб Шейбел бир оз сукутга чўмди, кейин боши лимоннинг ярим бўлагига ўхшайдиган донани кўрсатиб сўради:

– Бу-чи?

Элизабетнинг кўзлари чақнаб кетди.
– Диагоналига.

* * *

Кечқурун дориларнинг биттасини ичиб, иккинчисини яшириб, уларни йиғиб қўйиш мумкин эди. Элизабет дориларни ҳеч ким қарашни хаёлига келтирмайдиган жойга – тиш чўткасининг идишига йигарди. Фақат чўтка куруқ бўлиши керак, шунинг учун уни ҳар гал ишлатганидан кейин яхшилаб сочиқ билан артар ёки умуман ишлатмай, тишини бармоги билан ювиб қўя қоларди.

Ўша кеч Элизабет биринчи марта бирданига учта дорини кетма-кет ичиб юборди ва ўзи учун муҳим бир нарсани кашф қилди: сочлари бўйлаб ўт чақнаб кетди ва секин-аста бутун танасига ёйилди. Элизабет қизлар ётоқхонасининг бир бурчагидаги даҳлиз эшиги ёнида, хожатхона рўпарасидаги энг ёмон жойда етимхона берган оч мовийранг тунги қўйлақда ётаркан, ҳаётида бурилиш рўй берганини тушунди: энди шахмат доналари, уларнинг қандай юриши ва асирга туширишни билади. Яна қизалоқ етимлик ўзига ҳадя қилган дорилар ёрдамида қорнидаги огирлик ва қўл-оёқларининг зирқирашидан қандай қутулишни ҳам билади.

* * *

– Бўпти, қизалоқ, – деди жаноб Шейбел. – Сен билан ҳозир шахмат ўйнаб кўрамиз. Мен оқлар билан жураман.

Элизабет қўлида доска ўчиргични ушлаб турар, арифметикадан кейинги танаффус пайти эди. Ун дақиқадан сўнг география дарси бошланади.

– Менинг вақтим кам, – деди Элизабет.

Ўтган якшанбада, ҳамма хор қуйлаётганда, у ертўлада ўтказган бир соат вақти давомида дона-

ларнинг қандай юришини ўрганиб олганди. Элизабет даволат текширувидан ўтишга улгурган, дарсга шаҳарнинг бошқа еридан болалар хори гуруҳидаги қизлар келишгани учун унинг хорда йўқлигини ҳеч ким сезмаганди. Аммо география бошқа масала. Элизабет синфдаги энг яхши ўқувчилардан бўлса ҳам, жаноб Шеллдан ўлгудек қўрқарди.

Фаррошнинг овози яна ўшандай ҳиссиёт эшитилди:

– Ҳозир ёки ҳеч қачон.

– Географиям бор...

– Ҳозир ёки ҳеч қачон.

Қарор қабул қилиш учун бир сония кетди. Элизабет аллақачон печканинг орқасидаги сут шишаларининг ёғоч идишини кўз остига олиб қўйганди. Уни тескари қилиб қўйиб ўтирди ва деди:

– Юринг!

Жаноб Шейбел қизчани тўртта юришда ютди. Кейин билишича, бу юриш «болалар моти» дейиларкан. Ҳаммаси тез рўй берди, лекин барибир география дарсига ўн беш дақиқа кеч қолди ва ҳожатхонада эдим, деб ёлгон гапирди.

Жаноб Шелл қўлини орқасига қилганча доска ёнида турарди. У Элизабетнинг сўзларига ишонмади ва бутун синфга кўз югуртириб, сўради:

– Ёш хонимлардан бирортаси мана бу қизни хонимлар хонасида кўрдими?

Енгил кулги кўтарилди, лекин ҳеч ким қўлини кўтармади, ҳатто Жолин ҳам. Элизабет эса айнан Жолин учун икки марта ёлгон гапиришга мажбур бўлганди.

– Ёш хонимлар, нечтангиз дарсдан олдин хонимлар хонасига кирдингиз?

Янада кўпроқ кулги овозлари эшитилиб, уч қизнинг қўли кўтарилди.

– Бирортангиз у ерда Элизабетни кўрдингизми? Дугонангиз чиройли кўлчаларини юваётганини кўргандирсиз балки?

Яна ҳеч ким жавоб бермади. Жаноб Шелл Аргентина экспорт қилувчи маҳсулотлар рўйхати ёзиб қўйилган доскага ўтирилиб, унга «кумуш» сўзини қўшиб қўйди. Элизабет бир сонияга осонгина қутулдим, деб ўйлади. Аммо ўқитувчи ҳамон синфга орқасини ўгирган ҳолда, «Бешта жарима», деди.

Ўнта жарима олган ўқувчи чармли белбоғ билан саваланарди. Элизабет савалаш қандай бўлишини фақат хаёлларида тасаввур қиларди, аммо бу гал оғриқни танасининг энг нозик қисмларини ўраб олаётган оловдек ҳис қилди. Кафтини кўксига олиб бориб, ён чўнтакчасидаги эрталаб яшириб қўйилган дорини ушлаб қўйди, кўрқуви тарқай бошлади. Элизабет хаёлида каравот олдидаги кичкина темир жавонда турган тиш чўткасининг идишчаси – узун тўртбурчак пластмасса идишни гавдалантирди – ҳозир унинг ичида яна тўртта дори бор.

Ўша кеча Элизабет ўз ётоғида чалқанча ётиб олди, дорини ҳали қўлига олмади. Тунги овозларга қулоқ солиб ётаркан, кўзлари қоронгиликка ўрганган сари улар баландлаб бораверди. Даҳлизнинг охиридаги столда жаноб Бирн билан Холланд хонимнинг суҳбати бошланди. Уларнинг овози қулогига чалиниши билан Элизабетнинг вужудини алланечук тушуниксиз туйғу қамрай бошлади. Кўзини қисиб, рўпарасидаги қоронги шифтга термилиб қолди, хаёлан унда оқ ва яшил катаклардан иборат ўйин тахтасини чизишга уринди. Тахтада бошланғич қатордаги шахмат доналарини териб чиқди: рух, от, фил, фарзин, шоҳ ва кейинги қаторда пиёдалар. Оқ пиёдалардан бирини тўртинчи қаторга қўйди, қоралар билан

жавоб қайтарди... Ўхшади! Бу осон эди. Фаррошга ютқазиб қўйган партиясини хаёлан қайта ўйнади. Жаноб Шейбелнинг отини учинчи қаторга қўйди. Етимхона ётоқхонасининг шифтидаги хаёлий оқяшил тахтада энди бу дона аниқ намоён бўлганди.

Тунги товушлар тобора пастлаб, ягона овозга айланиб борар, Элизабет эса ётоғида шодон ётар ва хаёлан шахмат ўйнардди.

* * *

Келаси якшанба у шоҳ томондаги от ёрдамида «болалар моти»нинг олдини олди. Бунинг учун онги жаҳл ва хўрлик ҳисларидан қутулиб, тунги хаёлий тахтада тоза, аниқ доналарни қолдиргунига қадар миясида ютқазган партиясини қайта-қайта айлантиришига тўғри келди. Якшанба куни Элизабет жаноб Шейбел билан ўйинни бошлар экан, миясида аллақачон аниқ ечим бор эди ва у худди тунги хаёлидаги каби от билан юрди. Ҳақиқий донани ушлаш, қўлида кичкина отни тутиб туриш ёқимли эди. Элизабет отни майдонга тушириши билан фаррош унга қовоғини уйиб қаради, кейин ўз фарзинини олиб, Элизабетга шоҳ берди. Элизабет бунга тайёр эди – бу юришни тунда, ўрнида ёта туриб шифтда гавдалантирганди.

Элизабетнинг фарзинини тузоққа тушириш учун фаррошга ўн тўртта юриш кетди. Бу муҳим донани йўқотганидан сўнг ҳам Элизабет яна ўйинни давом эттирмоқчи бўлди. Қўлини пиёдага олиб борганида жаноб Шейбел уни ушлаб қолди.

– Мағлубиятни тан ол, – деди бўғиқ овоз билан.

– Мағлубият?!

– Ҳа, қизалоқ, фарзинни бундай йўқотганда мағлубиятни тан олиш керак.

Элизабет рақибига ҳайрон бўлиб қаради. Фаррош унинг қўлини қўйиб юбориб, қора шоҳни тахтага йиқитди, дона олдинга-орқага думалаб, тўхтади.

– Йўқ, – деди Элизабет.

– Ҳа. Сен ютқаздинг.

Элизабет бу гал рақибини бирор нима билан бир ургиси келди.

– Сиз менга бундай қоида ҳақида айтмагандингиз.

– Бу қоида эмас, спорт этикаси.

Энди Элизабет жаноб Шейбел нима деяётганини тушунди, лекин бу унга ёқмади.

– Мен охиригача ўйнамоқчиман, – дея ўзининг енгилган шоҳини жойига қайтариб қўйди.

– Йўқ!

– Сиз партияни тугатишингиз керак.

Фаррош қошини чимириб, ўрнидан турди. Элизабет ҳали уни ҳеч ертўлада бор бўйи билан кўрмаганди – фақат йўлакларда пол юваётганда ёки синфхоналарда доска артаётганда кўрганди. Ҳозир жаноб Шейбел шифт ёғочига урилиб кетмаслик учун бир оз эгилиб турарди.

– Йўқ, – қайтарди у. – Сен ютқаздинг.

Бу адолатдан эмасди. Унинг спорт этикаси билан иши йўқ. Ўйинни давом эттириш ва ютишнигина истаган. Элизабет учун аини дамда дунёдаги энг муҳим нарсаси шу эди. Шунинг учун қизалоқ онасининг ўлиmidан бери ҳали бирор марта огзидан чиқармаган сўзни айтди:

– Илтимос.

– Партия тугади, – гапни чўрт кесди фаррош.

Элизабет ғазабланиб, унга ўшқирди:

– Вой, сен хомсемиз-ей!..

Элизабетнинг ғазабига жавобан жаноб Шейбел қўлини чўнтагига солиб, секин гапирди:

– Бошқа шахмат ўйнаш йўқ. Йўқол кўзимдан.

INV № 2106 / 29

Қизалоқнинг бўйи узунроқ бўлганида нима қилишни ўзи биларди, лекин унда бу афзаллик йўқ. Шундай экан, ўрнидан туриб, зина томон юриб кетди. Фаррош уни нигоҳи билан кузатиб қолди.

* * *

Сешанба куни доска ўчиргичлар билан ертўла эшигига яқинлашган Элизабет эшик ёпиқлигини кўрди. Эшикни икки бор итариб кўрди, очилмади. Кейин аввалига секин, кейин қаттиқроқ тақиллатди. Ертўладан бирор товуш эшитилмади. Бу ёмон нишона эди: Элизабет жаноб Шейбел ўша ерда – ўйин тахтаси қаршисида ўтирганини, шунчаки қиздан жаҳли чиққанини билиб турарди, аммо қўлидан ҳеч нарса келмасди. Ўчиргичларни синфхонага қайтариб олиб чиққанида Грэм хоним улар ювилмаганини, ўқувчи эса аввалгидан тезроқ қайтиб чиққанини сезмади ҳам.

Элизабет пайшанба куни ҳам шу ҳолат такрорланади деб ўйлаганди, лекин бундай бўлмади: эшик очиқ, қизалоқ зинадан тушганда эса жаноб Шейбел ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутарди. Доналар жойлаштирилган. Элизабет ўчиргичларни шошганча ювиб, фаррошнинг тўғрисиغا ўтирди. У хонага кирган пайтда жаноб Шейбел шоҳнинг олдида турган пиёдани олдинга сурди. Қиз ҳам шоҳ пиёдасини икки катакка сурди ва бу сафар хатога йўл қўймаслиги кераклигини тушунди.

Фаррош рақибининг юришига тезда жавоб қайтарди, Элизабет ҳам куттириб ўтирмади. Ўйинчилар лом-мим демай ўйнашарди. Қизалоқ ўйин қизиб бораётганини сезар ва бу унга ёқарди.

Ўн иккинчи юришда жаноб Шейбел отнинг бошини нотўғри томонга бурди ва Элизабет пиёдасини олтинчи қаторга жойлаштирди.

Фаррош отни жойига қайтарди, лекин энди бунинг фойдаси бўлмади. Элизабет бўлаётган юришларни кўриб, титроққа тушди. У филини отга алмаштирди. Сўнг яна пиёдани олдинга сурди. Кейинги юришда бу пиёда фарзинга айланиши керак. Жаноб Шейбел бир муддат тахтага тикилиб қолди, кейин кўлини узатиб, жаҳл билан ўз шоҳини йиқитиб юборди. Иккала ўйинчи ҳам бирпас жим бўлиб қолишди. Чунки бу гал Элизабет галаба қозонган эди. Табиий, бу галги ноқулайлик ўрнини Элизабет ҳали умрида ҳеч қачон сезмаган ажойиб ҳис эгаллади.

* * *

Элизабет якшанба куни тушликни ўтказиб юборса, бунга ҳеч ким эътибор бермаслигини тушунди. Бу – якшанба кунлари яна уч соат бўш вақт дегани эди. Бундай имкониятдан у жаноб Шейбел соат икки яримда уйига кетгунича фойдаланиши мумкин. Рақиблар ўзаро гаплашишмасди, иккиси ҳам. Фаррош доим оқлар билан ўйнар ва биринчи бўлиб ўйин бошларди. Элизабет бу масалани муҳокама қилишни истарди-ю, лекин тортишгиси келмади.

Шундай якшанбаларнинг бирида қийинчилик билан голиб бўлган жаноб Шейбел шундай деди:

- Сен сицилиянча ҳимояни ўрганиб олишинг керак.
- Нима у? – ўнғайсизланиб сўради Элизабет.

Қиз ҳали мағлубиятдан ўзига келмаган, айниқса, ўтган икки партияда рақибини мот қилганидан кейинги ютқазिश алами бор эди кўнглида.

– Оқлар пиёдани фарзин йўлагининг тўртинчи катагига юрганида⁵ қоралар мана бундай қилади, – фаррош эгилиб, оқ пиёдани икки катак олдинга сур-

⁵ Роман қаҳрамонлари 1980-йилларда ФИДЕ томонидан бекор қилингунгача инглиз ва испан тилли мамлакатлар ва Португалияда кенг тарқалган нотация тилидан фойдаланишади.

ди – у деярли ҳар сафар ўйинни айнан шу юриш билан бошларди, – кейин қора фарзин тарафида турган филнинг олдидаги пиёдани ҳам марказга икки катак яқинлаштирди. Жаноб Шейбел бу юришни олдин ҳеч кўрсатмаганди.

– Кейин нима? – сўради Элизабет.

У шох отини пиёдадан пастроқ ва ўнгроққа қўйди.

– От KB3га.

– KB3 нима?

– Шох филининг учинчи қатори. Мен ҳозиргина отни қўйган жой.)

– Демак, катакларнинг ўз номи бор экан-да!

Фаррош совуққина бошини қимирлатди. Элизабет унинг шу кичик маълумотни ҳам у билан истамайгина бўлишганини тушунади.

– Номлар фақат яхши ўйнайдиганлар учун, – қўшиб қўйди у.

Элизабет янада кўпроқ билгиси келди.

– Менга ўргатинг.

Фаррош қизга юқоридан назар солди:

– Йўқ. Ҳали эрта.

Элизабетнинг жаҳли чиқди. У ҳар кимнинг биров билан бўлишгиси келмайдиган сирлари бўлишини тушунади. Ҳар ҳолда, ўз сирларини яхши яширади. Лекин барибир ўша пайтда тахтанинг устидан қўлини узатиб, Шейбелнинг юзига бир шапалоқ тортгиси ва рақибини айтишга мажбурлагиси келди.

Қизалоқ огир хўрсинди.

– Сицилиянча ҳимоя шуми?

Жаноб Шейбел унинг катаклар номларидан бошқа мавзуга ўтганидан енгил тортгандек бўлди.

– Ҳали тугатмадим, – фаррош сўзида давом этиб, қизга асосий юришларни ва бир нечта усулни кўрсатди, лекин катаклар номларини бошқа тилга олмади.

Кейин тахтада Левенфиш ва Найдорф усуллари-ни кўрсатиб, такрорлашни буюрди. Қизалоқ ҳаммасини бехато бажарди. Аммо шундан сўнг ҳақиқий партия бошланиб, фаррош оқ фарзиннинг пиёдасини олдинга сурганида Элизабет ҳозир ўзига ўргатилган ҳамма усуллар бефойда бўлганини тушунди. Тахта устидан жаноб Шейбелга кўз қирини ташлади, қўлида пичоқ бўлгандами, унинг қўлига тикиб оларди.

Элизабет нигоҳини тахтага қаратди ва рақибини мағлубиятга учратишни мақсад қилиб, ўз фарзинининг пиёдасини олдинга сурди.

Жаноб Шейбел фарзин филининг олдида турган пиёдани юрди. У кўпинча шундай қиларди.

– Бу сицилиянча ҳимояга ўхшаган нарсаларингиздан биттасими? – сўради Элизабет.

– Дебютлардан бири, – унга эмас тахтага қараб жавоб берди фаррош.

– Унинг номи борми?

– **Фарзиннинг юриши.**

Бетнинг кайфияти кўтарилди, ахир, барибир ниманидир ўргана олди-ку! Тахтада атайин қурбон қилиш учун сурилган пиёдани олмасликка қарор қилди. Ўйиннинг қизиби бориши, доналардан қаторлар ва диагоналар бўйлаб тарқалаётган кучни ҳис қилиш унга ёқарди. Ўйиннинг ўртасида доналар ҳар қаерга тарқаган вақтда тахтадаги куч қизалоқнинг вужудини бутунлай қамраб олди. Ниҳоят, Элизабет шоҳ оти билан юриш қилди. Йигирмата юришда иккита оқ руҳни йиқитди ва жаноб Шейбел мағлубиятини тан олди.

Тунда қиз ётоғида ғужанак бўлиб ётаркан, даҳлиз эшигининг тагидан ёруғлик тушмаслиги учун бошини ёстиқнинг остига тикди. Хаёли яна шоҳ бе-

риш учун фил ва руҳнинг қандай юриши кераклиги ҳақидаги тасаввурга уланди. Филни юргач, шоҳ хавф остида қолади, фил эса бутунлай эркин бўлади – у ҳатто фарзинни уриши мумкин. Элизабет бу кучли ҳужум ҳақида ўйларкан, титроққа тушди, бошини шарт ёстиқдан кўтариб, шифтга қараб ётди ва хаёлий тахтада жаноб Шейбел билан ўйнаган ҳамма партияларини бирма-бир гавдалантирди. Ҳозиргина ўйлаган фил ва руҳ ҳужуми ёрдам бериши мумкин бўлган иккита ҳолатни кўрди. Бирида ҳужум икки тарафлама хавф туғдирарди, иккинчисида эса уни айёрона, билдирмасдан қўллаш мумкин эди. Элизабет хаёлан иккита партияни бошидан охиригача янги ўйлаган юриши билан ўйнаб, иккисида ҳам ютиб чиқди. Роҳатланиб жилмайди ва хотиржам уйқуга кетди.

* * *

Арифметика фани ўқитувчиси Элизабетни дам олишга лойиқ деб топиб, доска ўчиргичларни ювиб келишни бошқа ўқувчига топширди. Бу адолатдан эмасди, чунки Элизабет арифметикадан юқори баҳолар олар, лекин қўлидан ҳеч нима келмас, қўнғирсоч болакай ертўлага югурган чоғда Элизабет титроқ қўллари билан маънисиз қўшув ва айирувларни бажаришга мажбур эди. Қизалоқнинг шахмат ўйнаш истаги кундан-кунга кучайиб борарди.

Сешанба ва чоршанба кечаси у фақат биттадан дори ичиб, қолганларини асраб қўйди. Пайшанбада эса бир соат хаёлий шахмат ўйинидан сўнг ўзи ухлай олди ва кундузги иккита дори ўз жойида қолди. Жума куни ҳам шу ҳолат такрорланди.

Шанбада куни бўйи ошхонада навбатчилик қилди. Кутубхонада насронийлик ҳақида ҳужжатли

фильм қўйишди, тушлиқдан аввал эса ўзини ривожлантириш бўйича машғулотлар бўлди – шу вақт мобайнида Элизабет тиш чўткаси идишидаги олтита дори ҳақида ўйлаб, танасидаги жимир-жимирни ҳис қилди.

Кечқурун етимхона чироқлари ўчирилгач, у ҳамма дориларни бирин-кетин ичиб юборди ва кута бошлади. Бу ажойиб эди – қизалоқнинг танаси бўйлаб ёқимли ширин ҳислар тарқалди, мушаклари яйради. Элизабет – ҳақиқий кимёвий лаззатдан роҳатланиш учун узоқроқ муддат ухлаб қолмасликка, уйқуни ўзидан узоқлаштиришга уринарди.

Якшанба кунни жаноб Шейбел қиздан қаерга йўқолиб қолганини сўради. Элизабет бу уни қизиқтирганидан ҳам ҳайрон қолди, ҳам хурсанд бўлди.

– Мени дарслардан қўйиб юборишмади, – жавоб берди у.

Фаррош бош ирғади. Шахмат тахтаси аллақачон тайёр эди. Элизабет оқлар ўзи томонга ўтириб қўйилганини кўриб, ҳайратга тушди, сут шишалари идиши ҳам стол ёнида турарди.

– Мен биринчи бўлиб юраманми? – ишонқирамай сўради Элизабет.

– Ҳа. Энди оқлар билан навбатма-навбат юрамиз. Қоидаси шунақа.

Элизабет ўтирди ва шоҳ олдидаги пиёдани юрди. Жаноб Шейбел жим турганча фарзин томондаги филнинг пиёдасини сурди. Элизабет ҳеч бир юришни унутмагани ва ҳеч қачон шахмат юришларини унутмасди. Бу сафар у Левенфиш усулини қўллади, узун диагональ бўйлаб ҳукмронлик қилаётган ва кутилмаганда ҳужумга ўтиши мумкин бўлган қора филни ҳам кўздан қочирмади. Ўн еттинчи юришда филни зарарсизлантириш йўли топилди – уни ўзининг нисбатан заифроқ филига алмашди. Кейин от

билан юриш қилиб, руҳни тузоққа туширди ва яна ўнта юришдан сўнг рақибини мот қилди.

Бу унчалик қийин эмас – бор-йўғи синчков бўлиш ва ўйиннинг қандай кечиш йўллари тасаввурда гавдалантириш керак, холос.

Жаноб Шейбел учун мот кутилмаган ҳолат бўлди, албатта, Элизабет рақибининг шоҳини охирги горизонтал қаторда тузоққа туширди ва қўлини чўзиб, қатъият билан руҳни майдонга туширди.

– Мот, – деди қиз хотиржамлик билан.

Бу сафар жаноб Шейбел ўзини бошқача тутди, ҳатто доим Элизабет уни ютганида қиладиганидек қошини ҳам чимирмади. Озроқ олдинга суриларкан, деди:

– Мен сенга шахмат нотациясини ўргатаман.

Элизабет фаррошга савол назари билан қаради.

– Катакларнинг номлари, – тушунтирди у. – Сенга уларни ҳозироқ ўргатаман.

– Демак, мен яхши ўйнаепман, шундайми? – кўзларини қисиб сўради Элизабет.

Фаррош нимадир демоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. Жавоб ўрнига ундан сўради:

– Ёшинг нечада, қизалоқ?

– Саккизда.

– Саккиз ёш... – жаноб Шейбел катта қорни йўл қўйганча янада эгилди. – Тўғриси айтсам, қизалоқ, сен ақл бовар қилмас даражада яхши ўйнаепсан.

Элизабет уни тушунмади, тўғрироғи, бундай сўзларнинг маъносига тушунмасди.

– Маъзур тут, – жаноб Шейбел полдан бўшай деб қолган шишани олиб, ундан ҳўплади.

– Бу вискими? – сўради Элизабет.

– Ҳа, қизалоқ. Ҳеч кимга айтма, тушундингми?

– Айтмайман. Менга шахмат нотациясини ўргатинг.

Фаррош шишани полга қўйди. Элизабет уни қузатиб туриб, бир сонияга вискининг мазаси қандай бўлиши ва ичганда нимани ҳис қилиши мумкинлиги ҳақида ўйланиб қолди. Кейин нигоҳини тахтага қаратиб, ҳар бирида муҳим яширин куч бўлган ўттиз иккита донага эътиборини қаратди.

* * *

От, фил, пиёда. Тахтада қизғин ўйин борар, ҳаммаёқ остин-устун бўлаётгандек. Бирдан майдонга фарзин тушди. Тахтанинг пастки қаторидаги рухлар аввалига хавф остида қолди, лекин бунга тайёр эдилар – ҳужумга киришиб, бир юришдаёқ ҳолатни яхшилашди. Табиатшунослик дарси кетарди, Хэдли хоним магнитлар, «куч чизиқлари» ҳақида сўзларди. Зерикканидан уйқусирай бошлаган Элизабет бирданига тетиклашди. Куч чизиқлари – диагональ қаторда филлар, горизонталда рухлар.

Синфхонадаги дарс столлари шахмат катакларига айланиши мумкин. Агар Ралф исмли қўнғирсоч болани отга айлангирса, уни олиб, икки парта олдинга ва бир парта ёнга сурса, Денизнинг ёнидаги бўш ўринга ўтказиш мумкин. Шунда Бертран хавф остида қолади – у биринчи қаторда ўтиради ва шох бўлади. Элизабет шулар ҳақида ўйларкан, беихтиёр жилмайиб қўйди.

* * *

– Мана ол, – деди жаноб Шейбел қизалоққа жигарранг қопламали бир нарсани узата туриб.

Якшанба куни туш пайти эди. Элизабет очиб қаради – унда қаттиқ муқовали «Замонавий шахмат дебютлари» китоби бор эди.

Қизалоқ китобни иккиланиб варақлади – китобда узун устунларда шахмат нотациялари ёзилган, баъ-

зи ерларда доналар чизмалари ва «Фарзин пиёдаси дебютлари» ёки «Ҳинд Ҳимоя тизимлари» каби сарлавҳалар бор эди. Элизабет нигоҳини кўтарди. Фаррош қизга ҳўмрайиб қараб турарди.

– Бу сен учун энг яхши китоб, – деди у. – Унда сен ўрганмоқчи бўлган ҳамма нарса бор.

Элизабет индамади ва шахмат тахтаси олдидаги сут шишалари идишига ўтириб, ўйин бошланишини кута бошлади.

* * *

Инглиз тили дарси энг зерикарлиси эди – жаноб Эсперонинг ланж овози ва Жон Гринлиф Уиттер ёки Уилям Каллен Брайант каби шоирларнинг исмлари зериктирарди. «*Шудринг бўйлаб, кунботар осмонда, қай томонга учиб борарсан?...*» Шу аҳмоқона шеърни жаноб Эсперо баланд овозда, ҳар бир сўзини меҳр билан ўқирди.

Ўқитувчи кўзларини юмиб шеър ўқигунча Элизабет партасининг тагида «Замонавий шахмат дебютлари» китобини олиб ўқирди. Ҳар бир юришни хаёлан тасаввур қилиб, тўлиқ ёд оларди. Учинчи кундан бошлаб Р-К4, N-KB3⁶ каби белгилар унинг миясида ҳақиқий майдондаги доналарга айланар, Элизабет тасаввурида доналарни шундай юрардики, тахтага қарашга ҳам ҳожат қолмаганди.

Қизалоқ «Метуэн-Ҳоум» етимхонасининг қалин кўк бурма-бурма юбкасида тиззасига китобни қўйганча ўтирар, жаноб Эсперо буюк шеърят бизга берадиган руҳий озуқа ҳақида вайсаганида ёки бор овози билан «*Табиат қуради гўзал суҳбатлар, ўзин суйган, тушунган билан...*» каби бирор эзма шеърни ўқиганида унинг ярим юмуқ кўзи олдида шахмат дона-

⁶ Р-К4, N-KB3 – шахмат тахтасидаги белгилар

лари ўз катакларига сафланарди. Китобнинг охирида баъзи партиялар бошидан охиригача – йигирма еттинчи қадамда ўйинчилардан бирининг енгилишигача, баъзилари эса ҳатто қирқинчи юришгача тўлиқ кўрсатилганди ва у бу балет сахнасида ҳар бир донани ўйнатишни ўрганди. Гоҳ ҳужумнинг нафислигидан, гоҳ мардонавор қурбонлик, куч ва позициянинг мувозанатидан нафаси бўғзига тикиларди. Элизабетнинг бутун диққат-эътибори доим ғалабага ёхуд ғалаба имконини қидиришга йўналтирилганди.

*«Бахтли дамда шодлик бахш этур, нафис нутқи, кулгиси ила...»*⁷– жаноб Эсперо шеър ўқир, Элизабетнинг хаёли эса шахмат доналари рақсига монанд парвоз қилар, буюк юришлардан сармаст бўлар, улар Элизабетнинг қалбига жо бўлар, қиз ҳам бу тажрибалар оламига қалбини очарди.

* * *

Якшанба куни Элизабет бирваракайига бешта партияни ютди. Бу пайтга келиб у жаноб Шейбел билан уч ойдан бери шахмат ўйнаётган ва Элизабет энди фаррош ўзини ҳеч қачон мағлуб қила олмаслигини биларди. Устозининг ҳар қандай усулини, туғдирадиган хавфли вазиятларини олдиндан кўра оларди. Энди Шейбел қизни отлари билан қўрқитолмас, бирор филини узоқ вақт хавфли ўринда ушлаб туролмас ёки Элизабет учун муҳим бўлган донани уриб, қийин ҳолатга солиб қўёлмасди. Қиз рақибининг ҳар бир юришини олдиндан билиб, юзага келиши мумкин бўлган хавфли вазиятларни барта раф қилар, ўзи эса моҳирона ҳужум уюштирарди.

Сўнгги партия тугагач, фаррош қиздан сўради:

– Сен саккиз ёшдаминг?

⁷ Брайантнинг «Танатопсис» шеъридан фойдаланилди.

- Ноябрьда тўққизга тўламан.
- Жаноб Шейбел бош иргади.
- Кейинги якшанбада шу ерда бўласанми?
- Ҳа.
- Яхши. Албатта кел.

Келаси якшанба Элизабет келганида ертўлада жаноб Шейбел билан озғин, йўл-йўл кўйлакли костюм кийган ва галстук таққан яна бир киши бор эди.

– Бу киши шахмат клубидан жаноб Ганц, – деди жаноб Шейбел.

– Шахмат клубидан?! – қайтарди Элизабет, нота-ниш кишини кўздан кечираркан.

У жаноб Шеллга ўхшаб кетарди, аммо география ўқитувчисидан фарқи – кулиб турарди.

– Клубда биз бирга шахмат ўйнаймиз, – тушунтирди жаноб Шейбел.

– Мен Дункан юқори мактаб жамоасининг мураббийиман, – деди жаноб Ганц.

Элизабет бу мактаб ҳақида аввал эшитмаганди.

– Мен билан ўйнашга қарши эмасмисан? – сўради Ганц қизнинг хаёлини бўлиб.

Элизабет унга жавобан сут шишалари идишига ўтирди. Тахтанинг ёнидаги йигиладиган ўриндиққа жаноб Шейбел бир амаллаб ўрнашиб олди. Жаноб Ганц эса темир ўриндиққа ўтирди. У тахта томон эгилиб, тезда иккита – оқ ва қора доналарни қўлига олди, қўлини мушт қилиб Элизабет томон узатди.

– Қайси бирини танлайсан? – изоҳлади жаноб Шейбел.

– Нима учун? – сўради Элизабет.

– Қайси рангдаги дона тушса, сен ўша ранг билан ўйнайсан.

– Ҳа-а, – у бир оз олдинга интилиб, жаноб Ганцнинг қўлларидан бирини танлади. – Унда буниси.

Жаноб Ганц муштини очди – кафтида қора дона турарди.

– Кечирасан, – жилмайди жаноб Ганц, бу жилма-йишдан Элизабет ўзини ноқулай сезди.

Тахта қора доналар билан Элизабет томонга қаратилганди. Жаноб Ганц иккала донани жойига қўйди, бошқа пиёда билан шоҳнинг тўртинчи катигага юриш қилди. Элизабет хотиржам тортди, у китобдан сицилиянча ҳимоянинг ҳамма юришларини ёдлаб олганди. Жавобан фарзин фили олдидаги пиёдани тўртинчи қаторга юрди. Рақибни от билан юрганда Найдорф усулини қўллашга қарор қилди.

Жаноб Ганц анойи эмасди – жаноб Шейбелдан яхшироқ ўйнарди. Лекин бир нечта юришдан сўнг Элизабет янги рақибини юта олишини тушунди ва хотиржам, совуққонлик билан ишга киришди. Рақибини тузоққа тушириб, йигирма учинчи юришда маглубиятни тан олишга мажбур қилди.

Жаноб Ганц ўз шохини тахта четига қўйди.

– Сен ҳақиқатан ҳам ёмон ўйнамас экансан, ёш хоним. Бу ерда тўгарак борми?

Элизабет унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Бошқа қизлар ҳам шахмат ўйнашадими? Шахмат тўгарагида шуғулланасизларми?

– Йўқ.

– Сен қаерда шуғулланасан?

– Шу ерда.

– Жаноб Шейбел якшанба кунлари бир нечта партия ўйнашингни айтди. Қолган кунлари нима қиласан?

– Ҳеч нарса.

– Унда бундай ўйинни қаердан ўргандинг?

Элизабет дарсларда ва ётоғида хаёлан шахмат ўйнашини айтгиси келмади ва елка қисиб қўя қолди.

– Балки яна бир қўл ўйнармиз? – жаноб Ганцни чалгитиш учун таклиф қилди Элизабет.

У кулиб юборди.

– Яхши. Оқлар билан ўйнаш сенинг навбатинг.

Бу сафар Элизабет Рети дебютини қўллаб, уни янада тезроқ мағлуб қилди. Китобда бу усул «ўта замонавий усул» деб таърифланган ва унда шоҳ фили чаққонлик билан қўллангани Элизабетга ёқарди. Йигирмата юришдан сўнг у жаноб Ганцга учта юришдан сўнг мот бўлишини айтди ва бу қандай бўлишини тушуниш учун Ганцга ярим дақиқа кифоя қилди. Ниҳоят, у ишонқирамай бошини қимирлатди-ю, ўз шоҳини тахтага қулатди.

– Сен ростдан ҳам ақл бовар қилмас даражада яхши ўйнаяпсан. Бунақасини аввал ҳеч кўрмагандим, – жаноб Ганц туриб, печка томон юрди, у ерда кичик дўкон қадоги турарди. – Ҳозир мен кетишим керак, лекин сенга бир совға тайёрлаб қўйгандим, – жаноб Ганц унга пакетни узатди.

Элизабет яна бир шахмат бўйича китобни кўриш илинжида қоғоз пакетни очиб кўрди. Пакетда пушти қадоққа ўралган нарсa бор эди.

– Очиб кўр, – жилмайди жаноб Ганц.

Элизабет елим қоғозни очиб, мовий нақшли кўйлак кийган, малласоч пушти кўғирчоқ олди. Элизабет унга бир неча сония тикилиб турди.

– Ёқдими? – сўради жаноб Ганц.

– Яна ўйнаймизми? – деди Элизабет кўғирчоқни қўлида тутганча.

– Мен энди кетишим керак, – хўрсинди жаноб Ганц. – Кейинги ҳафтада келсам керак.

Элизабет бош ирғади.

Хонанинг бурчагида зайтун ёғидан бўшаган ахлат челақ қилиб қўйилган темир идиш турарди. Кутубхонага якшанба киносини кўришга кетаётиб, Элизабет шу ахлат қутисига кўғирчоқни ташлаб юборди.

* * *

Соғлом турмуш тарзи дарсида у дарсликнинг охирги саҳифасидаги расмни очди. Бир саҳифада аёл, иккинчисида эркак расми чизилганди. Расм фақат чизиқлардан иборат, соя ва ҳажмсиз эди. Эркак ва аёл қўллари эзиб, кафтини очиб турарди.

Ўқитувчи жаноб Хьюм бир кунда ҳеч бўлмаганда бир маҳал яшил баргли сабзавотларни ейиш лозимлигини гапирар ва уларнинг номларини доскада ёзарди. Элизабетнинг чап томонидаги деразадан гуллаган пушти камелия кўринарди. Элизабет суратда яланғоч одам расмини томоша қилиб, унда яширинган бир сирни топишга уринарди.

* * *

Кейинги якшанба жаноб Ганц яна келди, ўзи билан шахмат тахтаси ва доналарни олиб келди. Унинг тахтаси оқ-қора эди, доналар эса ёғоч идишчада қизил қопламага жойланганди. Доналар силлиқланган тахтадан ишланган – Элизабет уларда чизиқлар борлигини кўрди. Жаноб Ганц уларни жойлагунча қиз қўлини узатиб, битта отни қўлига олди. Бу шахмат доналари олдин ўйнаган доналаридан огирроқ, устунчасига эса яшил наमतдан айлана ўрнатилганди. Элизабет ҳеч қачон бирор нарсага эга бўлишни истамаган, аммо айтиш дамба шу доналарни жуда олгиси келди.

Жаноб Шейбел ҳам ўзининг оқ-яшил тахтасини доимги ўрнига жойлаштирди ва жаноб Ганцнинг тахтаси рўпарасига сут шишаси идишини қўйди.

Қуёш чарақлаб турар, ертўлага тепадан, етимхона ҳовлисидаги буталар орасидан нур таралиб турарди. Доналар бошланғич ўрнини эгалламагунча ҳеч ким бирор сўз демади. Жаноб Ганц Элизабетнинг қўлидаги отни секин олиб, жойига қўйди.

– Иккаламиз билан ҳам ўйнаб кўрасанми, деб ўйладик, – ниҳоят сўз бошлади у.

– Бир вақтдами? – сўради Элизабет.

У бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

Элизабет ўтирадиган идиш икки тахтанинг ўртасида турарди, иккала тахта ҳам унга оқ томон билан ўтирилганди. Иккаласида ҳам Элизабет пиёдани шоҳнинг тўртинчи қаторига юрди. Жаноб Шейбел сицилиянча ҳимоя билан жавоб берди, жаноб Ганц ҳам пиёдани тўртинчи қаторга сурди. Элизабетнинг ўйин давомини ўйлашига ҳожат қолмади, иккала юришга ҳам тезда жавоб бериб, нигоҳини ойнага қаратди.

Қизалоқ икки кишини осонликча мағлубиятга учратди. Жаноб Ганц доналарни яна жойига тахлади ва иккинчи партия бошланди. Бу сафар Элизабет иккала тахтада ҳам пиёдани фарзин филининг тўртинчи қаторига юрди – бу фарзин гамбити эди. Аввал фарзин пиёдасини, сўнгра фарзин филини тўртинчи қаторга юрди. У худди уйқудагидек бутун танасида енгиллик ҳис қилар, ярим тунда ичган етита дориси ҳали ҳам онгини эгаллаб турганди.

Элизабет ойнага қараркан, пушти гуллар унинг бутун диққатини ўзига тортди. Шунда бирдан жаноб Ганцнинг овози эшитилди:

– Бет, мен филни бешинчи қаторга юрдим.

У уйқу аралаш жавоб берди:

– От К-5 га.

Элизабетга бута баҳор қуёшида товланаётгандек кўринарди.

– Фил отнинг тўртинчи қаторига, – деди жаноб Ганц.

– Фарзин тўртинчи қаторга, – деди Элизабет тахтага ҳам қарамай.

– От фарзин филининг учинчи қаторига, – ғўлди-
ради жаноб Шейбел.

– Фил отнинг бешинчи қаторига, – ҳамон гуллар-
дан кўзини узмасди Элизабет.

– Пиёда отнинг учинчи катагига, – жаноб Ганц-
нинг овози мулойим эшитилди.

– Фарзин рухнинг тўртинчи катагига. Шоҳ! – деди
Элизабет.

Жаноб Ганц чуқур нафас олди. Бир муддатдан
сўнг, деди:

– Шоҳ филнинг биринчи катагига.

– Учта юришдан сўнг мот.

Элизабет ҳали ҳам ўгирилмай турарди.

– Аввалига от билан шоҳ бўлади. Шоҳнинг иккита
қора катаги бор, уларга фил ҳужум қилади. Кейин
от мот қўяди.

Жаноб Ганц чуқур ҳўрсинди.

– Ё, тавба! – ҳайратини яширолмади у.

ИККИНЧИ БОБ

Етимхонада шанба куни тушдан кейинги киното-
моша кўрилаётганди. Жаноб Фергюссен Элизабетни
сўраб келди ва уни Дирдорфф хонимнинг хонаси то-
мон олиб кетди. Бу «Тушлик чоғида ўзини тўғри ту-
тиш» деб номланган ўқув фильми эди, шунинг учун
Элизабет уни кўролмаганидан хафа бўлмади. Лекин
қўрқиб кетди – тарбиячилар черковдаги маъруза-
ларга қатнашмаётганини ёки дориларни йигаётга-
нини сезиб қолдимикин? Оппоқ кийинган жаноб
Фергюссен уни яшил полида оқ тирқишлари бўлган
кенг даҳлиздан олиб ўтгунича оёқлари қалтираб,
тиззаларида бўшлиқни ҳис қилди, чироқлар ёруғи-
дан кўзлари қамашди.

Кеча Элизабетнинг тугилган куни эди, аммо ҳеч ким табрикламади. Жаноб Фергюссен доимгидек бирор сўз демас, қиздан олдинда даҳлиз бўйлаб тез-тез юриб борарди. У «Хелен Дирдорфф – директор» ёзувли эшик олдида тўхтади. Оқ кофта кийган котиба қиз ичкарига кириши мумкинлигини, Дирдорфф хоним кутаётганини айтди. Элизабет катта ёғоч эшик дастасини очиб, ичкарига кирди. Директор хоним ўз столида, ёнидаги қизил курсида эса жигарранг костюм кийган жаноб Ганц ўтирарди. У Элизабет кирганида жилмайиб, ўрнидан бир оз қўзғалиб қўйди. Директор эса ўқувчисига четлари тошбақасифат кўзойнаги остидан назар солди.

– Элизабет... – гап бошлади Дирдорфф хоним.

Элизабет эшикдан бир неча одим нари туриб, директор хонимга қаради.

– Элизабет, жаноб Ганц менга айтдики, сен м-м... – у бурнидаги кўзойнагини тўғрилаб қўйди, – иқтидорли қиз экансан.

Дирдорфф хоним сўzlари инкор қилинишини кутаётгандек унга бир оз тикилиб турди, лекин Элизабет индамади. Ниҳоят, директор хоним гапида давом этди:

– У бизга ноодатий илтимос билан мурожаат қилди – сени Дункан юқори мактабига... – директор нигоҳини жаноб Ганцга қаратди.

– Пайшанба кунлари, – эслатди жаноб Ганц.

– Пайшанба кунлари, тушдан кейин жўнатишимизни сўради. Жаноб Ганц сен шахматни жуда зўр ўйнашингни айтяпти. У сени шахмат клуби аъзолари билан таништирмоқчи.

Элизабет жавоб бермади – қўрқуви ҳали ҳам кетмаганди.

Жаноб Ганц йўталди ва:

– Клубнинг ўн иккита аъзоси бор, уларнинг ҳаммаси билан ўйнаб кўришингни истайман, – деди.

– Хўш, нима дейсан? – қизикди Дирдорфф хоним. – Розимисан? Биз буни сайр деб расмийлаштиришимиз мумкин, – у жаноб Ганцга жилмайди, лекин кўзларида норозилик аломати бор эди. – Биз тарбияланувчиларимизга бу деворлардан ташқарида фойдали тажриба орттиришларига доим имкон берамиз.

Элизабет бундай меҳрибончилик ҳақида биринчи бор эшитиши эди, чунки бирорта боланинг етимхонадан ташқарига чиққанини кўрмаганди.

– Ҳа, – деди ниҳоят Элизабет. – Розиман.

– Яхши, – бош иргади Дирдорфф хоним. – Унда келишдик. Жаноб Ганц ва Дункан мактабидан бирор қиз сени пайшанба кунлари тушдан кейин олиб кетишга келишади.

Жаноб Ганц ўрнидан туриб, кетишга чоғланди. Элизабет ҳам унинг ортидан чиқиш учун турганида Дирдорфф хоним ўқувчисига қолишни буюрди.

– Элизабет, – ёлғиз қолишгач, гап бошлади у, – жаноб Ганцнинг айтишича, сен бизнинг қоровулимиз билан шахмат ўйнар экансан.

Элизабет нима дейишини билмай қолди.

– Ҳа, хоним, – деди ниҳоят.

– Бу қоидабузарлик, Элизабет. Сен унинг ёнига – ертўлага тушасанми?

Элизабет алдамоқчи бўлди-ю, лекин фикридан қайтди, ахир, Дирдорфф хоним осонгина ҳаммасини билиб олиши қийин эмас-ку!

– Ҳа, хоним, – такрорлади Элизабет.

Элизабет жаҳл билан даkki беришларини кутганди, лекин директорнинг овози негадир мулойим эшитилди:

– Бунақаси кетмайди, Элизабет. «Метуэн-Ҳоум» ўзининг юқори нуфузи билан машҳур, шунинг учун ертўлада шахмат ўйнашингга йўл қўёлмаймиз.

Элизабет қорнида яна оғриқни ҳис қилди.

– Адашмасам, ўйин хонамизда шахмат тахтаси бор эди, – давом этди Дирдорфф хоним. – Мен Фергюссенга уни қидириб кўришини айтаман.

Қабулхонада телефон жиринглаб, директор столидаги усқунанинг чироги ёнди.

– Шу гап, Элизабет. Дункан мактабига борганингда ўзингни яхши тут ва тирноқларинг тозалигига эътибор бер.

* * *

«Майор Хупл» комиксида бош қахрамон Бойўгли клуби аъзоси бўларди. Клубда эркаклар катта эски курсиларда ўтириб пиво ичишар, президент Эйзенхауэр ва унинг хотинлари бош кийимларига қанча пул сарфлашлари ҳақида суҳбатлашишарди. Майор Хупл жаноб Шейбелдек қорни катта киши эди, Бойўгли клубида кўлида қора пиво шишасини ушлаганча бирор нарса ғапирганида оғзидан сўзлар билан бирга кичкина кўпиклар ҳам отилиб чиқарди. У доим «Ҳм-м» ва «Ё, Худо!»га ўхшаган сўзларни айтарди. Шу клуб деб аталганди. Комиксдаги расмда хона «Метуэн-Ҳоум»даги кутубхонанинг ўқув хонасига ўхшаб кетарди. У ўн икки рақиби билан мана шундай хонада ўйнаса керак.

Бу янгиликни Элизабет ҳеч кимга айтмади, ҳатто Жолингга ҳам. Кечаси ёнбошлаб ётаркан, шахмат клуби ҳақида хаёл сурди. Ҳаяжондан кўнгли беҳузур бўларди. Бир пайтда шунча партия ўйнаш... эплай олмаса-чи? Элизабет ўгирилиб, юқорига қараб ётиб олди ва ухлаш кийимининг чўнтагини асабий титкилади. У ерда иккита дори қолган эди. Балки жаноб Ганц аввалига битта одам билан тўлиқ партия ўйнаб, кейин бошқасига ўтишни назарда тутгандир?

Қизалоқнинг ўйинини бир неча марта «феноменал» деб аташди. Луғатда бу сўзнинг маъноси шун-

дай ифодаланган эди: «ноодатий, ўзгача, ақл бовар қилмас».

Элизабет хаёлида шу сўзларни қайта-қайта так-
рорлайверди: «ноодатий, ўзгача, ақл бовар қилмас».

У шифтда бирданига ўн иккита шахмат тахтасини тасаввур қилишга уриниб кўрди, лекин фақат беш-
тасини аниқ кўра олди. Оқларни катта синф ўқув-
чиларига ҳавола қилиб, қора доналарни ўзи томон
ўгирди. Улар пиёдани шоҳнинг тўртинчи қаторига
юрганида ҳаммасига сицилиянча ҳимоя билан жа-
воб берди.

Бир вақтда бешта партияни ўйнашни эплади –
битта тахтага қараб турганда қолганлари унинг эъ-
тиборини кутиб туришарди. Йўлак охиридаги нав-
батчилар столдан яна овозлар эшитилди: «Соат
неча бўлди?» ва бошқа овоз жавоб қайтарди: «Ик-
кию йигирма». Шундай пайтларда онаси «Болалар
вақти», дерди. Элизабет тасаввурида бешта тахтани
гавдалантирганча ўйинни давом эттирди. Чўнтаги-
даги дорини эса унутди.

Эртаси куни жаноб Фергюссен ҳар доимгидек
қозон идишни узатди, аммо Элизабет қараганида
унда фақат иккита оловранг витамин бор эди, холос.
Қиз бошини кўтариб, дарчадан жаноб Фергюссенга
қаради.

– Бўлди, кейингиси, – деди у.

Элизабет ортидаги қиз ўзини туртганига қара-
май, жойидан жилмади.

– Яшили қани?

– Яшили энди йўқ, – бамайлихотир жавоб берди
жаноб Фергюссен.

Элизабет оёқ учида туриб, дарчадан мўралади.
Жаноб Фергюссеннинг орқасида тўртдан учи яшил

дорилар билан тўла катта шиша банка турарди. У ерда бир неча юзта конфетга ўхшаган дорилар бор эди.

– Ана-ку улар, – қўли билан кўрсатди Элизабет.

– Янги қонунга асосан биз бу дорилардан воз кечдик, – тушунтирди жаноб Фергюссен. – Энди болаларга транквилизаторлар бериш мумкин эмас.

– Ҳой, менинг навбатим, – шоширди Элизабетнинг ортида турган Глэдис.

Элизабет қимирламади. Огзини очганча ҳеч нарса дея олмай туриб қолди.

– Витамин олиш навбати меники, – ўшқирди яна Глэдис.

Баъзи кечалар шахмат ўйини қизалоқни шунчалик домига тортардики, кейин дорисиз ухлаб қоларди. Лекин бугун эмас. Элизабет шахмат ҳақида ўйлай олмади. Унинг тиш чўткаси идишида сўнги учта дори қолди, бир неча бор биттасини олмоқчи бўлди, лекин фикридан қайтди.

– Эшитишимча, ўзингни кўрсатишга кетаётган экансан, – Жолин шундай деди-ю, ниманидир ўйлаб, кулди. – Одамларнинг олдида шахмат ўйнар эмишсан.

– Сенга ким айтди? – сўради Элизабет.

Улар волейболдан кейин кийиниш хонасида ёлғиз қолишди.

– Қизалоқ, мен кўп нарсани биламан. Шахмат худди шашкага ўхшаган нарса, фақат доналар тахтада ақлдан озгандек сакрашади, шунақами? Менинг Хуберт амаким уларга қизиқади.

– Сенга мен ҳақимда Дирдорфф хоним айтдимми?

– Мен у хонимчанинг яқинигаям йўламайман, – Жолин сирли жилмайди. – Фергюссендан билдим. Унинг айтишича, сен индинга шаҳар марказидаги юқори мактабга бораркансан.

Элизабет дугонасига ишонқирамай қаради – етимхона ишчиларининг тарбияланувчилар билан сирлашадиган одати йўқ эди.

– Фергюссендан?!

Жолин унга яқинроқ келиб, жиддий тусда деди:

– Биз у билан дўстмиз. Фақат буни ҳеч кимга гапириб юрма, хўпми?

Элизабет бош ирғади.

Жолин нари кетиб, ҳўл сочини оқ спортчилар сочиғи билан қурита бошлади. Волейболдан кейин доим вақтни чўзса бўларди, дарсга киришдан олдин шошмасдан ювиниш ва кийиниш мумкин эди.

Элизабет бир муддат хаёлга чўмиб, секин шивирлади:

– Жолин...

– Ҳа!

– Фергюссен сенга яшил дориларни берадими? Ҳалиги, ортиқчаларини?

Жолин унга оғир нигоҳ билан қаради. Кейин юзи бир оз мулойимлашди.

– Йўқ, азизам. Қанийди берганида, лекин дорилар кимга қанча миқдорда берилаётганини қаттиқ назорат қилишади.

– Дорилар ҳалиям шу ерда. Катта шишада.

– Шунақами? Кўрмабман, – Жолин унга тикилиб турарди. – Менга кейинги пайтларда бир оз асабийдек туюляпсан. Хумор тутяптими?

Ўтган тунда Элизабет охирги дорини ичганди.

– Билмадим, – деди у.

– Кўрасан, яқин кунларда бу ерда сенга ўхшаган асабийлар кўпайиб қолади.

Жолин сочини қуритиб бўлиб, гавдасини кўтарди. Унинг ортидан ёруғлик таралиб турар ва Жолин ўзининг қалин жингалак сочлари, катта-катта кўзлари билан жуда чиройли кўринарди. Унинг ёнида ўтирган Элизабет эса ўзини кўримсиз, рангпар, кичкина ва хунук ҳис этарди. Яна қизалоқ бугун ўрнига дорисиз ётишдан ҳам кўрқарди. Ўтган икки тунда зўрга икки-уч соат ухлай олди. Кўзлари ичига қум кириб қолгандек ачишар, ҳозиргина ювиниб чиққан бўлса-да бўйни терга ботганди. Фергюссеннинг ортидаги яшил дорига деярли тўла шиша идишни ҳаёлдан бир зум кетказолмас, унинг ичидаги дорилар билан тиш чўткаси идишини юз марталаб тўлдириш мумкин эди.

* * *

Элизабет «Метуэн-Хоум»га олиб келишган кунидан бери автомобилга биринчи чиқиши эди. Етимхонада ўн тўрт ойдан бери яшаяпти. Онаси худди шундай қора автомобилда кўзига рулнинг ўткир бўлаги кириб кетгани сабабли ўлган. Бу ҳақда қизалоққа ёндафтарча кўтариб олган аёл айтганди. Ўшанда Элизабет унинг бўйнидаги холини томоша қилиб турган, бу хабардан ҳеч нимани ҳис қилмаган эди. Аёл қизалоққа онаси «энди йўқ»лигини, уч кундан сўнг ёпиқ тобутда унинг дафн маросими бўлишини айтганди. Элизабет тобут нималигини билмасди – тобутларда Дракула ётарди. Отаси эса ҳалокатдан бир йил аввал, онасининг айтишича, «бекорчи ҳаёт кечиргани учун йўқ бўлган»ди.

Ҳозир Элизабет машинада Ширли исмли катта ёшли жуда тортинчоқ қиз билан ёнма-ён ўтириб кетарди. Ширли шахмат клуби аъзоси. Машинани жаноб Ганц ҳайдаяпти. Элизабетнинг қорнида алланарса тугилиб, тикандек қадалиб қолди. У тишини

тишига қўйиб базўр чидар ва ўзини чалғитмоқчи бўлиб тўғрисига – жаноб Ганцнинг боши, йўл-йўл ёқаси, олдинда кетаётган ва тўғридан келаётган машина ва автобусларга қараб борарди.

Ширли суҳбатлашишга уриниб кўрди:

– Шоҳ гамбитини қандай қилишни биласанми?

Элизабет бошини қимирлатиб қўйди, у гапиришга қўрқаётганди.

Элизабет бир неча кундан бери жуда кам ухлаган, бу кеча эса умуман ухламагани учун карахт аҳволда эди. Шу кеча йўлак охиридаги столда Фергюссенинг навбатчи аёл билан гаплашгани, уларнинг кулишгани эшитилиб турганди. Фергюссен дўриллаб кулганидан кулгиси Элизабет ётган тор ётоққа ҳам кириб келган.

Кундузи эса кутилмаган ҳодиса рўй берди. Улар машинага ўтираётганда Жолин югуриб келди, жаноб Ганцга қараб: «Бетни бир дақиқага мумкинми?» деб сўради. Жаноб Ганц рухсат бергач, уни чеккага тортиб, кафтидаги учта яшил дорини узатиб, деди:

– Мана, қизалоқ, бу сенга керак деб ўйладим.

Жаноб Ганцга раҳмат айтиб, қўлтиғига география китобини қисиб олганча синфга шошиб кетди.

Лекин дорини ичиш қийин эди. Улар шу ерда, шундоққина чўнтагида турибди. Элизабет эса кўрқувдан карахт бўлиб қолган, томоғи қақраб кетганди. У дорини оғзига солиб юборса, буни ҳеч ким кўрмасди, лекин бунга журъати етмаётган эди. Салдан кейин манзилга етиб олишади. Элизабетнинг эса тинмай боши айланарди.

Машина светофор ёнида тўхтади – чорраҳанинг нариги тарафида «Пюар Ойл» ёқилғи шохобчаси турарди.

Элизабет йўталиб қўйди.

– Мен ҳожатхонага бориб келаман.

– Ўн дақиқадан кейин етиб борамиз, – деди жаноб Ганц.

У қатъият билан бошини сарак-сарак қилди:

– Унгача чидолмайман.

Жаноб Ганц яшил чироқ ёнгач, шохобчага бурилди. Элизабет тезда «А» ҳарфли хонага кириб, ичидан қулфлаб олди. Хона ирkit, оқ деворлари сарғайиб кетган, раковинаси синганди. Совуқ сув кранини очиб, дориларни оғзига солди, кафтига сув олиб, ичиб юборди ва шу лаҳзадаёқ ўзини енгил сизди.

* * *

Синфхона катта, деворда учта қора доска илинган. Ўртадаги доскада оқ бўрда катта ҳарфлар билан шундай сўзлар ёзилганди: «ХУШ КЕЛИБСАН, ЭЛИЗАБЕТ ҲАРМОН!» Доска устида Президент Эйзенхауэр ва Бош вазир Никсоннинг суратлари илинганди. Синфдан деярли ҳамма парталар олиб чиқилиб, даҳлиздаги деворга тираб қўйилган, қолганлари эса хонанинг тўрига суриб қўйилганди. Ўртада йиғиладиган столлар «U» шаклида териб қўйилган, ҳар бирида тўрттадан яшил-сарғиш картон шахмат тахтаси жой олганди. Қора доналар қаршисига темир ўриндиқлар жойлаштирилган, оқ доналар томонда эса ўриндиқ йўқ эди.

Ёқилги шохобчасида тўхташганидан йигирма дақиқа ўтди, асабий титроқ кетди, лекин Элизабетнинг кўзлари ҳали-ҳамон ачишиб, мушаклари зирқирарди. Элизабет чўнтак қисмида қизил ҳарфлар билан «Метуэн-Ҳоум» деб ёзилган оқ кофта ва тўқ кўк рангли бурма-бурма юбка кийганди.

Улар киришганда хонада ҳеч ким йўқ эди – жаноб Ганц чўнтагидан калитни олиб, хона эшигини очди. Бир дақиқа ўтгач, мактаб қўнғироғи чалинди ва даҳ-

лиз қадам товушлари ва шовқинга тўлди, синфхонага ўқувчилар, асосан, ўғил болалар кира бошлади. Болалар катта ёшда, деярли катта кишилардек эди – бу юқори синф ўқувчилари ўқийдиган мактаб эди.

Элизабет бир зум қаерга ўтиришини билмай шошиб қолди-ю, агар ҳамма билан ўйнаса ўтиролмаслигини, юриш учун у тахтадан бунисига ўтишига тўғри келишини тушунди.

– Ҳой, Аллан, қара! – деди болалардан бири бошқасига Элизабет томонга ишора қилиб.

Элизабет бирданига ўзини четдан кўргандек бўлди: кичкина, хунук, каштанранг сочли, одми етимхона мактаб кийимидаги қиз. Элизабет бу ердаги ёрқин свитер кийган сурбет ва бепарво болалардан икки баравар кичик эди. Шунданми, ўзини бечора ҳол ва бесўнақай ҳис қиларди. Аммо ўзига таниш доналарга нигоҳи тушиши билан ноқулайлик ўрнини ишонч ҳисси эгаллади. Унинг учун оддий мактабда жой бўлмаслиги мумкин, лекин шу ерда, мана шу ўн иккита шахмат тахтаси ёнида аниқ жой бор.

– Ўтиринг ва жим бўлинг, илтимос, – доимгидан бошқача оҳанг билан гапира бошлади жаноб Ганц. – Чарльз Леви энг яхши шахматчимиз сифатида биринчи рақамли тахтада ўйнайди, қолганлар, истаган жойга ўтиришингиз мумкин.

Ҳамма бирдан жим бўлиб, Элизабетга қаради. У ҳам ҳаммага бирма-бир киприк қоқмай қараб чиқди ва юрагида тундек қора нафрат ҳиссини туйди.

Элизабет жаноб Ганц томон ўгирилиб, сўради:

– Қаердан бошлай?

– Биринчи рақамдан.

– Кейин наригисига ўтайми?

– Ҳа.

Бет жаноб Ганц уни болаларга таништирмаганини эндигина эслади. Қиз биринчи рақамли тахта

ёнига яқинлашди – қоралар томонда Чарльз Леви ўтирарди – қўлини чўзиб шоҳ пиёдасини олди ва тўртинчи қаторга юрди. Шахмат мактаби ўқувчилари Элизабет кутганидан анчагина ёмон ўйнашарди. Истисносиз барчаси. Қизалоқ ҳатто шахматни эндигина ўйнашни бошлаган пайтидаёқ улардан яхшироқ ўйнар ва кўпроқ нарсани тушунарди. Шахмат мактаби ўқувчилари тахтадаги қолоқ пиёдаларни⁸ илгашмас, доналари эса ўз-ўзини «санчқи»⁹ остига ташларди. Баъзи ўйинчилар қаттиқ ҳужум қилишга уринишар, Элизабет эса уларни пашшани ҳайдагандек осон бартараф қилар, бир тахтадан бошқасига зигирча асабийликни ҳис қилмасдан тез ўтарди. Ҳолатни баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун ҳар бир тахта олдида бир сониягина турарди. У тез, қатъий ва хавфли юришлар уюштирарди. Чарльз Левини энг яхши ўйинчи, деб аташганди, Элизабет эса бу ўйинчининг барча доналарини ўн икки юришда ҳимоядан маҳрум қилди ва яна олти юришда фил-рух ёрдамида мот қилди.

Элизабетнинг онги равшан, ақли ўткир эди, қалби шахмат доналари рақсига монанд куйларди. Синфдан бўр чангининг ҳиди анқиб турар, етимхона пойабзали унинг ҳар юришида гичирлаган овоз чиқарарди. Ҳамма жим. Элизабет ўзини эътибор марказида тургандек ҳис қилди – кичкина, аммо муҳим, ҳамма нарса бошқариладиган нуқтадек. Ойна ортида қушлар чирқиллар, қиз эса бу овозларни эшитмасди. Ташқаридан алақандай болалар шаҳар четидаги етимхонадан келиб, ўйинчилар атрофида шахдам қадамлар билан юриб, Цезарнинг

⁸ «Қолоқ пиёда» ўз рангидаги пиёдалар билан бир горизонтал қаторда туролмайди, ҳимояни йўқотади ва ўз майдонига халал беради.

⁹ «Санчқи» – рақибнинг бир нечта донасига бир мартада ҳужум қилиш.

жанг майдонидаги қатъияти каби ҳаракатланаётган оддийгина қизалоқни бир кўриш учун девор олдига тизилишганди.

Хонада ўн иккига яқин томошабин йиғилди. Кимдир мийиғида кулар, кимнидир эсноқ тутар, кўпчилик хонада кучли қувват ҳосил бўлганини, бу эски деворлар ўзининг узоқ тарихи давомида аввал кўрмаган ҳодиса рўй бераётганини ҳис қилишарди.

Умуман олганда, қизалоқ қилаётган ишлар жуда оддий эди. Лекин унинг ўзгача идрок қуввати синфхонада чакнаб турар, шахматни тушунганларгина бу ўтни ҳис қила оларди. Ёш шахматчининг ҳар бир юриши қувватнинг сочилиши эди.

Бир ярим соатларда Элизабет бирор хато ёки керак бўлмаган юришсиз ҳамма рақибларини мағлубиятга учратди. Ниҳоят, тўхтаб, атрофига қаради. Қулаган доналар тахталар ёнида бир уюм бўлиб турарди. Бир нечта юқори синф болалари ундан кўз узмай кузатишарди.

Хонада қарсак эшитилди. Элизабетнинг яноқлари қизарди. Унинг қалби яна ўйин тахтасидаги хавфли вазиятлар томон интиларди. Энди хонада жозибали ҳеч нарсаси қолмаган, Элизабет яна куч ва қудратсиз қолган кичкина қизалоққа айланиб улгурганди. Жаноб Ганц голибга икки фунт турадиган бир кути Уитманс¹⁰ шоколадли конфетларни ҳадя қилди ва машинага кузатиб қўйди. Ширли орқа ўриндиққа жимгина Элизабетга тегинмасликка уриниб, ўтириб олди. Яна шундай жимликда «Метуэн-Ҳоум»га етиб боришди.

Ҳар доимгидек, соат бешда уй вазифаси бажариларди. Элизабет ўқиш хонасида базўр ўтирарди. У хаёлан тагин шахмат ўйнашга уриниб кўрди, лекин энди юқори мактабдаги галабасидан сўнг хаёлий

¹⁰ «Уитманс» – эски Америка шоколад бренди.

тахта ва доналар қизалоққа ночор ва арзимасдек бўлиб кўринди. Эртага назорат иши бўлгани учун география китобини ўқишга киришди, унда, асосан, расмлар бор эди, қиз эса расмларда ҳеч қандай маъно кўрмасди. Ўқиш хонасида Жолин йўқ эди. Элизабет дугонасини жуда кўргиси, яна яшил дорилари бор-йўқлигини сўрагиси келди. Кофтасининг чўнтагини қаттиқ думалоқ нарса чиқиб қолармикин деган умидда қайта-қайта текширди. Лекин чўнтаги бўш эди. Жолин кечки овқат маҳали пайдо бўлди. У худди ҳеч нарса бўлмагандай ошхонада спагеттини паққос туширарди. Элизабет кириб, патнисни олди-ю, овқат олмасдан тўғри унинг столига келди. Жолиннинг рўпарасида яна бир қора танли қиз – янги келган Саманта ўтирарди. Улар нима ҳақдадир гаплашишаётганди.

Элизабет уларнинг ёнига келиб, сўради:

– Яна борми?

Жолин хўмрайиб, бошини қимирлатди.

– Оммага чиқиш қандай бўлди? – қизикди у. – Қовун туширмадингми?

– Йўқ. Сенда битта бўлсаям борми?

– Қизалоқ, бу ҳақда бошқа эшитишни истамайман! – жаҳл билан юзини ўтирди Жолин.

* * *

Шанба куни кундузги кинотомошада «Ёпинчиқ»-ни кўрсатишди. Бу Виктор Мэтьюр¹¹ ижросидаги юқори савияли фильм эди. Томошага ҳамма тарбиячилар йиғилишди – вужуди кулоқ бўлиб, охирги курсилар қўйилган қаторда, пириллаётган проектор

¹¹ «Ёпинчиқ» – Америка бадийи фильми (1953 й.) – Рим империясининг библияча мотивлари. Виктор Мэтьюр (1913 – 1999), америкалик киноактёр, фильмда кул Деметрий ролини ўйнайди, унинг хўжайини Исонинг қўйлагини қиморда ютиб олади.

ёнида ўтиришарди. Элизабет фильмни ярим соатча ярим юмуқ кўзлари билан томоша қилди – уйқусизликдан қизарган кўзлари ачишарди. Пайшанба кечаси умуман ухламади, жумада эса бир соатча дам олди, ошқозони бураб оғрир, огзида тагин сирка мазасини ҳис қилаётганди. Ўриндиғида букилиб, қўлини юбкасининг чўнтагига тиқиб, эрталаб яшириб қўйган бурагични қаттиқ сиқди. Бурагични эрталаб нонуштадан кейин ўғил болалар томонга ўтиб, устахонадан ўтирлаб чиққанди. Бу воқеага ҳеч ким гувоҳ бўлмади.

Элизабет бурагични қўли оғриб кетгунча қаттиқ сиқиб, чуқур нафас олди. Ўрнидан туриб, жаноб Фергюссен қоровуллаб ўтирган эшик томон юрди.

– Ҳожатхонага, – пичирлади Элизабет.

Жаноб Фергюссен экрандаги гладиаторлар сахнасидаги Виктор Мэтьюрдан кўз узмай, бош силкиди.

Элизабет ранги ўчиб, баъзи ерлари шишиб кетган полда тез юриб, тор йўлакдан ўтиб олди, қизлар ётоқхонаси, «Насронийлар интилишлари» журна-ли ва «Ридерз дайджест»дан танланган китоблар рўйхати жой олган дам олиш хонасидан ўтиб, тўғри «ДОРИХОНА» ёзувли қулф илинган дарчага борди.

Хонада бир нечта кичкина ёғоч ўриндиқлар бор эди. Элизабет улардан бирини олди. Яқин орада ҳеч ким йўқ, фақат кутубхонадан келаётган жанг сахна-лари овози ва ўзининг қадам товушлари эшити-ларди. Қадамлари ўзига жуда баланддек туюларди. Элизабет дарчага ўриндиқни тўғрилаб, устига чиқ-ди. Қулф кўзининг рўпарасида турарди. Ичкариси тўсиқли хира ойна атрофи ёғоч ром билан ўралган, қалин оқ эмал билан қопланганди. Элизабет темир михларни яхшилаб кўздан кечирди. Улар ҳам эмал-ланган эди. Элизабетнинг қошлари чимирилди, юраги янада тез ура бошлади.

Отаси ичмаган камдан-кам кунлардагина уйдаги майда-чуйда ишлар билан шуғулланарди. Уй жуда эски ва шаҳарнинг қашшоқ мавзесида жойлашган, барча ёғоч қисмлари қалин эмал билан қопланган бўларди. Беш-олти яшар Элизабет отасига чироқ ёққич ва ток улагичларни бурагич билан ечиб олишда ёрдам берарди, шундай вақтларда отаси қизини мактаб қўярди. «Сен жуда тез ўрганияпсан, тилла қизим», дерди у ва Элизабет бундай мактовлардан сўнг ўзини жуда бахтли ҳис қиларди. Агар михлар бўёқ билан қопланган бўлса, отаси: «Кел, дандан сенга қарашиб юборади», дерди.

Элизабетнинг хаёлини бир зум шундай ўйлар эгалларкан, иложсизлик ва чалкашлиқдан бир зум бўғилиб кетгандек бўлди. Шу вақт гладиаторлар сахнасидаги қичқиришлар янада кучайиб, мусиқа овози баландлашди.

Ўриндиқдан тушиб, ўз жойига қайтишига тўғри келади, шекилли. Лекин бундай қилса, аввалги ҳолатдан қутулолмайди – кечкурун яна ётоғида ётганида эшик тирқишидан кўзига ёруғлик тушади, даҳлиздаги овозлар қулоғига чалинади, оғзида сирка таъми пайдо бўлади, танаси оғирлашади. Элизабет мушти билан бурагични қаттиқ сиқиб туриб, бирма-бир михларга тикиб чиқди. Ҳеч нима рўй бермади. Тишини тишига қўйиб, хаёлидаги қайсидир фикрни боши билан тасдиқлади-ю, бурагичнинг учи билан бўёқни қира бошлади. Отаси айнан шундай қиларди. У бурагични иккала қўли билан ушлаб, оёқларини ўриндиққа қаттиқ тираб турарди. Бўёқнинг бир қисми осон кўчди ва тагидан михнинг боши кўринди. Яна кўчиришда давом этди. Ниҳоят, эмалнинг катта қисми кўчиб тушди.

Элизабет бурагични ўнг қўлига олиб, учини михнинг бошига тираб, отаси ўргатганидек чапга бура-

ди. Айни дамда у нима қилишни эслаганди, ҳар ҳолда, хотираси ёмон эмас экан. Аммо бор кучи билан бураса-да, ҳеч нима ўзгармасди. Бурагични чиқариб, икки қўли билан ушлади ва яна тиради. Билаклари, тирсакларини ҳам ишлатиб, қўлларининг оғриғига чидаб бўлмай қолгунича қаттиқ буради. Ниҳоят, нимадир қирс этди ва мих айлана бошлади. Элизабет михни яхшилаб бураб чиқариб, қўли билан олиб ташлади ва кофтасининг чўнтагига солди. Иккинчи михни ҳам чиқарди. Бу пластинада тўртта – ҳар томонда биттадан тешик бор эди. Лекин фақат иккита мих уни ушлаб турарди.

Элизабет охирги бир неча кун витамин олиш мақсадида дарчага яқинлашганида қулфни яхшилаб ўрганиб олган, ҳар сафар яшил дорилар ҳали ҳам ўз жойидалигига амин бўлиш учун ичкарига қарарди.

Иккинчи михни ҳам чўнтагига солди. Темир бўлаги энди иккинчи ташқи ромга маҳкамланган пластинада қулфга илиниб, осилиб қолди. Энди темирнинг фақат биттасини ечиб олиш етарли эканини тушуниш қийин эмасди, лекин аввалига Элизабет уларнинг иккисини ҳам ечишга тўғри келади деган қарорга келганди. Шу йўл билан бир оз орқага тисарилиб, ромни олиб ташлаш учун ойнани ўзига тортди ва боши билан дарчадан кириб олди. Шифтдаги чирок ўчирилган эди, лекин Элизабет қоронгида ҳам шиша банкани топа олди. Қўлини дарчадан тикиб, оёқ учида туриб, токчага қорни билан осилди. Тор дарчага амаллаб суқилиб кирди, оёқлари ўриндикдан кўтарилди, токчанинг чети қаттиқ ботиб, худди пичоқ билан кесаётгандек туюлди. Элизабет оғриққа эътибор бермади, суқилиб киришда давом этди, бирдан кофтаси йиртилаётганини эшитди, аммо бунга ҳам эътибор бермади – жавонда яна битта кофтаси бор, алмаштириб олса бўлади. Ниҳоят,

қўли токчанинг тагидаги совуқ ва силлиқ темир стол юзасига тегди. Жаноб Фергюссен витамин тарқатаётганида шу столда ўтирарди. Элизабет яна илгарилаб, қўлига тиранди. Столда турган бўш қутиларни итариб, ўзига жой очди. Энди қимирлаши осонлашди. Ниҳоят, Элизабет ичкарида! Бир оз хансираб, столдан пастга тушди. Дарчадан тушиб турган ёруғлик буюмларни таниб олиш учун етарли эди. У тор хоначанинг тўрига бир қадам босиб, шиша қопқоқ билан ёпилган банка олдида тўхтади. Қопқоқни товуш чиқармай очиб, столга қўйди. Банканинг кенг огзидан секин қўл солди. Бармоқлари ўнлаб, юзлаб дориларнинг сирпанчиқ юзасига тегди. Қўлини биллагигача тикди, чуқур нафас олиб, нафасини ушлаб турди. Ниҳоят, муштида бир сиқим дорини ушлаганча банкадан ўнг қўлини чиқарди. Дориларни санамай бирданига оғзига тикиб юборди ва ютди. Шундан сўнг яна уч сиқим дори олиб юбкасининг чўнтагига солди. Ойнанинг ўнг ёнида қоғоз идишчалар қутиси турарди.

Элизабет оёқ учида туриб, унга қўлини узатди ва тўртта стакан олди. Ўтган тунда яхшилаб ўйлаб, шунча миқдорда тўхталганди. Тўртта стаканни банканинг ёнига териб, бирма-бир тўлдирди. Бир қадам орқага юриб, банкани кўздан кечирди. Банка ичидаги дорилар деярли яримлаб қолгани шундоққина кўриниб турарди. Бу муаммонинг ечими йўқ, дорилар йўқолганини пайқашганда нима бўлишини кутиш керак, деган қарорга келди Элизабет. Стаканларни столда қолдириб, жаноб Фергюссен дори тарқатиш учун кирадиган эшикка борди – уни ичкаридан очиб чиқиш ва дориларни ётоғи олдидаги тортмада турган бўш қоғоз сочиқчалар идишига солиб қўйса бўлди – олам гулистон. Устини бир-иккита сочиқ билан ёпиб, тоза ич кийим ва

пайпоқлар тагига қўйса, ҳеч ким тополмайди. Лекин эшик очилай демасди. Элизабет гира-ширада думалоқ ушлагич ва қулфни пайпаслади. Бирдан нафаси ҳалқумига тикилди, қўллари мурдадек қотиб қолди. Эшикни шунчаки очиб бўлмаслиги ҳақидаги хаёллари ўз тасдиғини топди: уни ичкаридан очиш учун ҳам калит керак эди. Боя кирган дарчасидан тўрт стакан дори билан қайтиб чиқиш эса имконсиз. Элизабетни қаттиқ титроқ босди. Кинотомошада Фергюссен унинг ҳалиям қайтмаганини пайқаб қолади. Проектор ўчади, болалар дам олиш хонасига қайтади, Фергюссен уларни санаб чиқади Элизабет эса дорихонада. Титроқдан ҳам кўра иложсизлик ҳисси ёмон эди. Уни уйдан олиб кетиб, шу етимхонага қамашганда, йигирмата нотаниш қиз билан бир хонада ётишга ва туни билан йўлақдан келадиган товушларни эшитишга маҳкум қилишгандаги юракни музлатадиган даҳшатли ҳис эди бу. Уйида ота-онаси билан яшаган пайтларида, улар ёруғ ошхонада баланд овозда бақириб уришишганда қизалоқ меҳмонхонадаги йиғиладиган ётоқда ётар ва шундай иложсизликни ҳис этар, тузоққа тушгандек қўл-оёқлари қотиб қоларди. Меҳмонхона ва ошхона ўртасидаги эшик остидан чироқ ёруғи билан бирга ота-онаси бир-бирига бақириб айтаётган ҳақоратли сўзлар кириб келарди.

Элизабет дорихона эшигини қаттиқ ушлаб олиб, ҳансираганча узоқ туриб қолди. Ниҳоят, юрак уриши бир оз ўзига келди, оёқ-қўллари ишлай бошлади. Бу ердан истаган вақтда чиқса бўлади. Чўнтаклари дорига тўла. Қоғоз стаканларни ойна тагидаги оқ столга қўйиб, чиқиб олгач, бирма-бир олса бўлади. Элизабет буни шахмат тахтасидаги доналар сафидек аниқ тасаввур қилди. Қалбида юқори синф ўқувчиларини ютган кунидегидек тантанавор ҳисни туй-

ганча стаканларни столга қўйди. Тўртинчи стаканни қўйгач, банкага қараб қолди. Фергюссен дорилар ўғирланганини тушунади – буни пайқаш қийин эмас.

Отасининг кўпинча айтадиган «Бир дайм¹² учун ҳам шу, бир доллар учун ҳам», деган гапи ёдига тушди. Элизабет банкани стол устига қўйиб, стаканлардаги дориларни унга қайтариб солди. Бир қадм ортга юриб, қайта кўздан кечирди. Ташқарига чиқиб, ойнадан қўлини тикиб, банкани олса бўлади. Уни қаерга яширишни ҳам ўйлаб қўйди. Қизлар ётоқхонасининг омборидаги ҳеч ким ишлатмайдиган жавонга қўяди. Омборда фаррошга керак бўлмаган мис челақ бор – банка шу жойга сигади. Омборда нарвон ҳам бор, у билан тепадаги жавонга чиқиб, биров кўриб қолишидан кўрқмаса ҳам бўлади, қизларнинг хонаси ичкаридан қулфланади. Йўқолган банкани қидириб, ётоқхонада тинтув ўтказишса-ю, уни топиб олишса ҳам дориларни айнан Элизабет Ҳармон ўғирлаганини исботлашолмайди. Қизалоқ дориларни кам-камдан олади ва уларнинг жойини ҳеч кимга, ҳатто Жолинга ҳам айтмайди.

Бир оз аввал ичиб юборган дориларнинг таъсири бошланган, Элизабетда олдинги титроқ ва асабийликдан асар ҳам қолмаганди. Шундан сўнг жаноб Фергюссеннинг оппоқ столига чиқди, дарчадан бошини чиқариб, дам олиш хонасига кўз ташлади – ҳеч ким йўқ. Шиша банка чап оёғидан бир неча дюйм нарида турарди. Дарчадан суқилиб ташқарига чиқди, ўриндиққа оёғини қўйиб олди. Яна бир марта пастга қаради, ўзини хотиржам ва кучли сезарди қизалоқ. Дарчадан бир оз эгилиб, қўлини столдаги банкага узатди ва икки қўли билан огзидан ушлаб олди. Бутун танасида ажойиб енгиллик ҳосил бўлди.

¹² Дайм – 10 центли танга.

Бўшашиб, ҳаракатлари секинлашди ва банкадаги яшил дори уммонига тикилиб қолди.

Кутубхона томондан шўх мусиқа янграрди. Элизабетнинг товони ҳали ўриндиқдан узилмай туриб, ўзи ўткир пичоқдек ойна ромидан токчанинг ўткир бурчини ҳам сезмай сирпаниб ўтди. Худди латта қўтирчоққа айланиб қолгандек эди. Қизнинг нигоҳи бир нуқтага жамланди ва банкадаги яшил ранглардек чақнади.

«Элизабет!» Овоз миясининг аллақаеридан келди. «Элизабет!» Қизалоқ юзини бужмайтирди: бу аёл кишининг овози эди – кескин ва ёқимсиз, худди онасиники каби. У ортига ўгирилмади. Банкани ушлаган бармоқлари бўшашди. Элизабет дориларни қаттиқ қисиб, банкани ўзига тортди.

Айни паллада Элизабет секинлаштирилган кинога тушиб қолгандек бўлди – родеода кимдир отдан йиқилганда ҳамма нарса шундай секинлашади, чавандоз ерга худди ҳеч қаери урилмайдигандек оҳиста тушади. Қизалоқ банкани кўтарди-ю, шарт бурилди: шиша ойна ромига урилиб, жаранглаб кетди, билаги букилиб, банка қўлидан чиқиб кетди ва ўриндиқ бурчига тегиб, чил-чил бўлди. Шиша бўлаклари яшил дорилар билан полнинг ҳар томонига сочилиб, чиннидек товлана бошлади, яшил дорилар шаршарадек сочилишда давом этиб, нақ Дирдорфф хонимнинг оёғи остигача ёйилди. Дирдорфф хоним ундан бир неча қадам нарида туриб, бир неча марта «Элизабет!» дея такрорлади. Дорилар тўхтагунича анча вақт ўтгандек туюлди қизалоққа.

Дирдорфф хонимнинг ортида ҳар доимгидек оппоқ кийинган жаноб Фергюссен ва жаноб Шелл турарди, уларнинг орқасида нима бўлаётганига қизиқиб болалар йигилганди. Ҳозиргина қоронғи кутубхонадан чиққан болалар чироқ ёругидан кўзлари

қамашиб, кўзларини тез-тез пирпиратишарди. Дам олиш хонасидагиларнинг ҳаммаси Элизабетдан нигоҳини узмас, қизалоқ эса ўзининг кичик ўриндигида қотиб турар, қўллари худди шиша банкани ушлаб тургандек олдинга чўзилганди.

Фергюссен жигарранг хизмат машинасида қизни шифохонага олиб борди. Шифохонада Элизабетга кулранг резина трубкани ютишга мажбур қилишди. Бу қийин эмасди. Ҳозир унга ҳеч ниманинг фарқи йўқ, кўз олдида шишадаги яшил дорилар уммони кўпириб турарди. Элизабет ухлаб қолди, фақат кимдир қўлига нина тикқанида бир сониягагина уйғонди. Шифохонада қанча вақт ўтказганини билмайди, лекин кечқурун ётиб қолмагани аниқ. Фергюссен уни ўша кунийёқ етимхонага қайтариб олиб келди. Элизабет олд ўриндиқда, уйгоқ, лекин қимирламай келарди.

Шифохона Фергюссен охириги курсда ўқийдиган университет ҳудудида жойлашган. Машина ойнасидан у Психология факультетига ишора қилиб, деди:

– Мен анави ерда ўқийман.

Элизабет бошини қимирлатиб қўя қолди. У Фергюссенни партада ўқувчидек ўтирганини, назорат иши ёзаётганини, хожатга чиққиси келганида қўлини кўтаришини тасаввур қилди. Негадир Элизабет бу одам ҳақида ҳеч қачон илиқлик билан ўйламаган, уни ҳамма тарбиячилар каби тасаввур қиларди.

– Ё, Худо, қизалоқ, мен Дирдорфф габадан ёрилиб кетса керак, деб ўйладим, – деди у.

Элизабет индамайгина дарахтлар машина орқасига ўтиб кетишини кузатиб борарди.

– Нечта дорини ичиб юбординг? Йигирматами?

– Ҳисоблаганим йўқ.

Фергюссен кулди.

– Унда ҳозирча роҳатлан. Эртага яна хумор қила бошлайди.

* * *

«Метуэн-Хоум»га етиб келгач, Элизабет тўғри ётоғига бориб, ўн икки соат қаттиқ ухлади. Эртасига нонуштадан сўнг, яна аввалгидек жим ва сокин Фергюссен уни Дирдорфф хонимнинг хонасига олиб бориш учун келди. Негадир Элизабет айни шу дамда қўрқувни ҳис қилмаётганди. Банка чил-чил бўлди, дорилар энди йўқ, лекин қизалоқ яхши ҳордиқ чиқарган, ўзини тетик ҳис қиларди. Чунки эрталаб кийинаётиб кутилмаган ҳодисага дуч келди: қалин юбкасининг чўнтагида унинг қўлга тушгани, шифонага бориб келгани, ечиниб-кийинганига қарамай жойида қолган йигирма учта яшил дори турарди. Дориларни сигдириш учун Элизабет тиш чўткасини олишига тўғри келди.

Дирдорфф хоним уни бир соатча куттирди. Элизабет бунинг учун унча қайғурмади, даҳлизда ўтирганча географик журналда соҳил бўйидаги тош ғорларда яшаган ҳиндулар қабиласи – қора сочли, тишлари хунук жигарранг одамлар ҳақидаги мақолани ўқиб ўтирарди. Суратда болалар кўп эди, уларнинг кўпчилигини катталар кўтариб ёки қучоқлаб турарди. Бу ҳолат Элизабетга жуда ғалати кўринди. Чунки уни шу вақтга қадар ҳеч ким қучоқлаб, бағрига босмаган. Элизабет хаёлларини Дирдорфф хонимнинг чарм камарига кетишига йўл қўймади. Агар директор хоним уларни қўлламоқчи бўлса, қизалоқ қочиб қолишни эпласа керак. Элизабет кеча ўзини жиноят устида ушлаб олишлари ҳар қандай жазога муносиб топилишини сезиб турарди. Элизабет яна етимхона раҳбарияти болаларни транквилизатор билан заҳарлаб келгани учун бу ишда ўзларининг ҳам айби борлигини тушунаётганини, демак, ишни бости-бости қилиш қийин бўлмаслигини ҳам фаҳмлаб турарди.

* * *

Дирдорфф хоним қизга ўтиришни таклиф қилмади. Директорнинг хонасидаги диванда жаноб Шелл, қизил курсига эса Лонсдейл хоним жойлашганди. Лонсдейл хоним черковда маъруза қиларди. Элизабет якшанба кунлари ертўлага фаррош билан шахмат ўйнаш учун қочишни бошлашдан аввал унинг маърузаларини етарлича эшитган. Маърузалар асосан насронийлик ибодатлари ҳақида ва яна дунёда ёмон нарсаларнинг жуда кўплиги ҳақида бўларди. Айнан қандай ёмон нарсалар ҳақида – Лонсдейл хоним гапирмасди.

– Биз сенинг хулқингни бир соат муҳокама қилдик, Элизабет, – деди Дирдорфф хоним ўқувчисига совуқ назар солиб.

Элизабет унга қараб индамай турарди.

Айни пайтда шахматга ўхшаш ҳолат содир бўлаётганини ҳис қиларди – шахматда эса рақибингга кейинги юришингни билиб олишга йўл қўймаслик олтин қоида сифатида ўргатилади.

– Қилган ишингдан ҳаммамиз ҳайратда қолдик, Элизабет. Ҳеч қачон... – Дирдорфф хонимнинг ияги, мушаклари темир симлардек тортилди, – «Метуэн-Хоум» тарихида ҳеч қачон бундай шармандагарчилик бўлмаганди. Бу ҳолат бошқа қайтарилмаслиги керак.

– Сен ҳафсаламизни пир қилдинг... – гапга қўшилди жаноб Шелл.

– Мен дориларсиз ухлай олмайман.

Қизнинг бундай жавобидан ҳамма ҳайратга тушди ва анчагача жим қолишди.

Ниҳоят, Дирдорфф хоним гап бошлади:

– Айнан шунинг учун бу дориларни бошқа ичмаслигинг керак, – унинг овози галати чиқди. Қўрқиб кетган одамнинг овозига ўхшарди.

– Сиз бошдаёқ уларни бизга умуман бермаслигингиз керак эди, – деди Элизабет яна қатъий.

– Мен ёш боланинг бундай муомаласига чидаб ўтирмайман, – Дирдорфф хоним ўрнидан туриб, қўлини столга қўйганча қизча томонга бир оз эгилди. – Агар яна бир марта мен билан шундай оҳангда гаплашсанг, кейин афсусланасан.

Элизабетнинг нафаси ҳалқумига тикилди. Бирдан Дирдорфф хонимнинг танаси унга жуда каттадек туюлди ва худди бирор қайноқ нарсага тегиб кетгандек, чўчиб тушди.

Дирдорфф хоним ўзини бир оз босиб олгач, кўзойнагини тўғрилади.

– Бундан буён сенга кутубхона ва ҳовлидаги ўйин майдонига киришни тақиқлайман. Шанба кунги кино ҳам бекор қилинади. Кечалари соат саккиздаёқ ўз ётоғингда бўлишинг шарт. Мени тушундингми?

Элизабет бошини қимирлатди.

– Жавоб бер.

– Ҳа!

– Черковга ҳам қолганлардан ярим соат аввал келиб, ўриндиқларни жойлаштириб чиқасан. Агар мажбуриятингни бажармасанг, Лонсдейл хоним менга бу ҳақда дарҳол хабар беради, биз келишиб олдик. Агар ўқитувчилар черковда ёки дарсларда бошқа ўқувчилар билан пичирлашаётганингни сезиб қолишса, ўнта жарима балл оласан. Ўнта жарима нимани англатишини биласанми, Элизабет?

Элизабет яна бошини қимирлатди.

– Жавоб бер.

– Ҳа!

– Элизабет, Лонсдейл хонимнинг айтишича, сен черковдан чиқиб, анча вақт йўқ бўлиб кетар экансан. Бунга нуқта қўйиш керак. Ҳар якшанба черковда тўлиқ тўқсон дақиқа бўласан ва маърузаларнинг

қисқача мазмунини ёзиб борасан. Баён душанба куні эрталаб менинг столімда бўлиши керак, – директор хоним ёғоч ўриндиғига суяниб, қўлларини тиззасига қўйди.

– Ҳа, яна бир нарсa, Элизабет...

– Ҳа, хоним?

Дирдорфф хоним золимона жилмайди:

– Шахмат ўйнаш ҳам тақиқланади!

* * *

Эртасига эрталаб Элизабет ҳар доимгидек витамин навбатига турди. У дарчадаги кулфни ўзгартиришганини ва энди иккала темирли пластинада тўрттадан мих қотирилганини кўрди. Элизабет дарчага яқинлашганида Фергюссен қизни кўриб, кулимсиради:

– Ўзинг олишни истайсанми?

Элизабет бошини қимирлатиб, қўлини чўзди. Фергюссен унга стаканни узатаркан, ўзгача меҳрибонлик билан деди:

– Ўзингни эҳтиёт қил, Ҳармон.

Фергюссен шунчалик мулойим гапирдики, Элизабет ҳайрон қолди. У аввал Фергюссен дори тарқатаётиб бундай гапирганини ҳеч эшитмаганди.

* * *

Лонсдейл хоним баджаҳл эмас экан. Элизабет унинг ёнига тўққизу ўттизда чиққанида бир оз хижолат тортди ва довдираб ўриндиқ қопламаларни қандай олиш, уларни қандай жойлаштириш кераклигини кўрсата бошлади. Ҳатто биринчи икки-та қаторга қўйиб чиқишга ёрдамлашиб юборди. Элизабет ҳар ҳафта черковга келишга осон қўниқши мумкин, лекин Лонсдейл хонимнинг эзмаланиб маъруза ўқишига чидаб туrolмайди.

Элизабет яхши ухлаёлмас, нонушта қилиб олишга ҳам улгурмас, лекин қунт билан эшитишга мажбур, чунки кейин иншо ёзиши керак. Лонсдейл хоним жиддий оҳангда доимги маърузаларини такрорлашдан чарчамасди.

Дирдорфф хоним жаноб Шейбелни огоҳлантириб қўймаганда ҳозир у қизни ертўлада кутаётган бўларди. Элизабет ўша ерда бўлишни, шахмат ўйнашни, ўйинда шоҳ гамбитини синаб кўришни жуда истарди. Балки жаноб Ганц бу ерга у билан беллашишга бирор кимни олиб келар... Элизабет бу ҳақда бир сониягагина ўйлади-ю, юраги қинидан чиқиб кетай деди. Бирдан қочиб кетгиси келди. Кўзлари ачишди ва тез кўзини ишқалаб, аллақандай ёвуз давлат ҳақида жавраётган Лонсдейл хонимни эшитишда давом этди.

* * *

– Ўзингни бир кўрганингда эди! – деди Жолин. – Бор бўйинг билан ўриндикда турибсан. Дирдорфф сенга бақираётганда худди ўчиб қолгандек эдинг.

– Қизиқ бўлди.

– Жин урсин, бўлмасам-чи! Мен ўлиб қўя қолардим! – Жолин бир оз яқин келди. – Нечтасини яшириб қўйишга улгурдинг?

– Ўттизта.

Жолиннинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

– Жин урси-ин!

* * *

Дориларсиз ухлаш қийин, лекин иложсиз эмасди. Ўзидаги бир нечта яшил дорини Элизабет фавқуллодда ҳолатлар учун олиб қўйди ва узоқ уйқусиз тунларда вақтини сицилиянча ҳимояни ўрганиш билан ўтказишга қарор қилди. «Замонавий шахмат дебютлари»да сицилиянча ҳимояга нақ эллик етти саҳи-

фа ажратилган ва қораларнинг P-QB4¹³ юришидан бошланадиган бир юз етмишта усул келтирилганди. Элизабет уларнинг ҳаммасини ёд олиб, кечалари хаёлида бошидан охиригача гавдалантирарди. Усуллар тугаганда Пирц, Нимцович, Руи Лопес¹⁴ ҳимояларига ўтса бўлади. Демак, ҳаммаси яхши бўлади.

Бир куни география дарсидан сўнг узун йўлак охирида жаноб Шейбелни кўриб қолди. У пол ювар, ёнида темир гилдиракли аравача турарди. Қолган болалар танаффусни ўтказиш учун ҳовли эшиги томон кетишди, Элизабет эса фаррош томон юриб, ҳўл пол бошланган жойда тўхтади. Жаноб Шейбел ниҳоят, унга эътиборини қаратгунча бир дақиқа кутиб турди.

– Кечирасиз, – деди Элизабет. – Менга шахмат ўйнашни ман қилиб қўйишди.

Фаррош ҳўмрайди, лекин жавоб бермади.

– Мени жазолашди. Мен... – у фаррошнинг юзига қаради. Шейбелнинг юзида ҳеч қандай ифода йўқ эди. – Мен сиз билан яна ўйнашни истардим.

Фаррош бир зумга унга шундай қарадики, худди бирор нима демоқчидек бўлди. Лекин бунинг ўрнига семиз гавдасини букиб, пол ювишда давом этди. Элизабет бирдан оғзида яна ўша бемаза сирка таъмини сезди ва йўлак бўйлаб юриб кетди.

Жолиннинг айтишича, Рождество арафасида доим кимнидир асраб олишаркан. Элизабетга шахмат ўйнашни тақиқлашганидан кейин орадан бир йил ўтиб, декабрнинг бошларида етимхонадан икки қизни асраб олишди.

¹³ Пиёда фарзин қанотидаги фил йўлагининг тўртинчи катагига. Алгебраик шахмат нотациясида бу юриш қуйидагича кўринишда бўлади: c7-c5.

¹⁴ Руи Лопес ҳимоясининг иккинчи номланиши – «испан ҳимояси».

- Иккаласи ҳам чиройли экан, – ўйлади Элизабет.
- Иккаласи ҳам оқ, – деди Жолин.

Анча вақтгача қизлар ётоқхонасида иккита ётоқ бўш турди.

Бир куни нонуштадан аввал қизлар хонасига Фергюссен кириб келди. Қизлардан бир нечтаси ўз хонасида камарида огир калитлар илинган эркакни кўриб ҳиринглашди. Фергюссен тўғри Элизабетнинг олдига келди. Қизалоқ бу вақтда пайпоғини кияётганди.

Фергюссен қизга қараб хўмрайди.

– Мен билан юр, Ҳармон. Сенга янги жой тайёрлаб қўйдик.

Элизабет йигитнинг ортидан ётоқхона тўрига борди, у ерда – дераза тагида бўшаган каравотлардан бири турарди. Бу каравот бошқаларидан кенгроқ, атрофида эса бўш жой кўпроқ эди.

– Нарсаларингни жавонга қўйишинг мумкин, – деди Фергюссен. Бир оз жим туриб, қўшиб қўйди: – Бу ерда сенга қулайроқ бўлади.

Элизабет ҳайратдан қотиб қолди – бу қизлар ётоқхонасидаги энг яхши жой эди. Фергюссен журналга белги қўйди. Қоғозга қараб турганида Элизабет қўлини узатиб, билагига, соатининг ёнига бармоқларининг учини теккизди, сўнг:

– Раҳмат, – деди.

УЧИНЧИ БОБ

– Билишимча, икки ойдан сўнг ўн учга тўларкансан, Элизабет, – деди Дирдорфф хоним.

– Ҳа, хоним, – Элизабет директор столининг рўпарасидаги қаттиқ ўриндикда ўтирарди. Фергюссен уни дарсдан олиб чиқиб, шу ерга олиб келганди.

Соат ўн бир. Бу хонага Элизабет уч йилдан бери кирмасди.

– Ўн икки жуда ажойиб ёш! – бирдан диванда ўтирган нотаниш хонимнинг сохта хурсандчилик билан айтган гапи эшитилди.

Аёл ипак кўйлак устидан оч мовийранг тўқилган кардиган кийганди. Қалин қилиб сурилган тўқ қизил лаб бўёғи ва гапирганида огзининг галати асабий қимирлашини ҳисобга олмаганда уни чиройли деса бўларди. Аёлнинг ёнида тўқ кулранг нимчали костюм кийган эркак ўтирарди.

– Элизабетнинг ҳамма фанлардан баҳолари аъло, – давом этди Дирдорфф хоним. – У ўқиш ва арифметика фанлари бўйича синфда биринчи.

– Ажойиб! Мен эса арифметикани умуман тушунмас эдим, – хоним Элизабетга жилмайиб, ўзини таништирди: – Менинг исмим Алма Уитли.

Аёлнинг ёнидаги эркак йўталиб кўйди, аммо ҳеч нарса демади. У худди ҳозир бошқа ерда пайдо бўлиб қолгиси келаётгандек эди.

Элизабет хонимга нима деб жавоб қайтаришни билмасдан бош иргаб кўя қолди. Уни бу ерга нима учун чақиритганини ҳамон тушунмаётганди.

Дирдорфф хоним Элизабетнинг мактабдаги ютуқлари ҳақида сўзлар, аёл эса ҳайратланганча эътибор билан тингларди. Яшил дорилар ва шахматга қизиқиши ҳақида Дирдорфф хоним гапирмади, албатта. Унинг оҳангида Элизабетга нисбатан босиқ ризолик сезилиб турарди. У гапини тугатгач, бир оз ноқулай жимлик чўмди. Дивандаги эркак яна йўталди, жойида беҳаловат ғимирлади ва Элизабет томонга – унинг бошидан сал тепароққа қаради.

– Сени ҳамма Элизабет деб чақирадимми? – сўради у. Айни дамда овози худди томоғига ҳаво тиқилиб қолгандек эшитилди. – Ёки Беттими?

Қиз унга қаради ва совуққина жавоб берди:

– Мени одатда Бет деб чақиришади.

Бир неча ҳафтадан сўнг Элизабет дарсларга шўнгиб кетиб, Дирдорфф хонимнинг хонасидаги бу учрашув ҳақида унутиб ҳам юборди. Қизалоқ кутубхонада қизлар учун китобни топиб олиб, уни имкони борича ҳар қаерда – дарсда, кечаси ётоғида, якшанба кунлари бўш пайтида ўқирди. Китоб Форбс исмли катта оиланинг тўнғич қизи саргузаштлари ҳақида эди. Ярим йил аввал «Метуэн-Хоум»га телевизор келди, уни ҳар кеча бир соатга ёқишарди. Лекин Элизабетга «Мен Люсини севаман» ёки «Тўппонча тутуни»дан¹⁵ кўра Эллен Форбснинг саргузаштлари қизиқроқ эди. У етимхона чироқлари ўчгунича бўм-бўш ётоқхонада китоб ўқиб ўтирар, қизалоқни ҳеч ким безовта қилмасди.

Сентябрнинг ўрталари эди, Элизабет китоб ўқиб ўтирган бир пайтда ёнига Фергюссен келди.

– Ҳали ҳам нарсаларингни йиғиштирмадингми? – сўради у.

Элизабет келган саҳифасига бармоғини қўйиб, китобни ёпди.

– Нима учун?

– Сенга айтишмадими?

– Нимани?

– Сени асраб олишди. Янги оиланг сени эртага келиб олиб кетади.

У каравот четида ўтириб, Фергюссеннинг оппоқ кийимига тикилганча анграйиб қолди.

¹⁵ «Мен Люсини севаман» – 1951 – 1957 йилларда чиққан машҳур американча комедик сериал. «Тўппонча тутуни» ҳам 1955 йилдан 1975 йилгача эфирга узатилган Ёввойи Фарб ҳақидаги машҳур сериал.

* * *

– Жолин, – деди Элизабет, – мен китобни тополмаяпман.

– Қанақа китоб? – уйқу аралаш жавоб берди Жолин.

– Қизил муқовали «Замонавий шахмат дебютлари». У жавонда эди.

Жолин бошини қимирлатди.

– Кўрганим йўқ. Тинч қўй.

Элизабет китобни бир неча ҳафтадан бери олмаганди, лекин уни юқоридаги иккинчи тортмага қўйганини аниқ билади. Китобнинг ёнида каравотда учта қўйлак, тўртта ич кийим, тиш чўткаси, тароқ, совун бўлаги, иккита соч қисқичи ва бир нечта рўмолча билан тўлган нейлон сумка ётарди. Жавон бўш қолди. Элизабет «Замонавий шахмат дебютлари»ни кутубхонадан ҳам қидириб кўрди, лекин тополмади. Бошқа излайдиган жой қолмади.

Нақ уч йил у ўзи билан ўзи шахмат ўйнади, бу китоб эса қизалоқ учун энг қадрли буюм эди.

Элизабет Жолинга шубҳаланиб қаради.

– Аниқ кўрмадингми?

Жолин унга жаҳл билан ўшқирди:

– Нима деяётганингни ўзинг билияпсанми? Мен бундай китобларни нима қиламан? – сўнгра овози бир оз юмшади: – Эшитишимча, сени эртага олиб кетишаркан.

– Шунақа.

– Нима бўлди? Кеттинг келмаяптими?

– Билмадим.

Жолин ётиб, кўрпани иягигача тортиб олди.

– Шунчаки, кўпроқ «ҳа, жаноб» ёки «ҳа, хоним», дегин, ишинг беш бўлади. Яна тақдир сени шундай яхши одамларнинг уйига олиб келгани учун шукроналар айтишни унутма. Шунда улар балки хонангга телевизор ўрнатиб ҳам беришар.

Унинг бу гаплари ғалати эди.

– Жолин, – деди Элизабет, – мен жуда афсусдаман.

– Нимадан афсусдасан?

– Сени асраб олишмаганидан.

Жолин қўл силтади.

– Жин урсин, мен шу ердаям ёмон яшамаяпман, – у Элизабетга орқасини ўгириб, гужанак бўлиб ётиб олди.

Элизабет дугонасига қўлини узатмоқчи бўлиб турганди, остонада Ферт хоним кўринди. «Қизлар, чироқни ўчирипман», хабар берди у. Элизабет ўз ётоғига қайтишига тўғри келди.

Эртасига эрталаб Дирдорфф хоним Элизабетни ҳовлигача кузатиб қўйди ва жаноб Олстон Уитли рулга ўтиргунча, Уитли хоним эса орқа ўриндиққа жойлашгунча машина ёнида кутиб турди.

– Ўзингни яхши тут, – деди Дирдорфф хоним.

Элизабет бош иргади ва унинг ортидан маъмурийят биносининг айвончасига кимдир чиққанини кўрди. Бу жаноб Шейбел эди. У қўлларини иш кийимининг чўнтагига тикқанча машина томонга қараб турарди. Элизабет фаррош томонга маъюс югуриб боргиси келди, лекин йўлида Дирдорфф хоним тургани учун фикридан қайтиб, ўриндиққа суянди. Уитли хоним гапиришни бошлади, жаноб Уитли эса машинани ўт олдирди.

Йўлга тушишганда Элизабет ўгирилиб, орқа ойнадан жаноб Шейбелга қўл силкиди, лекин жавоб қайтмади. Элизабет у буни кўра олдимидеки йўқ, аниқ билолмади.

* * *

– Уларнинг юзларини кўрганингда эди! – деди Уитли хоним. У яна ўша оч мовийранг тўқилган кардиган кийган, фақат бу сафар ичидан юпқа кулранг

кўйлаги кўриниб турарди. Нейлон пайпоқлари эса тўпигигача туширилган. – Улар ҳамма жавонларимни текшириб чиқишди, ҳатто музлаткичга ҳам бурун суқиб кўришди. Йиққан-терганларим уларга ёққани аниқ! Балиқдан ўзингга яна сол. Болакайлар овқат ейишини томоша қилишни жуда яхши кўраман.

Элизабет ликопчасига яна бир кичкина бўлак солди. Балиқ шўр эди, лекин бу ҳақда индамади. Бу Уитлилар хонадонидаги илк тушлик эди. Жаноб Уитли иш билан Денверга жўнаб кетди ва бир неча ҳафта уйда бўлмаслиги ойдинлашди. Овқатланиш хонасига тутиб қўйилган қалин парда ёнидаги пианино устида хонадон эгасининг сурати турарди. Меҳмонхонада ҳеч ким бўлмаса ҳам телевизор ёқилган, дўриллаган эркак овози анацин¹⁶ ҳақида гапирарди.

Жаноб Уитли Лексингтонга етиб келгунча ломим демади ва келибоқ иккинчи қаватга кўтарилди. Бир неча дақиқадан сўнг жомадон билан пастга тушди, Уитли хонимни шошганча яноғидан ўпди, Элизабетга хайрлашиш белгиси сифатида бошини қимирлатиб қўйди ва жўнаб кетди.

– Улар биз ҳақимизда ҳамма нарсани сўрашди: Олстон қанча ойлик олиши, нима учун ўз боламиз йўқлигини, ҳатто ... – Уитли хоним шиша идиш устидан бир оз эгилиб, Элизабетга яқинлашди ва шивирлади, – руҳий касаллар шифохонасида рўйхатда турмаслигимни ҳам суриштиришди, – у орқасига тисарилиб, хўрсинди. – Шунақасини бир тасаввур қилиб кўргин-а. Тасаввур қила оласанми?

– Йўқ, хоним, – деди Элизабет бу тўхтовсиз жавраш орасида тўсатдан тўхташ бўлганини сезиб. У санчқи билан яна бир балиқ бўлагини олиб, огзидаги луқмани кўп сув билан ютди.

¹⁶ Анацин – анальгин ўрнини босувчи бош оғриғига қарши дори.

– Бу одамлар ўта шилқим, – таърифлади Уитли хоним. – Лекин, биласанми, шундай хиралик қилиш, менимча, уларнинг вазифаси.

Алма Уитли хоним ўзининг ликопчасидаги овқатга тегмади ҳам. Элизабет бу уйда ўтказган икки соат давомида хонадон бекаси газ печини текшириш, Роза Бонёрнинг¹⁷ девордаги бирор қийшайиб қолган нусхасини тўғрилаш, тамакидонни бўшатиш учун ҳадеб ўрнидан сакраб тураверди. Хоним деярли тўхтамай гапирар, Элизабет эса унча яхши эшитмаса ҳам баъзи-баъзида «Ҳа, хоним», «Йўқ, хоним», деб қўшиб қўярди.

Унга ажратилган хонани Уитли хоним ҳали кўрсатмади. Жигарранг нейлон сумка ҳали ҳам кириш эшиги олдида, журналлар билан тўлган жавон ёнида Элизабет ўну ўттизда қолдирган жойида турарди.

– Худо кўриб турибдики, улар шундай жонга тегар бўлишга, ўз масъулиятларини юклаётган одамлар ҳаётининг ҳар қандай тафсилотини ўрганишга мажбурлар. Болани қандайдир безорига ишониб бўлмайди-да, ахир!

Элизабет санчқини столга оҳиста қўйди.

– Кечирасиз, ҳожатхонага борсам бўладими?

– О, албатта! – Уитли хоним санчқиси билан меҳмонхона томонга ишора қилди. Хоним бутун тушлик давомида санчқини қўлидан қўймас, лекин бир бўлак ҳам овқат емасди. – Дивандан чапга – оқ эшик.

Элизабет столдан туриб, кичик овқатланиш хонасини эгаллаб турган пианино ёнидан ўтди, меҳмонхонага кириб, катта столлар ёнидан тикилиб ўта бошлади. Бу ерда асосий жойни палисандр дарахтидан қилинган катта телевизор эгаллаб турарди. Телевизорда кундузги кинотомоша қўйилган – қандайдир драмани кўрсатишаётганди. Элизабет қўпол

¹⁷ Роза Бонёр (1822 – 1899) – француз жониворлар рассоми.

жулли гиламдан юриб, эҳтиёт бўлиб ҳожатхонага кирди. Хона жуда тор ва худди Уитли хонимнинг кардиганидек тўлиқ оч мовийранг билан безалганди. Оч мовийранг гиламча, сочиқлар, унитаз ўтиргичи, ҳатто ҳожатхона қогози ҳам оч мовийрангда. Элизабет ўтиргични кўтариб, еган балигини қайт қилиб юборди ва сувни туширди.

* * *

Иккинчи қаватга кўтарилишганда Уитли хоним бир оз тўхтаб, тутқичга суянди ва нафасини ростлади. Кейин йўлак бўйлаб бир неча қадам юрди ва эшикни тантанавор очди.

– Мана, – деди у, – бу сенинг хонанг.

Уй кичкиналиги учун Элизабет ўзини омборхонага ўхшаш кичкина хонага жойлаштиришади деб ўйлаганди, лекин қадам босиши билан ҳайратда қолди – хона жуда катта эди. Кулранг бўёқ билан бўялган полда катта каравот ёнида пушти думалоқ гиламча ёзилганди.

Элизабет қўлидаги сумка билан қотиб турганча бутун хонани кўздан кечириб чиқди. Бу ерда ойнали жавон, жавон билан бир рангда столча, унинг устида пушти шиша лампа, тўшақда эса пуштиранг қопламали кўрпа.

– Яхши чинордан ясалган жиҳозларни топиш қанчалик қийинлигини тасаввур ҳам қилолмайсан, – шикоят қилди Уитли хоним. – Лекин муболағасиз айтишим мумкинки, мен астойдил ҳаракат қилдим.

Элизабет Алма хонимни яхши эшитмасди. Энди бу хона фақат унинг ўзиники. Қизалоқ ўгирилиб, қалин бўялган эшикка қаради. Эшикнинг думалоқ тутқичи тагида калит турарди. Демак, эшикни ичкаридан ёпса бўлади, ҳеч ким кирмайди. Уитли хоним янги мезбонга йўлак охиридаги ҳожатхона, ювиниш

хонасини кўрсатди ва жойлашиб олиши учун ўзини ёлғиз қолдирди. Элизабет сумкани полга қўйиб, хонани томоша қилди. Ҳар бир дераза олдида узоқ туриб ташқарига, икки қатор дарахт экилган пиёдалар йўлагига қаради. Деворга ўрнатилган кийим жавонини кўрди – у онасиникидан ҳам катта эди – каравот ёнида ўқиш учун лампа қўйилган кичкина жавон ҳам бор. Хона ажойиб эди. Қанийди, Жолин буни кўрганида... Бир зумга Жолинни жуда кўргиси келиб кетди, дугонасининг шу ерда бўлишини, хонани бирга томоша қилишни, кейин бирга жавонга кийимларни жойлаштиришни хоҳлади.

Машинада бу ерга келаётиб, Уитли хоним «бундай катта бола»ни асраб олишаётганидан бахтли эканликларини айтганди. «Унда Жолинни ҳам асраб олақолинг», дея ўйлади-ю, лекин индамади. Элизабет жаноб Уитлига – унинг хўмрайган иягига ва рулдаги рангпар қўлига қаради. Кейин Уитли хонимга қаради ва бу хонадон эгалари ҳеч қачон Жолинни асраб олишмаслигини тушунди. Каравотга ўтираркан, бундай ҳаёлларни миясидан чиқариб ташлашга уринди. Каравот юмшоққина, ундан ёқимли ҳид келарди. Элизабет эгилиб, туфлисини ечди ва катта ўринга узала тушиб, ётиб олди. Бошини буриб, қулфланган эшикка бахт тўла назари билан қаради, ҳа, бу энди унинг шахсий жойи эди.

Ўша кеча қиз бир неча соат уйқуни ўзидан итариб ётди. Дераза ортида кўча чироқлари ёниб турар, лекин қалин пардалар ёруғликни киритмасди. Хайрли тун тилашдан аввал Уитли хоним Элизабетга йўлакнинг бошқа тарафидаги ўз ётоқхонасини кўрсатди. Унинг хонаси ҳам худди шундай катталиқда, фарқи – бу хонада телевизор, қопламали ўриндиқлар бор, тўшақда эса мовийранг кўрпа ёпилганди.

– Бу қайта қурилган том, – деди Уитли хоним.

Элизабет ётганича Уитли хонимнинг йўталганини эшитди, кейинроқ у оёқяланг ҳожатхона томонга шипиллаб ўтди. Лекин тунги овозлар Элизабетни ортиқ безовта қилмас – эшик қаттиқ ёпилган ва қулфланган эди. Ҳеч ким бу эшикни очиб, унинг юзига чироқни туширмайди.

Уитли хоним хонасида ёлғиз, демак, бақир-чақирлар ва суҳбатлардан қўрқмаса ҳам бўлади, унга фақат пастлатилган мусиқа ва телевизордан келаётган сохта овозлар эшитиларди. Бу ерда Жолин бўлганида қандай яхши бўларди, лекин унақада бу ётоқхона унинг якка ўзиники бўлмасди. Бу катта каравотга бор бўйи билан чўзилиб ётолмас ва жимликдан роҳат ололмасди.

* * *

Элизабет душанба куни янги мактабга борди. Мактабгача йўл жуда яқин бўлса-да, Уитли хоним уни таксида олиб бориб қўйди. Элизабетни еттинчи синфга олишди. Бу ер худди у бир пайтлар ҳамма билан шахмат ўйнаган юқори мактабга ўхшарди. Элизабет мактабга ноодатий кийимда келган, лекин унга ҳеч ким эътибор бермасди. Ўқитувчи янги ўқувчини синфга таништираётганида бир неча болалар Элизабетга бир муддат қараб туришди, эътибор фақат шу билан чекланди. Унга дарсликлар бериб, фамилиясини синф журналига қўшиб қўйишди. Дарсликларни бир оз варақлаб, ўқитувчиларга қулоқ солгач, Элизабет ҳаммаси осон бўлишини тушунди.

Қизни танаффус пайти йўлаклардаги баланд овозлар бир оз чўчитар, бошқа болалар унга қараганда хижолат тортар, лекин буларнинг бари ёқимли эди. Элизабет бу қуёш нурига йўғрилган шовқин-суронга тўла шаҳар мактабида бошига тушиши мумкин бўлган ҳамма нарсани енга олишини ҳис қиларди.

Элизабет ошхонага кирди ва сэндович, бир стакан сут олиб, бир ўзи столга ўтирди. Шу заҳотиёқ қаршисига бир қиз келиб ўтирди. Аввалига иккиси ҳам жим ўтиришди. Сэндвичнинг ярмини еб бўлгач, Элизабет нигоҳини рўпарасидаги қизга қаратди ва сўради:

– Бу мактабда шахмат клуби борми?

Қиз унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Нима?

– Бу ерда шахмат ўйналадиган тўғарак борми? Мен ўша ерга ёзилмоқчи эдим.

– Ҳа-а, унақаси йўқ, шекилли. Черлидер қизларнинг кичик гуруҳига ёзилишинг мумкин.

Элизабет сэндовичини еб тугатгач, ўрнидан туриб, ошхонадан чиқиб кетди.

* * *

– Сен жуда кўп вақтингни дарсларга сарфляяпсан, – деди Уитли хоним. – Бошқа қизиқишларинг ҳам борми?

Аслида бу пайтда Элизабет дарс қилишни ўйламаганди ҳам, хонасида, ойна олдидаги курсида ўтириб, мактаб кутубхонасидан олган романини ўқиш билан банд эди. Киришдан олдин Уитли хоним эшикни тақиллатди. У пушти пахмоқ ҳаммом кийими ва пушти шиппак кийганди. Уитли хоним Элизабетнинг хонасига ҳоргин жилмайганча кирди ва каравотнинг бир бурчагига ўтирди. Элизабет бу уйда бир ҳафтадан буён яшаб, хонимнинг кўпинча шундай ҳардамхаёл бўлишини сезди.

– Мен шахмат ўйнашни ёқтираман, – жавоб берди Элизабет.

Уитли хоним ҳайрат тўла кўзлари билан Элизабетга қаради.

– Шахмат?!

– Бу менинг севимли машғулотим.

Уитли хоним сочидан алланимани тушириб юбормоқчи бўлгандек бошини бир силкиди.

– Ҳа, шахмат! Аслзодалар ўйини. Қандай ажойиб!

– Сиз ўйнашни биласизми? – сўради Элизабет.

– Оҳ, йўқ, албатта! – у худди ўзининг устидан кулгандек гапирди: – Бунга менинг ақлим етмайди. Лекин отам ўйнашни биларди. У жарроҳ бўлган ва жуда зиёли киши эди. Ўйлашимча, ўз даврининг энг яхши ўйинчиси бўлган.

– Мен у билан ўйнасам бўладими?

– Афсуски, йўқ. Отам бир неча йил аввал вафот этган.

– Мен бирга ўйнашим мумкин бўлган бирор танишларингиз-чи, борми?

– Шахматми? Бор деб ўйламайман, – Уитли хоним унга бир зум кўз узмай тикилиб қолди. – Менимча, бу кўпроқ ўғил болалар ўйини.

– Қизлар ҳам ўйнашади.

– Қандай ажойиб, – деди Уитли хоним ва яна бир оз ўтиргач, ўрталарида ҳеч гап бўлмагандай, ўз хонасига чиқиб кетди.

* * *

Уитли хоним Фарли хонимнинг келишига уйни икки кун қиртишлади. Элизабетни эрталаб сочини тарашга мажбур қилди.

Фарли хоним ёлғиз келмади – унинг ортидан спорт курткаси кийган баланд бўйли киши ҳам кириб келди. Бу – Фергюссен эди. Негадир у бир оз хижолат тортиб турарди.

Фарли хоним ўзи билан бир уюм қоғозлар олиб келганди. У Элизабетнинг кун тартиби ва овқатланиши, мактабдаги ўзлаштириши ва ёзги таътил-

да нималарни режа қилгани ҳақида сўради. Гапга кўпроқ Уитли хоним аралашар, ҳар бир саволга қиздан кўра у кўпроқ жавоб беради.

– Элизабет мактабга қандай ажойиб тарзда киришиб кетганини тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ўқитувчилар унинг тиришқоқлигидан жуда хурсанд... – Элизабет Уитли хоним унинг ўқитувчилари билан қачон гаплашганини эслолмасди, лекин индамади.

– Мен жаноб Уитли билан ҳам гаплашмоқчи эдим, – деди Фарли хоним. – У келиб қоладими?

Уитли хоним жилмайди.

– Олстон бугун эрталаб кўнғироқ қилиб, келолмагани учун узр сўради. У жуда кўп ишлайди! – хоним жилмайишдан тўхтамай Элизабетга кўз қирини ташлаб қўйди. – Олстон бизнинг боқувчимиз, ахир.

– У Элизабет билан кўпроқ вақт ўтказиш учун имкон топа оладими? – сўради Фарли хоним.

– Шубҳасиз! – деди Уитли хоним. – Олстон қизимиз учун ажойиб ота.

Элизабет ҳайратдан ўзининг тиззаларига қўйилган қўлларига тикилиб қолди. Ҳатто Жолин ҳам бундай сурбетларча ёлғон гапиролмасди. Шу лаҳзада Элизабет ҳам Уитли хонимга ишониб кетди: фақат хотинининг сўзларидагина мавжуд бўлган оққўнгил ва меҳрибон, суюкли ота ва эр. Аммо дарҳол ҳақиқийсини эслади: хўмрайган, бепарво, жим. Эрталаб ҳам кўнғироқ қилгани йўқ.

Етимхона вакиллари уйда ўтказишган бир соат давомида Фергюссен деярли ҳеч нарса демади. Сухбат тугаб, хайрлашаётган вақтларида эса Элизабетга қўлини чўзди, қизнинг юраги ҳаприқиб кетди.

– Кўрганимдан хурсандман, Ҳармон, – деди у.

Қиз ҳам унга қўлини узатди ва негадир Фергюссеннинг шу ерда яна бир оз қолишини хоҳлади.

* * *

Бир неча кундан сўнг Уитли хоним асранди қизини шаҳар марказига – кийим харид қилишга олиб борди. Автобус уйи яқинидаги бурчақда тўхтаганда Элизабет авваллари ҳечам автобусда юрмаганлигини эслади. Аммо бирор ноқулайлик ҳам сезмади.

Кузнинг илиқ шанбаси эди. Элизабет ўзини «Метуэн-Хоум»нинг қалин юбкасида ноқулай ҳис қилар, шунинг учун янгисини олиб беришларини интиқлик билан кутарди. Йўл-йўлакай шаҳар марказига-ча бўлган даҳаларни санаб кетди. Улар ўн еттинчи бекатда тушишди. Уитли хоним қизининг қўлидан ушлаб олди – аслида бунга ҳожат йўқ эди – у ёқдан бу ёққа шошиб ўтаётган одамларга йўлакдан юриб, «Бен Снайдер дўкони» деб ёзилган айланадиган шиша эшик томон олиб келди. Соат эрталабки ўн, дўкон ичи ҳар хил катталиқдаги сумкалар кўтарган аёллар билан гавжум эди. Уитли хоним устамонлик билан юриб борар, Элизабет унинг орқасидан эргашиб кетарди.

Уитли хоним Элизабетни кийим дўконига эмас, кенг зинадан пастки ертўла қаватга олиб тушди, «Тушлик сочиқлари. Нуқсонли» деб ёзилган пештахта олдида йигирма дақиқа вақт ўтказди. Ҳар хил рангдаги матоларни титкилади, бир неча ўнтасини қайтарди, олтита мовий рангдагисини четга олиб қўйди. Элизабет Уитли хоним сотиб олмоқчи бўлган сочиқчалар уюмини диққат билан ўрганишини кузатиб турди. Кейин эса хоним сочиқчалар умуман керакмас, деган қарорга келди. Сўнгра «Арзонлаштирилган китоблар» номли пештахта ёнига келишди. Уитли хоним ўттиз тўққиз центли ҳамма китобларнинг номларини ўқиб чиқди, баъзиларини очиб varaқлади, лекин бирортасини сотиб олмади.

Ниҳоят, улар эскалатордан биринчи қаватга чиқиб, атир-упалар пештахтасида тўхташди. Уитли хоним битта билагига «Париждаги тун»ни, иккинчисига «Зумрад»ни сепиб кўрди.

– Энди тўртинчи қаватга чиқсак ҳам бўлади, ази-зам, – дея Элизабетга жилмайди у. – «Ёш хонимлар учун тайёр кўйлақлар» бўлимига!

Учинчи ва тўртинчи қаватлар ўртасида Элизабет «Китоблар ва ўйинлар» ёзувини кўриб қолди, унинг шундоққина тагида ойна ортида учта шахмат тўплами турарди.

– Шахмат! – деди Уитли хонимнинг енгидан тортиб.

– Нима? – безовталаниб қаради Уитли хоним.

– Анави ерда шахмат тахтаси ва доналари сотиларкан. Қайтайлик.

– Бундай бақирма. Қайтаётганимизда керамиз.

Лекин қайта киришмади. Тушгача Уитли хоним Элизабетга «Арзонлаштирилган маҳсулотлар» белгиси бор свитерларни кийиб, чокларини кўриш учун ҳар томонга юришга, табиий ёругликда мато қандай кўринишини билиш учун дераза олдида туришга мажбур қилди. Ниҳоят, хоним ўзига ёққан кийимни харид қилиб, пастга лифтда тушишга қарор қилди.

– Шахмат тўпламини олишга кирмаймизми? – сўради Элизабет.

Уитли хоним жавоб бермади.

Элизабет исиб, терлаб кетди, оёқлари оғриди. Картон қутида олиб кетаётган свитери эса унга ёқмади. Элизабет худди Уитли хонимнинг ҳар ерда ҳозир нозир свитери каби кўк рангда эди. У кийимларни унча яхши тушунмаса-да, лекин бу дўконда арзон-гаров буюмлар сотилишига аллақачон фаҳми етган эди.

Лифт учинчи қаватда очилганида Элизабет шахмат ҳақида яна эслатмоқчи бўлди, лекин эшиклар

бирдан ёпилиб, лифт биринчи қаватга йўл олди. Кўчада Уитли хоним яна Элизабетнинг қўлидан ушлаб олиб, автобус бекати томонга судрагудек қилиб етаклаб кетди ва ҳозир бозорларда арзирли нарса топиш қийинлигидан нолиб кетди.

– Лекин ҳар ҳолда... – деди чуқур ўйланиб Уитли хоним автобус бекат яқинида кўрингач, – зарур нарсани харид қила олдик.

Кейинги ҳафта инглиз тили ўқитувчиси дарсга бир оз кеч қолганда Элизабет орқа партадаги қизларнинг суҳбатини эшитиб қолди.

– Сен бу туфлини «Бен Снайдер дўкони»дан олдингми? – сўради бири.

– «Бен Снайдер дўкони»дан?! Мен у ерга қадамимни ҳам босмайман! – кулди иккинчиси.

* * *

Элизабет ҳар куни эрталаб мактабга сокин уйлар, дарахтлар ва майсазор кўчалар бўйлаб борарди. Шу йўлдан бошқа болалар ҳам юришарди. Элизабет улардан баъзиларини танийди, лекин доим ёлғиз кетади. Уни мактабга кузги ўқув чораги бошланганидан икки ҳафта ўтиб ёздиришди ва бир ойдан сўнг оралиқ имтиҳонлар бошланди.

Сешанба куни эрталаб имтиҳони йўқ, вақтини синфхонада ўтказиши керак эди, лекин Элизабет автобустга ўтириб, ёндафтарча ва чўнтак пулларидан иқтисод қилинган 40 центни олганча, шаҳар марказига – дўкон томонга йўл олди. Шахмат тўплами ўша-ўша жойда турарди. Элизабет яқинлашгач билди, улар жуда сифатсиз экан. Оқ фарзин ўта енгил эди. Элизабет донани ўгириб кўрди – фарзин бўш ва оддий пластикдан қилинганди. Элизабет донани жойига қўяётганда олдига сотувчи келди:

– Бирор ёрдам керакми?

– Сизларда «Замонавий шахмат дебютлари» борми?

– Бизда шахмат, шашка ва нарда бор, – деди аёл, – кенг турдаги болалар стол ўйинлари бор.

– Мен китоб ҳақида гапиряпман, – тушунтирди Элизабет. – Бу шахмат ҳақидаги китоб.

– Китоблар бўлими тўғрида.

Элизабет китоблар бўлимига кириб, қадрдон китобини қидира бошлади. Бўлимда шахмат билан боғлиқ ҳеч қандай китоб йўқ эди. Сўраш учун сотувчи ҳам йўқ. У ўйинчоқлар пештахтаси сотувчисининг олдига қайтди ва ўзига эътибор қаратгунларича кутиб турди.

– Мен шахмат ҳақида китоб қидиряпман, – яна ўша сўзларни қайтарди Элизабет.

– Биз бу ерда китоб сотмаймиз, – чўрт кесди аёл ва ўгирилаётганда Элизабет шошиб сўради:

– Шу атрофда китоб дўкони борми?

– «Моррис»га бориб кўр, – сотувчи нари кетиб, қутиларни тўғрилай бошлади.

– У қаерда?

Аёл индамади.

– Хоним, «Моррис» китоб дўкони қаерда жойлашган? – баланд овозда сўради Элизабет.

Аёл ўгирилиб, қизга жаҳл билан қаради, лекин жавоб берди:

– Аппер-стритда.

– Аппер-стрит қаерда?

Бир сонияга Элизабет сотувчи ҳозир бақариб юборади деб ўйлади, лекин негадир унинг чехраси юмшаб, жавоб берди:

– Мейн-стритдан икки квартал нарида.

Элизабет эскалатор томонга юрди.

* * *

«Моррис» бир бурчакда – дорихонанинг ёнида эди. Элизабет эшикни итариб кирди-ю, китобга тўла катта хонада пайдо бўлди – бунчалик қўп китобни ҳали ҳеч қачон кўрмаганди. Конторка ортида ўриндикда сотувчи тамаки тутатиб, китоб ўқиб ўтирарди. Элизабет тўғри сотувчининг ёнига бориб сўради:

– Сизларда «Замонавий шахмат дебютлари» китоби борми?

Сотувчи кўзини китобдан олиб, кўзойнак устидан унга қаради.

– Мана бу масала, – деди у мулойим овоз билан.

– Борми, йўқми?

– Бўлиши керак, – сотувчи ўрнидан туриб, дўкон ичкарисига кириб кетди, орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, қизил муқовали китобни олиб чиқди. Элизабет китобни кўриб, қаттиқ ҳаяжонланганидан ўзини йўқотиб қўяёзди.

– Мана, марҳамат, – деди сотувчи китобни узатиб.

Элизабет китобни олиб, сицилиянча ҳимоя саҳифасини очди. Таниш номларни яна ўқиш ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб эди – Аждар усули, Левенфиш усули, Найдорф усули... Бу сўзлар унинг миясида худди жодудек эшитиларди. Сотувчи алланима деганини эшитиш учун бир оз вақт ўтди.

– Сен ростдан ҳам шахматга қизиқасанми?

– Ҳа, – деди Элизабет.

Сотувчи маъноли жилмайди.

– Мен бу китоб гроссмейстерлар учун ёзилган, деб ўйлардим.

Элизабет бир оз туриб, сўради:

– Гроссмейстерлар деганингиз ким?

– Энг яхши ўйинчилар, – деди сотувчи. – Капа-бланка каби, лекин унинг даври ўтди. Ҳозир бошқа шахматчилар машҳур, лекин мен уларнинг исмларини билмайман.

Элизабет умрида бу одамга ўхшаган самимий одамни учратмагани учунми, сотувчининг ҳар бир сўзини ҳаяжон билан тингларди. Айни дамда у ўзини мулойим тутар, Элизабет билан худди катталардек гаплашарди. Фергюссенга ўхшаб кетарди у, лекин гаплари расмий оҳангда эканлиги Элизабетга ёқаётган эди.

– Бу китоб қанча туради? – сўради ниҳоят Элизабет.

– Қимматроқ. Беш доллар тўқсон беш цент.

Элизабет аввалдан китобнинг нархи қиммат бўлса керак, деган хавотирда эди. Китобни сотувчига қайтараркан:

– Раҳмат. Мен уни ололмас эканман.

– Афсус, – деди сотувчи. – Майли, пештахтага қўя қол.

Элизабет китобни қўйди.

– Шахмат ҳақида яна бошқа китобларингиз борми?

– Албатта. «Ўйинлар ва спорт» бўлимидан қараб кўр.

Дўкон тўрида бир қатор «Пол Морфи ва шахматнинг олтин асри», «Шахмат тузоқлари», «Шахмат ўйнаш қобилиятини қандай ўстириш мумкин?», «Такомиллашган шахмат стратегияси» номли китоблар териб қўйилганди. Элизабет «Шахматда ҳужум ва контрҳужум» китобини олиб, диаграммаларга қарамасдан хаёлан тасаввур қилганча партияларни ўқий бошлади. Шундай қилиб, қизалоқ пештахта ёнида узоқ қолиб кетди – харидорлар келишар, кетишар, лекин уни ҳеч ким безовта қилмасди. Элизабет партияларни кетма-кет ўқиб борар, баъзан ақл бовар қилмас юришлардан – фарзиннинг қурбони ёки от билан берилган мотдан ҳайратга тушарди.

Китобда олтмишда партия бор эди, саҳифа тепа-сида шундай сарлавҳалар ёзилганди: «В. Смыслов – И. Рудаковский. Москва, 1945» ёки «А. Рубинштейн – О. Дурас. Вена. 1908». Вена партиясида пиёда ўттиз олтинчи юришда фарзинга айланди, очик шоҳ билан хавф туғдира бошлади.

Элизабет муқовани кўздан кечирди. Китоб «Замонавий шахмат дебютлари»дан кичикроқ, орқасига ёпиштирилган қогозда 2.95 доллар нарх ёзилганди. Китобни бошидан ўқий бошлади. Дўконда осилган соат миллари ўн яримни кўрсатарди – тарихдан имтиҳонига улгуриши учун бир соатдан кейин кетиши керак. Ўриндигига жойлашиб олган сотувчи Элизабетга ортиқ эътибор бермас, ўзи ўқийётган китобига шўнгиб кетганди. Элизабет диққатини жамлаб, ўн бир яримгача ўн иккита партияни ёд олди.

Автобусда мактабга кетаркан, хаёлида шу партияларни жонлантирди. Фарзиннинг қурбоничалик кучли бўлмагани, пиёданинг ҳар бир қадами унга айёрона ҳаракатлардек кўринарди, тепа сочи тикка бўлаёзарди.

Элизабет имтиҳонга беш дақиқа кеч қолди, лекин бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмади, назорат ишини ҳам ҳаммадан олдин топширди. Вақт тугашига ҳали йигирма дақиқа бор, имтиҳон охиригача у «П. Мерес – А. Тарновский. Ҳелсинки, 1952» ўйинини хаёлида гавдалантирди.

Бу Руи Лопеснинг дебюти эди, унинг англашича, оқлар фил билан юриш қилиб, қора шоҳ пиёдасига билвосита ҳужум уюштиришади. Ўттиз бешинчи юришда оқлар шунчалик кутилмаган ва ҳайратланарли тарзда руҳни отнинг еттинчи катагига ўтказишдики, Элизабет синфхонада ўтирганча ҳайратдан йиглаб юборишига сал қолди.

* * *

Фэрфилд ўрта мактабида қизиқишлар бўйича ҳар хил клублар бор эди. Уларнинг иштирокчилари дарсдан сўнг бир соатга йиғилишар, гоҳида синф жума кунлари клуб учрашувларини уюштиришарди. «Олмали пирог», «Битирув арафасидаги қизлар», «Шаҳарлик қизлар» коллежлардаги қизлар уюшмаларига ўхшарди. Уларга қўшилиш учун сени кимдир тавсия қилиши керак. «Олмали пирог»даги қизлар саккизинчи, тўққизинчи синфларда ўқишар, деярли барчаси ёрқин рангли кашемир свитер, ромб шакли бор гольфи ва чармли «оксфорд»-ботинка кийиб юришарди. Айримлари шаҳар ташқарисидаги фермаларда яшар, ота-оналарининг зотдор отлари бор эди. Бундай қизларни йўлакда учратиб қолсанг, сенга қиё ҳам боқишмайди. Доим бошқа аллакимга қараб жилмайишади. Кийимлари ёрқин сариқ, тўқ кўк ва оч яшил рангда. Гольфилари тиззасигача кўтарилган ва тоза инглиз жунидан тўқилган. Баъзи пайтлар қизлар ҳожатхонасининг ойнасида аксига қараркан, Элизабет ўзининг текис жигарранг сочлари, сиқик елкалари, думалоқ юзидаги хира жигарранг кўзлари, бурнидаги сепкиллари кўрарди ва оғзида яна ўша сирка мазасини сезарди. Клуб аъзолари бўлган қизлар лаб ва кўз бўёқларидан фойдаланишарди. Элизабет эса бўянмас ва ҳали ҳам етимхонанинг олд сочлари кесилган соч турмагида юрарди. Унга клубга аъзо бўлиш учун тавсиянома бериш бировнинг хаёлига ҳам келмасди.

* * *

– Шу ҳафта, – сўз бошлади МакАртур хоним, – биноиал тенгламаларни ўрганишни бошлаймиз. Бином нималигини кимдир биладими?

Орқа партада ўтирган Элизабет қўлини кўтарди. Бу унинг биринчи марта жавоб бериши эди.

– Хўш? – бош ирғади МакАртур хоним.

Элизабет ўрнидан туриб, бирдан ўнғайсизланди.

– Бином бу иккита алгебраик ифоданинг йиғиндиси, – улар бу мавзунини ўтган йили «Метуэн-Хоум»да ўтишганди, – икс қўшилган игрик бу бином.

– Жуда яхши, – деди МакАртур хоним.

Ўзидан битта олдинги партада Маргарет исмли қиз ўтирарди. У ёрқин малла сочли, оч настарин ранг кашемир свитер киярди. Элизабет жойига ўтиргач, малласоч қиз у томонга ўтирилиб, пичирлади:

– Ўзингча ақлимисан?

* * *

Элизабет мактаб йўлаклари бўйлаб бир ўзи юрар ва ёнида кимдир бўлишини хаёлига ҳам келтирмасди. Кўп қизлар икки ёки уч кишилашиб юришар, Элизабет эса доим ёлғиз эди.

Бир куни дарслардан сўнг кутубхонадан қайтаётиб узоқдан кулги овозини эшитиб, ортига ўтирилди – йўлак охирида, ойнадан тушиб турган қуёш нури остида новча қора танли қиз турарди. Фаввора ёнида яна икки қиз ундан кўз узмасди. Юзларини аниқ кўриш қийин, уларнинг ортидан тушиб турган ёруғлик Элизабетнинг кўзини қамаштирди. Узун бўйли қиз юзини бир оз бурганида Элизабетнинг юраги тўхтаб қолай деди – бу бурилиш жуда таниш туюлди. Элизабет қиз томонга шоша-пиша бир неча қадам ташлади.

Аммо бу Жолин эмасди. Элизабет бирдан тўхтаб, бошқа томонга юриб кетди. Уч қиз фавворадан узоқлашиб, эшикни қаттиқ ёпди, Элизабет эса уларнинг ортидан узоқ қараб қолди.

* * *

– Брэдлининг ёнига тамакига бориб келоласанми? – сўради Уитли хоним. – Шамоллаб қолдим, шекилли.

– Ҳа, хоним, – деди Элизабет.

Шанба оқшоми эди. Элизабет тиззасига янги романни қўйганча ўтирар, лекин ўқимасди – айни дам тасаввурида Пол Морфи¹⁸ билан шунчаки «гросс-мейстер» деб белги қўйилган аллаким иштирокидаги ўйин давом этаётган эди.

Морфининг ўн еттинчи юриши – отни филнинг бешинчи катагига юргани Элизабетга галати туюлди. Бу ёмон ҳужум эмасди, лекин Морфи фарзин рухи билан янада кучлироқ юриш қилиши мумкин эди.

– Қоғозчага ёзиб бераман, бўлмаса, ёшинг кичкина бўлгани учун Брэдли сенга тамаки сотмайди.

– Ҳўп, хоним.

– Уч қути «Честерфильд».

– Ҳўп, хоним.

Элизабет бунгача жаноб Брэдлининг дўконига бир марта Уитли хоним билан кирган. Хоним унга қалам билан ёзилган қоғоз ва бир доллару йигирма цент берди. Элизабет қоғозни пештахтага қўйди. Унинг ортида журналлар жойланган узун жавон турарди. Тамаки пулини тўлаб, муқоваларни томоша қилишга тушди. «Time» ва «Newsweek» журналларида сенатор Кеннедининг сурати чоп этилганди. У президентликка номзодини қўйган, лекин католик бўлгани учун ютиб чиқиши даргумон. Дўконда бир қатор аёллар журналлари бор эди, уларнинг муқоваларида Маргарет, Сю Энн ва «Олмали пирог»-даги бошқа қизларга ўхшайдиган қизлар тасвири

¹⁸ Пол Морфи (1837 – 1884) – XIX аср ўрталарининг энг кучли америкалик шахматчиси. Михаил Ботвинник уни даҳо деб атаган.

бор: сочлари ялтираб, бўлиқ лаблари қизил бўёқдан алвонланиб турарди.

Энди кетмоқчи бўлиб турганида кўз қири билан қизиқ нарсани кўриб қолди – ўнг бурчакдаги энг паст қаторда сураткашлик санъати, ёзги ҳордиқ ва қизиқишларга бағишланганлар орасида муқовасида шахмат тахтаси бор журнал турарди. Элизабет яқин келиб, журнални олди. Муқовада «Шахмат шарҳлари» деб ёзилган ва нархи кўрсатилганди. Элизабет журнални очди. Унда шахмат партиялари ва шахматчиларнинг суратлари берилганди. Мақолалардан бири «Шоҳ гамбити: янгича ёндашув», бошқаси «Морфининг ёрқин ғалабалари». У ҳозиргина миясида Морфининг ўйинини ўйлаб келаётганди! Элизабетнинг юраги ҳаприқиб кетди. Саҳифаларни варақлаб, СССР шахмати ҳақидаги мақолани топди, энг муҳими – унинг кўзига «турнир» сўзи ташланди. Бутун рукн «Турнир ҳаёти» деб номланганди. Элизабет шахмат бўйича мусобақалар ўтказилишини хаёлига ҳам келтирмаган, буни бор-йўғи бир қизиқиш деб ўйларди: кимдир шахмат ўйнайди, кимдир Уитли хонимдек гиламчалар тўқийди, яна кимдир пазл йигади, шу каби Элизабет ҳам қизиқишлари сабаб шахмат ўйнайди.

– Ҳой, ёш хоним, – чақирди уни жаноб Брэдди. – Журнални ё сотиб ол, ё жойига қўй.

Элизабет ҳайрон бўлиб қаради.

– Шунчаки, ўқиш...

– Ёлонни ўқи.

Қарасаки, шундоққина рўпарасида, журналлар жавонига қўлда ёзилган эълон ёпиштирилган экан: «**Ўқишни истасанг, сотиб ол**». Элизабетнинг бор-йўғи ўн беш центи бор эди. Бир оз аввал Уитли хоним бир неча кун мактабга пулсиз қатнаб туришини айтганди, уларнинг пули кам қолган, жаноб Уитли

эса мамлакат жанубида хизмат сафарида ушланиб қолганди. Элизабет журнални қўйиб, дўкондан чиқди. Ярим йўлда тўхтаб, ўйланиб қолди ва ортига қайтди. Пештахтада, жаноб Брэдлининг тирсаги остида бир тўплам газета турарди. Элизабет унга бир дайм бериб, газета олди. Жаноб Брэдли шифокор кўрсатмаси бўйича дори олишга келган аёл билан банд эди. Элизабет журнал жавонининг охирига ўтиб, газетани қўлтиғига қисганча кутиб турди.

Бир зум ўтиб, жаноб Брэдли – «Бизда уч хили бор», дея хоним билан дўкон ичкарисига ўтиб кетди. Элизабет шу заҳотиёқ «Шахмат янгиликлари»нинг бир сонини олиб, букланган газетанинг орасига беркитди.

Кўчага чиққач, қуёш нури остида қўлтиғига қисилган газеталар билан бир квартал юрди. Биринчи муюлишда тўхтаб, журнални олди, юбкасининг бел қисмига тикди ва устидан «Бен Снайдер дўкони»дан олинган қайта ишланган жунли кўк свитерини туширди. Кийимини тузатиб, газетани бурчакдаги ахлат қутисига улоқтирди.

Журнални қорнига ёпиштириб олганча уйга қайтаркан, яна бояги Морфи юриши мумкин бўлган, лекин юрмаган рух ҳақида хаёл суриб қолди. Мақолада уни «Шахмат тарихидаги энг ёрқин ўйинчи бўлиши мумкин», дейишганди. Рух филнинг еттинчи катагини эгаллаши мумкин эди ва қоралар уни от билан йиқитишмасди, акс ҳолда... Элизабет кўча ўртасида қаққайиб қолди. Аллақерда кучук акиллар, йўлнинг нариги тарафидаги майсазорда икки болакай қувлашмачоқ ўйнардди. Иккинчи пиёдани шоҳ отининг бешинчи катагига юргач, тирик қолган рух чекиниши мумкин ва агар қоралар оқ пиёдани асир олишса, фил ҳимоясиз қолади, олишмаса эса... Элизабет кўзини юмди. Агар қоралар пиёдани олиш-

маса, Морфи рақибини икки юришда мот қилади: биринчисида филни қурбон қилади ва шоҳ беради. Агар қоралар пиёдани олишса, яна бир оқ пиёда олдинга қадам қўяди, фил эса бошқа томонга юради ва қоралар ҳеч нима қилолмай қолишади. Худди шундай. Майдончадаги болалардан бири йиглай бошлади. Қораларнинг қўлидан ҳеч нарсаси келмасди. Ўйин кўпи билан йигирма тўққизинчи юришда тугарди. Китобдаги партияда эса Пол Морфига ютиш учун ўттиз олти юриш кетди. У рухнинг имкониятларини илламади, Элизабет эса кўра олди.

Мусаффо мовий осмонда қуёш чарақлаб турарди. Ит тинимсиз акиллар, болаларнинг иккаласи ҳам йиғларди. Элизабет яна шу партияни хаёлан ўйнаб, уйига секин кетиб борар, ақли ярқироқ мукаммал олмосдек ўткир эди.

* * *

– Олстон бир ҳафта аввал қайтиши керак эди, – деди Уитли хоним. У каравотида қўлида кроссворд ва бошқотирмалар журнали билан ўтирарди. Қаршисидаги жавонда овози ўчириб қўйилган телевизор ёниқ турарди. Элизабет унга ошхонадан қаҳва тайёрлаб келди. Уитли хоним пушти ипак қўйлак кийган, юзига қалин упа тортганди.

– У яна узоқ қоладими? – сўради Элизабет. Аслида қизнинг суҳбатни давом эттириш хоҳиши йўқ эди, «Шахмат янгиликлари»га тезроқ қайтгиси келаётган бўлса ҳам Уитли хонимга ҳамдард бўлиши кераклигини тушуниб турарди.

– Олстон ушланиб қолишга мажбур бўлди, – хўрсинди Уитли хоним.

Элизабет бош ирғаб қўйди.

– Мен иш қидириб кўрмоқчиман, – деди у. – Дарслардан кейин.

Уитли хоним кўзларини пирпиратди.

– Иш?!

– Мен дўконда ишлашим ёки бирор жойда идиш-товоқ ювишим мумкин.

Уитли хоним унга узоқ тикилиб қолди.

– Ўн уч ёшда-я? – ниҳоят тилга кирди хоним. Рў-молчасини олиб, бурнини қоқди. – Менимча, сени бу ерда оч қолдирмаяпмиз.

– Ўзим ишлаб, пул топтоқчиман.

– Кийим-кечаклар учунми?

Элизабет жавоб бермади.

– Сенинг ёшингда фақат рангли қизлар ишлашади.

У «рангли» сўзини шундай айтдики, Элизабет бу мавзуда бошқа гаплашгиси келмай қолди.

Қўшма штатлар шахмат федерациясига аъзо бўлиш учун олти доллар керак. «Шахмат янгиликлари» журнаliga обуна бўлиш учун яна тўрт доллар. Пул Элизабетга яна бир муҳим нарса учун жуда зарур эди. Қиз газетадан шундай эълонни ўқиган эди: «Кентукки штати чемпионати. Шукрона кунидан кейинги ҳафта охирида (жума, шанба, якшанба), Генри Клей номидаги юқори мактаб, Лексингтон», унинг остида эса: «Соврин – \$185. Иштирок учун бож – \$5.00. Фақат ҚШШФ аъзолари учун».

Федерацияга аъзо бўлиш учун олти, турнирда қатнашиш учун беш доллар. Элизабет Генри Клей номидаги юқори мактаб ёнидан Майн-стритгача борадиган автобусда ўтган. Мактаб Жанвелл-драйвдан ўн бир даҳа нарида. Шукрона кунигача эса яна олти ҳафта бор. Элизабет ўша кунгача керакли маблағни топиши керак эди.

* * *

– Теоремани ким тўғри таърифлай олади? – сўради МакАртур хоним.

Элизабет қўлини кўтарди.

– Элизабет!

У ўрнидан турди.

– Тўғри бурчакли учбурчак катетлари квадратларининг йиғиндиси гипотенузанинг квадратиغا тенг.

Маргарет кулиб, Гордон томон эгилди – у ўзидан олдинги партада ўтирар ва кўпинча парта остидан унинг қўлини ушларди:

– Кўрдингми донони? – нозик овоз билан шивирлади Маргарет.

Гордон кулди. Элизабет ойнадан кузги баргларга разм солди.

* * *

– Пуллар қаерга кетяпти, тушунолмаيمان! – деди Уитли хоним. – Бу ойда арзимаган харидлар қилдим, лекин пулларим ўн баробарга камайди. Ўн баробар! – у ўзини чит билан қопланган курсига ташлади ва кўзларини катта очиб, худди жаллоднинг ханжари тушишини кутаётгандек шифтга термилиб қолди. – Электр, телефон тўловларини тўладим, энг арзон маҳсулотларни олдим, эрталабки қаҳвани сутсиз ичдим, ўзим учун ҳеч нарса сотиб олмадим, кинога бормадим. Биринчи услубий черковга хайрия бозорига ҳам бормадим ва менда бор-йўги етти доллар қолди. Ҳеч йўқ йигирма доллар қолиши керак эди! – у олдидаги столга ҳамёнидан қидириб топган гижим долларларни ташлади. – Бу октябрь охиригача қолган бор пулимиз. Товуқ бўйинлари ва сулига ҳам зўрға етади.

– «Метуэн-Ҳоум» сизга чек жўнатмадими? – сўради Элизабет.

Уитли хоним шифтдан кўзини узиб, қизга қаради ва босиқ овоз билан деди:

– Фақат биринчи йил учун. Сенга қилинган харажатлардан кейин бу пулдан нимаям қоларди?

Элизабет бу ёлғонлигини биларди. Чек етмиш долларга ёзилганди – Уитли хоним ўзи учун бунча кўп пул сарфламагани аниқ.

– Биринчи санагача амаллаб етиб олиш учун бизга йигирма доллар керак, – деди Уитли хоним. – Мендаги пул эса ўн уч долларга кам, – у яна шифтга қаради ва бирдан нигоҳини Элизабетга қаратди. – Харажатларни ёзиб бориш керак эди.

– Балки гап пулнинг қадрсизланишидадир? – Элизабет буни бекорга айтмади. У Шахмат федерациясига аъзо бўлиш учун олти доллар олиб турганди.

– Бўлиши мумкин, – деди Уитли хоним бир оз юмшаб.

Элизабетга мусобақада қатнашиш учун яна беш доллар керак эди. Уитли хоним пулсизлик муаммосидан ёзғиришидан бир кун олдин Элизабет дафтаридан жаноб Шейбелга хат ёзганди. Хат қуйидаги мазмунда эди:

Қадрли, жаноб Шейбел!

Бу ерда шахмат мусобақаси бўлади. Биринчи соврин пули – 100 доллар, иккинчиси – 50 доллар. Бошқа совринлар ҳам бор. Рўйхатдан ўтиш учун бож 5 доллар. Менинг эса бунча пулим йўқ.

Агар сиз менга бу пулларни юборсангиз, совринлардан бирини ютиш шарти билан сизга 10 доллар қилиб қайтараман.

Самимият билан сизнинг Элизабет Ҳармонингиз.

Эртасига эрталаб ҳали Уитли хоним уйғонмасидан меҳмонхонадаги стол устидан хатжилд ва

марка топиб, мактабга кетишда уни почта қутисига ташлади.

Ноябрда Элизабет Уитли хонимнинг ҳамёнидан билдирмасдан яна бир доллар олди. Жаноб Шейбелга хат юборганига, мана, бир ҳафта ўтдики, ҳали жавоб бўлмади. Олган пулининг бир қисмига Элизабет «Шахмат янгиликлари»нинг янги сонини сотиб олди. У ердаги партияларни ўрганиб, билимларини оширди. Нашрларнинг бирида Бенжамин Уоттс исмли ёш гроссмейстер галаба қозонганди. Айнан ана шу Бенни Қўшма Штатлар чемпиони эди.

* * *

Уитли хоним тез-тез шамоллаб қоларди.

– Менинг вирусларга мойиллигим бор ёки уларнинг менга, – деди у яна бетоб бўлиб қолганида ва Брэдлининг дўконидан Элизабетга шифокор ёзган дорилар рўйхатини ва ўзига лимонад олиши учун яна бир дайм берди.

Элизабет кирганида жаноб Брэдли унга галати қаради, лекин индамади. Қогозни олиб, дўконнинг ичкарасига кириб кетди. Элизабет журналлар жавонидан нарироқ туришга уринди – бир ой аввал бу ердан «Шахмат янгиликлари»нинг яна бир сонини ўғирлаб олган, бу сон ягона нусхада келгани учун жаноб Брэдли буни пайқаб қолган бўлиши мумкин.

Сотувчи ичкаридан қадоғида аллақандай ёзувлари бор дори қутисини олиб чиқиб, пештахтага қўйди. Жаноб Брэдли оқ қоғоз пакетни очгунича Элизабет дорига тикилиб қолди. Пакетнинг ичида ўзига таниш – чўзинчоқ яшил дорилар бор эди.

* * *

– Бу менинг тинчлантирувчи дориларим, – тушунтирди Уитли хоним. – МакЭндрюс менга асабийлашиш мумкин эмаслигини айтди.

– МакЭндрюс ким? – сўради Элизабет.

– Доктор МакЭндрюс, – деди Уитли хоним дорининг қопқоғини очишга уриниб. – Менинг шифокорим, – у қутидан иккита дори олди. – Менга бир стакан сув ола келасанми, азизам?

– Ҳа, хоним, албатта.

Элизабет сув олиш учун ювиниш хонасига кирганида Уитли хоним хўрсинди:

– Нега бу дори идишларини ярмигача тўлдиришаркин-а?..

* * *

Журналнинг ноябрь сонида Москвадаги шахмат мусобақасида ўйналган йигирма иккита партия бор эди. Иштирокчиларнинг фамилиялари – Ботвинник, Петросян, Лаев – худди эртак қаҳрамонларининг исмларига ўхшарди.

Улардан иккиси суратда тахта узра эгилиб туришар, иккаласининг ҳам сочлари қора, эгниларига қора костюм-шим кийишган. Шахматчилар ортида томошабинлар – оломон кўриниб турарди.

Ярим финалда Петросян ва Бенкович ўртасидаги ўйинда Элизабет Петросян йўл қўйган хатони сезиб қолди. У пиёда билан хужум қилишни бошлаганди, бу эса нотўғри юриш эди. Изоҳда қайсидир америкалик гроссмейстер шахматчининг пиёдалар билан юриши яхши ўйланган йўл эканлиги ёзилганди. Лекин Элизабет вазиятга чуқурроқ қаради. Петросян қандай қилиб бу хатога йўл қўйди? Нима учун америкалик гроссмейстер ундаги ҳолатнинг заифлигини илғай олмади? Журналда ёзилишича, ўйин беш соат давом этган. Шунинг учун шахматчиларнинг тахта устида ўйлаб олиши учун етарлича вақти бор эди.

* * *

Спорт машғулоти залининг кийиниш хонасида Маргарет ўзининг жавонига рақамли кулф қўйди, лекин рақамлар ғилдиракчасини айлантормади. Қизлар ёнма-ён ювинишарди ва Элизабет Маргаретнинг анча дуркунлигини кўрди. Унинг ўзи эса ҳали ёш боладек эди. Маргарет ёнидаги одамга эътибор бермас – обдан ювиниб, қандайдир қўшиқни берилиб хиргойи қиларди.

Элизабет сочиққа ўраниб, кийимлари турган хонага чиқди. Бу пайтда хонада ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Тезгина қўлини артди, Маргаретнинг жавонидан кулфни эҳтиёткорона чиқариб, сочиққа қўйди. Сочидан қўлларига сув томчилар, лекин бунинг аҳамияти йўқ – ўгил болалар хонасидан шунчалик кўп сув сизиб чиққандики, ҳамма ер қўлмак бўлиб ётарди. Элизабет гирчилламаслиги учун жавон эшигини секин очди. Юраги шундай гурсиллаб урардики, худди кўксиди қафас бор-у, унинг ичида кичкина жонивор қамалиб олиб, ташқарига чиқолмаётгандек эди.

Жавонда чиройли тоза чармдан ишланган қизлар сумкачаси турарди. Элизабет қўлларини яна артиб, қизлар ювиниш хонасига қулоқ солганча уни олди, ҳозирча хонадан фақат кулги, қийқириқ овозлари эшитиларди. Элизабет ювиниш хонасига биринчи бўлиб кириб, эшик олдидаги бўлинмани эгаллади ва билдирмай ҳаммадан олдин чиқиб кетганди. Қолган қизлар ҳали қайтишни ўйлашмасди ҳам. Элизабет сумкани очди. Сумка ичида ранг-баранг почта табрикномалари, яп-янги лаб бўёғи, соч учун тошбақасимон тароқ ва жуда нафис дастрўмол бор эди. Элизабет ўнг қўлини солиб, буюмларни титкилади, сумканинг остида пул қисқичини топди. Қисқичда

иккита беш долларлик пул бор эди. Элизабет бир оз иккиланиб, уларнинг иккисини, қисқични ҳам олди.

Сумкани жойига қайтариб, жавон эшигига қулфни солди. Ўз жавонини ҳам қулфламай, эшигини хиёл ёпиб қўйганди. Эшикни тез очиб, беш долларлик пулларни қисқич билан бирга алгебра китобининг орасига тиқиб қўйди. Кейин эшикни қулфлаб, ювиниш хонасига қайтди ва ҳамма қизлар чиқиб кетмагунча ювинди.

Хонада ҳеч ким қолмаганда Элизабет ҳали кийиниб улгурмаганди. Маргарет сумкасини очиб ҳам кўрмади. Элизабет, ниҳоят, Алма Уитли каби чуқур нафас олиб, нафасини ростлади. Юраги ҳали ҳам огир дукилларди. У пулларнинг қисқичини олиб, Маргаретнинг жавони тагига худди шунчаки тушиб қолгандек ташлаб қўйди ва ўғирланган пулларни оёқ кийимининг ичига яширди. Кейин жавондан ўзининг оддий кўк сумкасини олди, ён чўнтагига қўлини тиқиб, иккита яшил дори олди ва қоғоз стаканга сув олиб, ичиб юборди.

Ўша оқшом кечки овқатга консерваланган гўшт думалоқчалари билан спагетти ва мевали желе ейишди. Овқатдан сўнг Элизабет идишларни ювиш учун турди, Уитли хоним эса меҳмонхонага чиқди, телевизорни ёқиб, бирдан гапириб қолди:

– Ҳа-я, унутаёзибман!

Бир дақиқа ўтгач, у қўлида хатжилд билан ошхона остонасида пайдо бўлди.

– Буни сенга юборишибди, – деди ва «Хантли ва Бринкли репортажи»ни¹⁹ кўриш учун ўз хонасига йўналди. Манзил кир хатжилдга қалам билан ёзил-

¹⁹ «Хантли ва Бринкли репортажи» – АҚШда 1956 йилдан 1970 йилгача NBC телеканалда эфирга узатилган кечки ахборот дастури.

ганди. Элизабет қўлини артиб, хатжилдни очди. Хатжилд ичига бешта бир долларлик пул солинган, ammo хатнинг ўзи йўқ эди. Қизалоқ қўлида пулларни ушлаганча узоқ вақт туриб қолди.

* * *

Яшил дориларнинг эллик донаси тўрт доллардан сотиларди. Қадоғида «Уч мартагача тўлдириб берилади», деган ёзув бор эди. Элизабет тўртта бир долларлик пулни узатди, уйга шошиб келиб, дориларни Уитли хонимнинг тортмасига қўйди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Спорт хонасига кираверишда стол, унинг ортида оқ кийимли икки киши ўтирарди. Уларнинг орқасида яшил-оқ шахмат тахталари қўйилган қатор столлар кўриниб турарди. Хонада одам кўп – айримлари суҳбатлашишар, айримлар шахмат ўйнашарди. Элизабет улар орасида фақат биргина аёл кишини кўрди. Эркакларнинг кўпчилиги болалар ёки ёш йигитлар ва ҳаммаси оқ танли эди. Чап томонда ўтирган оқ кийимли котибнинг ёнида «Рўйхатдан ўтиш божи», деб ёзилган тахтача турарди. Элизабет унинг ёнига бориб, беш доллар узатди.

– Шахмат соатинг борми? – сўради у.

– Йўқ.

– Биз уларни ижарага берамиз. Агар рақибингда ҳам соат бўлмаса, менинг олдимга кел. Мусобақа йигирма дақиқадан сўнг бошланади. Рейтингинг қанақа?

– Рейтингим йўқ.

– Аввал мусобақаларда қатнашганмисан?

– Йўқ.

Эркак Элизабетнинг қўлидаги пулга ишора қилди:

– Қатнашишни истаётганингга ишончинг комилми?

– Ишончим комил.

– Бизда қизлар гуруҳи йўқ. Сени бошланғич даражалилар гуруҳига ёзаман.

– Йўқ, – деди Элизабет. – Мен бошланғич даражада эмасман.

Иккинчи йигит уларнинг гапларини эшитиб турарди.

– Агар рейтингинг бўлмаса, коэффиценти бир минг олти юздан паст бўлган бошланғич даражадаги ўйинчилар гуруҳига тушасан, – деди у.

«Шахмат янгиликлари»да рейтинглар ҳақида ёзишганди, лекин Элизабет мақолани яхши ўқи-маган, фақат шахмат усталарининг коэффиценти 2200 ва ундан баланд бўлишини эслаб қолганди.

– Бу гуруҳда соврин қанча?

– Йигирма доллар.

– Бошқа гуруҳларда-чи?

– Очиқ гуруҳда биринчи соврин юз доллар.

– Қоидалар бўйича мен очик гуруҳда ўйнолмайманми?

Котиб бошини сарак-сарак қилди.

– Қоидалар буни ман қилмайди, лекин...

– Унда мени ўша гуруҳга ёзинг, – Элизабет яна беш долларни узатди. Йигит елка қисиб, унга тўлдириш учун қоғоз берди.

– У ерда рейтинги бир минг саккиз юз бўлган икки йигит бор ва Белтик ҳам келиши мумкин. У штат чемпиони. Бу йигитлар сени ямламай ютишади.

Элизабет ручка олиб, қоғозни тўлдирди бошлади. Исм-шарифи, манзилини ёзди, «Рейтинг» қаторига қалин қилиб ноль деб ёзиб, котибга қайтарди.

Мусобақа йигирма дақиқа кеч бошланди – ташкилотчилар иштирокчилар рўйхатини тузиб, уларни жуфтларга бўлиб чиқишга кўп вақт сарфлашди. Ўйинчилар қарталарини тахталар ёнига жойлаштиришни бошлашганда Элизабет ёнидаги эркақдан «Жуфтликлар тасодифий тартибда аниқланадими?» деб сўради.

– Йўқ, – деди у. – Биринчи турда жуфтликларни рейтингга қараб жойлаштиришади, бу ёгига ғолиблар ғолиблар билан, мағлублар мағлублар билан ўйнайди.

Ниҳоят, Элизабетнинг қартаси илинди, у ерда «Ҳармон – р/сиз – қоралар» деб ёзилган ва «Пекер – р/сиз – оқлар» қартасининг қаршисида турарди. Иккала қартанинг рақами 27. Улар энг охириги эдилар.

Элизабет йигирма еттинчи стол олдига бориб, қоралар томонга ўтирди. Тахта ҳам энг охиргиси, энг узоқ столда жойлашганди. Ёнидаги столда яна бир ўттиз ёшлардаги аёл рақибини кутиб турарди. Бир дақиқадан сўнг яна икки қиз кирди: йигирма ёшлардаги қиз ва бесўнақай юқори синф ўқувчиси – Элизабетнинг рақиб. Элизабет қатор тушган столларга назар ташлади – шахматчилар ўтириб олишган, баъзилари ўйинни бошлашган; ҳаммаси эркақлар – баъзилари ёш йигитлар эди. Мусобақада фақат тўрт аёл қатнашаётганди – уларни хонанинг энг охирига жойлаштириб, бир-бирига қарши қўйишди. Элизабетнинг рақиб хижолат чекканча столга ўтирди, ёнига икки томонлама соатни қўйиб, қўлини узатди:

– Мен Аннетт Пекерман.

Унинг кафти кенг ва нам эди.

– Мен Элизабет Ҳармонман. Шахматда соатлар нима учун керак?

Аннетт билимлари билан бўлишишга тўғри келганидан бир оз енгил тортгандай бўлди.

– Сен томондаги соатда ўйин вақтинг ўлчанади. Ҳамма ўйинчиларга тўқсон дақиқа берилган. Ҳар бир юришдан сўнг тепадаги тугмачани босишинг керак, шунда сенинг соатинг тўхтаб, меники юра бошлайди. Ўн икки сонининг тепасида қизил байроқча бор. Тўқсон дақиқа ўтгач, байроқ пастга тушади. Агар шундай бўлса, ютқазган бўласан.

Элизабет бош иргади. Унингча, тўқсон дақиқа жуда кўп, у ҳеч қачон шахмат партиясига йигирма дақиқадан ортиқ вақт сарфламаганди.

Ҳар бир ўйинчининг ёнида юришларни ёзиб бориш учун қогоз турарди.

– Энди менинг соатимни юрғизишинг мумкин, – деди Аннетт.

– Нега улар ҳамма қизларни бурчакка тикиб қўйишди? – сўради Элизабет.

Аннетт ҳайрон бўлиб, қошини кўтарди:

– Атай деб ўйламайман. Ҳар қандай ҳолатда, агар сен ютсанг, бошқа тахтага ўтказишади.

Элизабет ўзи томондаги соат тугмасини босди. Аннеттнинг соати юриб кетди. Ўқувчи қиз безовталаниб, шоҳ пиёдасини олиб, тўртинчи катакка қўйди ва ҳўрсинди:

– Оҳ, тегдингми юр...

– Бу нима дегани?

– Қоидаси шунақа. Юришга ишончинг комил бўлмагунча донага тегма. Қайси донага тегинсанг, ўша билан юришинг шарт.

– Яхши, – деди Элизабет. – Тугмангни босиб юборасанми?

– Кечирасан, – Аннетт тугмани босиб, унинг соатини ишга туширди.

Элизабет қўли қалтирамай фарзин филининг пиёдасини тўртинчи катакка ўтказди. Бу сицилиянча ҳимоя эди. Элизабет тугмани босиб, тирсакла-

рини худди суратдаги рус шахматчиларидек столга, тахтанинг атрофига қўйди. Саккизинчи юришда хужумга ўтди, ўнинчисида рақибининг филини олди, ўн еттинчисида эса фарзинни. Аннетт ҳали рокировка²⁰ ҳам қилмаганди. Элизабет фарзинини олиб қўйгач, шоҳини ёнига қўйди:

– Намунча тез, – ютқазганидан енгиллик сезгандек гапирди Аннетт.

Элизабет соатга қаради: юқори синф ўқувчиси ўттиз дақиқа сарфлабди, у эса бор-йўғи етти дақиқа. Энг қийини, Аннетт юришга қарор қилишини кутиш бўлди.

Кейинги тур ўн бирдан кейин бошланади. Элизабет Аннетт билан ўйинини қоғозга кўчирди, исм-шарифини доирага олиб, голиб белгисини қўйди ва котиблар столига яқинлашиб, «ҒОЛИБЛАР» ёзуви ёпиштирилган саватга ташлади. Бу мусобақа майдонидаги биринчи қоғоз бўлди. Элизабетнинг ортидан саватга ёш йигит, кўринишидан коллеж талабаси яқинлашди ва ўз қоғозини ташлади. Элизабет бу ердаги кўпчилик жуда кўримсизлигига эътибор берганди: сочлари ёғ босган, юзлари қоп-қора, баъзилари семиз ва асабий кўринарди. Лекин бу йигит новча ва келишган, очик юзли эди. У Элизабетга биз ҳаммадан олдин бўлдик, дегандек дўстона бош ирғаб қўйди, у ҳам бош қимирлатиб жавоб берди.

Элизабет бекорчиликдан ҳеч кимга халал бермасликка уриниб, хонани айланиб чиқди ва бошқа шахматчиларнинг ўйинини томоша қилди. Яна бир партия тугаб, голиб белги қўйишга шошиб кетди. Тахтада қизиқарли ҳеч нарса кўринмади. Хонага кираверишдаги еттинчи рақамли тахтада қораларнинг икки юриш билан оқ рухни олиш имкони бор эди

²⁰ Рокировка — шоҳни хужумлардан ҳимоялаш учун амалга ошириладиган тактик усул.

ва Элизабет ўйинчи фил билан тўғри қадам қўйи-
шини кутиб, туриб қолди. Лекин навбати келгани-
да ўйинчи негадир марказдаги пиёдани алмаштир-
ди, ўз имкониятини пайқамади. Тахталар рақам-
лари бирдан эмас, учдан бошланганди. Элизабет
бошланғич ўйинчиларнинг эгилган бошларига кўз
ташлади; қолган шахматчилар партияларини якун-
лаб, бирма-бир тура бошладилар.

Хонанинг охирида у боя кўрмаган эшик бор эди.
Унга «ЭНГ КУЧЛИЛАР» деган ёзув илинган. Эли-
забет ўша ерга кирди. Эшик ортида Алма Уитли
хонимнинг меҳмонхонасидан унча катта бўлмаган
хона бор эди. Ўртада фақат иккита стол, иккаласида
ҳам ўйин давом этарди.

Қора бахмал тўсиқлар томошабинларни ўйинчи-
ларга яқинлаштирмасди. Тўрт-беш киши ўйинни
жимгина кузатарди. Томошабинларнинг кўпи «1»
рақамли стол атрофига йиғилишган. Улар ораси-
да бояги хушбичим новча шахматчи ҳам бор эди.
Тахтанинг икки томонида икки эркак бор диққати-
ни жамлаганча ўтирарди. Ёнларидаги соат Элиза-
бет нариги хонада кўрганига ўхшамасди: каттароқ
ва сифатлироқ эди. Шахматчилардан бири семиз,
юзи журналдаги русларга ўхшаб хўмрайган ва худ-
ди улардек қора костюмда эди. Иккинчиси ёшроқ,
кулранг свитер ва оқ қўйлак кийган. Тахтадан кў-
зини узмасдан енгининг тугмаларини бирма-бир
ечиб, тирсагига қайириб олди. Элизабетни тит-
роқ босди – шу ерда ҳақиқий ўйин борарди. Бир
нафасда тахтадаги доналарнинг жойлашувини ўр-
ганиб чиқди. Бир сониядаёқ тушундики, ҳолат му-
раккаб, рақиблар кучи тенг, худди «Шахмат янги-
ликлари»да чиққан чемпионлар партиялари каби.
Элизабет ҳозир юриш қоралар томонда эканлигини
кўрди – хомсемизнинг соати чиқилларди. У ҳозир

отни филнинг бешинчи қаторига юриш кераклигини ўйлаши биланоқ, ўйинчи худди шундай қилди. Келишган шахматчи тўсіндан узоқлашиб, деворга суянди. Элизабет унинг ортидан борди.

– Улар ким? – шивирлаб сўради Элизабет.

– Белтик ва Каллен. Белтик – штат чемпиони.

– Қай бири ким?

Йигит кўрсаткич бармоғини лабига қўйди, кейин эшитилар-эшитилмас жавоб берди:

– Белтик ёшроғи.

Элизабет ҳайрон қолди – Кентукки штати чемпиони кўринишидан Фергюссен билан тенгдош эди.

– У гроссмейстерми?

– Ҳозирча йўқ, лекин шунга ҳаракат қияпти. Шахмат устаси мақомини бир неча йил аввал олган.

– Оҳ-ҳо!

– Бунга вақт керак. У гроссмейстерлар билан ўйнаши керак.

– Қанча ўйнаши керак?

Тўсин олдида турган эркак ўтирилиб, елкасидан унга ўқрайиб қаради. Новча йигит бошини қимирлатди, лабларини қисиб, жим бўлишга чақирди. Элизабет тўсиқ ёнига қайтиб, ўйинни кузатишда давом этди. Хонага яна одамлар кириб, тиқилинч бошланди, лекин Элизабет олдинги қаторда қатъий туриб олди.

Тахта марказида ўйин қизиб борарди. Элизабет ҳозир унинг юриши бўлганида нима қилишини ўйлаб, бир неча дақиқа доналарни ўрганди ва ҳеч қарор қабул қила олмади. Ҳозир семиз Калленнинг юриши эди. Элизабет кутиб турар, абадий кутаётгандек эди. Хомсемиз муштини пешонасига тираб, тиззаларини стол остида қисиб олганча қимирламай ўтирарди. Белтик ўриндиққа суянганча эснар ва қаршисида турган Калленнинг тепакаллигига истехзо

билан кулиб қўярди. Элизабет Белтикнинг тишлари ёмонлигини кўрди – доғлари бор, бир нечта тиши йўқ, соқоли ҳам бўйин қисмида яхши олинмаган.

Ниҳоят, Каллен юрди – тахта марказидаги отларни алмаштирди. Бир нечта тез юриш бўлди. Ўйинчилар навбатма-навбат яна биттадан от ва филни қурбон қилишгач, вазият бир оз юмшади. Навбатдаги юришдан сўнг Каллен рақибига таклиф билдирди:

– Дуранг!

– Ҳеч қачон, жин урсин! – чўрт кесди Белтик. У шошмасдан доналарнинг ҳолатларини ўрганди, кейин муштини кафтига уриб, рухни еттинчи горизонтал қаторга жойлаштирди.

Элизабет бу юришни хаёлан маъқуллади. Унга Белтикнинг доналарни қатъият билан майдонга ташлаши, ҳавода нафис айлантириши ёқарди.

Бешта қадамдан сўнг Каллен енгилди: у иккита пиёдасини йўқотди, фили охирги горизонтал қаторда қамалиб қолди, соатидаги вақт эса тугаб борарди. Охири у нозик ҳаракат билан шоҳини қулатди, олдинга эгилиб, Белтикнинг кафтини қисиб қўйди, кейин тўсиқдан ўтди, одамлар орасига тиқилиб кириб, Элизабетнинг ёнидан уни бир оз туртиб чиқиб кетди. Белтик ҳам ўрнидан туриб, кетишга чоғланди. Элизабет унинг тахта ёнида мағлуб бўлган шоҳ билан турганини кўриб, ич-ичидан ҳаяжонланиб, эти жимирлаб кетди.

Кейинги партияда Элизабетга паст бўйли, соқолари ўсган, 1520 рейтингли Кук фамилияли шахматчи рақиб бўлди. У буни илинган турнир жадвалидан билди. Ўн учинчи рақамли тахта қаршисида «Ҳармон – р/сиз. Кук – 1520», деб ёзилганди. Энди оқлар тарафда ўйнайди. Шундай қилиб, Элизабет пиёда-ни фарзиннинг тўртинчи қаторига сурди ва тугмани

босиб, Кукнинг соатини ишга туширди. Рақиби ҳам дарҳол пиёдасини фарзиннинг тўртинчи катагига юрди, кўринишидан нимадандир хафа, жойида ўтиролмаётгандек ғимирларди. Элизабетга ҳам рақибининг шошқалоқлиги ўтиб, тезлашди. Беш дақиқада иккаласи ҳам доналарини ҳар томонга сочишди, Кук эса қизнинг фарзин майдонига киришга чоғланди. Элизабет ҳозирча бунга эътибор бермасликка қарор қилиб, от билан юрди. Кук шошиб пиёдасини сурди ва Элизабет уни айёрона икки томонлама ҳужумга ўтмасдан ололмаслигини тушунди. Жавоби секинлашди. Кук яхши ўйнарди – ҳар ҳолда 1500 дан юқори рейтинг ниманидир англатади, шекилли. Рақиби жаноб Шейбел ва жаноб Ганцдан анча яхши ўйнар, шошма-шошарлиги эса бир оз чўчитарди. Элизабет рухни филнинг бошланғич катагига, рақибининг бостириб келаётган пиёдасига қарши қўйди.

Кук яна ҳайрон қолдирди. У фарзин руhini ишга туширди – шоҳнинг ёнидаги пиёдалардан бирини олиб, шоҳ эълон қилди ва бир вақтнинг ўзида ўз донасини ҳам хавфга ташлади. Элизабет бир зумга иккиланиб, тахтага тикилиб қолди: рақиби нимани ўйлади экан? Кейин калласи ишлаб қолди: агар рақибининг филини олса, от билан иккинчи марта шоҳ беради ва филни олиб қўяди. Шунда пиёдаси тузоққа тушиб, оқлар шоҳи ҳимоясиз қолади. Элизабетнинг қорни буралиб қолди – табиийки унга бундай кутилмаган «совға» ёқмади.

Энди нима қилишни ўйлаб олишга бир дақиқа кетди, шоҳни юриб, қора филни олмади.

Кук барибир от билан юрди. Элизабет бошқа майдонда пиёдаларни алмаштириб, рух учун йўл очди. Кук қизнинг шоҳига халал беришда давом этди. Лекин Элизабет ўзини кўрқитиб қўйишларига йўл қўймаса, бунинг катта хавфи бўлмаслигини

тушуниб турарди. Шунинг учун рухни олдинга суриб, фарзин билан хужумни кучайтирди. Бу доналар Элизабетни хурсанд қилди – уларни ўз ўрнини эгаллаб, отилишга тайёр турган ўқлардек тасаввур қилди.

Ўқлар уч юришдан кейин отилди. Кук унинг шохи атрофида ўралашиб, Элизабетнинг ниятини пайқамай қолди. Кукнинг ҳаракатлари қизиқарли, лекин бефойда эди, чунки у тахтадаги ҳамма доналардан фойдаланмасди. Агар Элизабет фақат шоҳини ҳимоя қилишга уринганида Кук рақибини биринчи фил билан шоҳ қилгач, тўртинчи юришда тузоққа туширарди. Лекин уч юришда Элизабет рақибининг ўзини қисиб қўйди. Рух пиёдасининг ўт очишига йўл очилганини кўриб, унинг юзига қон югурди. У фарзинни бутун тахта бўйлаб, қора рухни қулатганча охири горизонталга ўтказди. Кук бир зумга ўриндиқда ғимирлашдан тўхтаб, Элизабетга қаради. Элизабет рақибининг нигоҳини хотиржам қабул қилди. Шунда у тахтадаги доналар ҳолатини ўрганишга киришди. Узоқ ўрганиб, охири рух билан оқ фарзинни олиб қўйди.

Элизабет хурсандлигидан сакраб, бақириб юборай деди, лекин ўзини босди, қўл чўзиб, филни бир қадам юрди:

– Шоҳ, – деди у.

Кук шоҳини юрмоқчи бўлди-ю, тўхтади. Бирдан кейин нима бўлишини тушуниб қолди: у фарзинини ва ҳозиргина Элизабетнинг фарзинини қулатган рухини йўқотади. Кук рақибасига қаради – у қарши-сида сокин ўтириб, кутарди. Кук яна тахтага қаради, бир неча дақиқа доналар ҳолатини ўрганди, кейин яна Элизабетга қараб, таклиф қилди:

– Дурангми?

Элизабет бошини қимирлатиб, рад қилди.

Кук қошларини чимирди.

– Яхши, сен ютдинг. Енгилдим, – у туриб, қўлини узатди. – Бу қандай бўлганини сезмадим ҳам, – ва кутилмаганда илиқ жилмайди.

– Раҳмат, – деди Элизабет рақибининг қўлини қаттиқ сиқиб.

Тушлик танаффуси эълон қилинди. Элизабет мактабидан бир даҳа наридаги дўкондан сэндвич ва бир стакан сут олди, ёлғиз тушлик қилиб, мусобақа хонасига қайтди.

Учинчи партияни тўқилган нимча кийган катта ёшли киши билан ўйнади. Каплан, рейтинги – 1964.

Элизабетга қора доналар тушди. Бу партияда қайта-қайта ўргангани – Нимцович ҳимоя усулини қўллади ва рақибини ўттиз тўрт юришда мағлуб қилди. Тезроқ ютиши ҳам мумкин эди, лекин Каплан тажрибали шахматчи экан, яхши ҳимояланар, лекин аслида оқлар билан ўйнаганига яраша ҳужум қилиши керак эди. Енгилгунига қадар Элизабет рақибининг шоҳини ҳимоядан маҳрум қилди, **иккита ўтказма пиёдаси бор ва филини йиқитишга тайёрланиб турганди**. Рақиб жуда ҳайрон қолди. Уларнинг столи атрофида кўп томошабин йиғилди. Партия нақ уч яримда тугади – Каплан жуда секин ҳаракат қилар, Элизабет эса бир оз айланиб, ичида туғён ураётган қувватни чиқариб юбориш учун ўрнидан тез-тез туриб кетарди. Ниҳоят, у юришлари ёзилган ва исми доирага олинган қозонини котиблар столига олиб борганида кўпчилик ўйинчилар партияларини аллақачон якунлаган ва кечки овқатга танаффус эълон қилинганди. Соат саккизда яна битта тур ўйналади, шанба куни уч тур, якшанбада эса якуний мусобақа.

Элизабет аёллар ҳожатхонасига борди, юз-қўлини ювиб, учта партиядан кейин юзлари шунчалик кир бўлиб кетганига ҳайрон қолди. Ойнадаги аксига қараб, ҳар доимги нарсани кўрди: юмалоқ кўримсиз юз ва хиралашган сочлар. Лекин нимадир ўзгарган – яноқлари қизарган, кўзлари эса ёниб турарди. Ўз акси қизалоққа ҳаётида биринчи бор ёқаётган эди.

Оқ кийимли котиблар мусобақа жадвалига ўзгартириш киритишаётганди. Атрофга шахматчилар йиғилди, улар орасида келишган йигит ҳам бор эди. Элизабет яқин келди. Доска тепасидаги «МАҒЛУБИ-ЯТСИЗ» ёзуви остида исм-шарифлар рўйхатининг энг охирида ўз фамилиясини ўқиб, нафаси ҳалқумига тикилди. Биринчи қаторда эса Белтик турарди.

– Сен Ҳармонсан, шундайми? – сўради келишган шахматчи.

– Ҳа.

– Омадингни берсин, қизалоқ! – жилмайди у.

Шу пайт Элизабетни бошланғич гуруҳга ёзиб қўймоқчи бўлган йигит чақириб қолди:

– Ҳармон!

У ўгирилиб қаради.

– Сен ҳақ экансан, Ҳармон, – деди йигит.

Элизабет уйга қайтганида Уитли хоним тез тайёрланадиган овқат қадоғидан димланган гўшт ва пюре еб ўтирарди. Баланд овозга қўйилган телевизор «Бэт Мастерсон»ни²¹ кўрсатарди.

– Кечки овқатинг газ печида, – деди Уитли хоним. У нақшинкор чит қопламали курсида тиззасига темир патнисни қўйиб ўтирар, пайпоқлари қора

²¹ АҚШнинг NBCда 1958 – 1961 йилларда чиқадиган «Бэт Мастерсон» кўп серияли ахборотномаси.

шиппагигача тушириб қўйилганди. Реклама пайти, Элизабет ҳам уникидек қадоқдан сабзили салат еяётганда Алма хоним қизиқиб сўради:

– Ишларинг қалай, азизам?

– Учта партияни ютдим, – деди Элизабет.

– Ажойиб, – деди Уитли хоним, экрандаги «Хейлис М.О.» ични сурадиган дориларини қабул қилганидан сўнг ўзини енгил ҳис қилиши ҳақида гапираётган қари кишидан кўз узмай.

* * *

Шу оқшом Элизабет олтинчи рақамли тахтада Кляйн фамилияли кўримсиз йигитга қарши ўйнади. Унинг рейтинги 1794. «Шахмат янгиликлари»да чиққанлар орасида бундан пастроқ рейтингли ўйинчиларнинг партиялари ҳам бор эди.

Элизабет оқлар билан ўйнаб, пиёдани шоҳнинг тўртинчи қаторига юрди. У сицилиянча ҳимояга умид қилганди – бу дебютни бошқалардан яхшироқ биларди. Кляйн ҳам пиёдани шоҳнинг тўртинчи қаторига юрди ва кутилмаганда шоҳ филини ўзининг рокировка қилинган шоҳи олдига қўйиб, фианкетто қилди²². Элизабетнинг аниқ ёдида йўқ, лекин унингча бу «нотўғри бошланиш»²³ дейиларди.

Миттелшпилда вазият янада қийинлашди. Элизабет нима қиларини билмай, филини орқага олмоқчи бўлди, лекин тегар-тегмас бошқа имкониятни кўриб қолди – пиёдани фарзиннинг тўртинчи катига юриш маъқул эди. У қўлини фарзин пиёдасига чўзди.

– Маъзур тутасан, – деди Кляйн. – Тегдингми, юр. Элизабет рақибига қаради.

²² Фианкетто – шахмат дебютида ҳудудлардан бирида филнинг ривожланиши.

²³ «Нотўғри бошланиш» – кам қўлланиладиган дебютларнинг умумий номи.

– Сен филни юришинг керак, – тушунтирди Кляйн, шу гапни айтаркан, юзидан бундан хурсанд эканлиги кўриниб турар, рақиби пиёда билан юрса, нима бўлишини тушунган кўринади.

Элизабет елка қисди, ўзини хотиржам кўрсатишга уринди, лекин ич-ичидан аввал шахмат ўйнаган чоғлари сезмаган ҳисдан музлаб кетди. Бу кўрқув эди. У филни тўртинчи қаторга юрди, ўриндиққа суяниб, қўлини тиззалари устида жипслаштирди. Қорнида бир нима буралиб қолгандек бўлди. Бошданок пиёда билан юриш керак эди. Кляйн навбатдаги қадамини қўйгунича Элизабет унга разм солди ва юзида истехзоли кулгини кўрди. Рақиби фарзин пиёдасини бешинчи катакка юриб, соат тугмасини босди ва қўлини кўксига қўйди.

Кляйн унинг филларидан бирини кулатмоқчи эди. Кўрқув ўрнини ғазаб эгаллади. Элизабет тахтага эгилиб, кафтини юзига тираганча доналарни ўргана бошлади.

Бунга деярли ўн дақиқа кетди, лекин охир-оқибат ахтарганини топди, юриб бўлиб яна ўриндиққа суянди. Кляйн у кўрган нарсани кўра олмади чоғи, рақибининг филини олиб қўйди. Элизабетнинг кутгани бўлди ва рақиби узоқ горизонтални кўзлаб, фарзин рухининг пиёдасини юрди. Кляйн бир оз хўрсинди-ю, лекин тез жавоб берди – фарзиннинг пиёдаси билан яна бир қадам қўйди. Элизабет кейинги майдонда пиёдасининг ҳимоясини таъминлаш ва энг муҳими, Кляйннинг руhini хавф остида қолдириш учун отни юрди. Рақиби руhini узоқлаштирди. Элизабетнинг қорнидаги тугун бир оз ечилгандек бўлди, кўзлари шундай ўткирлашдики, ҳозир хонанинг нариги бурчагидаги энг кичик ҳарфларни ўқий оладигандек туюлди. Элизабет қора рухни таъқиб қилиб, яна отини қамчилади. Кляйн унга

бир ўқрайиб қўйди, бир оз ўйлаб, рухни яна олиб қочди – бундан икки юриш аввал Элизабет рух шу ерга келиб қолишини сезганди. Жавобан фарзинни филнинг бешинчи катагига – рақибининг рокировка қилинган шоҳининг қаршисига ўтказди. Кляйн бир оз безовталанди, лекин қатъият билан рухга ёрдамга отни юборди. Элизабетнинг яноқларига қон югурди – фарзини билан шоҳнинг олдидаги оқ пиёдани асир олди ва бу билан кучли донани қурбон қилди.

Кляйн унга қараб қўйди, лекин оқ фарзинни олди, чунки шоҳни бартараф қилишнинг бошқа йўли йўқ эди.

Элизабет кейинги шоҳни фил билан берди. Кляйн у кутгандек шоҳини пиёдаси билан тўсди.

– Икки юришдан сўнг мот бўласиз, – деди Элизабет хотиржам.

Рақиб унга безовталаниб қаради.

– Қанақасига?

– Рух шоҳ беради, кейин от мот қилади, – тушунтирди Элизабет.

Кляйннинг қошлари чимирилди.

– Лекин менинг фарзиним...

– Фарзинингиз шоҳ билан юришдан сўнг тузоққа тушади.

Кляйн эътиборини доналарга қаратди, вазиятни яхшилаб ўрганиб, ўшқирди:

– Жин ургур!

Кляйн шоҳини йиқитмади, Элизабетга қўл чўзмади, шунчаки туриб, муштини чўнтагига тикқанча кетиб қолди.

• Элизабет партияси ёзилган қогозда қалам билан исмини доирага олди.

У кечки соат ўнда уйга кетаётганида жадвалдаги «МАҒЛУБИЯТСИЗ» сарлавҳаси остида энди учта исм қолганди: Ҳармон ҳали ҳам рўйхатнинг охирида, Белтик эса биринчи поғонани эгаллаб турарди.

Ўша кеча Элизабет ётоғида ухлай олмай анча ётди, кун давомида ўйнаган партиялари ҳатто ғалаба шодлиги кетганидан сўнг ҳам миясида ўз-ўзидан тинмай айланарди.

Бир неча соат уйқусизликдан қийналгач, ётоқ кийимида деразага яқинлашди, пардани очиб, кўча чироғи остида яқиндагина барглари тўккан дарахтларни, уларнинг ортидаги қоронғи уйларни узоқ томоша қилди. Кўча уйқуга чўмган, жимжит эди. Ҳаво совуқ, булутлар орасидан ойнанинг бир парчаси мўралаб турарди.

«Метгуэн-Ҳоум» етимхонасининг черковида ўтган шунча вақт мобайнида Элизабет ҳеч қачон ибодат қилмаганди, ҳозир эса эшитилар-эшитилмас овоз чиқарди: «Эй Худо, Белтик билан ўйнаб, уни мот қилишимга имкон бер».

Унинг столи тортмасида тиш чўткаси идиши, идишнинг ичида эса ўн еттита яшил дори бор эди. Жавондаги қутичада эса ундан ҳам кўп. Бир оз аввал ухлаш учун иккита дори ичишни ўйлаб турганди-ю, аммо ичмади. Ўрнига ҳолсиз, сокин, хаёли бўшаган ҳолда қайтиб, қаттиқ ухлаб қолди.

* * *

Шанба куни эрталаб Элизабет кейинги рақибни 1800 рейтингдан баланд бўлишини кутганди. Кираверишдаги котибнинг айтишича, мусобақада бундайлар уч нафар. Жуфтликлар жадвалига кўра, у рейтингни 1724 бўлган қандайдир Таунс билан қоралар томондан ўйнайди. Бу Элизабет ўтган кеча маглуб қилган рақибининг рейтингидан ҳам паст эди. Сўнг котибнинг ёнига қайтиб, гап нимадалигини сўради.

– Танаффус қилиб ол, Ҳармон, – деди оқ кийимли йигит. – Омадим келди, деб ҳисобла.

– Мен энг яхшилар билан ўйнашни истайман.

– Бунинг учун ўзинг ҳам рейтингга эга бўлишинг керак.

– Уни қандай оламан?

– Қўшма Штатлар шахмат федерациясининг мусобақаларида ўттизта партия ўйнайсан ва тўрт ой кутасан. Йўли фақат шу.

– Бу жуда узоқ.

Йигит у томонга эгилди.

– Ёшинг нечада, Ҳармон?

– Ўн учда.

– Сен бу хонадаги энг ёш иштирокчисан. Ҳали вақтинг кўп.

– Мен Белтик билан ўйнамоқчиман! – деди Элизабет жаҳл билан.

– Кейинги учта партияда ютсанг, ўйнайсан, ази-зам, – гапга қўшилди иккинчи котиб. – Белтик ҳам ютса, албатта.

– Мен уларни ютаман, – деди Элизабет.

– Йўқ, Ҳармон, қўлингдан келмайди, – бошини қимирлатди биринчи йигит. – Сенга Сайзмор ва Голдман рақиблик қилади. Иккаласини ҳам ютолмайсан.

– Сайзмор ва Голдманни қўя тур, – аралашди иккинчиси, – ҳозирги рақибингга ҳам паст баҳо берма. У университет жамоасидаги биринчи рақамли шахматчи, ўтган ойда эса Лас-Вегасда бешинчи бўлди. Рейтингига қарама.

– Лас-Вегасда нима бўлганди? – сўради Элизабет.

– Қўшма Штатлар очик турнири.

* * *

Тўртинчи рақамли столга яқинлашганда оқлар томонда унга биринчи куни кулиб қараган, ўша нов-

ча ва хушбичим йигит ўтирарди. Элизабет рақибини кўриб, ҳатто бир оз уялиб кетди – йигит худди киноюлдузларга ўхшарди.

– Салом, Ҳармон, – қўлини чўзди йигит. – Худди бир-биримизни кузатиб юргандекмиз.

Қиз бир оз ўнғайсизланиб, йигитнинг кенг кафтини сиқди ва қоралар томонга ўтирди. Орага ноқулай жимлик чўқди.

– Менинг соатимни ишга тушириб юбормайсанми? – сўради Таунс.

– Кечирасан, – деди паст овозда Элизабет ва тугмани босди, соат чиқиллашни бошлади.

Бет тахтага термилди, негадир айна дамда яноқлари ял-ял ёнарди.

Таунс пиёдасини шоҳнинг тўртинчи катагига юрди, у эса сицилиянча ҳимоя билан жавоб қайтарди. Таунс худди дарсликлардагидек дона сурарди. Элизабет Аждар усулини кўллади. Улар марказда пиёдаларни алмашишди. Элизабет секин-аста ўзини тутиб олди ва таниш ҳаракатларни бажариб, рақибига тахта устидан қараб турарди. Таунс диққатини доналарга қаратган, жойлашувни ўрганиб, қошларини чимиради. Лекин ҳўмрайган ва сочлари тўзгиган ҳолатда ҳам йигит ниҳоятда келишган эди. Элизабет унинг кенг елкалари, майин териси, диққат билан чимирилган қошларига қараганда қорнида галати ҳисларни сезарди.

Таунс фарзинини майдонга тушириб, Элизабетни ҳайрон қолдирди. Бу довюрак қадам эди, Элизабет бир муддат ўйланиб туриб, хавф кўрмади ва ўзининг фарзинини юрди. Таунс отини бешинчи горизонтал қаторга юрди, Элизабет ҳам худди шундай қилди. Таунс фил билан шоҳ берди. Элизабет пиёда билан ҳимояланди ва Таунснинг филини узоқлаштирди. Шундан сўнг ўзини енгил ҳис қила бошлади, бармоқлари доналарни чаққон бошқарарди.

Иккиси ҳам тезкор ва эркин ҳаракат қила бошлади. Элизабет унга хавфсиз шоҳ берди, йигит шоҳини секин олиб қочди ва пиёдаларини олдинга юра бошлади. Элизабет пиёдалар ҳужумини чаққон бартараф қилди, кейин эса рух билан фарзин майдонида айёрона юриш қилди. Таунс буни пайқаб, кулиб қўйди ва унинг ўртасини бузиб, пиёдалар юришини давом эттирди. Элизабет чекинди, фарзин майдонида шоҳни ҳимоялаб рокировка қилди. У эркинлик ва шодлик ҳиссини туяр, лекин чехраси жиддий эди. Рақибларнинг баҳси узоқ давом этди.

Унинг шоҳига мот бериш имкони туғилганда Элизабет ҳатто бир оз хафа бўлди. Бу ўн тўққизинчи юришда бўлди, унинг бутун борлиғи тасаввурида аниқ тизилган доналар қадамига тўсқинлик қилар, рақиблар жуфтликда ўйнаётган сеҳрли рақсни тўхтатгиси келмасди. Лекин тахтадаги вазият ойдин, ҳаракатлар занжири эса аниқ эди: тўрт юришдан сўнг Таунс рухни ёки ундан ҳам кучлироқ донани йўқотади. Элизабет бир оз вақтни чўзди-ю, барибир якунга етакловчи биринчи қадамни қўйди.

Таунс нима бўлаётганини икки юришдан сўнггина тушунди ва бирдан қовоғини уйди:

– Ҳармон, мен рухни йўқотаяпман!

Элизабетга йигитнинг овози ёқарди ва бу гапи ҳам ёқиб тушди. Таунс ўзининг ландавурлигидан ёзгириб, бошини қимирлатди, йигитнинг бу хатти-ҳаракати ҳам Элизабетни бефарқ қолдирмади.

Партияларини якунлаган ўйинчилар уларнинг столи атрофида йиғилишганди. Икки киши қизалоқ амалга оширган юришни муҳокама қилиб шиврлашарди.

Таунс яна беш қадам туриб берди. Енгилганча шоҳини йиқитиб, «Оҳ, жин урсин!» деганида Элизабетнинг унга раҳми келиб кетди. Шунга қарамай,

жилмайиб, ўрнидан турди ва Элизабетга қўлини узатиб, деди:

– Сен жуда зўр ўйнаяпсан, Ҳармон! Неча ёшдасан?

– Ўн уч.

Таунс ҳуштак чалиб юборди.

– Қаерда ўқийсан?

– Фэрфилд ўрта мактабида.

– Ҳа-а, – деди Таунс. – Қаердалигини биламан.

Айни дамда йигит киноюлдузлардан ҳам чиройли кўринарди.

Бир соатдан сўнг учинчи рақамли тахтада Элизабет Голдман билан танишди. У хонага роппа-роса ўн бирда кирди ва мусобақага йиғилганларнинг ҳаммаси унга қараб жим бўлиб қолди. Элизабет кимнингдир шивирини эшитди: «Ўн уч ёш, ақлдан озиш мумкин!» – тўсатдан бу гапдан пайдо бўлган шараф ҳисси билан хаёлига «Саккиз яшарлигимда ҳам шундай ўйнай олардим», деган фикр келди.

Голдман жиддий, камгап ва бамайлихотир киши эди. Бу паст бўйли, гавдали киши шахматда ҳам шундай салобатли эди. Қора доналарни ҳимояга қўйилган жиддий генералдек бошқарарди. Биринчи соатда Элизабетнинг ҳужумга ўтишга қилган ҳамма ҳаракатлари бекор кетди. Унинг ҳар бир донаси қаттиқ ҳимояланганди, худди доналари сони икки баробар кўпдек туюларди. Ҳар сафар Голдманнинг юришини узоқ кутишга тўғри келганда Элизабет безовталиги кучайиб бораётганини ҳис қилар, охир-оқибат филни юрди-ю, чидолмай ҳожатхонага чиқиб кетди. Қорнининг остида нотаниш қаттиқ оғриқ турди, силласи қуриб, боши айланди. Элизабет юзини совуқ сув билан ювиб, қоғоз сочиққа артди. Чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида мусобақада биринчи бирга ўйнаган қиз – Аннетт Пекер кириб келди.

Пекер учрашувдан хурсанд бўлгандек эди.

– Сен яхши ўйнаяпсан, – деди у.

– Ҳозирча, ҳа, – зўрга гапирди Элизабет оғриқдан букчайиб.

– Эшитишимча, ҳозир Голдман билан ўйнаётган экансан.

– Ҳа, энди қайтишим керак.

– Албатта, бора қол. Сенга ўйинда муваффақият тилайман!

Элизабет кутилмаганда жилмайди:

– Раҳмат.

Шахмат тахтасига қайтганида, Голдман юриб бўлган ва ўзининг соати чиқиллаётгани. Голдман қора костюмда қаддини букиб олган ва чарчаган кўринадди. Элизабет эса ўзини енгил ва ўйинни давом эттиришга тайёр ҳис этди. Хотиржам ўтирди, хаёлидан олтмиш тўртта донадан бошқа ҳамма нарсани чиқариб юборди. Бир дақиқа ўтгач, тушундики, агар Морфи қиладигандек иккала майдонда ҳам ҳужумга ўтса, Голдманнинг ҳимояси қийинлашади. Шундай қилиб, Элизабет пиёдани фарзин рухининг тўртинчи катагига ўтказди. Иш берди. Бешта юришдан сўнг у қора шоҳга йўлни деярли очди, яна учтадан сўнг унинг нақ бўғзидан олди. Элизабет Голдманга ҳам, томошабинларга ҳам, қорнидаги оғриққа ва пешонасидаги жиққа терга ҳам эътибор бермади. Унинг кўз олдида фақат куч қаторларидан иборат ўйин майдони бор: пиёдалар учун кичик қайсар каттакчалар, фарзин учун катта йўл ва улар ўртасидаги майдон. Соатида вақти деярли тугай деганда у рақибини мот қилди. Партия қоғозида ўз исмини доирага оларкан, Голдманнинг рейтингига қаради – 1997. Атрофдагилар қарсак чалишди. Элизабет бирдан ҳожатхонага югурди ва ҳайз кўрганини тушунди. Аввалига кўрқиб кетди. Кейин доғ жуда кичкиналиги-

ни кўриб, бир оз енгил тортди. Ва Жолинни эслади. Агар Жолин бўлмаганда ҳозир нима бўлаётганини тушунмаган ҳам бўларди. Ҳеч ким – ҳар ҳолда Алма Уитли хоним ҳам унга бу ҳақда маълумот беришни лозим топмади. Жолин эса бундай «фавкулодда ҳолат»да нима қилишни ҳам тушунтирганди. У дугонасини энтикиб эслади. Қорнидаги оғриқ бир оз енгиллашгандек эди. Ҳа, у ҳозиргина 1997 рейтингли шахматчи – Голдманни мағлуб қилди.

Элизабет юбкасини тузатиб, хонага қайтди.

* * *

Элизабет Сайзморни аввал ҳам кўрганди. Йигит паст бўйли, кўримсиз, озгин юзли, тўхтамай тамаки чекарди. Кимдир қизга Сайзмор Белтикдан аввал штат чемпиони бўлганини айтди. Элизабет у билан «ЭНГ КУЧЛИЛАР» хонасида иккинчи рақамли тахтада ўйнайди. Сайзмор ҳали келмади, лекин ёнида биринчи рақамли столда Белтик ўтирар ва қизга қараб турарди. Элизабет Белтикка қаради ва бирдан тескари ўгирилди.

Соат уч бўлишига бир неча дақиқа қолди. Бу кичкина хонадаги чироқлар катта хонадагидан ёруғроқ кўринар – лакланган полдан қизил чизиққа акси тушиб, кўзни қамаштирарди.

Ниҳоят, Сайзмор келди, сочини асабий тарар, лабида эса ҳамон ўша тамакиси бор эди. У ўтириш учун стулни сурганида Элизабет асабдан тиришди.

– Тайёрмисан? – бепарво сўради Сайзмор, қўлидаги тароғини қўйлагининг чўнтагига солиб.

– Ҳа, – деди Элизабет ва соатнинг тутмасини босди.

У пиёдани шохнинг тўртинчи катагига юрди, тароғини яна чиқариб, қаламнинг орқасидаги ўчирғични тишлади. Элизабет пиёдани фарзин рухининг тўртинчи катагига ўтказди.

Миттелшпилда Сайзмор ҳар юришидан сўнг сочини тарарди. Элизабетга қарамас, диққатини тахтага қаратиб, баъзида ўриндиқда ғимирлар, тароғи билан сочининг фарқини очар, яна орқага тарар ва яна ҳаракатларини такрорларди. Ўйин тенг кетар, иккисида ҳам заиф доналар йўқ эди. Элизабет ўзининг отлари ва филлари учун қулай майдон қидираркан, кутишдан бошқа иложи қолмади. У юриш қилиб, ҳар юришини қоғозига ёзиб қўяр ва ўриндиққа суянарди. Секин-аста стол атрофидаги тўсиқ олдида анчагина томошабин тўпланди. Элизабет вақти-вақти билан уларга қараб қўярди. Айни дамда Элизабетнинг томошабинлари Белтикникидан ҳам кўп эди. Қиз диққатини тахта устига жамлаган, ҳужум учун имкон қидирарди. Бир гал ўриндиғига суяниб, кўзини одамларга қаратганда улар орасида орқа қаторда Аннетт Пекерни кўриб қолди. Пекер унга жилмайди, Элизабет ҳам бунга жавобан бош иргаб қўйди.

Сайзмор бу пайтда отини фарзиннинг бешинчи катагига юриб, бу дона учун энг қулай жойни эгаллади. Элизабетнинг қошлари чимирилди – у ердан отни қулатиш имконсиз эди. Доналар тахта марказида йиғилиб олганди ва Элизабет куч қаторларини кўролмай қолди. Қорнининг ости оғриқдан ёнарди. Ўриндиққа яхшилаб жойлашиб олиб, яна тахтага термилди. Шахмат тахтасидаги вазиятни яхши деб бўлмасди – Сайзморнинг доналари унинг шоҳига тобора яқинлашиб келарди. У рақибига қаради – Сайзмор тароғини қўйиб, ўз майдонини роҳат билан томоша қиларди.

Элизабет муштини юзига тираб, тахтадаги вазиятни ўрганишга киришди. Томошабинлар шивир-шивир қилишар, бу диққатини жамлашга ҳаляқит берарди. Чекиниш вақти келди. Агар у отни

чапга юрса... Йўқ. Оқ майдондаги фили учун узун диагонал очса-чи? Худди шундай. Элизабет пиёда-ни олдинга суриб, филга куч берди. Умумий ҳолат ойдинлаша бошлади. Элизабет ўриндиққа суяниб, енгил нафас олди.

Кейинги беш қадамда Сайзмор олдинга юришда давом этди, лекин Элизабет унинг имкониятлари чегарасини ҳисобга олиб, тахтанинг чап бурчаги – Сайзмор фарзинининг майдонига эътиборини қаратди. Вақти келгач, филини ҳимоя учун гуруҳ бўлиб тўпланган доналар орасига, рақиб отининг иккинчи катагига қўйди. Бу ерда филни Сайзморнинг иккита донаси уриб тушириши мумкин эди, лекин иккала ҳолда ҳам бу катта муаммоларни туғдирарди.

Элизабет рақибига кўз қирини ташлади – Сайзмор яна тароғини чиқариб, сочини тарай бошлади. Соати чиқилларди.

Қарор қабул қилиш учун Сайзморга ўн беш дақиқа керак бўлди, ниҳоят юрганида эса Элизабет ҳайратда қолди: у филни рух билан олди. Рухни охирги горизонтал қатордан чиқармаслиги кераклигини наҳотки тушунмаган бўлса?! У яна тахтага қаради, вазиятни икки бор текшириб, фарзинни юрди.

Кейинги юришгача Сайзмор хавфни сезмади, кейин эса режаси бузила бошлади. Олтита қадамдан сўнг Элизабет фарзин пиёдасини олтинчи горизонтал катакка қўйганида рақиб ҳали ҳам қўлида тароғини ўйнатиб турарди. Сайзмор пиёда олдида рухни қўйди. Элизабет унга фил билан ҳужум қилди. Сайзмор ўрнидан турди, тароғини чўнтагига солиб, тахтага эгилди ва шоҳини йиқитди.

– Сен ютдинг, – хўмрайиб деди у.

Қарсак овози эшитилди.

Элизабет партия қайдлари билан котибнинг столига борди ва у нотацияни текшириб, рўйхатига

белги қўйгунча кутиб турди. Котиб ўрнидан туриб, мусобақа жадвалига яқинлашди. Сайзмор фамилиясини ушлаб турган тугмаларни ечиб, қартани ахлатга ташлади. Кейин пастдаги қартани ҳам ечиб, Сайзморнинг ўрнига ёпиштирди. Энди «МАҒЛУБИ-ЯТСИЗ» рўйхати шундай эди: БЕЛТИК, ҲАРМОН.

Элизабет ҳожатхонага кетаётганда «Энг кучлилар» хонасидан чиқиб келаётган Белтикка рўбарў бўлди – у кенг қадам ташлар, ўзига ишончи баланд эди. Қўлида партия қайдлари қоғозини тутганча ғолиблар рўйхати томон борарди. Элизабетнинг ёнидан ўтаркан, ўзининг галдаги рақибини сезмади ҳам.

Элизабет икки энг кучли жуфтлик тахтаси қўйилган хонага кирди, хонада – чарчаган, сўлғинлашган Таунс турарди. Ҳозир у бир оз ҳорғин Рок Хадсонга²⁴ ўхшарди.

– Баракалла, Ҳармон, – деди Таунс.

– Ютқазганингдан афсусдаман, – деди Элизабет.

– Ҳа-а, энди ҳаммасини бошидан бошлашим керак, – Белтикнинг атрофида йигилган одамлар томонга ишора қилиб, бошини қимирлатди, – у йиртқич, Ҳармон. Ёвуз. Ёвуз даҳо.

Элизабет Таунснинг юзига қаради:

– Сен дам олишинг керак.

Таунс жилмайди.

– Менга фақат бир нарса керак, Ҳармон: сенинг иқтидорингдан бир томчи.

Элизабет котиблар столи ёнидан ўтиб кетаётганда Белтик рақибини томон бир қадам ташлади:

– Эртагача, – деди у сирли жилмайиб.

²⁴ Рок Хадсон (1925 – 1985) – америкалик актёр.

* * *

Элизабет уйга кечки овқатдан бир оз олдин қайтди. Уитли хоним одатдагидан рангпар ва ғалати кўринарди: юзлари шишиб кетган, меҳмонхонасидаги севимли курсисида ўтирар, тиззасида почта хатжилди турарди.

– Мен ҳайз кўрдим, – деди Элизабет.

Уитли хоним киприк қоқиб, секин ғўлдиради:

– Қандай яхши, – лекин унинг хаёли жуда олисда эди.

– Менга аёллар воситаси керак, – деди Элизабет.

Алма Уитли хоним бир оз тушунмай турди, кейин бирдан ўзига келди:

– Сен учун бу муҳим ҳодиса, янги ҳаётнинг бошланиши! Ўзингга керак нарсани ётоқхонамдаги жавоннинг тепа тортмасидан олавер.

– Раҳмат, – деди Элизабет ва зина томон кетди.

– Ҳа, яна менга яшил дорили қутимни ола кел, азизам, у каравотим олдидаги жавонда.

Элизабет қайтгач, унга дори қутисини берди, Уитли хоним иккита дори олиб, қадаҳдаги пиво билан ичиб юборди.

– Хотиржамлик шунчаки келмайди, уни чорлаш керак, – деди Уитли хоним.

– Нимадир бўлдимми? – сўради Элизабет.

– Мен, албатта, Аристотель эмасман, лекин ҳа, бўлди, ўйлашимча, жуда ёмон нарса бўлди. Жаноб Олстон Уитлидан хат келди.

– Нима деб ёзибди?

– Жаноб Уитли жануби-ғарбда номаълум муддатга қоларкан. Американинг жануби-ғарбида.

– Ҳа-а... – бамайлихотир гапирди Элизабет.

– Денвер ва Баттомнинг ўртасидаги аллақаерда.

Элизабет диванга ўтирди.

– Аристотель файласуф эди ва ахлоқ борасида кўп нарсани тушунган, мен эса бор-йўғи эрли хотин ва уй бекасиман. Тўғрироғи, уй бекаси, лекин энди рафиқа эмас.

– Агар сизнинг эрингиз бўлмаса, мени етимхонага қайтариб юборишадими? – сўради Элизабет.

– Сен жуда дангал экансан, – Уитли хоним яна пиводан ҳўплади. – Агар биз уларни алдасак, қайтаришмайди.

– Бу қийин эмас.

– Сен яхши қизсан, Элизабет, – Уитли хоним пивони тугатди. Кечки овқатга иккита товўқни пишириб юборасанми? Улар музлаткичда. Печга қўйиб, тўрт юзга бурайсан.

Элизабет негадир жойидан жилгиси келмай, қаққайиб тураверди.

Курсисида букчайиб ўтирган Уитли хоним Элизабетга қаради ва бирдан елкаларини тик тутди.

– Мен энди эрли аёл эмасман, – деди у, – тўғрироғи, фақат паспортдагина эрим бор. Лекин мендан ҳеч бўлмаса яхши она чиқади, деб умид қиламан.

* * *

Тунда Элизабет тинимсиз ёғиб, том ва ойналарга урилиб, тақиллатаётган ёмгир овозидан уйғониб кетди. Унинг тушига сув кирди – тиниқ ва сокин уммонда сузаётганини кўрди. Элизабет яна тушга қайтиш учун ёнбошлаб, бошини ёстиқ билан ёпиб олди, лекин қайтолмади. Ёмгир янаям шовқинланиб ёғар, уйқудаги ажойиб кўринишлар ўрнини секин-аста шахмат тахтаси ва доналар эгаллаб, ундан эътибор талаб қиларди.

Тунги соат икки. Элизабет эрталабгача ухлолмай чиқди. Эрталаб соат еттида биринчи қаватга тушганида ёмгир ҳали ҳам тинмаганди. Ошхона ортидаги

бог у ёқ бу ёғида оролчалардек ўсиб турган ўт-ўланли балчиқзорға айланиб қолганди.

Тухум қовуришни билмаганидан уларни шунчаки қайнатиб ейишга қарор қилди. Музлаткичдан иккита тухум олди, товага сув солиб, оловга қўйди. Белтикка қарши ўйинда пиёдасини шоҳнинг тўртинчи катагига юриб, сицилиянча ҳимояга умид боғлади. Беш дақиқа ўтиб, тухумлар қайнади деб ўйлади ва совуқ сувга солди. Кўз ўнгига Белтикнинг ёш, кибрли ва ақлли юзи келди. Унинг кўзлари кичкина ва қора эди. Кеча оқшом Элизабетнинг ёнига келганида, хаёлининг бир четида «у мени барибир мағлуб қилади», деган фикр ўтди.

Нонушта жуда зўр бўлди: Элизабет тухумни пичоқ билан чақиб, идишга солди ва туз, ёғ билан еб олди. Кўзлари худди қум киргандек ачишарди. Якуний мусобақа ўн бирда бошланади, ҳозир соат етти ярим. Элизабет айна дамда йўқотиб қўйган «Замонавий шахмат дебютлари» китобини яна бир варақлаб, сицилиянча ҳимоянинг турли усулларини эслаб олишни истарди. Мусобақанинг баъзи иштирокчилари қўлтиғига варақлари тўзгиган китоблар билан келишарди.

Соат ўнда айвончадан тушаётганда ёмғир томчилаётганди. Уитли хоним ҳали ҳам уйқуда. Чиқишдан олдин Элизабет ҳаммомга кириб, Уитли хоним берган қалин оқ боғламани ушлаб турадиган аёллар камарини текшириб кўрди: ҳаммаси яхши. Элизабет пойабзалини, кўк свитерини кийди, Уитли хонимнинг ёмғирпўшини олиб, уйдан чиқди.

* * *

Биринчи рақамдаги тахта доналари бошқаларидан фарқ қилишини Элизабет бошданоқ пайқаганди. Улар бошқа тахталардаги бўш пластик эмас, худди жаноб Ганцники каби ҳашамдор ёғоч доналар

эди. Элизабет соат ўн яримда биринчи бўлиб келди. «Энг кучлилар» хонаси ҳали бўш экан. Оқ шоҳни қўлига олди – у худди кўрғошиндек анчагина оғир, асоси яшил наMATдан ишланганди. Элизабет донани жойига қайтариб қўйди, бахмал тўсиқдан ошиб ўтиб, ҳожатхонага чиқди. Эрталабдан бери юзини учинчи бор ювди, аёллар камарини тузатди, сочини тараб, хонага қайтди. Иштирокчилар секин-аста йигилишарди. Элизабет қўллари титраётгани кўринмаслиги учун уларни юбкасининг чўнтагига тикиб олди.

Соат ўн бирда биринчи рақамли тахта қошида оқлар томондан тайёр бўлиб ўтирарди. Иккинчи ва учинчи тахталарда ўйин бошланди. Иккинчи тахтада Сайзмор ўтирар, қолганларни у танимасди.

Ўн дақиқа ўтдики, Белтик кўринмади. Оқ кийимли мусобақа котиби унинг ёнида бир дақиқача кутиб турди ва:

– Ҳалиям келмадими? – деб сўради овозини пастлатиб.

Элизабет бошини қимирлатди.

– Юришни бошла ва унинг соатини ишга тушир, – пичирлади котиб. – Сен ўйинни роппа-роса ўн бирда усиз бошлашга ҳақлисан.

Элизабет безовталанди, бу қоида ҳақида унга аввал айтишмаганди. Элизабет пиёдасини шоҳнинг тўртинчи катагига юриб, тугмани босди.

Яна ўн дақиқалардан кейин Белтик ниҳоят кириб келди. Элизабетнинг қорни оғриб, кўзлари ачишарди. Белтик ёрқин қизил қўйлак ва туяранг велвет шим кийган, ҳар доимгидек сокин кўринарди.

– Узр сўрайман, – деди у хотиржам. – Қўшимча бир финжон қаҳва ичиб, ушланиб қолдим.

Бошқа шахматчилар йигитга ғазаб билан қарашди. Элизабет индамади.

Белтик ҳамон ўриндиқ олдида туриб, қўйлагининг ёқасидаги битта тугмани ечиб, қўлини узатди:

– Менинг исмим Гарри Белтик. Сизники-чи?

Йигит, шубҳасиз, қизнинг исмини биларди.

– Мен Элизабет Ҳармонман, – у рақибининг қўлини сиқди, лекин кўзига тик қарамасликка уринди.

Белтик қоралар томонга ўтирди, қўлларини иштаҳа билан ишқалаб, шоҳ пиёдасини учинчи қаторга юрди ва тугмани чаққон босди. Бу французча ҳимоя эди. Элизабет бу ҳимоядан ҳеч қачон фойдаланмаган ва унга доналарнинг жойлашуви ёқмасди. Пиёдани фарзиннинг тўртинчи катагига юришга тўғри келарди. Лекин Белтик ҳам худди шундай қилса-чи? У пиёдаларини алиштиришига, улардан бирини олдинга суришга ёки отни олиб чиқишига тўғри келадими? Элизабет тахтага яна бир бор разм солди ва бошини қимирлатди. Бир неча қадамдан сўнг ўйин майдони қандай кўринишда бўлиши номаълум. Элизабет яна термилди, кўзларини ишқалади ва пиёдани фарзиннинг тўртинчи катагига жойлади, қўлини соатга узатаётиб эса иккиланиб қолди – адашгандек бўлди. Нима бўлса ҳам энди кеч. У шошиб тугмани босди. Белтик соати чиқиллай бошлаши билан фарзин пиёдасини шарт олиб, фарзиннинг тўртинчи қаторига юрди ва соатининг тугмасини босди.

Юришларни одатдагидек равшан кўриш қийин бўлса-да, бундан кўзланган мақсадларни англаш ҳисси йўқолмаганди. У икки отини майдонга ташлаб, бир муддат марказий катаклар учун жангга йўл қўйиб берди. Белтик тезкор ҳаракат қилиб, унинг пиёдаларидан бирини ўз пиёдаси билан олиб қўйди ва Элизабет рақибининг бу пиёдасини уролмаслигини англади. Ва айна дамда қиз рақибининг бу ютуғига

эътибор бермасликка уриниб, ўйинни давом эттирди. Биринчи диагоналдаги доналарни чиқариб, шоҳ ва рухнинг ўрнини алмаштирди. Белтикка назар солди: у жуда хотиржам ўтирар, қўшни тахтадаги ўйинни кузатганча ўз доналарига қарамасди. Элизабетнинг қорнида яна алланима тугилиб қолгандек бўлди, ўриндиқ жуда ноқулай туюлиб кетди. Тахта марказидаги катта доналар ва пиёдалар жойлашуви тартибсиз, маънисиз кўринарди.

Элизабет бир оз эгилиб, соатга қаради. Унинг йигирма беш дақиқаси ўтган, аллақачон пиёдасини йўқотганди. Белтик эса кечикиб келган вақтини қўшганда бор-йўғи йигирма икки дақиқа сарфлабди. Унинг қулоқлари чийиллаб кетди, хонага тушиб турган ёруглик кўзини қамаштирди. Белтик эса ўриндиққа суяниб, керишди, қуртлаган тишларини кўрсатиб, эснади.

Элизабет оти учун қулай майдонни кўргандек бўлди, қўлини узатди-ю, тўхтаб қолди. Бу жуда ёмон юриш бўларди. Ҳозир Белтикнинг фарзинини рухнинг вертикалига ўтиб, ҳужумга шайланишига йўл қўймаслик учун нимадир қилиш керак эди. Демак, бир пайтнинг ўзида ҳам ҳужум қилиши, ҳам ҳимояланиши зарур, лекин буни қандай қилишни билмасди. Унинг қаршисидаги доналар шунчаки ҳаракатсиз ўтиришарди. Айни дамда ухлаб олиш учун яшил дориларни ичмаганидан афсусланди.

Ниҳоят, ўзига маъқул йўлни топди: қора фарзидан ҳимояланиш учун отини шоҳнинг ёнига қўйди. Белтик қошини бир учириб, тахтанинг нариги тарафидаги пиёдани уриб туширди ва кутилмаганда фили учун диагонал йўл очилди. Қора фил тўғри оқ отга қараб турарди. Бундан чиқди, аввалги юриш беҳуда бўлган, вақтини бекор кетказган холос. Тагин у пиёдасидан ҳам айрилди. Белтикнинг юзига қул-

ги югурди ва Элизабет кўрқувдан музлаб, кўзини ундан тез олиб қочди. Нимадир қилиш керак эди. Бир неча юришдан сўнг у шоҳга яқин келади. Вазият қандай кечишини аниқ билиш учун диққатни жамлаш керак. Лекин Элизабет тахтага қараганида доналар чалкаш, мураккаб ва хавфли кўринарди. Шунда ўрнидан турди – соати чиқиллашда давом этарди – тўсиқдан ошиб, озчилик томошабинлар орасидан умумий мусобақа хонасига чиқди ва ҳожатхона томон кетди. Ҳожатхонада ҳеч ким йўқ эди. Юзини совуқ сув билан ювди, бир нечта қоғоз сочиқ билан юзини артиб, уларни бир дақиқа бўйнига босиб турди. Сочиқларни ташлади, бўлинмага кириб, кулфланиб олди. Камарини текшириб кўрди – ҳаммаси жойида. Ўтириб олиб, ўзини бўш қўйишга, онгини кераксиз фикрлардан тозалашга уринди. Тирсакларини тиззасига тираб, бошини эгди ва иродасини жамлаб, полда ўзи ўйнаётган партияни гавдалантирди. Бу қўлидан келди.

Бирдан вазияти мураккаб, лекин «Моррис» дўко-нидаги китобларни ўқиб, эслаб қолган кўп партияларида бундан ҳам қийин вазиятлар бўлганлигини эслади. Тасаввуридаги доналар шундоққина рўпарасида, аниқ ва равшан кўриниб турарди.

Элизабет вақт ҳақида ўйламай, бутун тасвир ўзига тиниқ ва тушунарли бўлгунича шу ерда ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, юзини яна ювди ва кейинги юриши қандай бўлишини аниқ билган ҳолда ўйин хонасига қайтди.

«Энг кучлилар» хонасида томошабинлар кўпайиб қолган, партияларини якунлаган шахматчилар якуний жангни кўришга келишганди. Элизабет одамлар орасидан ўтди ва жойига ўтирди. Қўлларидан титроқ, қорнидан оғриқ, кўзларидан ачишиш кетган. Ниҳоят, юриш қилиб, соат тутмасини қатъият билан босди.

Белтик тахтани бир оз ўрганиб, фили билан унинг отини олди – Элизабет шундай бўлишини билганди. У Белтикнинг донасини олишга шошилмай, фил билан қора рухлардан бирига хужумга ўтди. Белтик руhini олиб қочди, соат тугмасини босиб, ўриндиққа суянди ва чуқур нафас олди.

– Бу иш бермайди, – деди Элизабет. – Ҳатто фарзинингизни олишимга ҳам ҳолат қолмади.

– Юринг, – деди Белтик.

– Мен аввал фил билан шоҳ бераман...

– Юринг!

Элизабет бошини қимирлатиб, фил билан шоҳ қилди. Белтик тезда шоҳини олиб қочиb, тугмани босди. Шунда Элизабет ўйлаб қўйган ишини қилди: ўз фарзинини шоҳнинг ёнига қўйиб, уни қурбон қилди. Белтик рақибасига ҳайрон қараганча қотиб турарди. Элизабет унинг нигоҳига чидади. Белтик елка қисиб, фарзинни олиб қўйди ва донанинг асоси билан соатига босди.

Элизабет иккинчи филини бошланғич ўрнидан тахтанинг ўртасига юрди.

– Шоҳ. Кейинги юришда эса мот, – деди у.

Белтик бир зум тахтани кўздан кечирди ва ўрнидан сакраб турди:

– Лаънати! – деди у.

– Рух мот қилади, – деди Элизабет.

– Лаънати! – яна такрорлади Белтик.

Хонага тўпланган оломон қарсак чала бошлади. Белтик қовоғини солиб, қўлини узатди, Элизабет уни сиқиб қўйди.

БЕШИНЧИ БОБ

Элизабет ҳисобчининг дарчасига етиб борганида банк ёпилишига оз қолганди. Дарсдан сўнг у бир автобусни узоқ кутди, Мейн-стритдаги алмашишдан сўнг яна бошқасини кутди. Бу иккинчи банк эди.

Букланган чекни кун бўйи кофтасининг чўнтагида олиб юрди, навбатда ундан олдиндаги эркак дарча токчасидан беш центли тангаларни олиб, чўнтагига солгунча қўлида тутиб турди. Навбати келгач, бир қўлини муздек мрамор токчага қўйиб, иккинчиси билан чекни узатди ва ҳисобчининг юзини кўриш учун оёқ учида турди.

– Мен ҳисоб рақаами очмоқчиман, – деди у.

Дарчанинг нариги тарафидаги эркак чекка назар ташлади.

– Ёшингиз нечада, хоним?

– Ўн учда.

– Маъзур тутасиз. Сиз ота-онангиз ёки васийларингиздан бири билан келишингиз керак.

Элизабет чекни чўнтагига солиб, кетди.

Уйга келганида Уитли хоним курсида ўтирар, ёнидаги столда тўртта «Пабст Блю Риббон» пиво шишалари турарди. Телевизор ўчирилган эди. Кираверишда Элизабет кечки газетанинг янги сонини олиб, меҳмонхонага киришда очди.

– Мактабда ишлар қалай? – сўник ва паришон овозда сўради Уитли хоним.

– Яхши.

Элизабет диваннинг яшил курсисига газетани ёзди ва биринчи саҳифанинг қуйи қисмида ўз сура-тини кўриб, ҳайрон қолди. Кенг устун ва сарлавҳа ўртасида «МУЪЖИЗАВИЙ ҚИЗ ШАХМАТ ТУРНИРИДА ҒОЛИБ БЎЛДИ» деб ёзиб қўйилган. Бир

оз кичикроқ ҳарфлар билан ёзилган тагсарлавҳа ҳам бор: «ЎН ИККИ ЁШЛИ ЎҚУВЧИ ҚИЗ БИЛИМ-ДОНЛАРНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРДИ». Элизабет соврин ва чек топширилишидан аввал кимдир уни суратга олганини эслади. Лекин ёши ўн учдалигини айтганди.

Элизабет эгилиб, газетани ўқишга киришди.

Ўтган ҳафта охирида Кентуккининг шахмат ихлосмандлари штат чемпионатида энг яхши шахматчилар устидан галаба қозонган маҳаллий мактаб ўқувчисининг ўйинидан ҳайратда қолди. Фэрфилд ўрта мактабининг еттинчи синф ўқувчиси Элизабет Ҳармон «аёллар учун камёб бўлган устамонликни намоён этди», деди Ҳармон хоним билан Кентукки штат чемпионлиги учун курашган Гарри Белтик.

Элизабет юзини бужмайтирди. Унга газетадаги расми ёқмади – кичкина бурнидаги сепкиллари аниқ кўриниб турарди.

– Мен банкда ҳисоб рақами очмоқчиман, – деди у.

– Ҳисоб рақами?.. – гангиб қолди Уитли хоним.

– Сиз мен билан боришингиз керак.

– Лекин... азизам, ҳисобингга ниманиям қўясан?

Элизабет чўнтагига қўлини тикиб, чекни олди ва Уитли хонимга узатди. Хоним қаддини тиклаб, чекни худди Ўлик денгиздан топилган қадимий қўл-ёзмани олгандек эҳтиёткорлик билан ушлади. Бир муддат жимгина қогоздаги ёзувларни ўқиди, кейин секин шивирлади:

– Юз доллар.

– Ҳисобчи мен билан ота-онамдан бири ёки васий келиши кераклигини айтди.

– Юз доллар, – такрорлади Уитли хоним. – Демак, сен уларни ютиб олдинг, шундайми?

– Ҳа. Чекда «биринчи ўрин учун» деб ёзилган.

– Кўряпман. Мен шахмат ўйнаб, пул топиш мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим.

– Баъзи мусобақаларнинг совринлари бундан ҳам каттароқ.

– Ё, Худо! – деди Уитли хоним кўзини чекдан узолмасдан.

– Банкка эртага мактабдан кейин боришимиз мумкин, – таклиф қилди Элизабет.

– Албатта...

Эртасига, иккиси банкдан уйга қайтганида диван олдидаги ўриндикда «Шахмат янгиликлари»нинг очиқ сони ётарди. Уитли хоним пальтосини жавонга илиб, журнални қўлига олди.

– Сен мактабда пайтинг, – деди Алма хоним, – мен ўқиб кўриб, декабрнинг иккинчи ҳафтасида Цинциннатида катта шахмат мусобақаси ўтказилаётганини аниқладим. Биринчи ўрин учун соврин – беш юз доллар.

Элизабет унга бир муддат жим тикилиб қолди.

– Мен мактабга қатнашим керак. Цинциннати эса бу ердан анча узоқда.

– «Грейхаунд»²⁵ шаҳарлараро автобусида икки соатлик йўл. Мен чипта буюртма қилиб қўйдим.

– Мактаб-чи?

– Моно сабаб бир неча кун боролмаслигинг ҳақида узрнома ёзиб бераман.

– Моно?!

– Мононуклеоз²⁶. Уй бекаларига бағишланган журналда ёзилишича, бу сенинг ёшингдагилар ўртасида кенг тарқалган касаллик.

²⁵ «Грейхаунд лайнс» –1929 йилдан буён мавжуд автобус компанияси.

²⁶ Мононуклеоз – ўткир юқумли (инфекцион) касаллик, ҳаво-томчи йўли орқали юқади.

Элизабет Уитли хонимга ҳали ҳам ҳайратли нигоҳ билан қараб турарди. Асраб олган онаси ёлғон тўқиш санъатида ундан ўтиб тушадиган бўлиб чиқди.

– Қаерда тунаймиз? – ниҳоят сўради Элизабет.

– «Гибсон» меҳмонхонасида. Икки кишилик хона оламиз, бу бир кунга йигирма икки долларга тушади. «Грейхаунд» чипталари ўн биру саксон туради ва яна, албатта, овқатга тўлаш керак. Мен ҳаммасини ҳисоблаб қўйдим. Агар сен иккинчи ёки учинчи ўринни олсанг ҳам, сафаримизни қоплаб, яна фойда ҳам қолади.

Элизабетнинг сумкасида йигирма доллар нақд пули ва ўнта тўлдирилмаган чеки бор эди.

– Мен шахмат бўйича китоблар сотиб олишим керак, – деди у.

– Албатта! – жилмайди Уитли хоним. – Агар йигирма уч доллару олтмиш центлик чекни имзолаб берсанг, эртагаёқ автобус чипталарини олиб келаман.

* * *

«Моррис» китоб дўконидан «Замонавий шахмат дебютлари» китоби ва эндшпиллар бўйича қўлланма сотиб олгач, Элизабет йўлдан ўтиб, «Пёрселл» дўконига кирди. У синфдошларининг сўзларидан «Пёрселл» «Бен Снайдер дўкони»дан анча тузукроқ эканини билиб олганди. Ўзига керакли нарсани тўртинчи қаватдан топди – жаноб Ганцникига ўхшаб кетадиган қўлбола ўйилган отлар, катта виқорли пиёдалар ва оғиргина рухлардан иборат шахмат тўплами. Тахта борасида узоқ ўйланди ва текис ёғоч тахтани олмоқчи бўлди, лекин фикридан қайтиб, йигиладиган, ўзи билан олиб юрса бўладиган яшил ва сарғиш катакчалисини олди.

Уйга кириши билан дархол ёзув столи устини бўшатиб, тахтани очди ва доналарни жойлаштирди. Янги китобларини столнинг бир томонига тахлаб қўйди, бошқа томонига мусобақада ютган соврини – шахмат оти кўринишидаги кумуш хайкалчани қўйди. Кейин стол лампасини ёқиб, курсига ўтирди ва чироқ остида доналарга тикилиб қолди. Шу ҳолатда қалбида сокинлик билан узоқ ўтирди. Кейин тўп-ламдан «Замонавий шахмат дебютлари»ни олиб, очди ва бу сафар бошидан ўқий бошлади.

* * *

Элизабет авваллари ҳеч қачон «Гибсон» меҳмонхонаси каби ҳашаматни кўрмаганди. Бинонинг салобати, ичидаги шовқин-сурон, даҳлиздаги ёрқин қандиллар, қалин алвон гиламлар, ҳар томонда гуллар, учта айланма кириш эшиги ва уларнинг олдидаги форма кийган эшик огаси – ҳаммаси ақлни шоширарди. Элизабет ва Уитли хоним автобус бекатидан янги жомадонларини тортқилаганча юриб келиб, меҳмонхонанинг олд томонидан киришди. Уитли хоним жомадонларини меҳмонхона хизматчисига беришдан бош тортди. Ҳамма юкларини рўйхатга олиш столига қўйиб, унинг норози нигоҳи остида ўзи ва Элизабет учун қоғозларни тўлдирди.

Хонага киргач, Элизабет бир оз енгил тортди. Хонадаги иккита катта деразадан бу вақтда машиналар ҳаракати тифиз бўлган Тўртинчи кўча кўриниб турарди. Кун совуқ, хона эса шинамгина – қалин гиламлар, бутун деворни эгаллаган катта ойна, қизил пахмоқ сочиқлар қўйилган катта оқ ҳаммом бор эди. Яна бу ерга рангли телевизор ўрнатилган, иккита каравотга оч қизил кўрпа ёпилган эди.

Уитли хоним хонани кўздан кечирди, ҳамма тортмаларни очиб-ёпиб кўрди, телевизорни ёқиб-ўчирди, кўрпаларнинг биридаги бурмани тузатди.

– Мен чиройлироқ хона сўрагандим ва менимча, биз унга эришдик, – деди Алма хоним худди бутун умрини «Гибсон» меҳмонхонасида кечиргандек викториан курсисига ястаниб.

Мусобақа меҳмонхонанинг қаватлар оралиғида Тафт²⁷ рақс хонасида ўтказилади. Элизабет бор-йўғи эскалаторда тушса етарли. Уитли хоним шу яқин орадан тамаддихона топди ва улар бекон билан қовурилган тухум еб, нонушта қилиб олишди. Шундан сўнг хоним «Цинциннати янгиликлари»нинг янги сони ва бир қути «Честерфильд» билан ётоғига қайтди, Элизабет эса мусобақада рўйхатдан ўтиш учун кетди. Унинг ҳали ҳам рейтинги йўқ эди, лекин бу сафар кираверишда ўтирган котиблардан бири қизни таниди ва ҳеч ким голиб қизни бошланғич гуруҳга ёзиб қўйишга уринмади. Шахматчилар бир кунда икки партиядан 120/40 вақт назорати остида ўйнашлари керак, бу қирқта юриш учун икки соат дегани эди.

Элизабет аризани тўлдира туриб, катта очилган икки табақали эшикдан йўгон эркак овозини эшитди. Тафт хонасида эшиклар кўп эди. Эшикдан шахмат мусобақаси учун узун столлар қатор қўйиб чиқилган, ҳозирча бўш хона кўриниб турарди. Бир неча киши улар орасидан ўтиб юрарди.

Элизабет хонага кирганида унинг эътиборини диванчада ястаниб олиб, қора пойабзал кийган оёғини столга қўйиб олган эркак тортди.

– Рух эса еттинчи горизонталга сакради, – дерди эркак йўгон овозда, – рух шундай турдики, томоғига суяк тикилди. У бунга қаради-ю, ҳамёнини олди, –

²⁷ Уильям Говард Тафт (1857 – 1930) – АҚШнинг 27-Президенти (1909 – 1913), Цинциннати шахрида туғилган.

эркак бошини диваннинг суянғичига ташлаб, баланд овозда кулди. – Йигирма долларни санаб берди!

Ҳали эрта эди, хонада ўн иккига яқин ўйинчилар йиғилган, шахмат тахталари жойлаштирилган столларга ҳали ҳеч ким ўтирмаган. Ҳамма эркакнинг ҳикоясини тингларди. У йигирма беш ёшларда, юпқа мўйловли, соқоллари олинмаган ва қароқчига ўхшарди. Кир жинси шим, қора кўйлак ва жунли бош кийими қалин қошигача тушириб қўйилган. Қорачароқ кўллари қадоқ эди.

– Каро-Канн ҳимояси, – кулди қароқчи. – Катта хато.

– Бу ҳимояга нима қилибди? – сўради туя жунидан ишланган свитер кийган озода кўринишли ёш йигит.

– Бир уюм пиёда, аммо умид йўқ, – у оёғини столдан тушириб, тўғри ўтириб олди.

Қаҳва столида эскириб кетган шахмат тахтаси турарди, унинг яшил ва сарғиш катакларида ёғоч доналар ва пиёдалар жойлашган. Қора шоҳнинг боши изолента билан боғланган, демак, уни жуда кўп йўқотган.

– Мен ҳозир кўрсатаман, – деди эркак тахтани ўзига тортиб.

Элизабет эркакка яқин туриб олди. Бу хонада у ягона қиз эди.

Қора кийимли эркак тахтага эгилди, оқ шоҳ пиёдасини кутилмаган нозик ҳаракат билан, бармоқларининг учига олди ва шоҳнинг тўртинчи катагига қўйди. Кейин қоралардан фарзин филининг пиёдасини олиб, оқ фарзин пиёдасини тўртинчи горизонтал катакка жойлади ва қоралардан ҳам худди шундай юрди ва ўзининг атрофида диққат билан кузатиб турган одамларга бир қараб қўйди.

– Каро-Канн ҳимояси. Шундайми?

Элизабет бу юришларни партиялар қайдларидан эслаб қолган, лекин ҳақиқий ўйинда ҳали кўрмаганди. Энди оқ фарзин филини юриш керак эди – бош кийимли киши худди шундай қилди. Кейин қора пиёда оқни уриб тушириб, ўзи ҳам оқ от томонидан урилди. Қора шоҳ оти филнинг учинчи катагига сакради, оқ от ҳам жавоб қайтарди. Бу ҳам Элизабетнинг ёдида эди ва энди унга тахтадаги вазият зерикарли туюлди.

– Мен отни олган бўлардим, – у ўзи ҳам кутмаган ҳолда паст овозда гапириб юборди.

Бош кийимли эркак қошини кўтариб, Элизабетга қаради.

– Ҳа, сен ҳалиги Гарри Белтикнинг адабини берган кентуккилик қизалоқмисан?

– Ҳа, – жавоб берди Элизабет. – Агар отни олсангиз, бу ерда икки томонлама пиёда пайдо бўлади.

– Жуда катта ютуқ-да, – кесатик билан елка қисди у. – Айтяпман-ку, бир уюм пиёда, лекин умид йўқ. Мана, қоралар қандай ютиши мумкин!

Бош кийимли киши отни тахта марказида қолдириб, қора пиёдани шоҳнинг тўртинчи катагига юрди. Бу ёғига у доналарни тез, чаққон ва бир қарашда тартибсиз юра бошлади ва вақти-вақти билан тузоқларга ишора қилиб турди. Секин-аста марказда тегилик юзага келди.

Ҳаммаси худди телевизорда қора тупроқдан оч яшил ўт униб чиқиши, бўй чўзиши, катталашиб, охири бир атиргул бўлиб очилиши кўрсатиладиган тезлаштирилган тасвирдагидек намоён бўлди.

Хонада одам кўпайди, ҳамма ўйинни кузатарди. Элизабет ўзида янгича ҳисларни, ҳаяжонни туйди. Қора бош кийимли шахматчининг билимлари, равшан идроки ва қуввати унда ҳайрат уйғотди. У

марказдаги доналарни алмаштирарди, йиқилганларини чаққонлик билан олиб ташлар, худди тахтадан ўлик пашшаларни қоқиб ташлаётгандек эди ва овоз чиқариб, мажбурий юришлар, рақибнинг заиф томонлари, тузоқлар ва кучли катакларни изоҳлаб борарди. У рухни бошланғич катагидан суриш учун бир оз ўрнидан турганида Элизабет эркакнинг белида пичоқ кўриб, ҳайрон қолди – чарм аралаш темир соп шимининг камаридан чиқиб турарди. Бу одам «Хазиналар ороли» асарининг қаҳрамонларидан бирига шунчалик ўхшардики, пичоқ ҳам кўринишига мос тушганди. Пичоқнинг эгаси ўйинни бир зумга тўхтатди.

– Энди нима бўлишини қаранг, – деди у ва қора рухни қора шоҳнинг бешинчи катагига қўйди. – Ҳўш, энди оқлар бунга қандай жавоб беради? – у томошабинларга бирма-бир қараб чиқди.

Элизабет тахтадаги вазиятни ўрганди. Унда ҳар томонда оқлар учун тузоқлар қўйилганди.

Томошабинлардан бири таклиф берди:

– Фарзин пиёдани урадимиз?

Шахматчи бошини қимирлатиб, жилмайди.

– Рух шоҳнинг саккизинчи катагига ўтади ва шоҳ! Фарзин ўлади.

Элизабет буни аниқ кўриб турарди. Ҳаммаси худди оқлар учун ўйин тамомдек кўринарди. У энди гапирмоқчи бўлиб турганида, томошабинлардан бири олдинроқ гап бошлади:

– Бу ўттизинчи йиллардаги Мизес ва Решевскийнинг ўйини.

Эркак унга қаради.

– Тўғри. Маргитдаги мусобақа, бир минг тўққиз юз ўттиз бешинчи йил.

– Оқлар рухни фарзиннинг биринчи катагига юришган, – деди томошабин.

– Худди шундай. Бошқа йўл ҳам қолмаганди.

У ҳозирги юришни амалга ошириб, ўйинни давом эттирди. Энди оқлар ютқазгани аниқ эди. Бир нечта чаққон қадамлардан сўнг партияда эндшпил бошланди, лекин қоралар ўтказма пиёдалардан бирини қурбон қилди ва кутилмаганда пиёдаларнинг эҳтимолий алмашинув йўли ўзгариб кетди – қоралар оқдан икки қадам аввал бошқа бир пиёдасини фарзинга айлантириши ойдинлашди. Бу Элизабет шахмат китобларида ўқиган партиялар даражасидаги ажойиб ўйин бўлди.

Эркак ўрнидан турди, бош кийимини ечиб, керишди. Нигоҳи Элизабетга тушди.

– Решевский сенинг ёшингда шундай ўйнардди. Хатто сендан ҳам кичиклигида.

* * *

Уитли хоним ҳамон хонасида маҳаллий янгиликларни ўқиб ўтирарди. Элизабет кирганида унга кўзойнаги устидан қаради:

– Тугатдингизми?

– Ҳа.

– Хўш, ишларинг қалай?

– Мен ютдим.

Уитли хонимнинг кўзлари ёниб жилмайди.

– Асалим, – деди у, – сен хазинасан.

* * *

Уитли хоним «Гибсон» меҳмонхонасидан бир неча даҳа наридаги «Шилито» йирик дўконидаги чегирмалар ҳақида ўқиб қолди. Мусобақанинг иккинчи партиясига ҳали бир неча соат бор эди ва улар Элизабет билан енгил ёғаетган қор остида дўконга кетишди.

Уитли хоним биринчи қаватни тўлиқ ўрганишга тушди. Элизабет унинг ортидан эргашиб юриб-юриб, охири, тилга кирди:

– Мен свитерларни кўрмоқчиман.

– Қандай свитерларни, азизам?

– Кашемирли.

Уитли хоним қошини кўтарди.

– Кашемирли?! Унақаларига пулимиз етади, деб ўйлайсанми?

– Ҳа!

Элизабет йигирма тўрт долларга оч кулранг свитер топди – кийим худди ўзига бичилгандек эди. Кийиниш хонасидаги катта ойнада ўз аксини томоша қила туриб, ўзини «Олмали пирог» клуби аъзосидек, худди Маргаретдек тасаввур қилди. Лекин бу Элизабетнинг юзи эди – юмалоқ ва сепкилли, текис жигарранг сочли. У чек ёзиб бериб, свитерни сотиб олди. «Шилито»га кетаверишда Элизабет пештахтасига кичкина икки хил рангли «оксфордлар» қўйилган пойабзал дўкончасини кўриб қолди. Қайтишда Уитли хонимни ўша ерга олиб кириб, бир жуфт оёқ кийим харид қилди. Уларга қўшиб ромб шаклдаги нақшли гольфи ҳам олди, қадогида шундай ёзилганди: «100% жун. Англияда ишлаб чиқарилган». Меҳмонхонага қайтаётганда шамол юзларига кичкина қор парчаларини урар, Элизабет оёғига – янги харидларига қарарди. Оёқлари янги пойабзалда ўзини қандай ҳис қилаётгани, иссиқ гольфилар болдирини кучиб тургани ва иккаласи бирга – ранг-баранг гольфилар ёрқин оқ-жигарранг «оксфордлар» устида бир-бирига уйқаш туриши қизга жуда ёқарди. Қараб, кўзи тўймасди.

* * *

Тушдан сўнг у огайолик 1910 рейтингли ўрта ёшдаги эркакка қарши ўйнади. Ўйинни сицилиянча ҳимоя билан бошлаб, бир ярим соатдан сўнг галаба билан якунлади. Унинг ақли ҳар қачонгидан ҳам ўт-

кир ва равшан. Яна сўнгги ҳафталарда рус шахмат устаси Болеславскийнинг китобидан ўрганган янги усуллари қўллаб қўриш имкони ҳам пайдо бўлди.

Элизабет партия қайдларини олиб келганида котиблар столи ёнида Сайзмор турарди. Бу ерда у Кентукки мусобақасидаги бошқа таниш шахматчиларни ҳам кўрди. Машҳур ўйинчиларни кўриш ёқимли эди, лекин унга фақат бир киши – Таунс керак эди. Хонада йиғилганлар орасида ўша хушбичим юзни қидириб, бир неча бор аланглади, лекин тополмади.

Оқшом пайти Уитли хоним меҳмонхона хонасида «Беверли-хиллзлик қишлоқи»²⁸ ва «Дик Ван Дайк шоуси»ни кўриб ўтирарди, Элизабет эса миясида кундузи ўйнаган партияларини жонлантириб, ўз юришларининг заиф томонлари ва камчиликларини ахтарарди. Бирор камчилик топмади. Кейин у Ройбен Файннинг²⁹ эндшпиллар тўғрисидаги китобига киришди. Эндшпил қарама-қаршиликнинг ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган шакли бўлиб, унда бир нечта донасидан айрилган иккала рақиб ҳам пиёдасини фарзинга айлантиришни мақсад қилади. Эндшпилда Элизабетга ёқадиган қақшатқич ҳужумларга ўрин йўқ. Шунинг учун Ройбен Файн уни тез зериктириб қўйди ва китобни ёпиб, ухлаганга ётди. Ётоқ кийимининг чўнтагида иккита яшил дори бор эди. Элизабет таваккал қилмасдан яхшилаб ухлаб олиш учун дориларни ичди.

Мусобақанинг иккинчи куни Элизабет янада кучлироқ шахматчилар билан ўйнаганига қарамай, биринчисидек осон ўтди. Яшил дорилар онгини бир

²⁸ «Беверли-хиллзлик қишлоқи» – CBS телеканалда 1962 – 1971 йилларда эфирга узатилган комедик сериал.

²⁹ Ройбен Файн (1914 – 1993) – америкалик шахмат назариётчиси, гроссмейстер. Шахмат ҳақидаги бир нечта китоблар муаллифи.

оз хиралаштириб қўйди-ю, лекин сал фурсат ўтгач, улардан халос бўлди. Партия бошлангунича идроки-ойдинлашди, доналарни ишонч билан, иккиланмай юритди.

Бу ерда энг кучли ўйинчилар учун алоҳида хона йўқ эди. Биринчи рақамли тахта умумий қаторнинг биринчи столида жойлашган. Иккинчи партияда Элизабет олтинчи рақамли тахтада ўйнади. Рақибининг филини уриб тушириб, мағлубиятни тан олишга мажбур қилганида атрофида анчагина одам йигилиб қолганди. Унга қарсак чалишганда нигоҳини кўтариб, Алма Уитлини кўрди – хоним хонанинг охирроғида жилмайиб турарди.

Биринчи тахта устидаги якуний мусобақада унга Рудольф исмли шахмат устаси рақиблик қилди. Миттелшпилда у тахта марказидаги доналарни фаол алмаштира бошлади ва Элизабет эндшпилга битта рух, бир от ва уч пиёда билан киришини тушуниб, кўрқиб кетди. Рудольф ҳам худди шу вазиятда, аммо унда от ўрнига фил бор эди. Элизабетга бу ёқмади – рақиб филининг кучи очик-ойдин устунликка эга эди, лекин филни тузоққа тушириб, уни ўз отига алмаштира олди. Шундан сўнг Элизабет яна бир ярим соат эҳтиёткорлик билан ўйнади ва ниҳоят, Рудольф хатоликка йўл қўйди. Элизабет бу хатодан дарҳол фойдаланди: пиёда билан шоҳ берди, рухларни алмаштирди ва шоҳнинг ҳимоясига эришган ўтказма пиёдага эга чиқди. Рудольф ўзини ўзи койиганча енгилишга мажбур бўлди. Хонада гулдурос қарсак эшитилди. Элизабет столи атрофидаги оломонга аланглади. Охирги қаторда кўк кўйлак кийган Уитли хоним хурсанд қарсак чаларди.

Хонага Уитли хоним оғир соврин, Элизабет эса чўнтагида чек билан қайтди. Уитли хоним телевизор устидаги меҳмонхона рамзи туширилган қоғозлар-

дан бирини олиб, харажатларни батафсил ёза бошлади: «Гибсон»да уч кун яшашгани учун олтмиш олти доллар ва уч доллару ўттиз цент солиқ, автобус чипталари учун йигирма учу олтмиш ва яна нонушта, тушлик ва кечки овқат чой-чақа пуллари.

– Мен бугунги ғалабангни ресторанда нишонлаш учун ўн икки доллар олиб қўйдим ва камтарона нонушта учун яна икки доллар. Жами харажатларимиз бир юз етмиш икки доллару ўттиз цент бўлади.

– Уч юз доллардан кўпроқ қоляпти, – деди Элизабет.

Орага жимлик чўкди. Элизабет ҳаммаси тўғри бўлса ҳам рўйхатга кўз югуртирди. У ютган пуллари-ни Уитли хоним билан бўлишиши керак эди чоғи, аммо бунга ҳеч хоҳиши йўқ эди. Ҳар ҳолда, бу пуллари у ўзи ишлаб топди.

Жимликни биринчи Уитли хоним бўлди.

– Менга ўн фоизини таклиф қилишинг мумкин, – мулозимлик билан деди у. – Воситачилик хизмати учун тўлов сифатида.

– Ўттиз икки доллару етмиш етти цент, – ҳисоблади Элизабет.

– «Метуэн-Ҳоум»да математикадан кучли эканлигини айтишганди.

Элизабет бош иргади.

– Келишдик.

* * *

Итальянча ресторанда уларга мол гўшtidан аллақандай овқат тортишди. Уитли хоним ўзига бир шиша қизил вино буюртма қилди, «Честерфильд» чекиб, винони кечки овқатнинг охиригача ичди. Элизабетга нон ва совуқ, оч рангли гўшт жуда ёқди. Яна столдан сал наридаги бар бўлимидан келтирил-

ган ёғоч идишда ўстирилган ҳақиқий апельсин дарахти ҳам ёқди.

Винони ичиб, охирги тамакини тутатгач, Уитли хоним лабини сочиқчага артди.

– Элизабет, азизам, – деди у, – байрамдан сўнг, йигирма олтинчи декабрда Хьюстонда шахмат мусобақаси бошланаркан. Менимча, Рождество пайтида йўлга чиқиш муаммосиз бўлади, чунки бу пайтда одамлар уйда ўтириб майизли кекс ёки шунга ўхшаш ширинликлар ейиш билан банд бўлишади.

– Биламан, – деди Элизабет. У «Шахмат янгиликлари»даги эълонни ўқиган ва унда жуда қатнашгиси келганди. Лекин Хьюстон олти юз долларлик соврин учун боришга жуда узоқлик қиларди.

– Хьюстонга самолётда борсак бўлади, деб ўйлайман, – деди Уитли хоним. – Қишки таътилни офтоб остида ажойиб тарзда ўтказамиз.

Элизабет итальянча спумони³⁰ ўйчан ейишда давом этди.

– Яхши, – деди у. Ва музқаймоққа қараб, қўшиб қўйди: – Яхши, ойи.

* * *

Рождествода улар самолёт бортида тортилган микротўлқинли печда иситилган курка билан тушлик қилишди. Совға сифатида эса авиакомпания Уитли хонимга бепул шампан виноси ва Элизабетга апельсин шарбати тақдим этди. Бу унинг ҳаётидаги энг яхши Рождество бўлди. Самолёт Кентуккининг қорли кенгликларидан учиб ўтиб, йўл охирида Мексика бўғози устида айланди. Иссиқ, қуёш нур сочиб турган ерга қўнишди. Аэропортдан кетишда автобус ойналаридан қурилиш майдонлари кўринди: йирик

³⁰ Спумони – итальянча музқаймоққа ўхшаган, қат-қат ширинлик.

сарик қурилиш машиналари ёғочлар олдида тўхтаб, дам оларди. Кранлардан бирини рождество гулчамбари билан безаб қўйишганди.

Лексингтонга кетишдан бир ҳафта аввал почтачи «Шахмат янгиликлари»нинг янги сонини олиб келди. Журнални очиб, «МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ КЕНТУККИ ЧЕМПИОНИ УНВОННИ ШАХМАТ УСТАСИДАН ОЛИБ ҚЎЙДИ» сарлавҳаси остида Элизабет ўзининг суратини кўрди, ортида Белтик турарди. Қуйида уларнинг партияси қайди келтирилганди, изоҳда эса *«Ёш шахматчи қиз стратегиянинг нозик нуқталарини чуқур ҳис этиши томошабинларни ҳайратда қолдирди. У ўзида икки баробар катта ўйинчиларга хос бўлган усталлик ва қатъиятни намоён қилди»*, деб ёзилганди. Элизабет буни Уитли хонимга кўрсатишдан аввал икки бор ўқиди.

Аввалроқ Уитли хоним маҳаллий газетадаги мақолани ўқиб бериб, «Бу ажойиб!» деб шодланганди. Бу сафар эса ичида ўқиб, секингина меҳр билан «Бу халқ эътирофи, азизам», деди.

Уитли хоним журнални ўзи билан Хьюстонга олиб кетди, самолётда улар Элизабет яқин бир неча ойда қатнашиши керак бўлган мусобақаларни белгилаб, вақт ўтказишди. Ва бир ойда битта мусобақа етарли бўлишига келишиб олишди. Уитли хоним агар асранди қизининг бетоблиги ҳақида узрномаларни жуда кўп ёзса, ўзи айтганидек «ишончлилик ҳадди»дан ошиб кетишидан қўрқарди, тагин касалликлар турлари ҳам тугаб қолиши мумкин. Элизабет нима учун мактаб директоридан очиқ-ойдин рухсат сўраб қўя қолиш мумкин эмаслигини тушунмасди, ахир, баскетбол ва футбол жамоаларидаги ўгил болаларга мусобақалар учун расман рухсат беришарди. Лекин индамай қўя қолди: Уитли хонимга жараённи шу йўсинда ташкил қилиш ёқиб тушарди, бу унинг учун сирли бир келишувдек эди.

Хьюстон мусобақасида Элизабет қийинчиликсиз голибликка эришди. Уитли хонимнинг айтишича, у «галабанинг мазасини тушуниб қолган».

Учинчи партиядо эса дурангга рози бўлишига тўғри келди, аммо якуний ўйинда қақшатқич ҳужум билан қирқ ёшли Жануби-Ғарб³¹ чемпионини болакайни ютгандек маглуб этди.

Яна бир-икки кун қуёшда тобланишди, Нафис санъатлар музейи ва ҳайвонот боғини айланишди. Мусобақанинг эртасига Элизабетнинг сурати газетада босилиб чиқди ва бу сафар кўриниши ўзига ёқди. Хабарда уни вундеркинд деб аташганди. Уитли хоним газетани уч нусхада сотиб олибди ва қизининг муваффақиятларига бағишланган жамланма қилмоқчилигини айтди.

* * *

Январда Уитли хоним мактабга қўнгироқ қилиб, Элизабет яна моноклеозга чалинганини айтди ва улар Чарлстонга йўл олишди. Февралда шамоллаш ва Атланта саёҳати, мартда грипп ва Майами саёҳати томон йўл олишди. Вақти-вақти билан Уитли хоним Элизабетнинг синф раҳбари ва мудираси билан гаплашиб турарди, тафсилотлар билан ҳеч ким қизиқиб ўтирмасди.

Баъзи синфдошлари Элизабетнинг ютуқлари ҳақида бошқа шаҳарларда чиқадиган газеталардан ўқишган ёки ота-оналарининг суҳбатларидан билишган бўлиши керак, лекин мактаб маъмурияти бу ҳақда гапирмасди.

Элизабет мусобақалар орасида ҳар оқшом уч соатдан шахмат бўйича билимларини оширарди. Атлантада битта партияни бой берди, лекин мусо-

³¹ Жануби-Ғарб – АҚШнинг Аризона, Нью-Мехико, Оклахома, Техас, Юта ва Колорадо шаҳарларининг оғзаки умумий номи.

бақада барибир биринчи ўринни олди. Қолган икки шахарда финалгача мағлубиятсиз етиб келди. Унга самолётларда Уитли хоним билан учиб ёқарди. Онаси бортда тортиладиган мартинини ичганидан сўнг шодон, сўзамол бўлиб қоларди. Уитли хоним стюардессалар ҳақида ичакузди воқеаларни айтиб берар, Элизабет билан уларнинг ёпишиб турадиган ёрқин ёзги формасини, нотабий бўёқларини муҳокама қилар ёки лексингтонлик қўшниларининг ғийбатини қиларди. Шундай пайтларда Уитли хоним қувноқ, қизиқарли, очиқ бўлиб кетар ва Элизабет бошқа пайтлардагидан кўпроқ куларди. Самолёт ойнасидан пастда сузиб бораётган булутларни томоша қиларди. У ҳеч қачон бунчалик бахтли бўлмаган, ҳатто «Метуэн-Ҳоум»да бирваракайига беш-олтита яшил дорини ичиб юборганда ҳам. Элизабет меҳмонхона ва ресторанларни ёқтириб қолди. Шахмат мусобақаларида қатнашиб ҳаяжонидан, мусобақа жадвалида поғонама-поғона кўтарилиб боришдан, ҳар галабаси билан бирга атрофида йигиладиган оломоннинг ошиб боришидан роҳатланарди. Энди ҳамма иштирокчилар унинг кимлигини яхши билишарди. Элизабет ҳамон энг ёш шахматчи эди, баъзида эса ягона қиз бола. Шундан кейин мактабга қайтиш тобора зерикарли – атрофдаги ҳаёт хиралашиб қоларди. Синфдошлари юқори мактабни тамомлаб, қайси коллежга киришни муҳокама қилишарди, айримлар касб ҳам танлаб қўйишган. Икки қиз, масалан, ҳамшира бўлишни орзу қилади. Элизабет бундай суҳбатларда қатнашмасди: у ўзи истаган одамига айланиб бўлганди. Лекин сафарлари, шахмат мусобақаларида эришган обрўси ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасди.

Мартда Уитли хоним билан Майамидан қайтишганда Элизабетни Шахмат федерациясидан келган

хат кутиб турарди. Хатжилддаги янги аъзолик чиптасида рейтинг кўрсатилган: 1881.

Элизабетга шахматчининг ҳақиқий кучини ифодалайдиган рейтинг дарҳол ҳисобланмаслигини айтишганди, лекин энди қандай бўлса ҳам рейтинг борлигидан хурсанд эди. Тез орада у яна ошади. Кейинги босқич – 2200 рейтингли ўйинчиларга бериладиган шахмат устаси унвони. 2000 дан сўнг у шахмат усталигига номзод бўла олади, лекин бу ҳам унчалик муҳим эмас. Унинг асосий мақсади – халқаро гроссмейстер даражасига кўтарилиш.

Ўша ёз улар Нью-Йоркка «Генри Гудзон» меҳмонхонасида ўтказилган мусобақага бориб келишди. Таом бўйича дидлари анча ошган, уйда ҳали ҳам ярим тайёр овқатлар ейишса-да, Нью-Йоркда француз ресторанларига киришди, ҳатто «Лё Бистро» ва «Аржантей» қаҳвахонасида овқатланиш учун автобусда шаҳарнинг нариги томонига ҳам боришди. Уитли хоним Лексингтонда атай ёқилги шохобчасига бориб, йўл кўрсаткич сотиб олди. Унда уч ва ундан кўп юлдузли тамаддихоналарни белгилаб чиқди, кейин бу жойларни харитада бирга топишди. У ерларда тушлик ва кечки овқат ўта қимматга тушарди, лекин ҳеч бири нархлар борасида гаплашишмасди. Элизабет баъзида дудланган форелни татиб кўришга рози бўларди, лекин ҳеч қачон қовурилган балиқ буюртма қилмасди – «Метуэн-Хоум»да жума кунлари балиқдан етарлича тўйганди. У кейинги йилдан мактабда француз тилини ўрганишга қарор қилди.

Сафардаги ягона муаммо бу – яшил дорилар эди. Элизабет дориларни Уитли хонимнинг шифокори рўйхати билан олар ва кечалари ухлолмаганда ичарди. Лекин энди ўзига келиш учун унга бир, баъзида эса икки соат керак эди. Мусобақа партиялари ҳеч қачон тўққиздан олдин бошланмасди ва Элиза-

бет хизмат хонасидан буюртма қилинган бир неча қадаҳ қаҳва ичиб, ўзини тартибга келтириб олиш учун, барвақт туришга ўрганди. Уитли хонимнинг дорилардан хабари йўқ, лекин Элизабетнинг қаҳвага мойиллиги уни безовта қилмасди. Уитли хоним қизига катта одамлардек муносабатда бўларди.

Нью-Йорк Элизабетга ёқди. Автобусда юриш, ер остидаги гумбурлаш ва ғичирлашлар, дўкон ойналарини томоша қилиш, одамларнинг испан тилларида гапиришлари ёқимли эди. Катта шаҳар хавфи уни чўчитмас, такси ҳайдовчиларининг катта тезликда учишларини сезмас, Таймс-сквернинг иркит савлати³² унга қизиқ эмасди. Нью-Йоркдаги охириги оқшом Уитли хоним билан «Радиосити мьюзик-холл»га «Вестсайд ҳикояси» ва «Рокетс»га³³ боришди. Катта ғорга ўхшайдиган хонанинг бахмал курсисида ўтириб, Элизабет ҳиссиётлар тўлқинидан нафаси бўғзига келарди.

* * *

У «Хаёт»³⁴ ҳафталик газетасининг мухбири Ллойд Ноланга³⁵ ўхшаган тинмай тамаки тутатадиган эркак бўлади, деб ўйлаганди. Лекин уйи остонасида жуссаси кичкина, сочларига кумуш оралаган, тўқ рангда кийинган аёл пайдо бўлди. У билан келган эркак қўлида фотоаппарат тутиб турарди. Мухбир Уитли хонимдан катта кўринарди. У ўзини Жин Балке деб таништирди ва меҳмонхонани тез, шахдам қадам билан, токчалардаги китоблар, девордаги суратлар

³² Ўша даврларда Таймс-сквер жиноятчилик, қиморбозлик ва фоҳишабозлик авж олган туманлардан бири ҳисобланган.

³³ «Рокетс» – 1932 йилдан буён Манхэттенда сахнага чиқадиган аёллар рақс жамоаси.

³⁴ «Хаёт» («Life») – асосан фоторепортажларга бағишланган таниқли журнал. 1936 йилдан 1972 йилгача ҳар ҳафта нашр этилган.

³⁵ Ллойд Нолан (1902 – 1985) – америкалик киноактёр.

нухаларига бир қур назар ташлаб, айланиб чиқди ва савол бера бошлади. Ўзини дўстона ва бемалол тутарди.

– Ўзим шахмат ўйнамасам ҳам, сенинг ютуқларинг менда катта таассурот уйғотди, – жилмайди аёл. – Шахматни яхши тушунадиган одамларнинг айтишича, сен кучли шахматчи экансан.

Элизабет унинг олдида бир оз тортинди.

– Эркаклар оламида кураш олиб бораётган қизалоқ ўзини қандай ҳис қилар экан? – давом этди мухбир.

– Мен учун бу муҳиммас.

– Наҳотки, қўрқинчли бўлмаса?

Улар меҳмонхонада бир-бирининг қаршисида ўтиришарди. Балке хоним бир оз олдинга сурилиб, Элизабетга диққат билан назар ташлади.

Элизабет жавобан бошини қимирлатди. Суратчи диван томон юриб, суратга олиш объектигача масофани ўлчай бошлади.

– Болалигимда мен мусобақалашиш ҳиссидан бутунлай маҳрум эдим, – деди аёл. – Доим қўғирчоқ ўйнардим.

Суратчи яқинроқ келиб, Элизабетга объектив орқали қарай бошлади. У жаноб Ганц совга қилган қўғирчоқни эслади.

– Шахмат – бу шунчаки мусобақа эмас.

– Лекин сен галаба учун курашасан, шундай эмасми?

Элизабет шахмат бу гўзаллик ҳам эканини тушунтирмоқчи бўлди, лекин мухбирнинг қизиқсиниб қараб турган юзига тикиларкан, керакли сўзларни топа олмади.

– Севганинг борми? – сўради Балке хоним.

– Йўқ. Мен ҳали ўн тўрт ёшдаман.

Суратчи қурилмасини чиқиллатди.

Балке хоним тамаки тортди, эгилиб, сигара қолдиғини Уитли хонимнинг кулдонларидан бирига тўкди.

– Ўзи ўгил болалар қизиқтирадимми сени?

Элизабет ўзини тобора ноқулай ҳис қиларди. У шахматни қандай ўрганиш, голиб бўлган мусобақалари, Морфи ва Капабланкага ўхшаган одамлар ҳақида гапирмоқчи эди. Бу хоним унга ёқмади, саволлари эса ўзидан ҳам бемаъни эди.

– Мен кўпроқ шахматга қизиқаман.

Балке хоним очиқ чеҳра билан жилмайди.

– Менга бу ҳақда сўзлаб бер, – сўради у, – ўйнашни қандай ўрганганинг ҳақида айтиб бер, ўшанда неча ёшда эдинг?

Элизабет сўзлашни, мухбир эса ёндафтарчасига қайд этишни бошлади, лекин аслида хоним ўзининг сўзларига қизиқмаётганини сезиб турарди. Шу зайлда унчалик кўп нарсани сўзлаб беришни хоҳламаётганини тушунди.

Кейинги ҳафта алгебра дарсида ундан бир парта олдинда ўтирган бола қўшни қизга «Ҳаёт» журнаlining янги сонини узатганини кўрди. Кейин эса иккиси ҳам ўгирилиб, Элизабетга худди уни биринчи бор кўраётгандек тикилиб қолишди. Дарсдан сўнг у билан шу пайтгача ҳеч қачон сўзлашмаган ўша бола ёнига келди ва журнални узатиб, дастхат сўради. Элизабет ҳайкалдек қотиб қолди, журнални қўлига олди. Унда ўзи ҳақда «ЮБКА КИЙГАН МОЦАРТ ШАХМАТ ОЛАМИНИ ОСТИН-УСТУН ҚИЛМОҚДА» сарлавҳаси остида бир саҳифа мақола чоп этилганди. Бир суратда у жиддий тусда шахмат тахтаси устида ўтирарди, яна бирида «Метуэн-Ҳоум» етимхонасининг бош биносида турарди. Элизабет журнални бўш партага қўйиб, синфдоши берган ручка билан фамилиясини ёзди.

Уйга қайтганида худди шундай журнал Уитли хонимнинг тиззасида турарди. Элизабетни кўргач, у овозини чиқариб ўқий бошлади:

– «Баъзилар учун шахмат шунчаки ёқимли машгулот, вақт ўтказиш йўли, бошқалар учун эса – муҳим ҳаётий эҳтиёж, ҳатто касаллик ҳам. Лекин вақти-вақти билан шахмат ҳаётининг мазмунни бўлган инсонлар ҳам пайдо бўлади. Кутилмаганда биз ёш бўлишига қарамай, дунёнинг энг қийин ўйинларидан бирида ақлни шоширадиган усталикни намоён қилган, буюк иқтидорга эга бўлган болакай ҳақида эшитамиз. Лекин бу ўғил бола эмас, қиз бола – ёш, оддийгина, қўнғир кўзли, қўнғирсоч, кўк кўйлакли қизалоқ бўлса-чи?! Бунақаси ҳали ҳеч қачон бўлмаганди, аммо яқинда ҳайратланарли ҳодисалар кетма-кет – Кентукки штати Лексингтон шаҳрида, Цинциннати, Чарлстон, Атланта, Майами ва Нью-Йоркда содир бўла бошлади. Эркаклар эгаллаган шахмат дунёсидаги муҳим мусобақаларда Кентукки штати Лексингтон шаҳри Фэрфилд ўрта мактабининг ўн тўрт ёшли ўқувчисига муносиб рақибини топиш амримаҳол бўлиб қолди. У кўзлари ёниб турадиган камтарин, тарбияли ва айни дамда шафқатсиз...»

– Ғаройиб! – деди Уитли хоним. – Охиригача ўқиб берайми?

– Бу ёғи етимхона ҳақида, – Элизабет ҳам мактабдан қайтаётганда журнал сотиб олганди. – Яна партияларимдан бири ёзилган. Яна қиз бола эканлигим ҳақида ҳам жуда кўп гаплар бор.

– Ахир ростдан ҳам шундай-ку!

– Бу унчалик муҳим эмас, – деди Элизабет. – Улар гапларимнинг ярмини ҳам ёзишмабди. Жаноб Шейбел ҳақида, сицилиянча ҳимояни қандай ўйнашим ҳақида ҳам ёзишмаган.

– Лекин, Элизабет, улар сени машҳур қилишди! – деди Уитли хоним.

Элизабет унга ўйчан тикилиб қолди ва секингина
ғўлдиради:

– Қиз бола бўлганим учунгина.

* * *

Эртасига мактаб йўлагига уни Маргарет тўхтатди. Малласоч қиз туя жунли пальто кийган, узун сочлари елкасига ёйилиб турарди. Маргарет бир йил аввал, сумкасидан ўн доллар ўтирлаб олинган пайтдагидан-да гўзаллашганди.

– «Олмали пирог» клуби аъзолари сени ўз давраларига таклиф қилишяпти, – деди Маргарет. – Жума куни клуб аъзоларининг йиғилиши бўлади, тўғрироғи, менинг уйимда зиёфат қиламиз.

Элизабетни «Олмали пирог»га таклиф қилишлари галати эди.

Келишга розилик билдириб, манзилни сўрагач, Элизабет Маргарет билан биринчи марта гаплашганини эслади.

Ўша куни у «Пёрселл»да узоқ вақт кийим танлади. Охири тўқ кўк рангли, ёқаси оқ – бутун дўкондаги энг қиммат кийимлар қаторидаги кўйлакни танлади. Оқшомда Уитли хоним унинг «Олмали пирог» йиғилишига отланганини эшитиб, хурсанд бўлди.

– Сен худди катта оламга илк бор қадам қўяётган навқирон қиздексан! – деди Элизабет янги кўйлагини кийиб кўрсатганида.

* * *

Маргаретнинг уйидаги сайқалланган ёгоч деворли меҳмонхона ялтираб турарди, мойбўёқ билан чизилган расмлар хонани безаб турар – кўпчилигига отларнинг сурати туширилганди. Илик март оқшоми бўлишига қарамай, каминда олов ёниб турарди.

Элизабет янги кўйлагида хонага кирганида оқ диван ва ранг-баранг курсида ўн тўрт қиз ўтирарди. Деярли барча қизлар мактаб свитери ва юбкасида келганди.

– Шундай воқеа бўлдики! – деди қизлардан бири. – «Ҳаёт»ни очсам, у ерда Фэрфилд ўрта мактабида кўрганим таниш чехра турибди. Ҳайратдан қотиб қолдим!

Лекин Элизабет шахмат мусобақаларидан гап очиши билан ҳамма унинг сўзларини бўлиб, иштирокчи йигитлар ҳақида сўрай кетишди. Кўринишлари қанақа, Элизабет улардан бирортаси билан учрашадими? Элизабет бунга вақти йўқлигини айтганида қизлар бирдан мавзуни ўзгартиришди.

Улар йигитлар, учрашувлар ва кўйлақлар ҳақида бир соат гаплашишди. Муҳокамалар ҳазил ва ҳингир-ҳингирга алмашар, Элизабет эса «Coca-Cola» шишаси билан диваннинг бир четида ноқулай ўтирар ва гапга аралашиб учун нима дейишни билмасди. Соат тўққизда Маргарет камин олдидаги катта телевизорни ёқди ва «Ҳафта фильми»ни кўришни бошлашди: ҳамма жим бўлди, фақат гоҳ-гоҳида кулги эшитилиб турарди. Элизабет фильм ўн бирда тугагунча шивир-шивирлар ва ҳингир-ҳингирларга қўшилмай, сабр билан ўтирди. Йиғилишнинг зерикарлилиги ва аҳмоқона суҳбатлар қизни ҳайрон қолдирди, ахир бу юқори даражали клуб эди-ку! У Лексингтондаги бу мактабга қадам қўйганидан бери энг юқори деб ҳисоблаб келган «Олмали пирог» эди.

Элизабет шунча пайтдан буён ҳавас билан қараган оқсуяк хонимлар ёпиқ йиғилишларда арзимаган машғулотлар билан банд бўлишларини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Мана, яна улар Чарльз Бронсон иштирокидаги фильмларни томоша қилишаркан. Бу зерикарли жимликни фақат бир марта Фелиция

исмли қиз бузди. Бош қаҳрамонга қараб, «Қизик, у ростдан ҳам шунақа каттамикин ёки шундай кўри-нармикин», деди. Элизабет кулиб қўйди ва бу Элизабетни кулдирган ягона ҳодиса бўлди.

Соат ўн бирда уйга кетишга чоғланганда ҳеч ким уни олиб қолишга уринмади ва клубга аъзолик ҳақида ҳам гапиришмади. Элизабет енгил тортиб, уйга таксида келди ва ётоқхонасига кириши билан рус тилидан таржима қилинган «Шахматдаги мит-телшпил» китобини очиб, бир соат ўқиди.

* * *

Мактабда Элизабетни яхши таниб олишган ва эндиликда навбатдаги мусобақани деб бирор касалликни баҳона қилишга ҳам ҳожат қолмаганди. Уитли хоним ўқув мудираси билар гаплашди ва қизни дарслардан озод қилишди.

Аввалги ёлгондакам бетобликлар ҳақида сўрашмади. Элизабет ҳақида мактаб газетасида ёзиб чиқишди ва энди уни йўлақларда бармоқ билан кўрсата бошладилар.

Янги мусобақа Канзас-Ситида ўтказилмоқда. У ерда голиб бўлганидан сўнг мусобақа директори – жиддий ёш эркак Уитли хоним билан иккаласини кечки овқатга – ресторанга таклиф қилди. Директор меҳмонлари билан ҳам мулойим гаплашди ва Ҳармон хонимнинг иштироки ташкилотчилар учун катта шараф эканини айтди.

– Мен Қўшма Штатларнинг Лас-Вегасдаги очик турнирида қатнашишни истардим, – деди Элизабет қаҳва ва ширинлик устида.

– Албатта, – деди директор. – Сиз у ерда ютишингиз мумкин.

– Бу унга хорижий мусобақаларга ҳам чиқиш имконини берадими? – қизиқсинди Уитли хоним. – Европага масалан?

– Бўлиши мумкин, – эркакнинг фамилияси Нобил эди. У чети қалин кўзойнак таққан ва тинмай муз солинган сув ичарди. – Европа мусобақалари ташкилотчилари таклифнома юборишлари учун аввал уни таниб олишлари керак.

– Демак, Очиқ мусобақада голиб бўлсам, улар мени таниб олишадими?

– Худди шундай. Бенжамин Уоттс халқаро унвонга эга бўлганидан сўнг ҳозир доим Европада ўйнаяпти.

– У ердаги совринлар қанақа? – қизиқди Уитли хоним, тамаки тутатиб.

– Менимча анчагина.

– Россияда ҳам ўйнаш мумкинми? – сўради Элизабет.

Нобил унга худди қонунга хилоф бирор нима таклиф қилгандек қараб қолди.

– Россияга бориш бу ўз жонига қасд қилиш билан баробар, – деди у ниҳоят. – У ерда америкаликларни тириклайин нонуштага ейишади.

– Йўқ, ростдан ҳам... – гапга аралашди Уитли хоним.

– Ростдан ейишади, – гапини бўлди Нобил. – Би-лишимча, сўнгги йигирма йилда бирорта америкалик шахматчи руслар билан ўйнаш имконига эга бўлмаган. Бу худди балетдек. Уларга шахмат ўйнашгани учун пул тўлашади.

Элизабет «Шахмат янгиликлари»даги шахмат тахтаси устида ҳўмрайиб ўтирган кишилар ва уларнинг Боргов, Таль, Лаев, Шапкин деган фамилияларини эслади. Ҳаммасининг қошлари чимирилган, костюмлари қора эди. Собиқ Иттифоқнинг шахмат олами ростдан ҳам Американикидан бошқача эди.

– Қандай қилиб Қўшма Штатлар Очиқ мусобақасида қатнашсам бўлади? – сўради Элизабет.

– Шунчаки рўйхатдан ўтиш божини тўлаб, – деди Нобил. – У ерда ҳаммаси оддий мусобақалардагидек, фақат рақобат қаттиқроқ.

* * *

Элизабет ташкилотчиларга рўйхатдан ўтиш божини ўтказди, лекин Қўшма Штатлар Очиқ мусобақасида иштирок этолмади. Уитли хоним аллақандай вирусга чалиниб, икки ҳафтага ётиб қолди, яқиндагина ўн беш ёшга тўлган Элизабет эса битта ўзи боришни истамади. У юзага чиқаришни истамаса-да, ич-ичидан бетоб бўлиб қолгани учун Уитли хонимдан, Лас-Вегас сафарига боришдан қўрққани учун ўзидан ҳам жаҳли чиқаётганди. Очиқ мусобақа шахмат бўйича АҚШ чемпионати каби нуфузли бўлмаса ҳам, энди у фақат маҳаллий мусобақаларни соврин пулига қараб танламай, бошқа ўйинларда ҳам иштирок этишни бошлаши керак. Шахматчиларнинг суҳбатлари ва «Шахмат янгиликлари»даги мақолалардан билишича, шахмат бўйича АҚШ мусобақаси ёки Мерривезер мусобақаси алоҳида ёпиқ шахмат олами эди ва унинг бир қисмига айланиш вақти келганди. Шундан сўнг халқаро майдонга йўл очилади. Элизабет ўзининг қандай бўлишини исташини кўп ўйларди: севимли касбга эга аёл, биринчи класс билан учадиган жаҳоннинг энг яхши шахматчиси, баланд бўйли, чиройли кийинган, гўзал, виқор билан юрадиган – тўғрироғи, оқ танли Жолин. У доим ўзига ўзи Жолинга хат ёки табрикнома жўнатишни ваъда қилар, лекин юбормасди. Ҳаммом ойнасида аксини томоша қилиб, ўзи орзу қилган гўзал аёлнинг белгиларини қидирарди.

Ўн олти ёшга тўлгач, Элизабетнинг бўйи бир оз ўсиб, гўзаллашди, сочларига эътиборни тортадиган

турмак қилдирди, аммо ҳали ҳам мактаб ўқувчиси-дек кўринарди. Энди у мусобақаларда ҳар бир ярим ойда турли штатларда иштирок этади – Иллинойс, Теннеси, баъзида Нью-Йоркда. Улар ҳали ҳам ютуқ пули сафар харажатларини қоплайдиган ва фойда келтирадиган мусобақаларни танлашарди. Элизабетнинг банк ҳисобидаги пуллари кўпайиб борар, бу уни хурсанд қилар, лекин фаолияти оқсаётгандек туюларди. Устига-устак, доимий галабалар эгасини эндиликда вундеркинд демай қўйишди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Лас-Вегасда Қўшма Штатлар Очиқ турнири бир оздан сўнг бошланади, лекин «Марипоза» меҳмонхонасида яшовчиларни бу қизиқтирмасди. Қиморхонанинг асосий хонасида ўйин столлари атрофида ранг-баранг кийимли кишилар йиғилиб, диққатларини жамлаб ўйинга киришардилар. Қиморхонанинг рўпарасида тамаддихона жойлашган. Элизабет даҳлизга тушиб, ўйин хонаси ёнидан ўтди – у ердан қимор доналарининг мато қопланган столга урилиши эшитилиб турарди – барнинг баланд ўриндиғига ўтириб, тамаддихонага қаради. Фақат бир нечта стол банд, улардан бирида келишган йигит ёлғиз ўзи қаҳва ичиб ўтирарди. Бу лексингтонлик Таунс эди.

Элизабет ўриндиқдан тушиб, йигитнинг ёнига борди.

– Салом, – деди у.

Йигит қаҳвадан бошини кўтариб, тушунқирамай, киприк қоқди – қаршисида ким турганини бир оз англолмай анграйиб турди. Кейин бирдан таниб қолди ва таажжуб аралаш:

– Ҳармон! Ё, Худо! – деб бақириб юборди.

– Ўтирсам майлими?

– Албатта! Сени қандай танимай қолдим, а? Фа-
милиянгни рўйхатда кўргандим.

– Қанақа рўйхат?

– Мусобақа рўйхатида. Мен унда қатнашмаяп-
ман. «Шахмат янгиликлари» мусобақадан репор-
таж тайёрлаш учун юборди, – Таунс Элизабетнинг
кўзига қаради. – Сен ҳақингда ёзишим мумкин. «Ге-
ральд-лидер»да.

– Лексингтон газетасидами?

– Ҳа. Катта бўлиб кетибсан, Ҳармон! Мен «Ҳа-
ёт»даги мақолани ўқигандим, – у Элизабетга ниго-
ҳини қадади. – Чиройли бўлиб кетибсан.

Элизабет ҳаяжондан нима дейишни билмай қол-
ди. Лас-Вегасда унга ҳамма нарсга ғалати ва бегона
кўринарди. Атрофдаги столларда бир хил лампалар
турарди: шиша асосда ёрқин пушти лампа ичида
бинафшаранг суюқлик кўпирарди. Унга таомнома-
ни олиб келган қиз калта қора юбка ва жимжимадор
пайпоқ кийган, лекин геометрия ўқитувчиси каби
жиддий эди. Таунс эртаклардагидек хушбичим. У
тўқ рангли свитер ва ёқаси очиқ йўл-йўл кўйлак кий-
ганди.

Элизабет «Марипоза» меҳмонхонасининг махсус
таомларини буюртма қилди – чили қалампири би-
лан қовурилган тухум, иссиқ кекслар ва «Адоқсиз
қаҳва» – унга қаҳва шишасидан исталганча қаҳва
қуйиб олиш мумкин эди.

– Сен ҳақингда якшанба сони учун ярим саҳифали
хабар чоп эттиришим мумкин, – деди Таунс.

Официант Элизабетнинг буюртмасини олиб кел-
ди. Элизабет нонушта қилиб, икки қадах қаҳва ичди.

– Хонамда фотоаппарат бор, – деди Таунс. Бир оз
кутиб, қўшиб қўйди: – Шахмат тахтаси ҳам бор. Ўй-
намаймизми?

Элизабет елка қисди.

– Яхши. Кетдик.

– Ажойиб!

Унинг жилмайиши сеҳрли эди.

Хонадаги очик пардалар ортидан машиналар тўхташ жойи кўринарди. Катта каравот йигилмаган, у худди кичкина хонани бутунлай эгаллаганди. Хонада нақ учта шахмат тахтаси турарди: бири ойна олдидаги столда, иккинчиси жавон устида, учинчиси ювиниш хонасида. Таунс Элизабетни ойна олдида ўтказди ва у доналарни жойлаштиргунча фотоаппарат плёнкасини янгилашга киришди. Элизабет қурилмасини чиқиллатиб, атрофида айланаётган йигитга қарамасликнинг иложини тополмади. Ўзининг яқинига келиб, шундоққина юзининг қаршисидан суратга олаётганда эса Элизабет унинг нафасини ва танасининг иссиқлигини ҳис қилди. Юраги қаттиқ дукиллаб кетди. Рухни юриш учун қўлини чўзганида қалтираётганини ҳис қилди.

Охирги чиқиллаш эшитилиб, плёнка айлана бошлади.

– Олганларим ичида омадли чиққанлари бўлиши керак, – деди Таунс ва қурилмасини жавонга қўйди. – Ўйнаймизми?

Элизабет унга нигоҳини қаратди.

– Мен сенинг исмингни билмайман.

– Ҳамма мени Таунс деб чақиради, – деди йигит ва елка қисди. – Шунинг учун ҳам сени Элизабет эмас Ҳармон деб чақирсам керак.

У яна доналарни жойига қўйишни бошлади.

– Шунчаки Бет.

– Унда, яхшиси, Ҳармон бўла қолсин.

– «Кегли» ўйнай қолайлик, – таклиф қилди у. – Сенга оқларни ҳавола қиламан.

Шахмат тилида «кегли» деб қийин ўйинларга вақт бўлмаганда ўйналадиган тезкор шахматга айти-

ларди. Таунс жавондаги икки табақали соатни олиб, беш дақиқали назоратга қўйди.

– Сенга уч дақиқа ҳам етади, деб ўйлайман, – жиламайди Таунс.

– Юр, – деди Элизабет йигитга қарамай.

Айни дамда Таунс унинг қўлларидан тутишини, юзини силашини истарди. Лекин Таунс жуда нозиктаъб кўринарди. Жолин «Ҳамма йигитларнинг хаёли фақат бир нарсада», деганига қарамай, Элизабет Таунс билан Лас-Вегасда катта каравотли меҳмонхона хонасида ёлғиз қолганига қарамай, очиқ чеҳрали йигит Жолин айтган нарса ҳақида ҳатто ўйламасди ҳам.

Таунс соат тугмасини босганида Элизабет иккаласи учун бир хил вақт ўрнатилганини кўрди ва негадир шу онда у шахмат ўйнашни истамас, хаёллари тарқоқ, бутун вужудини эса ўсмирликнинг нозик туғёнлари безовта қилаётган эди.

Элизабет ўзи томондаги тугмани босди ва Таунснинг соати юриб кетди. Йигит пиедани шохнинг тўртинчи катагига юрди ва унинг соатини юргизди. Элизабет чуқур нафас олиб, диққатини шахматга қаратди.

* * *

Элизабет хонасига қайтганда Уитли хоним каравотида тамаки тутатиб, хомуш ўтирарди.

– Қаерда эдинг, азизам? – сўради у ғалати оҳангда. Одатда, онаси жаноб Уитли ҳақида шундай оҳангда гапирарди.

– Шахмат ўйнаётгандим, – жавоб берди Элизабет. – Шуғулландим.

Телевизорнинг устида «Шахмат янгиликлари»-нинг янги сони турарди.

Элизабет маълумотлар саҳифасини очди – муҳаррирлар рўйхатидан уни тополмади, лекин пастроқда «Мухбирлар» рўйхатида уч исмни кўрди, учинчиси «Д. Л. Таунс» деб ёзилганди унда. Қиз Таунснинг исмини барибир биллолмади.

– Менга пиво олиб келасанми? – деди Уитли хоним. – У анави ерда, жавонда турибди.

Элизабет жавон яқинига келди – хона хизматининг жигарранг патнисиди беш шиша «Пабста» пивоси ва картошкали чипслар қадоғи турарди.

– Ўзингга ҳам олишинг мумкин, – деди Уитли хоним.

Элизабет патнисдан икки шиша пиво олиб, онасига олиб борди, бармоқлари билан муздек металлни ҳис қилди. Ўзига тоза қадаҳ олиб келиш учун ювиниш хонасига кирди.

– Аввал пиво ичиб кўрмаганмисан? – сўради Уитли хоним қадаҳни ола туриб.

– Мен ўн олти ёшман.

– Ҳа-я... – Уитли хонимнинг қовоғи уйилди. Кейин енгил ҳаракат билан пивони очди ва Элизабетнинг қадаҳига қуйди, кўпик идишнинг тепасига чиқди. – Ма, ич, – деди у худди дори бераётгандек.

Элизабет ҳўплади. У ростдан ҳам ҳеч қачон ичкилик ичмаганди, лекин пивонинг мазаси худди ўзи ўйлагандек бўлиб чиқди. Аччиғидан юзини бужмайтирмасликка уриниб, ярим қадаҳ ичиб юборди. Уитли хоним шишадаги қолган ичимликни яна қуйиб берди. Элизабет яна бир ҳўплади. Томоғи бир оз ачишди, лекин қорнида илиқлик сизди, яноқлари қизарди. Ниҳоят, Элизабет бутун қадаҳни ичиб тугатди.

– Ё, Худо, – деди Уитли хоним, – бунчалик тез эмас.

– Яна ичсам бўладими? – сўради Элизабет.

Қиз айна дамда Таунс ҳақида ўйларди. Ўйин тугагач, ўрнидан туриб кетишга чоғланганда йигит жиламайиб, унинг қўлидан тутганини эслади. Шу бир тегинишда унинг юзлари ҳозир пиводан қизаргандек, ёниб кетди. У Таунсни етгита тезкор партиядо мағлуб қилди.

Элизабет қадаҳни қаттиқроқ сиқди – бир зумга уни ерга бир уриб, синиқларнинг сачрашини кўргиси келди. Лекин бунинг ўрнига туриб, яна бир шиша пиво олди ва очди.

– Ҳой, сенга бунча кўп... – Уитли хоним гапира бошлаганда Элизабет қадаҳга ичкиликни қуйиб бўлганди. – Хўш, унда менга ҳам битта олиб кел. Мазанг қочмасин-да, ишқилиб.

Элизабет ювиниш хонасига югуриб кираётиб, елкасини эшикка уриб олди ва қайт қилиб юборди. Бурни ачишиб кетди. Ошқозони бўшагач, ерга ўтириб, йиглаб юборди. Йиглаётган пайти ҳам идрокнинг бир четида шу уч шиша пиво унга янги ҳисни кашф қилишга ёрдам берганини ҳис қилиб турарди. Бу саккиз ёшида етимхонада етгита яшил дорини бирдан ичиб юборгандаги кашфиёт эди. Фақат дорилар унга енгиллик роҳатини олиб келишини узоқ кутиш керак эди. Пиво эса худди шу натижани дарҳол берди.

– Бошқа ичкилик ичиш йўқ, азизам, – деди Уитли хоним Элизабет хонага қайтгач. – Ўн саккиз ёшгача бир томчи ҳам ичишингга рухсат бермайман.

* * *

Меҳмонхонанинг рақс хонасида етмиш нафар шахматчи учун столлар жойлаштирилган. Биринчи партиядо Элизабет тўққизинчи рақамли столда оклахомалик озгин кишига қарши ўйнади ва уни

тушидагидек йигирмадан ортиқ юришда маглубиятга учратди.

Тушдан сўнг тўртинчи столда худди Пол Морфи партияларидан бирида қилганидек шоҳ гамбитини амалга ошириб, филини қурбон қилиш орқали нью-йорклик жиддий йигитнинг ҳимоясини бузди.

Бенжамин Уоттс йигирма беш ёшда эди, лекин Элизабетнинг тенгдошидек кўринар, бўйи ҳам ундан узун эмасди. У мусобақа давомида Уоттсга кўп дуч келди. Рақиб ўйинни биринчи столда бошлаб, яна ўша ерда қолди. Уни Морфи вақтидан буён энг яхши америкалик шахматчи деб аташарди. Бир сафар Элизабет «Coca-Cola» автомати олдида ўша рақибининг ёнида туриб қолди, лекин гаплашишмади. Уоттс бу пайтда бошқа иштирокчи билан гаплашиб жилмайиб турар, улар славян ҳимоясининг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида дўстона баҳслашардилар. Элизабет бу ҳимояни бир неча кун аввал ўрганиб чиққан ва бу борада айтар сўзи бор эди, лекин бир стакан колани олиб, индамай кетди. Икки шахматчининг баҳсига қулоқ солганида унда шахмат олами фақат эркаклар учун экани, ўзининг бу ерда ортиқча эканини эслатувчи таниш ёқимсиз ҳис уйғонди.

Уоттс ёқалари очиқ, енги шимарилган оқ кўйлақда юрарди. Унинг юзи қувноқ ва айёр, сочлари хашакка ўхшар, кўриниши Геклберри Финн каби ҳақиқий америкаликлар каби эди, лекин нигоҳида ишончсизлик уйғотадиган бир нарса яширинганди. Уни ҳам бир пайтлар вундеркинд дейишган ва бу Қўшма Штатлар чемпионлиги унвони билан бирга Элизабетда хавотир уйғотарди.

Элизабет Уоттс ҳақидаги китобни ва унинг 1948 йили Копенгагенда Борстманга қарши дуранг билан тутаган бир партияси қайдларини эслади. Бун-

дан чиқди, ўша пайтда у саккиз ёшда бўлган, жаноб Шейбел билан етимхона ертўласида шахматни ўрганишни бошлаган пайтлар эди. Китобнинг ўртасида ўн уч ёшли Уоттснинг сурати босилганди: у Ҳарбий денгиз академияси кийимидаги аскарлар ўтирган бир қатор стол ёнида виқор билан турарди. Мусобақа Аннаполисда бўлган. Уоттс йигирма уч кишидан иборат шахматчилар гуруҳига қарши ўйнаб, бирор марта ҳам ютқазмаган.

Элизабет бўш стакан билан яна автомат ёнига қайтганида Бенни Уоттс ҳамон ўша ерда турарди.

– Ҳой – дўстона чақирди у, – сен Элизабет Ҳармонсан, тўғрими?

У бўш стаканни патнисга қўйди.

– Ҳа!

– «Ҳаёт» журналида сен ҳақингдаги мақолани ўқигандим. У ерда чиққан партия ёмон эмасди.

Уоттс Элизабетнинг Белтик билан ўйнаган партиясини назарда тутди.

– Раҳмат, – деди у.

– Мен Бенжамин Уоттсман, сен Бенни деб чақирсанг ҳам бўлади.

Элизабет индамади.

– Ўшанда рокировка қилмаслигинг керак эди, – деди у жилмайиб.

Қиз бўлажак рақибига ҳайрон қаради.

– Мен рухни олиб кетишим керак эди.

– Сен шоҳ пиёдасини йўқотишинг мумкин эди.

Элизабет унинг сўзлари маъносига яхши тушунмади. У ўша партияни жуда яхши эсларди, ҳаёлида бир неча бор қайта ўтказган ва камчилик топмаганди. Наҳотки, у «Ҳаёт»даги партияни ёд олган ва камчилик топган бўлса? Ёки шунчаки ўзини кўрсатяптимикин? Элизабет рокировкадан кейинги жой-

лашувни хаёлида тезгина чизди: шоҳ пиёдасининг ҳолати ишончли кўринарди унга.

– Ундай деб ўйламайман, – деди ниҳоят.

– У филни В-5 га юриши мумкин эди, шунда сен доналаринг ўртасини узишингга тўғри келарди.

– Тўхта-чи...

– Қололмайман, – қўл силтади Бенни.

– Қолдирган партиямни ўйнаб қўйишим керак. Сен тахтага доналарни жойлаштириб, буни ўйлаб кўр. Асосий муаммойинг – унинг фарзин оти эди.

Элизабетнинг бирдан жаҳли чиқиб кетди.

– Буни ўйлаб кўришим учун доналарни қўйиб чиқишим шарт эмас.

– Ўзинг биласан, – деди Уоттс ва нари кетди.

У кўздан йўқолганда Элизабет ҳамон миясида партияни ўйлаганча кола автомати ёнида турарди. Ниҳоят, тушуниб етди. Ёнидаги столда ортиқча шахмат тахтаси турарди. Элизабет ишонч ҳосил қилиш учун доналарни рокировкагача бўлган кўринишда жойлаштириб чиқди, лекин асосий исбот миясида аниқ бўлганди. Унинг қорнида яна тугун ҳосил бўлгандек ҳис уйғонди. Белтик шундай қилиши мумкин эди, шунда фарзин оти катта хавф тугдирарди. Элизабет ўртани бузиши ва шу лаънати от уюштирган «санчқи»дан чиқиб кетишига тўғри келарди, кейин эса майдонга рух тушарди. Ва мана! Шоҳнинг пиёдаси тузоқда қоларди. Вазият кескинлашган бўларди. Энг ёмони – у буни ўйин пайтида кўролмади, Бенни Уоттс эса журналда нотаниш қизнинг партия қайдларига бир кўз югуртириб, пайқади. Элизабет тахта устида лабини тишлаганча туриб қолди ва шоҳини ерга қулатди. Еттинчи синфда у Морфнинг партиясидан хато топганида ўзи билан жуда фахрланганди. Энди эса АҚШ чемпиони худди шу ишни унга

нисбатан қилди ва бу Элизабетга ёқмади. Умуман ёқмади.

Финалда Элизабет биринчи столда оқлар томонда ўтирарди. Уоттс саломлашиш учун қўлини узатиб, секин сўради:

– От бешинчи катакка юриши керак эди. Тўғри-ми?

– Ҳа, – деди тишлари орасидан Элизабет ва фарзин пиёдасини тўртинчи катакка юрди.

У Уоттсга қарши фарзин гамбитини амалга оширди, лекин миттелшпилда бекор қилдим, деб қўрқиб кетди. Фарзин гамбити ўйинда қийин вазиятларга олиб келади, лекин ҳозирги ҳолат жуда чалкаш эди. Ҳар қаторга бир нечтадан тузоқ қўйилганди, аммо Элизабетни асабийлаштираётган энг муҳим нарсаси бирор донага қўлни узатиб, тегишга ботинмасдан неча марталаб қайтариб олиш, ўзига, ўз кучларига ишончсизлик эди. У вазиятни Бенни Уоттсдек равшан кўролмасликдан қўрқарди.

Бенни Уоттс хотиржам, босиқ ва аниқ ўйнар, доналарни чаққон кўтариб, тахтага сокин қўяр, гоҳ ўзига ўзи кулиб қўярди. Унинг ҳар юриши қоя каби салобатли ва ишончли кўринарди. Элизабетнинг ютуғи қақшатқич ҳужумларда эди. Аммо бу ўйинда ҳеч ҳужумга ўтолмаётганди. Ўн олтинчи юришга келиб, бу гамбитни қўллагани учун ўзини қаттиқ койиди.

Уларнинг катта ёғоч столи атрофида қирққа яқин томошабин йигилди. Стол ёнидаги жигарранг бахмал билан қопланган тахтада ҲАРМОН ва УОТТС деб ёзилган. Ғазаб ва қўрқув ортидан унинг қалбида яна бир ёқимсиз ҳис пайдо бўлди – бу жуфтликда Элизабет заиф ўйинчи эди. Бенни Уоттс шахмат ҳақида кўпроқ билади, яхшироқ ўйнайди. Бу унинг

учун янгича ҳис, шунданми, хаёллари чалкашар, танаси музлаётгандек эди. Бунақаси охирги марта Дирдорфф хонимнинг хонасида бўлганди. Элизабет стол атрофидаги оломон орасидан Уитли хонимни қидириб аланглади, лекин у йўқ эди. Кейин Уоттсга бир ўқрайиб, тахтага қайтди. Йигит рақибига қараб худди мураккаб шахмат бошқотирмасини эмас, қахвани таклиф қилаётгандек хотиржам жилмайиб турарди. Элизабет тирсакларини столга қўйиб, муштини юзига тираганча диққатини жамлашга ҳаракат қилди.

Сония ўтиб, хаёлига оддий фикр келди: «Мен Бенни Уоттс билан мусобақалашмаяпман, шунчаки шахмат ўйнапман». У рақибига яна бир кўз ташлади. Уоттс доналарни ўрганарди. «Рақибим мендан олдин юролмайди. Бир мартада фақат битта дона-нигина сура олади».

Элизабет яна тахтага қараб, алмашинувнинг оқибатларини, марказда тўпланиб қолган доналар камайса, пиёдалар қаерга бориб қолишини тахмин қилиб кўрди. Унинг шоҳ отини фили билан олса бўлади, шунда фарзин пиёдаси билан вазиятдан чиқади... Йўқ, тўғри келмайди. От билан юриб, уни алмашишга мажбур қилиш мумкин... Бу яхшироқ. Элизабет бир зумга кўзини юмиб, пиёдалар ўртасидаги алоқаларни боғлаб, узиб, унга афзаллик берадиган йўлларни қидириб, ўзини енгил ҳис қила бошлади.

Энди қизнинг кўз ўнгида олтмиш тўрт катак ва улар устидаги оқ-қора доналардан бошқа ҳеч нарса қолмади. Элизабет усулларни хаёлидан ўтказгунча тасаввуридаги тишсимон қатор тўлқинланиб нақшлар ҳосил қилар, ҳар янги қадамдан янги-янги шоҳчалар ўсиб чиқарди. Шоҳлардан бири унга мустаҳкамроқ кўринди ва Элизабет ундан юриб, уму-

мий кўриниш – хаёлий доналардан иборат дарахтни ҳам онгида сақлаганча ундан униб чиққан имкониётлар новдаларини ўргана бошлади. Ниҳоят, ўзига керагини топди.

Элизабет нафасини ростлаб, қаддини тиклади. Юзига тираб турган қўлини олганида яноқлари жимирлар, елкалари қотиб қолганди. У соатга қаради – қирқ дақиқа ўтибди. Уоттс эснарди. Элизабет қўлини чўзиб, отни рақибини биринчи алмашинувга мажбур қиладиган тарзда юрди. Бу унчалик хавфли юриш эмасди. Элизабет тугмани босди.

Уоттс тахтадаги ҳолатни бор-йўғи ярим дақиқа ўрганиб, доналарни алмаштирди. Элизабетни бир сонияга ваҳима босди – наҳотки рақиб унинг нима ўйлаганини билиб олган бўлса? Шунчалик тез-а?.. Кейин бундай хаёлларни ҳайдаб, қурбон қилинган донани олди. Уоттс қиз кутганидек яна бирини алмаштирди. Элизабет яна бир алмашинувни таклиф қилди. Уоттс донани олиш учун қўлини узатди-ю, тўхтаб қолди. «Бўл! Ола қол!» – ичида ўйлади Элизабет. У қўлини олди. Элизабет лабини тишлади. Уоттс вазиятни яна диққат билан ўрганди.

«Кўради. Пайқаб қолиши аниқ», – Элизабетнинг хаёлидан шу ўй ўтди. Соатнинг чиқиллаши унга жуда баланд эшитиларди. Элизабетнинг юраги шундай дукиллардики, бу ҳаяжон тўла юрак товушини Уоттс эшитиб қолиб, унинг ваҳимага тушганини билиб қолишидан кўрқарди.

Уоттс буни эшитмади, албатта. Кўрмади ҳам. Уоттс худди рақиб режа қилгандек дона алмашди. Элизабет унга ишонқирамай қаради. Уоттс соатнинг тугмасини босди – энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Элизабет пиёдани рухнинг бешинчи катагига юрди. Уоттс бирдан безовталанди – буни ҳеч ким сезмаса ҳам Элизабет сезди – ва тахтага син-

чиклаб қарай бошлади. Ўзини икки ёқлама пиёда қисиб қўйишини тушунмади. Бирор дақиқа ўтиб, Элизабет кутганидек юриш қилди. Элизабет ўз режаси бўйича ҳаракат қилишда давом этди. Кейинги юришда у икки ёқлама пиёдага эга бўлди, газаб ва асабийлик чекина бошлади. Энди у галаба томонга қадам қўйди, яна бир оздан сўнг рақибининг заиф жойига уради. Элизабетга ҳужум қилиш ёқарди. Уоттс қизга бир неча сония хотиржам тикилиб турди, кейин фарзинни олиб, кутилмаган юриш қилди – Элизабетнинг марказдаги пиёдасини олиб қўйди. Ҳимоядаги пиёдани. Айнан шу фарзинни – деярли бутун партия давомида бурчакда ушлаб турган пиёдани. Бундан чиқди, Уоттс фарзинни қурбон қилди, Элизабетнинг бунга ишонгиси келмасди.

Кейин рақибни нима ҳақда ўйлаганини тушуниб етди ва қорнида бирдан оғриқ турди. Буни қандай кўздан қочирди экан? Марказдаги пиёдасиз рух ва фили очик қолган диагоналдаги фил сабабли мот хавфида қоларди. Отни олиб қочиб, рухни олдинга юрса – мотдан қочса бўларди, лекин бу ҳимоя узоққа етмайди. Элизабет Уоттснинг хавфсиз кўринган оти шоҳнинг йўлини тўсиб қўйишини равшан кўриб турар ва кўрқувдан титрарди. Бу фожиа. Шунга ўхшаш зарбани у ўзининг аввалги рақибларига нисбатан қилган. Шу кабиларни Морфи ҳам қилган. У эса шунча пайтдан бери аллақандай икки ёқлама пиёдalar ҳақида ўйлаб ўтирибди.

Уоттснинг фарзинини олмаслик керак. Лекин олманидан сўнг нима бўлади? Ўйинни пиёдасиз давом эттиради, Уоттснинг фарзини эса марказда қолади. Ундан ҳам ёмони – бу фарзин шоҳ руҳининг вертикалидан юриши ва рокировка қилинган шоҳга ҳужумга ўтиши мумкин. Элизабет қанча узоқ ўйласа, шунча саросимага тушиб борарди. Уоттс юриши

билан уни қийин аҳволга солиб қўйди. Элизабет яна тирсагини столга тираб, тахтадаги вазиятни ўрганишга киришди. Жавобан ҳужумга ўтиш, уни тўхта-тадиган йўл ўйлаб топиш зарур. Лекин бундай йўл йўқ. Ярим соат ўйлаб, Беннининг қадами ўзи ўйлаганидан ҳам хавфлироқ, деган хулосага келди.

Рақиб тизкор ҳужумга ўтса, унда алмашинув ёрдамида мотдан қочиб қолиш имкони тугилиши мумкин. Агар ҳозир фарзинни юрса, унда шундай имконият пайдо бўлади.

Бенни фарзинни юрмади. Иккинчи филдан фойдаланди. Элизабет руҳни иккинчи горизонтал қаторга қўйди. Шунда фарзинни олдинга сурди. Уч қадамдан сўнғ мот хавфи пайдо бўлади. Элизабет энди отини бурчакка олиб қочишга мажбур бўлди. Бенни ҳужумни давом эттирди ва Элизабет тахтада унинг мағлубият онлари яқинлашиб бораётганини кўриб турарди. Уоттс ўз донасини қурбон қилиб, унинг пийдасини шоҳ фили билан олиб қўйганда, у ҳаммаси тутаганини тушунди. Элизабет энди ҳеч нима қилолмасди. Бор овози билан бақиргиси келди, лекин бунинг ўрнига шоҳини ерга қулатиб, ўрнидан турди. Оёқлари ва бели увишиб қолганди. Унга дуранг ҳам етарди, аммо шунга ҳам эришолмади. Бунгача Бенни икки бор дуранг ўйнади, у эса финалга анча балл билан келди ва дуранг голиб унвонини таъминласа-да, Элизабет галабани истарди.

– Кучли партия, – деди Бенни унга қўлини узатиб.

Элизабет қўлини сиқишга ўзини мажбур қилди. Атрофдаги одамлар қарсак чалишарди, аммо бу қарсаклар унга эмас, Бенни Уоттсга аталган эди.

Оқшомгача кўнгил гашлиги бир оз тарқади. Уитли хоним ютуқ пуллари голиблар ўртасида бўлиниши, Бенни иккаласи ҳам чемпионлик унвони ва совринларни олишини айтиб, қизини юпатган бўлди.

– Бунақаси кўп бўлади, – деди Уитли хоним. – Мен аниқладим: очик мусобақада икки ғолибни тақдирлашган экан.

– Мен унинг нима қилмоқчи эканини пайқамадим, – деди Элизабет яна Бенни Уоттснинг фарзини пиёдасини олиб қўйган юришни хаёлида чизиб. Бу оғриётган тишни тил билан силжитишдек эди.

– Ҳар доим ҳам энг баландда бўлиш мумкин эмаску, – деди Уитли хоним. – Бунга ҳеч ким қодир эмас.

Элизабет унга қаради.

– Сиз шахмат ҳақида ҳеч нарса билмайсиз.

– Аммо мен мағлубиятлар ҳақида кўп нарса биламан.

– Ҳа, бу аниқ, – жаҳл қилди Элизабет, – сиз бунга устасиз.

Уитли хоним унга бир оз ўйчан қараб турди.

– Энди сен ҳам, – деди у хотиржам.

* * *

Ўша қиш Лексингтон кўчаларида гоҳ-гоҳ одамлар Элизабетга ўтирилиб қараб, нигоҳлари билан кузатиб қолишарди. Уни WLEX маҳаллий телеканалда «Эрталабки шоу»да кўрсатишди. Бошловчи – турмагига аямай қотиргич сепилган, масхарабозларникидек кўзойнак таққан аёл Элизабетдан бриж³⁶ ўйнаш-ўйнамаслигини сўради. Элизабет «йўқ», деб жавоб берди.

Кўшма Штатлар Очик мусобақаси ҳақида сўрашганида чемпионлардан бири бўлганини айтди. У йиғиладиган режиссёрлар ўриндиғида ўтирар, чироқлар ёруги юзига урарди. Шахмат ҳақида гапиришни истарди-ю, бошловчининг ёлғондакам қизиқиши ва ўзини тутиши бунга халал берарди.

³⁶ Бриж – жуфт ёки жамоа бўлиб ўйналадиган интеллектуал қарта ўйини.

Охирроғида бошловчи ундан шахмат бу вақтни бекор ўтказиш, деган кўп учрайдиган фикрга муносабатини сўради. Элизабет унинг кўзларига қараб жавоб берди:

– Худди баскетбол каби, ундан кўп эмас, – аммо фикрини тугатишга улгурмади, шоу тугаб қолди.

Кўрсатувда уни бор-йўғи олти дақиқа кўрсатишди, холос.

Таунс у ҳақда ёзган бир саҳифали мақола эса «Геральд-лидер»нинг якшанба иловасида у Лас-Вегасда меҳмонхонада олган суратларидан бири билан босиб чиқарилди. Унга сурат ёқди: юзи жиддий, ақлли, улгайган кўринарди, ўнг қўлини оқ фарзинга чўзиб турибди. Уитли хоним журнални ўз жамланмаси учун беш нусхада сотиб олди.

Элизабет энди юқори мактабга борарди. У ерда шахмат клуби бор, лекин Элизабет клубга ёзилмади. Клубдаги болалар мактаб йўлакларидан шахмат устаси мақомига эга ўйинчи кезиб юришини билиб, бир оз гангиб қолишди, унга тортиниб қарашарди.

Бир куни йўлакда уни ўн иккинчи синфда ўқийдиган бир йигит тўхтатди ва уларнинг клубида ҳамма билан бир пайтлик ўйин ўтказишни таклиф қилди. Айтишича, бундай ўйинларга ўттиз нафарлаб одам йиғилармиш. Элизабет жаноб Ганц уни олиб борган «Метуэн-Ҳоум»дан унча узоқ бўлмаган юқори мактабдаги намунавий ўйини, унга қандай қарашгани ҳақида эслади.

– Узр, бунга вақтим йўқ, – дея жавоб берди.

Бола хунуккина, бетартиб кўринарди ва Элизабет у билан гаплашиб тургани учун ўзи ҳам ўзига шундай туюлиб кетди. Кечалари уй вазифаларига бир соатча вақт ажратар ва аълога ўқирди. Аммо мактабдаги ютуқлар у учун унчалик муҳим эмасди – ҳаётидаги энг муҳим ўринни шахмат эгалларди.

Элизабет ўзининг хоббиси учун бир кунда беш-олти соат вақт ажратади. Яна университет қошидаги рус тили курсларига ёзилди ва ҳафтада бир дарсларга қатнашарди. Бу қиз жиддий эътибор берадиган ягона фан эди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Элизабет тамакини чуқур тортиб, ўпкасида тутунни ушлаб турди. Айтарли ҳеч нарса сезмай, тамакини ўнг томонидаги йигитга узатди. Йигит «рахмат», деди. У Эйлин билан Дональд Дак ҳақида тортишарди. Ёшлар Мейн-стритдан бир даҳа нарида Эйлин ва Барбаранинг уйида йиғилишди. Бу зиёфатга уни рус тили дарсидан сўнг Эйлин таклиф қилди.

– Бу ахир Мел Бланк³⁷, – дерди у. – Мел Бланк ҳаммага овоз беради.

Элизабет тутун енгил бўлишга ёрдам беради, деган умидда уни ўпкасида ҳамон ушлаб турарди. У коллеж талабалари орасида полда ўтирганча ҳали бир огиз сўз демади.

– Бланк Силвестрни овозлаштиради, Дональд Дакни эмас, – чўрт кесди йигит муҳокамани тўхтаиб ва Элизабетга қаради: – Мен Тимман. Сен эса шахматчи қизсан, тўғрими?

Элизабет ҳавони чиқариб юборди.

– Ҳм-м.

– Сен шахмат бўйича АҚШ аёллар чемпионати ғолибсан.

– Мен Очиқ шахмат турнирининг чемпионларидан бириман.

– Узр. Хатолик ўтди.

³⁷ Мел Бланк (1908 – 1989) – америкалик қизиқчи, «Уорнер Бразерс» студияси мультфильмларига овоз берган.

Йигитнинг сочлари қизгиш ва қомати ингичка бўлиб, дарсларда хона марказида ўтирарди. Элизабет улар гуруҳ бўлиб русча ибораларни такрорлашганда йигитнинг овози паст чиққанини эслади.

Элизабет бу ерда ўзини ноқулай ҳис қиларди. Уйга қайтиш ёки Уитли хонимга қўнғироқ қилиш керак эди.

– Сен шахмат ўйнайсанми?

Йигит бошини қимирлатди.

– Мен учун бу ўйин ўта мантикий. Пиво ичасанми?

Элизабет ўша Лас-Вегасдаги кечадан буён бошқа ичмаганди.

– Майли, – деди Элизабет ва ўрнидан тура бошлади.

– Мен олиб келаман.

Йигит икки шиша пиво билан қайтиб, биттасини қизга узатди. Элизабет бир ҳўплам ичди. Хонада аввалига шундай баланд мусиқа қўйилгандики, гаплашишнинг имкони йўқ эди, аммо охириги қўшиқ тутагач, пластинкани алмаштиришмади. Элизабет овоз чиқаргичда қизил чироқ ёниб турганини кўрди ва қолганлар буни унутиб, бошқа қўшиқ қўймасликларига умид қилди.

Тим ҳўрсиниб, Элизабетнинг ёнига – гиламга ўтириб олди.

– Мен кўпроқ «Монополия»га қизиқаман.

– Ҳеч қачон ўйнамаганман.

– Монополия инсонни капитализм қулига айлантиради. Пуллар ҳатто тушимга кириб чиқадиган бўлган. Катта пуллар.

Элизабет кулди. Тамаки ҳамманинг қўлидан ўтиб, яна Элизабетга қайтиб келди. Қиз кичкина бўлакни амаллаб чекиб, Тимга узатди.

– Нима учун унда рус тилини ўрганишни бошладинг, капитализм қули? – сўради Элизабет яна пиво-дан ҳўпларкан.

– Қоматинг чиройли экан, – деди Тим. У чекиб, одамларга бақирди: – Ҳой, бизга яна тамаки керак, – кейин яна Элизабетга қараб, жавоб берди: – Достоевскийни аслиятда ўқимоқчиман.

Элизабет пивони тугатди. Кимдир яна тамаки тутатиб, айлана бўйлаб узатди. Хонада ўн киши атрофида одам бор эди. Талабалар ўша куни кечки бўлимда биринчи имтиҳонларини топширишди ва Элизабетни ўзлари билан нишонлашга чақиришди. Элизабет энди пиво, марихуана ва Тим билан енгил суҳбатдан кейин ўзини яхши ҳис қила бошлади. Тамаки яна қўлига тушганида, икки марта чуқур тортди. Кимдир пластинкани барибир алмаштирди, лекин энди баланд мусиқа унга халал бермасди.

Элизабет бирдан ўрнидан турди.

– Уйга қўнғироқ қилиб қўйишим керак.

– Телефон ётоқхонада, ошхона орқали борасан.

Элизабет ошхонадан ўтаётиб, яна бир шиша пиво очиш учун ушланиб қолди. Пиводан ҳўплаб, ётоқхона эшигини итарди, деворда чироқ ёққични қидириб, тимирскиланди, лекин тополмади. Ошхонадаги қовурилган нонли това турган газ печи ёнидан бир қути гугурт топди. Ётоқхонага кириб, гугуртни ёқди, лекин чироқни яна ёқолмади. Гугурт чақиб, жавон устида турли шакл ва ўлчамдаги шамларни кўрди. Улардан бирини ёқиб, гугуртни ўчирди, кейин қўлидаги нарсага ҳайрат билан тикилиб қолди: бу шам эмасди.

Телефон йигилмаган ётоқ ортидаги столда турарди. Элизабет қўлидаги «шам» билан каравотнинг бир четига ўтириб, рақамни тера бошлади.

Уитли хоним қизининг гапини тушунолмади – телевизорғами, пивоғами чалғиб қолди, шекилли.

– Ухлашга ётаверинг, калитим бор, – деди Элизабет.

– Коллеж талабаларининг зиёфатидаман, дедингми? – деди Уитли хоним ўзига келиб. – Бу университетдаги болаларми?

– Ҳа.

– Яхши. Фақат ҳар балони огзингга олавермагин, азизам, хўпми?

Элизабет бирдан энтикиб кетди. Танасига илиқлик югурди. Бир зум уйига учиб боргиси, Уитли хонимни кучгиси ва чин дилдан ўпиб олгиси келди. Лекин оддийгина жавоб берди:

– Хўп.

– Эрталаб кўришамиз, – деди хайрлашиб Уитли хоним.

Элизабет каравотда яна бирпас пиво ичиб, меҳмонхонадан келаётган қўшиққа қулоқ тутиб ўтирди. Авваллари мусиқага ҳеч қизиқмас, мактаб кечаларига ҳам бормасди. «Олмали пирог»даги йиғилишни ҳисобга олмаса, бу унинг биринчи бор зиёфатга келиши. Меҳмонхонада яна бир қўшиқ тугади. Сония ўтиб, хонага Тим кириб келди ва ўзини каравотнинг бошқа тарафига ташлади.

– Пивони ушла, – деди Тим.

Элизабет Тимнинг қўлидан пивони олиб, ича бошлади. Қизнинг ҳаракатлари секин, лекин қатъиятли бўлиб борарди.

– Ё, тавба! – ваҳима билан шивирлади Тим. – Анави ерда бинафшаранг нима бало ёняпти?

– Буни сен менга тушунтир, – деди Элизабет.

* * *

Элизабет кийимини ҳам ечмай ухлаб қолди ва Тим шамни ўчириб, ортидан эшикни ёпганини эшитди.

Эрталаб уйгонганида кўзи электрон соатга тушди – соат деярли ўн бўлганди. Қуёш нури парданинг

четларидан хонага тушиб турарди. Хона дим бўлиб кетганди. Қалин юбкаси оёғига ботиб турар, свитернинг баланд ёқаси эса бўйнини терлатиб юборганди. Қорни жуда оч эди. Элизабет уйқусираб, кўзини пирпиратганча каравот четида бир оз ўтирди, кейин ўрнидан туриб, ошхонага чиқди.

Хонанинг ҳар томонида пиво идишлари, шишалар ётар, тутун ҳиди анқирди. Музлаткичга Микки-Мауснинг калласи шаклидаги магнит билан қогоз ёпиштирилган: «Ҳамма Цинциннатига кино кўришга кетди. Қанча истасанг, қолишинг мумкин».

Ювиниш хонасига меҳмонхонадан ўтиларди. Элизабет ювиниб, бошини сочиқ билан ўраб чиқди. Ошхонага кириб, музлаткични очди: картон қутида тухумлар, икки шиша «Будвайзер» пивоси ва тузланган бодринг бор эди. Эшикдаги қаторлар бўш эди. Фақат биттасида қути турарди. Элизабет қутини очди: ичида яхшилаб ўралган битта тамаки қолганди. Элизабет тамакини тишлари орасига суқди, гугурт билан ёқиб, чуқур тортди. Музлаткичдан тўртта тухум олиб, қайнатишга қўйди. У танасида ҳали ҳеч қачон бунчалик очликни ҳис қилмаганди. Кейин эса уйни йиғиштиришга тушди. Шахматчилар услубида, худди қаршисида ўйин майдони ва унда муҳим масалаларни ечиши керакдек ишга киришди. Тўртта катта қоп топиб, бўш шишаларни солди ва қопни кириш эшигининг ёнига қўйди. Ахлат уюми орасидан ярим шиша «Риппл»³⁸ ва тўртта очилмаган пиво идишини топди. Биттасини очиб ичганча меҳмонхона гиламини тозалади. Ётоқхонадаги курсига жинсишим илинганди. Уйларни йиғиштириб, кийимини алмаштирди: жинси унга тўғри келди. Жавондан оқ футболка топиб, кийиб олди, пивони охиригача

³⁸ «Риппл» – сифати паст, кучсиз, арзон шароб. АҚШ коллеж ва университетлари талабалари ўртасида машҳур бўлган.

ичиб, яна биттасини очди. Ҳожатхонада кимдир лаб бўёгини қолдирибди. Элизабет уни ювиниш хонасига олиб бориб, ойна қаршисида оҳиста лабини бўяди. Аввал ҳеч қачон лаб бўёғи сурмаганди. Негадир унинг кайфияти кўтарилиб борарди.

* * *

Уитли хонимнинг овозида безовталиқ сезилди:

– Қўнғироқ қилиб қўйсанг бўларди-ку.

– Кечиринг, – деди Элизабет. – Уйғотиб юборгим келмаганди.

Уитли хоним барибир аччиқланди.

– Ахир хафа бўлмасдим...

– Ҳаммаси жойида, мен яхшиман. Ҳозир Цинцин-натига кино кўришга кетяпман. Уйга бугун ҳам бо-ролмайман.

Гўшакнинг нариги тарафида жимлик чўқди.

– Душанба куни мактабдан сўнг қайтаман, – деди Элизабет ниҳоят.

Жимлик яна чўзилди. Ниҳоят, Уитли хоним юрак ютиб сўради:

– Бирор йигит биланмисан?

– Кеча тунда бирга эдим.

– Оҳ... – Уитли хонимнинг овози совуқ эшитилди. – Элизабет...

Қиз кулиб юборди.

– Қўйсангиз-чи, мен яхшиман.

– Яхши... – онасининг оҳанги ҳамон жиддий эди. – Шундай деб умид қиламан, – бир оз юмшади Уитли хоним. – Шунчаки...

– Ҳомиладор бўлиб қолмайман, – деди Элизабет.

Тушликда Элизабет қолган тухумларни қайна-тишга қўйиб, мусиқани ёқди. Авваллари ҳеч мусиқа тинглагиси келмасди. Энди эса қизиқиб қолди. Тухумлар қайнагунча меҳмонхонада рақсга тушди. Яна

қайт қилиб юборишни истамасди, шунинг учун тез-тез овқатланиб, бир соатда бир шиша пиво ёки бир қадаҳ вино ичишга қарор қилди. Бу кеча у эркак билан бўлди, энди эса ичкиликдан мастлик ҳолатини ҳам танасида синаб кўрмоқчи. Элизабет уйда ёлғиз эди ва ўзини яхши ҳис этарди, ҳаётидаги энг муҳим нарсаларни доим танҳоликда ўрганган.

Соат тўртларда Элизабет уйдан бир даҳа наридаги «Ларриникида» шароб дўконига бориб, бир ярим галлон³⁹ «Риппл» виносини сотиб олди. Сотувчи шишаларни тахлаётганда, сўради:

– «Риппл»га ўхшаган яна қандай шаробларингиз бор, фақат бунчалик ширин бўлмагани борми?

– Бу виноларнинг ҳаммаси бир хил – қиём ва сода, – деди сотувчи.

– Бургунди-чи?

Уитли хоним ресторанларда таомланишганда кўпинча бургунди буюртма қиларди.

– «Галло», «Италиан Суисс Калони», «Пол Массон»...

– «Пол Массон». Икки шиша, – деди Элизабет.

Оқшомда Элизабет амал-тақал қилиб кийимларини ечиб олди. Ичишдан олдин жавондан ётоқ кийимини олиб қўйди ва соат ўн бирда уни кийиб олди. Ўзининг кийимларини эса ўринга ётиб, ухлаб қолишдан аввал курсига тахлаб қўйишга улгурди.

Эрталаб ҳам ҳеч ким қайтиб келмади. Элизабет иккита қовурилган нон бўлагини қуймоқ билан еб, яна бир қадаҳ вино ичди. Қуёшли кун эди. Меҳмонхонада Вивалдининг «Йил фасллари» пластинкаси бор экан, мусиқа қўйди ва узоқ хаёлга толди.

³⁹ Галлон – Америка галлони 3,79 литрга тенг.

* * *

Душанба куни тонгда Элизабет такси чақириб, Генри Клей номидаги юқори мактабга дарс бошланишидан ўн дақиқа олдин етиб келди. Уйни чиннидек қилиб қолдирди. Уй эгалари ҳали ҳам Цинциннатида йўқ бўлиб кетишганди. Свитер ва юбкаси унча ғижим бўлмаган, ромблик гольфиларини эса ювиб олганди.

Бургундининг иккинчи шишасини Элизабет якшанба оқшом ичиб тугатди ва нақ тўққиз соат қотиб ухлади. Таксида ўтирганда бўйнида оғриқ сездди, қўллари бир оз қалтираётганини кўрди. Машина ойнасидан очиқ май тонги, дарахтларда энди куртак очган нозик новдалар кўринарди. Таксидан тушиб, ҳайдовчига пул узатаётганда Элизабет ўзини енгил, пружинадек қаттиқ ва жуда тетик ҳис этди. Юқори мактабни тамомлаб, қолган қувватини шахматга бағишлашни мақсад қилди. Банкдаги ҳисоб рақамидан уч минг доллар бор. Энди Элизабет ҳақиқий аёл бўлди. Ичкилик ичишни ҳам ўрганди.

Мактабдан сўнг уйга қайтганида аввалига орага ноқулай жимлик чўмди. Уитли хоним кўк уй кўйлагидан ошхона полини артарди. Элизабет меҳмонхонадаги диванга ўтириб, энг ёмон кўрадиган китоби – Ройбен Файннинг эндшпиллар ҳақидаги асарини олиб ўқий бошлади. Раковинада «Пабста» шишасига кўзи тушди, лекин ичгиси келмади. Энди анча пайт огзига ичкилик олмайди – шу икки кун пивога етарли даражада тўйди.

Уитли хоним полни ювиб бўлгач, швабрани музлаткичнинг бир четига тираб, меҳмонхонага чиқди.

– Қайтибсан-да, – деди Уитли хоним ниҳоят.

– Вақтимни мароқли ўтказдим, – деди Элизабет онасига қараб.

Уитли хоним бу вазиятда ўзини қандай тутишни билмаётганди. Охир-оқибат у бир оз жилмайди. Жилмайиши жуда очик, ёш қизалоқларники каби эди.

– Хўш, – деди Уитли хоним, – ҳаётда шахматдан бошқа нарсаларга ҳам ўрин борлигини англагандирсан?..

* * *

Элизабет мактабни июнда тамомлади ва Уитли хоним унга «Булова»⁴⁰ соатини ҳадя қилди. Соатнинг таг қисмида шундай деб ўйиб ёзилганди: «*Муҳаббат ила онангдан*». Элизабет хурсанд бўлди, лекин уни янаям хурсанд қилган нарса – бу янги 2243 рейтинг ҳақидаги хабарнома эди. Битирув оқшомида синфдошлари унга тақиқланган ичимликларни таклиф қилишди – Элизабет рад этди. Кеча давомида фақат мевали пунш⁴¹ ичиб, ҳаммадан олдин уйга кетди.

У ўқишини давом эттиради – икки ҳафтадан сўнг Мехикода бўлиб ўтадиган ўзининг илк халқаро мусобақасига тайёрланиши керак. Ундан сўнг шахмат бўйича АҚШ чемпионати бошланади, яна уни ёз охирида Парижнинг «Реми-Валлон» меҳмонхонасида бўладиган мусобақага ҳам таклиф қилишлари керак.

САККИЗИНЧИ БОБ

Самолёт чегарадан учиб ўтганидан бир соат ўтиб, Элизабет пиёдалар тузилмасини ўрганишга шўнгиб кетди, Уитли хоним эса «Cerveza Corona»нинг⁴² учинчи шишасини ичаётганди.

⁴⁰ «Булова» – соат ва бошқа механика ишлаб чиқарадиган Нью-Йоркдаги компания.

⁴¹ Пунш – сув ва мева шираси қўшиб тайёрланадиган спиртли ичимлик.

⁴² «Тож пивоси» (*исп.*).

– Элизабет, – деди бирдан Уитли хоним, – сенга бир нарсани айтишим керак.

Қиз китобдан бошини истамайгина кўтарди.

– Сен ёзишмалар орқали дўстлашиш ҳақида эшитганмисан? – Уитли хонимнинг асабийлашаётгани кўриниб турарди.

– Ҳа. Одамлар бир-бирини кўрмасдан хат орқали танишиб, ёзишишади.

– Худди шундай! Мен юқори мактабда ўқиган пайтларим испан тили дарсида бизга инглиз тилини ўрганаётган мексикалик болаларнинг манзилларини беришди. Мен йигитлардан бирини танлаб, унга хат ёздим, ўзим ҳақимда айтиб бердим, – Уитли хоним жилмайди. – Унинг исми Мануэль. Биз узоқ йиллар хат ёзишдик, ҳатто Олстонга турмушга чиққанимдан кейин ҳам. Бир-биримизга суратларимизни юборардик, – онаси сумкасини титкилаб, эсдалик дафтарини олди ва Элизабетга узатди.

Суратда озғин юзли, жуда рангпар, қалам билан чизиб қўйилгандек юпқа мўйловли киши турарди. Уитли хоним бир оз иккиланиб туриб, деди:

– Мануэль бизни аэропортда кутади.

Элизабет қарши бўлмади, аксинча, Мексикада таниш одамнинг бўлиши яхши, деган фикрга келди. Лекин уни Уитли хоним буни гапираётиб, жуда тортинганига ҳайрон қолди.

– Аввал ҳеч учрашганмисиз?

– Йўқ, ҳеч қачон, – Уитли хоним олдинга интилиб, унинг елкасини қисди. Элизабет онасининг бир оз кайфи ошиб қолганини сизди. – Биласанми, ҳаяжонланиб кетяпман!

– Шунинг учун аэропортга шунчалик шошилганмидингиз?

Уитли хоним курсига суяниб, кўк пальтосининг энгини туширди.

– Ҳа, балки.

* * *

– Si Fomo no?⁴³ – елка қисди Уитли хоним. – Устига-устак, у яхши кийинади, олдимда эшикларни очиб туради, ресторанларда пул совуради, – гапира туриб, у жаҳл билан тўла сонларига чиқишни ҳеч истамаётган пайпоқларини тортарди.

«Улар – Алма ва Мануэль Кордоба-Серано кечани бирга ўтказишгандир», ўйлади Элизабет, сўзлари тасаввурга қўчишига йўл қўймай.

Шу кеча Уитли хоним меҳмонхонага соат учда қайтди, ўтган кеча эса икки яримда. Элизабет онаси хона бўйлаб ечиниб, хўрсиниб, у ердан бу ерга юргунича ўзини ухлаётганга солиб, юмуқ кўзлари билан атир ва ичимлик ҳидини туйиб ётди.

– Аввалига гап баландликда деб ўйладим, – деди Уитли хоним. – Денгиз сатҳидан етти минг уч юз эллик фут, – у кичкина стол қошидаги нафис латун ўриндиққа жойлашиб олди, бир оз олдинга эгилиб, тирсагини тиззасига қадаб, юзларига упа торта бошлади. – Лекин энди ҳамма гап маҳаллий маданиятда бўлса керак, деб ўйлаяпман, – Уитли хоним ишини тўхтатиб, Элизабетга қаради. – Мехикода протестант маданиятидан зигирча ҳам асар йўқ – бу ерда ҳамма Рим католиклари ва бугунги кун билан яшашади, – Уитли хоним Алан Уоттснинг⁴⁴ китоблари билан таниш эди.

– Кетишимдан олдин битта «Маргарита» ича қолай. Буюртма қилиб юборасанми, азизам?

Лексингтондалигида Уитли хоним кўпинча парижон юрар, овози гўё узоқдан, қалбининг туб-тубидаги ёлғиз болаликдан келаётгандек бўларди. Ме-

⁴³ Нима учун йўқ? (исп.)

⁴⁴ Алан Уоттс (1915 – 1973) – британ файласуфи, бир муддат рухоний епископ бўлиб ишлаган. Шарқ эзотерик гояларини Ғарбда тарғиб этган.

хикода ҳам бу нигоҳ ҳеч қаерга йўқолмади, лекин оҳангида қандайдир галати қувноқлик пайдо бўлди. Худди Алма Уитли яширин бир бахтдан лаззат олаётгандек эди. Элизабет бундан ўзини галати ҳис қиларди. Элизабет бу ерда меҳмонхона хизмати песога ўтирганда ҳам арзон эмаслигини эслатгиси келди, лекин индамай гўшакни олиб, олти рақамини айлантирди. Телефонга эркак киши инглиз тилида жавоб берди. Элизабет 713-хонага «Маргарита» ва бир шиша кола олиб келишларини сўради.

– Фольклорикога⁴⁵ бориб келсанг бўларди, – деди Уитли хоним. – У ерда билишимча, костюмларнинг ўзи ҳам чипта учун анча пул сарфлашга арзийди.

– Эртага мусобақа бошланади. Мен эндшпилар устида ишлашим керак.

Уитли хоним ётоқнинг бир четига ўтириб, оёқларини томоша қиларди.

– Элизабет, жонгинам, сен эндшпилар устида эмас, ўз устингда ишласанг яхши бўларди, – деди онаси. – Шахмат ҳаётдаги энг муҳим нарсаси эмас.

– Мен уларни яхши тушунаман.

Уитли хоним чуқур ҳўрсинди.

– Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, сен яхши эплайдиган нарсаси ҳар доим ҳам муҳим бўлиб чиқмайди.

– Унда нима муҳим?

– Яшаш ва улғайиш, – қатъий гапирди Уитли хоним. – Ҳаётдан баҳра олиб яшаш.

«Ҳар соҳада шубҳали бўлган мексикалик савдогар биланми?» дея сўрагиси келди Элизабетнинг, лекин яна индамади. Онасини Мануэлдан рашк қилаётгани ўзига ҳам ёқмади.

⁴⁵ Фольклорико – ўзида миллий анъаналар ва балетни мужассам этган Мексика рақсларининг умумий номи.

– Элизабет, – давом этди Уитли хоним мулойимлик билан, – сен ҳали Нафис санъатлар музейида ҳам, Чапултепек боғида ҳам бўлмадинг. Бу ернинг ҳайвонот боғи эса жуда ажойиб! Сен эса куни бўйи хонада ўтирасан, овқатни ҳам шу ерга буюртма қилиб, шахмат китобларингдан бошингни кўтармай ўтирасан! Мусобақа олдидан бир оз кўнгил ёзиб, миёнгни шахматдан бошқа нарсга билан чалғитсанг-чи!

Элизабет унга бир тарсаки туширгиси келди. Агар у Уитли хоним билан бирор жойга боришга рози бўлса, Мануэлга ва унинг аҳмоқона ҳикояларини тинглашига тўғри келади. Элизабет уларни бирга кўрганида мексикалик эркак доим онасининг гоҳ елкасидан, гоҳ белидан ушлар, жуда яқин турар ва ўта ҳиссиёт билан жилмаярди.

– Ойи, – деди у, – эртага соат ўнда қоралар билан Бразилия чемпиони Октавио Маренкога қарши ўйнайман. Бу дегани у биринчи юради. Рақибим ўттиз тўрт яшар халқаро гроссмейстер. Агар мен мағлуб бўлсам, биз бу мароқли саёҳат учун жамғарилган пулларимиздан тўлашимизга тўғри келади. Агар ютиб чиқсам, кейинги партияда мени Маренкодан ҳам кучли шахматчи билан ўйин кутади. Демак, эндшпил устида ишлашим керак.

– Азизам, ахир сени сезги ҳисси билан ўйнайдиганлардан, дейишади, шундай эмасми? – Уитли хоним ҳеч унинг шахмат ўйнашини муҳокама қилмасди.

– Ҳа, мени шундай аташади. Баъзида ечим ҳаёлимга кутилмаганда келади.

– Мусобақаларда томошабинлар сенинг ўйламасдан, тез ташлайдиган қадамларингга баландроқ қарсак чалишади. Шундай пайтлар нигоҳинг ҳам галати бўлиб кетади...

Элизабетнинг ҳайратдан эти жимирлаб кетди.

– Ҳақсиз, шекилли, – ғўлдиради у.

– Сезгини китоблардан ўрганиб бўлмайди. Сен Мануэлни ёқтирмаганинг учун хонадан чиқишни истамайсан.

– Мануэль ёмон эмас, – елка қисди Элизабет. – Лекин у бу ерга мени кўриш учун келмайди.

– Бу муҳим эмас, – деди Уитли хоним. – Сен дам олишинг керак. Сен дунёдаги энг яхши шахматчисан. Мен шахматни яхши ўйнаш учун қандай қобилият кераклигини билмайман, аммо ишончим комилки, агар сен бутун яхши ҳордиқ чиқарсанг, улар фақат кучаяди.

Элизабет жавоб бермади. Негадир бир неча кундан бери асабий эди. Мехико унга ёқмади, тўғрироғи, мана бу томлари ёрилиб кетган, кранидан сув томчилайдиган катта бетон меҳмонхона ёқмади. Бу ернинг овқати ҳам бемаза, лекин ресторанга ёлғиз боришни ҳам истамасди. Уитли хоним ҳар куни тушлик ва кечки овқатни Мануэль билан ерди. Мануэль уни олиб кетишга яшил Доджеда келар, худди куннинг исталган пайтида аёлнинг хизматига шайдек кўринарди.

– Балки биз билан тушлик қиларсан? – сўради Уитли хоним. – Кейин сени меҳмонхонага ташлаб ўтамиз ва ниманинг устида қанча ишласанг, давом этаверасан.

Элизабет жавоб бермоқчи бўлиб турганди ҳамки, эшик тақиллаб қолди: хизматчи буюртма қилинган «Маргарита»ни олиб келди. У чекни имзолаб бергунича Уитли хоним қуёш нури тушиб турган ойнадан ўйчан қараб, коктейлни ича бошлади.

– Мен кейинги пайтлар ўзимни яхши ҳис қилмаяпман, – деди Уитли хоним юзини бужмайтириб.

Элизабет унга совуқ назар ташлади. Уитли хоним рангпар, бунинг устига анча вазн йиққанди. У бир қўли билан қадахнинг оёғидан тутиб турар, иккинчи қўлини йўгон белида асабий силкитарди. Унинг кўринишида таъсирли алланима бор эди ва бу дилгирликдан Элизабетнинг кўнгли юмшаб кетди.

– Мен тушлик қилмайман, лекин сизлар мени ҳайвонот боғига ташлаб қўйишингиз мумкин. Қайтишда таксида келаман.

Уитли хоним уни эшитмагандек эди, лекин сония ўтиб ўтирилди ва ҳамон қадахни тутганча паришон жилмайиб:

– Бу ажойиб иш бўларди, азизам, – деди.

* * *

Элизабет галапагосс тошбақаларини – шовқин билан имиллаб ҳаракат қиладиган катта махлуқларни узоқ томоша қилди. Боғ ишчиси уларга бир даста ҳўл салат барглари ва бир челақ эзилиб пишган помидор олиб келди. Бешта тошбақа овқат уюмига интилиб, филнинг товонига ўхшаган иркит оёқлари билан баргларни босганча чапиллатиб ейишни бошлашди. Жониворларнинг маънисиз юзлари емиш ва атрофдаги олам чегарасидан наридаги номаълум алланарсага қаратилган.

Элизабет тўсин олдида турганида пиво сотувчиси аравача билан келиб қолди.

– Cerveza Corona, por favor⁴⁶, – деди Элизабет беш песолик пул узатиб.

Сотувчи шиша қоққоғини чаққон очиб, астик бургути сурати туширилган пивони қогоз стаканга қуйди.

– Muchisimas gracias⁴⁷, – ташаккур билдирди Элизабет. Охирги марта у юқори мактабда ичкилик

⁴⁶ «Тож пивоси»дан беринг, илтимос (исп.).

⁴⁷ Катта раҳмат (исп.).

ичганди. Ҳозир Мексика қуёши остида пивонинг таъми ажойиб туюлди ва уни тез ичиб қўйди. Бир неча дақиқадан сўнг қизил гуллар айланаси олдида яна бир сотувчини кўрди. Элизабет яна пиво олди, лекин эртанги мусобақа олдидан бундай қилмаслик кераклигини англаб турарди. Унга ичкиликнинг ҳам, транквилизаторларнинг ҳам энди кераги йўқ, яшил дориларни бир неча ойлардан бери унутганди. Лекин бир оз пиво ичди. Соат кундузги уч, қуёш куйдирарди. Ҳайвонот боғи аёлларга тўлган, деярли ҳаммаси тўқ рангли ребозо⁴⁸ ўраган, қора кўз болалари билан сайр қилиб юришарди. Гоҳ-гоҳ эркаклар ҳам учраб қолар, Элизабетга ўткир нигоҳ билан разм солишар, лекин у аҳамият бермасди, одамлар ҳам қиз билан гаплашишга уринишмасди. Мексикаликлар ўзининг шовқин-суронли халқ эканлиги билан танилган бўлса-да, бу жой тинч ва осуда эди. Сайр қилаётганлар кўпроқ музейга келганларга ўхшарди. Ҳаммаёқ гуллар билан тўлганди. Элизабет пивони тугатиб, яна бир шиша олди ва сайрни давом эттирди. Кайфияти анча яхшиланди. Дарахтлар ва гулларнинг туганмас қаторидан юриб, ухлаб ётган шимпанзелар катагидан ўтди ва тўғри гориллалар қаршисига келди. Ота маймун боласи билан юзига юзини қўйиб, қора танаси билан олд тўсиққа суяниб турарди. Катак ўртасида она маймун юк машинаси баллонига суяниб, пешонасини тириштириб, лабини тишлаб турарди. Катакнинг қаршисида эса инсон оиласи турибди: ота, она, бола. Улар гориллани мароқ билан томоша қилишарди. Эркак Элизабетнинг эътиборини тортди, чунки қиз уни таниганди.

Эркак паст бўйли, лекин гавдали, кенг елкали, қошлари қуюқ, қалин қора сочили ва бепарво нигоҳли эди. Унинг ўзи ҳам гориллага ўхшаб кетарди.

⁴⁸ Ребозо – Лотин Америкасининг испан тилли мамлакатларининг анъанавий аёллар буюми, ёпинчиқ, шарф.

Элизабет кўлида пивони тутганча қотиб қолди, негаки рўпарасидаги инсон шахмат бўйича жаҳон чемпиони Василий Боргов эди. Хато қилиши мумкин эмас, бу қошларининг ўртаси туташган ҳукмронларча ҳўмрайган рус юзини у «Шахмат янгиликлари» муқовасида кўп марта кўрган. Бир марта унинг ҳозир кийган қора костюми, яшил-тиллараңг галстукдаги расми ҳам чиққан. Элизабет унга бир дақиқа тикилиб турди. Боргов Мексика мусобақасида қатнашаётганини билмаган, у ўйнайдиган тўққизинчи столни ўзига таниш чехрага почта орқали жўнатишган. Демак, биринчи столда Боргов ўтиради. Бирдан Элизабетнинг эти жимирлаб кетди. Кўлидаги пивога қаради, лабига яқинлаштирди ва ҳаммасини бирдан ичиб юборди.

Ўзига ўзи бу мусобақа охиригача сўнги томчи бўлишини ваъда қилди. Рус ўйинчисига яна бир назар ташлади ва Боргов ҳам уни таниши мумкинлигидан кўрқиб кетди. Унинг ёнида ичмаслик керак эди. Лекин Боргов катакка қараб турарди, худди горилланинг пиёдани юришини кутиб тургандек эди. Горилла эса ўзининг аллақандай хаёллари билан банд ва бошқа ҳеч кимга эътибор бермасди. Элизабетнинг унга ҳаваси келди.

Ўша куни бошқа пиво олмади ва эртароқ ухлашга ётди. Лекин ярим кечада қайтган Уитли хоним қизини уйготиб юборди. Қоронғи хонада кийимларини алмаштираётган Уитли хоним нақ беш дақиқа тинмай йўталди.

– Чироқни ёқаверинг, уйгониб бўлдим, – деди Элизабет.

– Кечир, – деди Уитли хоним йўтал аралаш. – Шамоллаб қолдим, шекилли.

У ювиниш хонасининг чироғини ёқиб, эшикни бир оз очик қолдирди. Элизабет жавонда турган

япон соатига қаради: тўртдан ўн дақиқа ўтганди. Уитли хоним ётоқ кийимини кияётганида кийимларининг шитирлаши, бўғиқ йўтал овози Элизабетни асабийлаштирарди. Чемпионатнинг биринчи тури олти соатдан кейин бошланади. Элизабет газабдан нафаси ҳалқумига келиб, Уитли хоним қачон жим бўлишини кутиб ётарди.

* * *

Маренко паст бўйли, қорачадан келган, қовоғи уйиқ, ёрқин сариқ рангли кўйлак кийганди. У инглиз тилида яхши гапирмас, Элизабет эса португал тилини билмасди, шунинг учун улар ўйинни ортиқча гап-сўзларсиз бошлашди. Элизабет шундоқ ҳам суҳбатлашишга мойил эмасди. Унинг кўзлари ачишар, бутун танаси қақшарди. Элизабет Мексикага келганидан буён ўзини ёмон ҳис қилар, худди бетоблик яқинлашаётгандек бўлар, тунда эса ухлай олмаганди. Уитли хоним уйқусида йўталиб, ғўлдираб, тишини ғичирлатиб чиқди. Элизабет ўзини бўш қўйиб, аҳамият бермасликка уринди, лекин қўлидан келмади. Ёнида яшил дорилар ҳам йўқ эди. Қутисидида учта дори қолган, у ҳам Кентуккида эди. Элизабет саккиз ёшлигида «Метуэн-Ҳоум»да йўлак эшиги олдида ухлолмай чиққан пайтлари каби тонггача шифтга қараб қўлларини узатиб ётди. Энди Мексика меҳмонхонасининг рақс хонасида бир қатор шахмат тахтаси жой олган стол тепасида қаттиқ ёғоч ўриндиқда ўтирар экан, ўзини асабий ҳис қилар ва боши айланарди.

Маренко биринчи бўлиб юрди – пиёдани шонинг тўртинчи катагига сурди. Элизабетнинг соати чиқиллай бошлади. У секин-аста тинчланиб, ўйинга мослашиб олиш учун ҳозирча сицилиянча ҳимоянинг одатий кўринишига риоя қилишга қарор қил-

ди ва пиёдани фарзин филининг тўртинчи катагига жойлаштирди. Маренко ҳам дарслик бўйича – шох фили билан жавоб берди.

Элизабет фарзин пиёдасини тўртинчи горизонтал қаторига қўйди. Рақиблар пиёдаларни алмаштиришди. Элизабет бир оз тинчланди, танасининг инжиқликларига аҳамият бермай қўйди, идроки ва шахмат тахтасидаги куч чизиқларга қаратилди.

Соат ўн бирда рақибини иккита пиёдадан айирди, тушга келиб, тўлиқ мағлуб қилди. Иш эндишпилгача ҳам бормади: Маренко ўрнидан туриб, унга қўлини узатганда тахтада ҳали урилмаган доналар кўп эди.

Бир, икки ва учинчи рақамли тахталар алоҳида хонада жойлашган, у ерга йўлак орқали бориладди. Элизабет йўлакдан ўтиб кетаётиб, у ерга бир кўз ташлади, катта хонадаги партиясига кечикаётгани учун яхши томоша қилмай ўтиб кетганди. Маренко билан ўйиндан сўнг хонага шахматчилар ўтирган столлар ўртасидаги гиламдан юриб ўтди. Ўйинчилар дунёнинг турли бурчакларидан – Ғарбий Германия, Филиппин ороллари, Ирландия, Норвегия ва Чилидан келишган. Иштирокчиларнинг кўпи ёшлар, деярли ҳаммаси эркаклар. Элизабетдан ташқари мусобақада яна икки аёл бор эди – йигирма иккинчи тахта устида мексикалик юқори мансабдорнинг жияни ва ўн еттинчи тахтада Буэнос-Айресдан келган шўхчан уй бекаси. Элизабет кучларнинг жойлашувини кўриш учун бир сония ҳам тўхтамай ўтиб кетди.

Энг юқори рейтингли иштирокчилар хонасига кираверишда оломон йиғилганди. Элизабет суқилиб кириб олди. Биринчи рақамли тахтада ўша-ўша, қора костюм ва ҳўмрайган юз ифодаси билан Василий Боргов ўтирарди. Унинг нигоҳида ҳеч қандай маъно йўқ, кўзлари фақат доналарга қадалганди. У ва Элизабетнинг ўртасида томошабинлар жимлик

сақлаб турарди. Ўйинчилар полдан бир неча фут баландликда тахта асосда ўтиришар ва Элизабетга уларнинг иккиси ҳам яхши кўриниб турарди. Борговнинг ортидаги деворда шахмат майдони ва картон доналар илинган, ташкилотчилар гуруҳидан бўлган мексикалик ўйинчилардан бирининг юришидан келиб чиқиб, ундаги оқ отни бошқа катакка ўтказди. Элизабет тахтадаги ҳолатни ўрганди. Иккала майдонда ҳам бир қарашда кучлар тенг кўринарди, лекин унга афзаллик Боргов томонда кўринди. У рус шахматчисига қаради-ю, бирдан кўзини олиб қочди – унинг юзи ваҳима уйготарди. Элизабет ортига ўгирилиб, йўлак бўйлаб секин юриб кетди.

Элизабет келганида Уитли хоним ўрнида ётар, уйғоқ, лекин туриш нияти йўқ эди.

– Салом, шириним, – деди у иягигача тортилган кўрпа остидан гўлдираб.

– Балки тушлик қилармиз? – сўради Элизабет. – Кейинги партиям эртага бўлади.

– Тушлик? – деди Уитли хоним. – Оҳ... Ўйин қандай ўтди?

– У ўтгизинчи юришдан сўнг енгилди.

– Сен мўъжизасан, – Уитли хоним ўрнидан секин қўзғалиб, ўтириб олди. – Эрталабдан буён ўзимни ёмон ҳис этяпман, лекин бирор нима еб олганим яхши деб ўйлайман. Биз кеча Мануэль билан тушликка Кабрито⁴⁹ ичдик. У мени ўлдиради, деб ўйлагандим, – Уитли хонимнинг ранги ўчиб кетганди. У кўрпа тагидан чиқиб, ювиниш хонасига кетди. – Битта сэндвич менга зарар қилмаса керак ёки қаттиқ қовурилмаган тако.

⁴⁹ «Кабрито» – қимматбаҳо Мексика текиласи.

* * *

Мексика чемпионатидаги мусобақалар Элизабет аввал қатнашганларига қараганда қаттиқроқ ва мураккаброқ ўтарди. Лекин биринчи тур уйқусиз тунга қарамай, осон ўтди. Мусобақа ўта юқори даражада ташкил қилинган, эълонлар икки тилда – испан ва инглиз тилларида ўқиларди. Ўйин хоналарида сокинлик ҳукмрон эди. Эртаси куни Элизабет нимча кийган, рангпар, озғин, австралиялик Дидрихга қарши рад этилган фарзин гамбитини⁵⁰ қўллади ва миттелшпилда тахта марказида қақшатқич ҳужум уюштириб, мағлубиятни тан олишга мажбур қилди. У буни асосан пиёдалар ёрдамида бажарди ва марказни ишғол қилиб, рақибининг майдонини тухум пўчоғини чаққандек ёриб ўтаётганда бармоқлари қилаётган кучли юришларга ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Дидрих яхши ўйнар, қўпол хатолар қилмас, ҳатто майда камчиликларга ҳам йўл қўймасди, лекин Элизабет кучли аниқлик ва совуққон хотиржамлик билан ҳаракат қилардики, австралияликнинг вазияти йигирма учинчи қадамга келибоқ умидсиз экани аниқ бўлди.

* * *

Уитли хоним уни Мануэль билан бирга кечки овқатга таклиф қилди – Элизабет рад этди. Мексикада соат кечки ўндан аввал овқатланишмасди ва Элизабет Уитли хонимни соат еттида дўкон айланиб келганида хонада кўриб, ҳайрон қолди.

Сайрга чиқишга тайёргарлик кўриб кийиниб олган Уитли хоним каравотга чўзилиб олган, ёнидаги жавонда ярми бўш қадах турарди. У қирқ беш ёшда

⁵⁰ Рад этилган фарзин гамбити – фарзин гамбитининг бир тури. Унда қоралар қурбон қилинган оқ пиёдани олмайди.

эди, лекин жуда оқ териси ва пешонасидаги ажинлар сабаб ёши каттароқ кўринарди.

– Салом, азизам, – деди у ҳолсиз овозда.

– Касалмисиз? – сўради Элизабет.

– Ҳаво таъсир қиляпти.

– Шифокорни чақирайми?

«Шифокор» сўзи у билан Уитли хоним ўртасида муаллақ қолди. Ниҳоят, Уитли хоним жавоб берди:

– Бунчалик даражада касал эмасман. Шунчаки дам олишим керак.

Элизабет бош ирғаб, кўлини ювишга кетди.

Уитли хонимнинг ўша кунги ҳолати Элизабетни бир оз ташвишга солди, лекин Элизабет ювиниб чиққанида онаси туриб, кўрпасини тартибга солаётганди. Кўриниши анча тетик эди. У бирдан юзини қийшайтириб, жилмайди:

– Мануэль келмайди.

Элизабет унга савол назари билан қаради.

– Унинг Оахакада ишлари бор экан.

Элизабет бирпас жим қолди, лекин барибир сўради:

– У ерда узоқ қоларканми?

Уитли хоним хўрсинди:

– Биз жўнаб кетмагунимизча.

– Жуда афсусдан.

– Биласанми, – деди Уитли хоним, – мен ҳеч қачон Оахакада бўлмаганман, лекин менимча, бу Денверга ўхшаган жой.

Элизабет унга қараб туриб, кулиб юборди.

– Кечки овқатни бирга ейишимиз мумкин. Мени бирор тузукроқ жойга олиб боринг.

– Албатта, – Уитли хоним гамгин жилмайди. – Мануэль билан вақт ўтказиш қизиқ эди. У қувноқ, яхши ҳазил қиларди.

– Бу яхши, – деди Элизабет. – Менимча, жаноб Уитли унчалик қувноқ одам эмасди.

– Э, Худо! – деди Уитли хоним. – Олстон ҳеч қачон ҳеч нимани кулгили деб билмасди, балки Элеонора Рузвельтдан ташқари.

* * *

Олти кунлик мусобақада ҳар бир иштирокчи бир кунда фақат битта партия ўйнарди. Аввалги иккитасини Элизабет осонгина ўтказди. Аммо учинчиси ҳақиқий синовга айланди.

У мусобақа хонасига ўйин бошланишидан беш дақиқа аввал келди ва рақиби столдаги қарама-қарши ўринга бир оз ийманиб яқинлашганда у аллақачон ўриндиқда ўтирганди. Рақиби кўринишидан ўн икки ёшларга ўхшарди. Элизабет уни аввалроқ столлар ёнидан ўтиб кетаётганида иштирокчилар орасида кўрганди, лекин ўз хаёллари билан банд бўлгани учун қора жингалаксоч бу шахматчининг қанчалик ёш эканига эътибор бермаганди. Болакай эскича спорт кийимини кийган, кийими шунчалик кунт билан дазмолланганки, енглари қотиб турарди. Енгдан ингичка қўллар чиқиб турарди. Вазият жуда галати, Элизабет ўзини ўнгайсиз ҳис қила бошлади. У бошқа бировни эмас, айнан ўзини вундеркинд дейишларига ўрганиб қолганди. Болакайнинг кўриниши ўта жиддий эди.

Элизабет унга қўлини узатиб:

– Мен Элизабет Ҳармонман, – деди.

Болакай бир оз эгилди, унинг кафтини қаттиқ сиқиб, силкиди.

– Мен Георгий Петрович Гиревман, – у бирдан уялиб, сезилар-сезилмас жилмайди. – Бу мен учун шараф.

Элизабет бир оз ҳаяжонга тушди.

– Раҳмат.

Рақиблар столга ўтиришди ва болакай соат тутмасини босиб, унинг соатини ишга туширди. Элизабет

пиёдани фарзиннинг тўртинчи катагига юрди ва уни ҳаяжонга солган бу болага қарши ўйинда биринчи қадам ҳаққи йигитчада эканидан енгил тортди.

Партия оддий – фарзин гамбитини қабул қилишдан бошланди. Гирев оқ филдан олдин бошлангич ўрнидан сурилиб, қурбон қилинган пиёдани олди ва иккала рақиб ҳам тахта марказига юришни бошлашди. Лекин миттелшпилда вазият бирдан мураккаблашди: Элизабет болакай пухта ўйланган ҳимояни тузаётганини тушунди. У гашни келтирадиган даражада тез ҳаракат қиларди ва кейинги қадамларининг қандай бўлишини аниқ биладигандек эди. Элизабет кичкина рақибининг доналарига бир нечта ҳужум уюштирди – рақиб бундай ҳужумларга хотиржам жавоб берди. Бир соат, сўнг яна бир соат ўтди. Юришлар сони ўттизтага етди, тахтада эса ҳамон доналар ва пиёдалар тўпланиб турарди. Элизабет болакай навбатдаги донани сураётганида унга қаради, аҳмоқона кийимидан чиқиб турган бармоқларига термиларкан, негадир кичкина рақибидан нафратланарди. У худди машинадек ўйнарди. «Вой сен, тирранча-ей» – ўйлади Элизабет ва тўсатдан ўзи болалигида бирга ўйнаганда катталар ҳам у ҳақда шундай ўйлаганларини фаҳмлаб, жилмайиб қўйди.

Вақт тушдан ошди ва хонадаги аксарият партиялар якунига етди. Ўйин ўттиз тўртинчи юришга етди. Элизабет ўйинни тезроқ тугатиб, Уитли хонимнинг ёнига қайтишга шошиларди, у ҳақда тинмай ташвишланарди. Бу чарчамас бола билан ўйнар экан, унинг чақнаб турган қора кўзларига ва тезкор қисқа ҳаракатларига қараб, ўзини қари ва ҳориган ҳис қиларди. Арзимаган хатога йўл қўйиши билан болакай уни бўғзидан олишини ҳам тушуниб турарди. Элизабет ўзининг соатига қаради: йигирма беш

дақиқа қолди. Тезроқ ҳаракат қилиб, байроқ тушишидан олдин қирқинчи юришга етиб бориш керак. Агар вақтни кузатиб бормаса, оқсашни бошлайди ва рақиби жиддий афзалликка эга бўлади. Одатда, унинг ўзи бошқа ўйинчиларни шундай ҳолатга туширарди ва энди янада кўпроқ асабийлаша бошлады. Элизабет аввал ҳеч қачон вақт муаммосига дуч келмаганди.

Унинг охирги қадамидан мақсад тахта марказидаги бир нечта доналар – от ва филини от ва филга алмаштириш эди, рухлар алмашинувини эса бир нечта юришдан кейинга режалаштирган. Бир томондан, бу вазиятни осонлаштиради, бошқа томондан эса улар эндшпил босқичига ўтишади, Элизабет эса доим шахматнинг якуний босқичидан қочишга интиларди. Аммо ҳозир Гиревнинг яна қирқ беш дақиқа вақти борлигини кўргач, саросимага тушган, ҳар қандай йўл билан бу нуқтадан силжиб, бу ҳисдан халос бўлиш керак эди. У оти билан қора шоҳ филини уриб туширди. Гирев Элизабетга нигоҳини ҳам кўтармай, тез жавоб берди ва унинг фарзин филини олиб қўйди. Улар худди аввалдан белгилангандек алмашинувни давом эттиришди, тугатишганда эса тахтада анча жой бўш қолганди. Энди ҳар икки тарафда биттадан рух, от, шоҳ ва тўрт пиёда қолганди. Элизабет шоҳини бошланғич ўрнидан силжитди. Гирев ҳам худди шундай қилди. Бу вазиятда шоҳнинг ҳужумга ўтиш имкони пайдо бўлди ва уни яширишдан маъни қолмади. Ҳозир асосий вазифа пиёдани саккизинчи горизонтал қаторга ўтказиб, уни фарзинга айлантириш эди. Ўйинчилар эндшпилга ўтишди.

Элизабет чуқур нафас олди, худди ортиқча хаёлларни чиқариб ташламоқчи бўлгандек бошини силкиди. Режа ишлаб чиқиш керак эди.

– Менимча, биз партияни кейинга суришимиз керак, – деди Гирев шивирлаб. У Гиревнинг рангпар ва жиддий юзига, кейин эса соатга қаради. Иккала байроқ ҳам тушди. Бунақаси ҳали бўлмаганди.

Элизабет соат милларига тикилганча ҳайратдан қотиб қолди.

– Қадамингизни ёзиб қўйишингиз керак, – деди Гирев. У ҳам бирдан безовталаниб, қўлини ҳакамларга силкиди.

Ҳакамлардан бири – ўрта ёшлардаги чети қалин кўзойнак таққан киши секин юриб, уларнинг ёнига келди.

– Ҳармон хоним сўнгги юришини қайд этиши керак, – деди унга Гирев.

Ҳакам шахмат соатига қараб, бош ирғади:

– Мен хатжилд олиб келаман.

Элизабет яна тахтага тикилиб қолди. Энди вазият унга аниқ ва равшан кўринарди: пиёдани худди ўзи аввал ўйлагандек тўртинчи горизонталга қўйиши керак эди. Ҳакам унга хатжилдни узатиб, бир неча қадам орқага юрди. Гирев ҳам ўрнидан туриб, одоб юзасидан ўгирилиб турди. Элизабет қогозга «P-QR4», деб ёзиб, уни буклади ва хатжилдга солиб, ҳакамга узатди. Кейин у ҳам қотиб қолган курагини бир амаллаб тўғрилаб, ўрнидан турди. Ҳамма партиялар тугаб бўлган, лекин баъзи ўйинчилар кетмаган – ким ўтирган, ким турган тахталарни кўздан кечиришарди, бир неча киши якуний натижалар қайд этилган жадваллар олдида тўпланиб, бошқаларнинг партияларини муҳокама қилишарди.

Гирев Элизабетга яна ўша жиддий ифода билан ўгирилди:

– Сиздан бир нарса сўрасам, майлими?

– Ҳа.

– Эшитишимча, Америкада машинада ўтириб кино кўrsa бўларкан. Шу ростми?

– Сен автокинотеатрларни назарда тутяпсанми?

– Ҳа. Элвис Преслининг фильмларини шундоққи-на машина ойнасидан кўриш. Дебби Рейнольдс ва Элизабет Тейлорнинг фильмларини. Шундай қилиш мумкинми?

– Албатта.

Бирдан болакайнинг жиддий юзида кулги пайдо бўлди.

– Қойил, – деди. – Мен машинадан тушмаган бўлардим.

* * *

Уитли хоним тунда қаттиқ ухлаб, Элизабет эрта-лаб кетаётганида ҳали уйғонмаганди. Элизабет яхши ухлаган, ўзини енгил ва жангта тайёр ҳис қиларди. Тунда у Гирев билан кейинга қолдирилган партия ҳақидаги безовта ўйлар билан ўрнига ётганди, эрта-лаб эса ҳаммаси яхши бўлади, деган қатъият билан уйғонди. Кеча қайд этилган юриш ишончли эди. Элизабет яланг оёқ Уитли хонимнинг ётоғига яқинлашди ва унинг пешонасини ушлаб кўрди – пешонаси совуқ эди, онасининг юзидан ўпиб, ювинишга кириб кетди. У тамаддихонага нонушта қилишга чиқиб кетганида ҳам Уитли хоним ҳамон ухлаётганди.

Эрталабки партияни Элизабет йигирмадан ошган мексикаликка қарши ўйнади. У сицилиянча ҳимояни қўллади, ўн тўққизинчи юришда рақибини тузоққа туширди ва ҳужумлари билан ҳолдан тойдирди. Унинг онги равшан, рақибини ҳужумлардан қочишга мажбур қилиб, саросимада ушлаб турар ва ҳужумларини янада кучайтирарди. Охир-оқибат, иккита пиёдаси эвазига унинг филини олди, оқ шоҳни ҳимоясиз майдонга суриб боришга ва от би-

лан шоҳ беришга муваффақ бўлди. Фарзинни кучли майдонга қўйганида мексикалик ўрнидан туриб кетди ва унга совуқ жилмайди.

– Етар, етар! – деди у жаҳл билан бошини силкиб.
– Ютқаздим!

Бетнинг бир зумга жаҳли чиқиб кетди: у ўйинни тугатишни, рақибининг шоҳини тахта бўйлаб қувиб, мот беришни истаганди.

– Сизнинг ўйиндаги маҳоратингиз... бу фантастика, – давом этди мексикалик. – Сиз эркак кишини ўзини ночор ҳис этишга мажбур қиласиз, – у бошини бир оз эгди ва ўтирилиб, чиқиб кетди.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида у Гирев билан қолдирилган партиясини давом эттирди ва ўзининг ақлини шоширувчи тезлиги ва кучига ўзи тан берди. Бугун болакай оч кўк рангли кўйлак кийган, енги тирсагидан варракнинг чеккаларидек чиқиб турарди. Ҳакам хатжилдни очиб, тахтада кеча ёзилган юришни бажаргунча Элизабетнинг ичи қизиб кетди. Рақиб жавобан юргунча у ўрнидан туриб, деярли бўш хонани айланиб чиқди. Улардан ташқари яна икки жуфт ўйинчилар кейинга қолдирилган партияларни давом эттиришаётганди. Айланаётиб, бир неча бор рақибига қараш учун ўтирилди: болакай кичкина муштини оппоқ юзига тираганча тахта тепасида эгилиб турарди. Унинг ҳаворанг кўйлаги чироқлар остида ялтираётгандек эди. Элизабет рақибини ёмон кўриб қолди – жиддийлиги, ёшлиги гашини келтираётган эди.

Хонанинг нариги бурчидан соат тугмаси босилганини эшитди ва стол томонга шошди. Ўтирмасдан вазиятни баҳолади. Гирев руҳни фарзин филининг вертикал катагига юрибди. Бу Элизабет ҳисобга

олган жавоблардан бири эди ва у бунга тайёр эди. Ўйлаб ҳам ўтирмасдан пиёдани юрди, тугмани босиб, хонанинг бошқа томонига юриб кетди. У ерда шишада сув ва қоғоз стаканлар бор эди. Элизабет ичишга сув қуя туриб, қўллари титраётганини кўрди. Столга қайтганида Гирев юриб бўлганди. Элизабет дарҳол жавоб берди – пиёдани рух билан ҳимоя қилмай, қурбон бўлишига қўйиб берди ва унинг ўрнига шоҳини олдинга юрди. Донани бармоқларининг учи билан нафис кўтарди, худди йиллар аввал Цинциннатида кўргани – қароқчиларга ўхшаган киши каби ва фарзиннинг тўртинчи катагига қўйди. Яна ўтирилиб, хона бўйлаб юрди.

У бутун партияни шундай ўтказди – бир марта ҳам столга ўтирмади. Бир соатнинг учинчи чораги ўтгач, болакай тузоққа тушди. Бу осон, ўта осон бўлди: рухларни керакли пайтда алмаштириш етарли бўлди. Алмашинув унинг шоҳини бир қадам орқага чекинишга мажбур қилди ва пиёдасига кейинги юришда фарзинга айланишга имкон берди. Гирев бунақасини кутмаганди. У рух билан берилган шоҳ ва ундан кейинги алмашинувдан сўнг бирданига енгилди. Нимадир демоқчи бўлгандек Элизабет томонга бир қадам ташлади-ю, унинг нигоҳини кўриб, тўхтаб қолди. Элизабет ўзи ҳам шундай бола бўлгани ва ўша пайтда шахматдаги ҳар қандай мағлубият фожиа бўлганини эслаб, бир оз юмшади. Болакайга қўлини узатди, кафтини сиққанида эса жилмайишга уринди.

– Биласанми, мен ҳам автокинотеатрларда ҳеч қачон бўлмаганман.

Болакай бошини қимирлатди.

– Рух билан юришингизга йўл қўймаслигим керак эди.

– Ҳа, – бош иргади Элизабет. – Шахмат ўйнашни бошлаганингда неча ёшда эдинг?

– Тўртда. Етти яшарлигимда туман чемпиони бўлганман. Жаҳон чемпиони бўлмоқчиман.

– Қачон?

– Уч йилдан сўнг.

– Уч йилдан сўнг ўн олти ёшда бўласан.

У қатъият билан бош иргади.

– Агар қўлингдан келса, кейин нима қиласан? – сўради Элизабет.

Болакай унга тушунқирамай қаради.

– Тушунолмааяпман.

– Агар ўн олти ёшда шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлсанг, ҳаётингнинг қолган қисмида нима қиласан?

У ҳали ҳам савол назари билан қараб турарди.

– Тушунолмааяпман, – тақрорлади йигитча.

* * *

Уитли хоним барвақт ётди ва эрталаб кўриниши анча яхши эди. У биринчи бўлиб ўрнидан турди ва Элизабет билан «Камара де Торерос» тамаддихонасига нонушта қилиш учун тушишганда испанча қуймоқ буюртма қилди. Элизабет онасини кузатаркан, ўзини енгил ҳис этди.

* * *

Ташкилотчилар столи ёнидаги эълонлар тахтасига натижалар жадвалини илишди. Элизабет бу тахта ёнига бир неча кундан бери яқинлашмасди, лекин бугун хонага партия бошланишидан ўн дақиқа олдин келди ва ким қанча балл йиққанини кўриш учун унинг ёнида тўхтади. Рўйхат халқаро рейтинг юқорилиги бўйича тузилганди ва биринчи ўринда 2715 рейтинг билан Боргов турарди. Ҳармон 2370 рейтинг

ги билан ўн еттинчи ўринда эди. Исмларнинг тўғри-сида мусобақаларда тўпланган очколар ёзилган: «0» мағлубиятни билдиради, « $\frac{1}{2}$ » – дуранг, «1» – галабани. Жадвалда « $\frac{1}{2}$ » касрлар кўп эди ва фақат учта исм рўпарасидан қатор бирлар жой олганди. Шу учта исмдан икkitаси Боргов ва Ҳармон.

Жуфтликлар рўйхати ўнг томонда илинган. Юқорида БОРГОВ – РЭНД, тагида ҲАРМОН – СОЛОМОН. Агар Элизабет ва Боргов бугун ўз партияларида ютишса ҳам эртага финалда бирга ўйнашлари даргумон. Элизабет Боргов билан ўйнашни ишташ-истамаслигини билмасди. Гирев билан ўйнаган партияси уни ҳолдан тойдирди. Уитли хоним ўзига келганига қарамай, ундан ҳам ташвишланаётганди. Унинг саргайиб кетган юзига, рангсиз яноқлари, базўр жилмайишига қараганида безовталанарди. Хонада шовқин бошланди – шахматчилар ўз жойларини эгаллаб, соатларини тузатишни бошлашди. Элизабет ичидаги безовталиқ ва иккиланишни қўлидан келганча ҳайдашга уриниб, тўртинчи рақамли – катта хонадаги биринчи столга ўтириб, Соломонни қута бошлади.

Соломон осон ютиш мумкин бўлган рақиб эмасди. Ўйин тўрт соат – Соломон енгилгунга қадар давом этди. Шу вақт мобайнида Элизабет оқлар билан ўйнайдиган шахматчига бериладиган кичкина афзаллик – биринчи юриш имкониятидан усталиқ билан фойдаланди. Соломон мағлубиятини бирор сўз билан ифодаламади, лекин кўринишидан аёл кишига енгилганидан ғазабда экани билиниб турарди. У бундай нигоҳни эркакларда кўп кўрган ва дарҳол таниб оларди. Одатда, бундан жаҳли чиқарди, лекин энди жинслар ўртасидаги муносабатнинг аҳамияти қолмаганди. Унинг хаёли бошқа нарса билан банд.

Чиқиб кетаётганида Боргов ўйнаши керак бўлган иккинчи хонага кирди. Хона бўш эди. Доналарнинг

Борговга ғалабани олиб келган якуний ҳолати девордаги шахмат тахтасида кўриниб турарди. Боргов ҳам рақибини Элизабет Соломонни ютиб чиққанидек шафқатсиз мағлуб қилганди.

Рақс майдонига қайтгач, у эълонлар тахтасига кўз ташлади: эртанги жуфтликлар рўйхати илиб бўлинганди. Элизабет яқинроқ келди-ю, юраги товонига тушиб кетай деди. Финал ўйинчилари рўйхатининг тепасида жуфтлик қайд этилганди: **БОРГОВ – ҲАР-МОН**. У кўзларини юмиб, очди ва нафасини ичига тортганча қайтадан ўқиди.

Элизабет Мексикага учта китоб олиб келганди. Уитли хоним билан тушлик қилгач, дарҳол «Гроссмейстерлар ўйини» китобини ўқишга киришди – мундарижада Борговнинг бешта партияси бор эди. Элизабет биринчисини очди ва доналарни тахтага китобда ёзилганидек жойлаштириб, ўйнай бошлади. У камдан-кам шундай қиларди – кўпинча шахмат нотацияларини ўқиб туриб, барча жойлашувлар ва юришларни хаёлан жонлантириш қобилиятига суянардди, лекин ҳозир унга Борговнинг партияси шундоқ кўз ўнгиди, ушлаб кўрадиган ҳолатда бўлиши керак. Элизабет бешта партияни ўйлаб, уларнинг камчилигини қидиргунича Уитли хоним ётоғида ўқиб ўтирарди. У бирорта ҳам камчилик топа олмади. Шунда бешала ўйинни яна қайтадан ўйнаб, баъзи адоқсиз йўлларни очадиган жойлашувларда алоҳида тўхталиб, ҳар бир усулни хаёлан ҳисоблаб чиқди. Қаршисидаги шахмат тахтаси бутун ҳаётини тўхтатиб қўйди, доналар эса миясида ўз-ўзидан жойлашар ва сочиларди. Баъзида Уитли хонимнинг йўтали ёки йўлақдан келган шовқин қизни бир зум ҳаётга қайтарар, шундай паллаларда атрофга аланглар, танасидаги қақшашни ва қорнига ингичка пи-

чокдек тобора чукур ботаётган кўрқувни ҳис этарди. Сўнгги йилларда Элизабет бир неча бор шу аҳволга тушди. Боши айланиб, чексиз шахмат имкониятлари олдида кўрқувга тушарди.

Ярим тунда Уитли хоним китобни қўйиб, ухлашга ётди. Элизабет эса онасининг хириллаб ухлашини ҳам, эрталаб жонига тегаётган Мексика меҳмонхонасининг галати бегона ҳидини ҳам сезмай, яна бир неча соат яшил курсида ўтирди. Ўзини худди ҳозир жарликка тушиб кетадигандек, Кентуккидаги «Пёрселл» дўконидан олинган шахмат тахтасига эмас, тубсизликка қараб тургандек ҳис этар, шу нафис ва қақшатқич ўйинга уни боғлаб қўйган ноодатий иқтидори, тушунтириб бўлмас ақлий қобилиятигина ушлаб тургандек эди. Тахта хавфли тузоқлар билан тўлган. Доим огоҳ бўлиш керак эди. Элизабет соат тонги бешда ухлади ва тушида чўкиб кетаётганини кўрди.

* * *

Рақс залида кўп одам тўпланди. Элизабет улар орасидан Маренкони таниди. Бугун у галстук таққан, костюм кийганди. Элизабет кирганида унга қўл силкиди, қиз ҳам жавобан жилмайишга уринди. У асабийлашар ва ўзини қандай енгилани билмасди.

Соат еттида уйғониши билан танасини эгаллаб олган таранглиқдан халос бўлиш учун узоқ душ тагида туришига тўғри келди. Лекин барибир эпллмади. Деярли бўш қаҳвахонада базўр қаҳва ичди, кейин ҳожатхонада юзини совуқ сув билан ювиб, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Рақс хонасига киргач, қизил гиламдан юриб, яна ҳожатхонага кирди. Яна бир марта юзини ювиб, қоғоз сочиқлар билан яхшилаб артинди ва катта ойна қаршисида таранди. Ҳаракатлари ўзига онгсиз, танаси эса мўрт кўринар-

ди. Қиммат кофта ва юбкаси ярашмаганди. Қўрқув худди тиш оғриғидек азоб бераётган эди.

Хонага қайтгач, Элизабет Борговни кўрди – у са-
лобатли ва хотиржам, икки нотаниш киши билан
сухбатлашаётганди. Сухбатдошларнинг учаласи ҳам
қора костюм кийган, бир-бири билан паст овозда,
яқиндан гаплашишарди. Элизабет нигоҳини ерга
қаратганча уларнинг ёнидан энг кучлилар хонасига
юриб кетди. Хонага фотоаппарат кўтарган мухбир-
лар йиғилишган. Элизабет биринчи рақамли тах-
та қаршисига қоралар томондан ўтирди. Доналар
ва пиёдаларга тикилиб қолди, бирдан ҳакамнинг
«Ўйин уч дақиқадан сўнг бошланади», деганини
эшитиб, нигоҳини тахтадан узди.

Боргов унга яқин келди. Костюми ўзига жуда
ярашган, шими текис чизик билан дазмолланган,
пойабзали ялтираб турарди. Элизабет ўзини ноқу-
лай, бесўнақай ва паришонхотир ҳис этиб, яна тах-
тага қаради. Боргов ўриндиққа ўтирди. Бош ҳакам-
нинг овози узоқлардан келгандек бўлди:

– Рақибингиз соатини юргизишингиз мумкин.

Элизабет ёнидаги соат тугмасини босиб, нигоҳи-
ни кўтарди. Боргов ҳеч қаерга йўқолмади, рўпараси-
да, қора костюмда, савлат тўкиб, доналарга тикилиб
ўтирарди. Элизабет рақибининг семиз калта бар-
моқли катта қўлини узатиб, шоҳ пиёдасини тўртин-
чи горизонтал қаторга юраётганини худди тушда
кўраётгандек эди. Пиёда шоҳнинг тўртинчи ката-
гига. Оқларнинг энг кўп қўлланиладиган бу юри-
шига Элизабет доим сицилиянча ҳимоя билан жа-
воб қайтарарди. Лекин ҳозир иккиланди. Қайсидир
журналда Борговни «сицилиянча ҳимоя устаси»,
дейишганди. Ўйланиб ўтирмасдан у ҳам пиёдасини
шоҳнинг тўртинчи катагига юрди ва иккаласи учун
ҳам бу ноодатий юриш бўлишига ва шу билан Бор-

говни илмий устунликдан маҳрум қилишга умид қилди. Боргов шоҳ қанотидаги отни филнинг учинчи катагига юрди, қиз ҳам фарзин қанотидаги отни филнинг учинчи катагига қўйиб, пиёдани ҳимояга олди. Боргов тўсатдан бир сония ҳам ўйламай филни отнинг бешинчи катагига сурди ва Элизабетнинг юраги шув этиб кетди. Бу Руи Лопеснинг ҳимояси эди. Элизабет бу усулни кўп қўллаган, лекин ҳозир қўрқиб кетди: бу кириш сицилиянча ҳимоядек мураккаб, пухта ўйланган ва кўплаб усулдаги юришлар имконини келтириб чиқарарди. Аммо Элизабет улар ҳақида кўп билмас, фақат китобларда ўқиганларинигина эсларди.

Фотоаппаратнинг чироги ёниб ўчди – муҳбир сурат олди – ва Элизабет ҳакамнинг пичирлаб, ўйинчиларни безовта қилмасликни талаб қилганини эшитди. Ниҳоят, пиёдасини рухнинг учинчи катагига юриб, оқ филга хавф туғдирди ва Боргов филлини рухнинг тўртинчи катагига олиб қочди. Элизабет диққатини жамлашга уриниб, иккинчи отни майдонга ташлади. Боргов шоҳ ва рух билан рокировка қилди. Ҳозирча ҳамма юришлар таниш, одатий, аммо Элизабет бундан енгил тортмади. Ҳозир у очик ёки ёпиқ усулни қўллашини ҳал қилиши керак. У нигоҳини аввал Борговга, кейин тахтага қаратди ва оти билан оқ пиёдани урди – очик усулни танлади. Боргов пиёдани фарзиннинг тўртинчи катагига юрди. Элизабет шундай бўлишини кутгани ва пиёдани фарзин отининг тўртинчи катагига юриш билан жавоб берди. Бу унга Боргов руhini юрганида тайёр бўлишга ёрдам беради.

Шифтдаги қандил жуда ёрқин нур таратарди. Саросима кучайиб борар, барча юришлар аввалдан белгилаб қўйилгандек, уни тузоқлар ва ҳужумларнинг аллақандай рақс сахнасига мағлубият учун

мажбурлаб чиқариб қўйишган-у, ўйин худди китобдаги партия каби – ким ютишини аввалдан биласан-у, лекин қандай бўлишини кўриш учун ўйналаётгандек эди.

Элизабет хаёлларини ҳайдаш учун бошини силкиди. Ўйин ҳали унча узоққа бормади – иккала рақиб ҳам умумий, кучсиз юришлардан нарига ўтишмади ва оқларнинг ягона афзаллиги доимгидек биринчи юриш ҳаққи эди. Қачонлардир электрон-ҳисоб машиналари шахмат ўйнашни ўрганиб олиб, ўзаро мусобақалашшса, оқлар айнан биринчи юрганлари сабаб ҳам доим ғолиб бўладилар. Худди икс ва ноль ўйинидагидек. Лекин унинг Боргов билан партиясида ҳаммаси ўзгача. Элизабет мукаммал машинадек ўйнолмайди. Борговнинг фили отнинг учинчи катагига чекинди. У пиёда билан фарзиннинг тўртинчи катагига юрди. Боргов пиёдасини уриб туширди ва қиз филини шоҳнинг қаторидаги учинчи катакка чиқарди. Бу йўлни қачонлардир «Метуэн-Ҳоум»да «Замонавий шахмат дебютлари» китобида ўқиб, кейин уни дарсларда хаёлан қўллаб кўрганди. Ўйин кутилмаган бурилишларга олиб келадиган очик босқичга ўта бошлади. Элизабет Борговнинг силлиқ ва совуққон юзига қаради, рақибининг фарзинни олиб, тўғри шоҳнинг олдига, иккинчи катакка қўйганини кўрди. Элизабет тушунқирамай, кўзларини пирпиратди. Боргов нима қилмоқчи? Шоҳ қаторидаги бешинчи катакда турган отига ҳужум қиляптими? Боргов отни ҳимоялаб турган пиёдани рух билан осонгина олиши мумкин эди. Бу юриш шубҳали эди. Элизабет яна ўша таниш тарангликни ҳис этди ва боши айланди.

Шу зайлда қўлларини қовуштириб тахтадаги вазиятни ўрганишга киришди. Кўз қири билан уларнинг юришлари кўрсатилаётган деворга илинган

тахта ёнида турган ташкилотчилар гуруҳидаги ёш йигитни кўрди. Йигит ҳозиргина катта оқ фарзинни шоҳнинг қаторидаги иккинчи катакка сурди. Ўйинни ўнлаб кишилар кузатиб турарди. Элизабет яна қаршисидаги тахтага қаради. Рақибининг филидан қутулиш зарур эди. Отни рух қаторининг тўртинчи катагига юриш яхши йўлга ўхшарди. Яна отни фил қаторининг тўртинчи катагига ёки филни шоҳ қаторидаги иккинчи катакка юрса бўларди, лекин бу йўллар жуда мураккаб кўринди. У бир зум бу имкониятларини ўрганди ва гоёсини четга сурди. Боргов билан ўйинда Элизабет ўзига ўзи ишонмаётгани ва айёр режалар тузишни хавфли ҳисоблади. Рухнинг вертикал йўлагига турган отнинг ҳаракат доираси икки баравар қисқаришига қарамай, шу қадамни қўйди. Оқ филни йўқотиш зарур. Бу фил яхшиликка олиб келмасди.

Боргов ишонч билан олдинга интилди: оти фарзин қаторининг тўртинчи катагига сакради. Элизабет рақибни рухни юради, деб ўйлаганди, лекин от унчалик катта хавф туғдирмасди. Ҳозир унинг учун энг маъқули фарзин қаторидаги фил пиёдасини юриш бўлиб туюлди. Шунда Боргов от билан унинг филини олишга мажбур бўлади ва ўзининг шоҳи билан Борговнинг филини от билан олади. Шундай қилиб, жуда узоқда – шоҳ қаторидаги бешинчи катакда жойлашган ва ҳаракатланиш учун жуда кам майдонга эга бўлган иккинчи отга бўлган хавфдан халос бўлади. Боргов билан ўйинда отларни бой бериш мағлубият демакдир. Элизабет фарзин қаторидаги фил пиёдасини кўтарди, бир оз қўлида тутиб турди ва тўртинчи катакка қўйди. Сўнгра ўриндикда бир оз орқага тисарилди, чуқур нафас олди ва вазиятни баҳолади – унчалик ёмон эмасди вазият.

Боргов иккиланмай от билан рақибининг филини олди, Элизабет эса пиёдаси билан рақибининг

отини уриб туширди. Боргов Элизабет кутганидек фарзин қаторидаги фил пиёдасини горизонталнинг учинчи катагига юрди ва филни чекиниш имконидан маҳрум қилди ва Элизабет бу филни уриб, жонига теккан хатардан қутулганидан енгил тортди. Яна рухнинг вертикал йўлагига ноқулай турган отини ҳам олиб кетди. Боргов яна ўша қатъият ва хотиржамлик билан унинг отини пиёда билан урди, бир сонияга рақибининг кўзига тикилди ва яна диққатини доналарга қаратди.

Элизабет тахтани асабий кўздан кечирди. Бир неча юришдан аввал ҳаммаси яхшидек кўринганди, аммо энди бундай деб бўлмасди. Уни шоҳ қаторининг бешинчи катагидаги от ташвишга солмоқда. Боргов фарзинни от қаторининг тўртинчи катагига юриши мумкин, бу унинг шоҳ пиёдасини ва шоҳнинг ўзини шоҳ хавфига қўяди. Элизабет шоҳдан қочганида эса Боргов рақибининг отига шоҳ қанотидаги фил пиёдаси билан ҳужумга ўтади ва от ҳеч қаерга қочиб қутулолмайди, чунки уни оқ фарзин пойлаб турибди. Фарзин майдонида ҳам уни муаммолар қаршиламоқда. Боргов рух билан қора пиёдани уриши ва фарзин билан шоҳ бериш орқали устунлигини тиклаб олиш учун ўз донасини қурбон қилиши мумкин. Натижада битта кўп пиёдага ва кучли ўринга эга бўлади. Йўқ, иккита пиёдага. Элизабет эса фарзинни от қаторининг учинчи катагига юришга мажбур бўлади. Оқ филнинг лаънати пиёдаси отига ҳужум қилиши мумкинлиги сабаб фарзинни иккинчи катакка юриб бўлмайди. Элизабетга ўзининг ҳимоясиз эканлиги ёқмади ва ҳужум учун зиғирча бўлса ҳам имкон қидириб, тахтадаги вазиятни ўрганди. Имкон йўқ эди. У фарзинни суриб, отни ҳимоясига олиши керак. Яноқлари ёнаётганини сезди ва яна тахтани ўрганишга киришди. Ростдан

ҳам бошқа йўли йўқ эди. Элизабет рақибининг кўзига қарамасдан фарзинни отнинг учинчи катагига юрди. Боргов яна ўшандай ишонч билан филни шоҳ йўлагининг учинчи катагига юрди ва асосий донасини Ҳимояга олди.

Нега Элизабет буни аввалдан сезмади? Ахир, тахтага жуда узоқ тикилганди-ку! Энди агар ўзи ўйлаган донани юрса, фарзинидан айрилади. Буни қандай кўздан қочирди экан? Элизабет фарзини эгаллайдиган янги ўриндан туриб, очиқ шоҳ ҳужумини режа қилганди, аммо Боргов ўзининг юриши билан бу ҳужумни чиппакка чиқарди.

Элизабет унга боқди – тоза қиртишланган совуққон юзига, оғир ияклари остидаги мукаммал боғланган галстукка қаради ва кўрқув муз тўлқинидек танаси бўйлаб тарқалди. У диққатини жамлаб, тахтани иккинчи бор ўрганди. Йигирма дақиқача доналар ва пиёдаларга термилиб, қимирламай ўтирди. Партиянинг ўнлаб тахминий давом этиш йўллари миёсида айлантиргани сари қорнидаги тугун уни янада сиқиб борарди. Ниҳоят, филни шоҳ йўлагининг иккинчи катагига юрди ва Боргов аввалдан ўйлаганидек, фарзинни от йўлагининг тўртинчи катагига юриш билан жавоб берди ва кейинги юришда Элизабетнинг отини пиёдаси билан олиш хавфидан дараклади. Энди Элизабетнинг олдида икки йўл бор: шоҳни фарзиннинг иккинчи катагига юриш ёки рокировка. Иккала йўлда ҳам от қурбон бўлади. Элизабет рокировка қилди. Боргов дарҳол фил пиёдаси билан унинг отига ҳужум қилди.

Элизабетнинг бақиргиси келарди. Боргов юраётган ҳужумлар ўта жўн, тасаввурсиз ва расмий эди. Элизабет бўғилаётганини сезиб, пиёдани фарзиннинг бешинчи катагига юриб, рақибининг филига ҳужум қилди ва қочиб қутулиб бўлмас хавфни кўр-

ди: оқ фил рухнинг олтинчи катагини эгаллаб турар ва мот қилишга тайёр эди. Энди рух билан ҳимояланишига тўғри келади. Боргов унинг отини фарзин билан уради ва агар рақиби жавобан қизнинг филини олиб қўйса, оқ фарзин тахта бурчагидаги қора рухни уриб туширади ва шоҳ беради. Ҳаммаси барбод бўлади. Элизабет ҳимоя учун рухни беришига тўғри келади, отини эса аллақачон йўқотган. Бундай доналар билан жаҳон чемпиони, бирор нуқсонсиз оппоқ қўйлак кийган, дид билан боғланган галстук таққан, қошлари чимирилган, юзида на иккиланиш, на заифлик ифодаси кўринмайдиган рус шахматчисига қарши ўйнаб бўлмасди...

Элизабет ўзининг қўли қора шоҳга узатилаётганини, унинг бошидан ушлаб, ерга қулатаётганини кўрди. Бир неча сония атрофидаги олқишларни эшитиб, ўтириб қолди. Кейин эса ҳеч кимга қарамай, хонадан чиқиб кетди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

– Менга «Текила санрайз» ичимлигидан беринг, – деди Элизабет.

Бар устунининг тепасидаги соат ўн иккию ўттизни кўрсатарди. Залнинг нариги бурчагидаги столда америкалик тўрт аёл тушлик қилиб ўтиришарди. Элизабет нонушта ҳам қилмаган бўлса-да, овқатлангиси келмади.

– *Con mucho gusto*⁵¹, – дея жавоб қайтарди бармен.

Тақдирлаш маросими соат иккию ўттизда бошланди. Бу пайтни Элизабет барда ичимлик ичиш билан ўтказди. Турнирдаги балларга кўра тўртинчи, эхтимол, бешинчи бўлади. Дуранг ўйнаган икки

⁵¹ Мамнуният билан (*исп.*).

иштирокчи гроссмейстерлар ҳар бири беш ярим балл билан ундан олдинда бўлишади. Борговда олти балл. Унда эса беш балл. Элизабет уч қадаҳ «Текила санрайз» коктейлидан ичиб, икки дона обдан қайнатилган тухумни тановул қилгач, мексиканча «Дос Эквиз» номли пивога ўтди. Ошқозонидаги оғриқни кетказиш, шу билан биргаликда газаб ва шармандалик ҳиссини сусайтириш учун бу ичимликдан тўрттаси керак бўлди. Аммо ўзини бир оз яхши ҳис қилишни бошлаганда ҳам, ҳанузгача кўз ўнгиди Борговнинг қоронғи ва совуқ юзини кўрар ва жиддий рақибни билан бўлиб ўтган шахмат ўйини жараёнида ҳис қилган ёқимсиз туйғу юрагини тарк этмасди. Элизабет худди янги – ҳаваскор ўйинчидек, ўзини йўқотиб қўйган аҳмоқ қизалоқ сингари ўйнади.

Элизабет кўп ичганига қарамай, боши айланмади ва буюртма берганида ҳам нутқи сустлашмади. Атрофини ҳамма нарсани масофада ушлаб турадиган қандайдир қобик ўраб олгандек эди, гўёки. У коктейл салонининг бир четидаги столда қўлидаги қадаҳда пивоси билан ўтирар ва ҳеч маст бўлолмасди.

Соат учда барга турнирдаги икки шахматчи паст овозда суҳбат қурганча кириб келди. Элизабет эса ўрнидан туриб, тўғри хонасига йўл олди.

Уитли хоним ўрнида ётарди. У худди боши оғриётгандек қўли билан бошини чангаллаб олган, кўриниши ҳам галати эди. Элизабет эгилиб, аёлнинг қўлидан тутди. Уитли хоним ўлиб қолганди.

Элизабет айна дамда ҳеч нарсани ҳис қилмаётганди. Лекин шу тариқа беш дақиқа туриб қолди ва ниҳоят, онасининг совуқ қўлини қўйиб юбориб, телефонни қўлига олди.

Меҳмонхона иш бошқарувчиси бундай вазиятларда нима қилиш кераклигини жуда яхши билар-

ди. Элизабет хона хизматчиси етказиб берган «*café con leche*»⁵²ни ича туриб курсига ўтирди. Иш бошқарувчи эса бу вақтда замбил билан келган икки ходимга кўрсатмалар бераётганди. Элизабет унинг гапларини эшитарди-ю, лекин ҳеч кимни ва ҳеч нарсани кўрмас, уларга қарамас эди. Ниҳоят, кўзларини деразага тикди, бир оз вақтдан сўнг ўгирилганида ўрта ёшли кулранг костюмдаги аёл Уитли хонимнинг кўксига стетоскоп қўяётганини кўрди. Аёл стетоскопни олгач, иш бошқарувчига қараб бош ирғиди ва Элизабет томон юриб келди.

«Афсусдаман», деди аёл. Унинг юз ифодаси ҳам буни кўрсатиб турарди. Элизабет ўгирилиб, бир оз нари кетди. «Унга нима бўлган экан?» деб сўради ниҳоят.

– Гепатит бўлса керак. Эртага аниғини айтамыз, – деди аёл.

– Эртага, – дея аёлнинг гапини такрорлади Элизабет. – Сиз менга транквилизатор ёзиб бера оласизми?

– Менда ухлатадиган дорилар бор.

– Менга ухлатувчи дори керакмас, – деди Элизабет. – Либриум⁵³ ёзиб бера оласизми?

Шифокор унга бир зум тикилиб турди ва елкасини қисди.

– Мексикада либриум сотиб олиш учун кўрсатманинг кераги йўқ. Лекин мен сизга меппробаматни тавсия этган бўлардим. Меҳмонхонада «*farmacia*»⁵⁴ бор.

* * *

Уитли хоним сотиб олган йўл кўрсаткичнинг муқовасидаги харитани ўрганиб чиққач, Элизабет

⁵² Сутли қаҳва (*исп.*).

⁵³ Либриум – тинчлантирувчи дори.

⁵⁴ Дорихона (*исп.*).

Колорадо штати Денвер шахридан Монтано штати Баттом шахригача бўлган ҳамма шаҳарлар номини ёзиб чиқди. Меҳмонхона иш бошқарувчиси унга ҳамма керакли ишларни бажаришни – телефон қўнғироқлари билан шуғулланиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳукумат билан ишни ҳал қилишни ваъда қилди. Уитли хонимни олиб кетишганидан ўн дақиқа ўтиб, Элизабет унга қўнғироқ қилиб, шаҳарлар рўйхати ва қидирилаётган одамнинг фамилиясини айтди. Бошқарувчининг ёрдамчисига, унга тез орада қўнғироқ қилишларини айтди. Элизабет хонасига катта шишада «Coca-Cola» ва қаҳва буюртма қилди. Тез ечиниб, ювинишга кирди. Ювиниш хонасида телефон бор, аммо ҳали ҳеч ким қўнғироқ қилмади. Элизабет ҳам айна дамда ҳеч нарсани ҳис қилмасди: на айрилиқни ва на қўрқувни.

Душ қабул қилгач, тоза шим ва оқ футболкасини кийди. Ўрин ёнидаги жавон устида Уитли хонимнинг ғижимланган «Честерфильд» тамакисининг қутиси бўш ётарди. Қути ёнидаги кулдон тамаки қолдиқлари билан тўла. Биттаси, Уитли хоним ҳаётидаги сўнги тамаки совуган кули билан узун устундек бўлиб кулдонда ётарди. Элизабет унга бир дақиқа тикилиб қолди, сўнгра ҳаммомга бориб, сочини қуритди. Катта шишада «Coca-Cola» ва финжонда қаҳва олиб келган хона хизматидаги йигит ўзини муносиб тутди ва Элизабет чек ёзиб бермоқчи бўлганида рад этди. Телефон жиринглади.

– Сизни Денверга улаб беряпман, – деди бошқарувчининг ёрдамчиси.

Аввалига телефоннинг нариги тарафидан шиқирлаш эшитилди, кейин эса эркак овози ҳайратланарли даражада баланд ва аниқ эшитилди.

– Бу Олстон Уитли.

– Жаноб Уитли, бу мен – Элизабет.

Жаноб Уитли бир оз жим қолди.

– Элизабет?!

– Сизнинг асраб олган қизингиз. Элизабет Хармон.

– Сен Мехикодамисан? – ҳайрон бўлди у. – Сен чиндан ҳам Мехикодан қўнгироқ қияпсанми?

– Мен Уитли хоним борасида қўнгироқ қияпман, – дея Элизабет чекиб тугатилмаган сигаретага ва кулдонда ётган узун устундек кулга қаради.

– Ҳўш, Алма қандай? У сен биланми? Мехикодами? – сўради Олстон сохта қизиқиш билан.

Элизабет жаноб Олстонни худди «Метуэн-Ҳоум»да кўргандек тасаввур қилди, у бу ердан жуда узоқда бўлишни хоҳлаётгани, бу нарсага умуман аралашишни истамаётганлиги кўринишидан аниқ эди.

– Уитли хоним вафот этди. Бугун эрталаб вафот этди, – деди Элизабет.

Телефоннинг нариги тарафида сукунат чўқди. Элизабет бир оз кутди ва ахийри «Жаноб Уитли...» деб чақирди.

– Ўзинг ҳаммасини ҳал қила оласанми? – сўради жаноб Олстон. – Мен Мексикага бора олмайман.

– Эртага Уитли хонимнинг танасини ёриб кўришади. Ундан ташқари бошқа рейсга чипталарни алмаштиришим керак. Яъни битта чипта, ўзим учун...

– Элизабетнинг овози бирдан заифлашиб, умидсиз бўлиб қолди. У стаканга қўлини узатди ва қаҳвасидан ҳўплади. – Уни қаерга дафн этиш кераклигини билмайман.

Жаноб Уитлининг ҳам овози ўзгарди – бир оз хоргин эшитилди.

– Лексингтондаги ака-ука Держинлар дафн агентлигига қўнгироқ қил. Алманинг қабристонда оила-

вий ер майдони бор, унинг қизлик фамилияси – Бенсон номига расмийлаштирилган.

– Уй-чи?

– Менга қара, – унинг овози яна баланд ва қатъий эшитилди, – менга у уйнинг кераги йўқ. Денверда ҳам муаммоларим етарли. Уни Кентуккига олиб бор, дафн қил ва уй сеники. Дафн маросими харажатларини тўласанг бўлди. Сенинг пулдан камчилигинг йўқ, шекилли?

– Билмадим. Мен бу қанча бўлишини билмайман ҳам.

– Эшитишимча, ишларинг яхши кетаётган экан. Сен вундеркиндми, шунга ўхшаш аллакимсан-ку. Хўш, дафн маросими билан ўзинг шуғулланасанми?

– Мен меҳмонхона бошқарувчиси билан гаплашиб кўраман.

– Яхши. Унда ҳаракатни бошла. Ҳозир пулим унча кўп эмас, лекин уйни ўзингда қолдиришинг мумкин. Унга бўлган ҳуқуқни ҳам. Иккинчи миллий банкка қўнгироқ қил ва жаноб Эрлихни сўра. Ёзиб ол: Э-р-л-и-х. Унга уйни сенинг номингга ўтказмоқчи эканимни айт. У мен билан қандай боғланишни билади.

Орага яна жимлик чўмди. Кейин Элизабет тетик гапиришга уриниб, деди:

– Унинг нимадан ўлганини билишни истамайсизми?

– Хўш, нимадан экан?

– Гепатитдан бўлса керак. Менга аниғини эртага айтишади.

– О, – деди жаноб Уитли, – у доим нима биландир оғрирди.

* * *

Меҳмонхона бошқарувчиси ва шифокор ҳамма ишларни бажаришди, ҳатто Уитли хонимнинг чиптасини аэропорт ҳисобхонасига топширишди. Элизабет фақат қандайдир расмий ҳужжатларга ва меҳмонхонани жавобгарликдан озод қиладиган қогозга қўл қўйиши ва бир нечта қогозларни тўлдириши қолди. Қогозлардан бирининг тепасида «Қўшма Штатлар божхона хизмати – жасад қолдиқларини етказиш», деб ёзилган. Бошқарувчи Лексингтондаги ака-ука Держинлар дафн агентлиги билан боғланди. Бошқарувчи ёрдамчиси эртаси куни Элизабетни аэропортга олиб бориб қўйди. Улар дафн машинаси ҳамроҳлигида Мексика кўчалари ва катта йўл бўйлаб оҳиста юриб боришди. Металл тобутни Элизабет фақат бир марта компаниянинг кутиш хонаси деразасидан кўрди. Дафн машинаси 707 рейсли самолёт ёнида тўхтади ва бир неча киши қуёш тигида тобутни ташишни бошлашди. Улар тобутни санчқисимон юклов машинасига жойлашди ва Элизабет ойна ортидан тобутни юк бўлинмасига кўтараётган машинанинг бўғиқ ғувиллашини эшитди. Тўсатдан тобут қуёш нурида бир зумга қимирлади ва Элизабетнинг кўзига кўрқинчли нарса кўриниб кетди: тобут машинадан ерга кулаб, иккига бўлиниб кетди ва ўрта ёшли тўла аёл – Уитли хонимнинг мумиёланган жасади қизиган кулранг асфальтга отилди. Аммо аслида бу воқеа содир бўлмади. Юклов машинаси ҳайдовчиси тобутни юк бўлинмасига тўғри қўйди.

Парвоз пайтида Элизабет стюардессалар таклиф қилган ичкиликларни рад этди. Ўриндиққа ўтириш билан сумкасидан яшил дорилар қутисини олди. Мексикада эканлигида ҳужжатларга имзо чекиб бўлгач, у дорихонама-дорихона либриумни харид қилиб юрди. Айни пайтда дорилар хариди учун чеклов ўрнатилган – юз донадан ортиқ сотилмасди.

* * *

Дафн маросими жуда содда ва тез ўтди. Маросимдан ярим соат олдин у тўртта яшил дори ичиб олди. Руҳоний айтиши керак бўлган нутқини сўзлагунча черковда ёлғиз ўзи, гангиб ўтирди.

Қурбонгоҳга гуллар қўйилганди ва Элизабет дафн агентлигининг икки ишчиси руҳонийнинг нутқи тушаши билан гулларни олиб кетишганига ҳайрон бўлди. Дафн маросимида яна олти киши бор эди, лекин Элизабет уларни танимасди. Маросим сўнгида нота-ниш қари хоним уни қучаркан, деди:

– Ох, бечорагина!

Ўша куни тушга келиб, Элизабет юкларини жойлаштирди ва қаҳва тайёрлаш учун ётоқхонадан пастга тушди. Сув қайнагунча биринчи қаватдаги кичкина ювиниш хонасида узоқ вақт қолиб кетди. Ҳаворанг хонада, ҳаворанг сочиқлар, ҳаворанг совун ва ҳаворанг мочалкалар ўртасида туриб, унинг ичида нимадир портлади. Юзи кўз ёшлардан намланди. Илгичдан сочиқни олиб, уни юзига босди ва полга ўтириб, ваннага суянгунча жуда-жуда узоқ йиглади, ўксиниб-ўксиниб йиглади.

Бир оз тинчланиб, юзини артаётганда телефон жиринглади.

– Элизабет Ҳармонми? – сўради эркак овози.

– Ҳа.

– Бу Гарри Белтик. Штат шахмат мусобақасидан.

– Эсимда.

– Ҳа, эшитишимча, Борговга ютқазибсан. Ҳамдардлик билдириб қўяй дедим.

Элизабет сочиқни пахмоқ ўриндиққа ташлаб, тирсак қисмида Уитли хонимнинг очилган тамаки қутисини кўрди.

– Раҳмат, – деди қўлига қутини олиб, уни қаттиқ сиққанча.

– Қайси доналар билан ўйнагандинг? Оқлар биланми?

– Қоралар билан.

– Ҳа-а, – орага жимлик чўкди. – Нимадир бўлди-ми?

– Йўқ.

– Шундай ютқазган маъқул.

– Қандай?

– Қоралар билан ўйнаб, ютқазган маъқул. Баҳонанг бўлади.

– Балки.

– Нимадан бошладингиз? Сицилияданми?

Элизабет тамаки қутисини жойига оҳиста қайтариб қўйди.

– Руи Лопес ҳимоясидан. Унга шундай ўйнашга қўйиб бердим.

– Бекор қилибсан, – деди Белтик. – Менга қара, мен бутун ёз Лексингтонда бўламан. Сен билан бир оз шуғулланишимни истайсанми?

– Мен билан?!

– Биламан, сен мендан яхшироқ ўйнайсан. Лекин агар руслар билан мусобақалашмоқчи бўлсанг, сенга ёрдам керак.

– Ҳозир қаердасан?

– «Қақнус» меҳмонхонасида. Пайшанба куни ижара уйга кўчаман.

Элизабет хонага назар солди: пойабзал ўриндиги устидаги Уитли хонимнинг аёллар журналлари, оч ҳаворанг пардалар, ҳали очилмаган янги катта чинни чироқлар, сарғиш абажури целлофанга ўралган ҳолда турибди. У чуқур нафас олди ва овозсиз хўрсинди.

– Меникига кел, – деди сўнгра.

Белтик йигирма дақиқадан сўнг қанотларида қизил-оқ аланга чизилган ва битта олд чироғи синган 1955 йилги «Шевролет»да етиб келди. Элизабет уни дераза олдида кутиб турганди ва машинасидан тушиши билан айвончага чиқди. Белтик юкхонани оча туриб, қўл силкиди. У оч қизил кўйлак, кулранг велвет шим ва ранги кўйлагига мос тушган теннис пойабзалини кийганди.

Бу инсонда алақандай ёмонлик, қоралик бор эди, у тез ва чаққон ҳаракат қиларди. Элизабет яна йиғитнинг хунук тишлари ва шафқатсиз ўйнаш услубини ҳам эслаб, айвончада турганча бир оз сесканди.

Белтик юкхонадан оғирлиги аниқ картон қутини олди, кўзларига тушган сочини орқага ташлаш учун бошини силкитди ва йўлак бўйлаб юриб келди. Қутида қизил ҳарфлар билан «хайнц помидорли қайласи» деб ёзилган, усти очик, китоблар билан тўлганди.

Белтик қутини меҳмонхонадаги гиламга қўйди, қаҳва столдан сурбетларча Уитли хонимнинг журналларини йиғиб, газета жавони тоқчасига жойлаштирди. Сўнгра қутидан китобларни битталаб олиб, номларини овоз чиқариб ўқиб, столга бир тўп-лам қилиб қўя бошлади.

– А. Л. Дайнкопф «Миттелшпил стратегияси», Х. Р. Капабланка «Менинг шахматдаги фаолиятим», Форно «Алёхиннинг ўйинлари. 1938 – 1945», Майер «Рух ва пиёда эндшпили»...

Китобларнинг баъзиларини Элизабет кўрган, баъзилари жавонида турар, лекин кўпчилиги нота-ниш эди – ҳаммаси оғир, муқоваси зерикарли эди. Элизабет ҳали кўп нарса ўрганиши кераклигини тушунар, лекин Капабланка ҳам ҳеч қачон назарияни ўқимаган – у сезги ҳиссига, ўз иқтидорига таян-

ган, ундан анча паст даражада бўлган Боголюбов ва Грюнфельд каби ўйинчилар эса тайёр схемаларни немисча ўта расмиятчилик билан ёд олишган. Элизабет шахмат мусобақаларида партиялари тугаганидан сўнг ҳам ташқи оламдан узилиб, ноқулай ўриндиқларида қолганча дебютлар, миттелшпиллар ва эндшпиллар назарияларини ўрганишда давом этган шахматчиларни кўрган. Бу унга туганмас жараёндек туюларди ва ҳозир Белтикнинг огир китобларни столга бирин-кетин қўяётганини томоша қилиб, чарчоқ ва зерикишни ҳис этди. Ҳатто ўзи сезмаган ҳолда телевизор томонга ҳам қараб қўйди – бирдан уни ёқиб, шахмат ҳақидаги хаёлларини бир умрга унутгиси келди.

– Бу менинг ёзги мутолаа учун китобларим, – деди Белтик.

Элизабет асабий бош силкиди.

– Мен ҳам китоб ўқиганман, лекин ўйинларда доим сезгимга таянишга ҳаракат қиламан.

Белтик қўлида «Шахмат бюллетени»нинг учта нашрини ушлаганча туриб қолди. Муқовалари анча титилганди.

– Морфи ва Капабланка кабири? – сўради у қошини чимириб.

Элизабет ўнгайсизланди.

– Ҳа.

У бошини қимирлатиб, журналларни қаҳва столи ёнидаги полга қўйди.

– Капабланка Борговни ютган бўларди.

– Ҳамма партияда ҳам эмас.

– Ҳамма муҳим партияларда, – чўрт кесди Белтик.

Элизабет унга диққат билан қаради: Белтик қиз эслаб қолганидан ёшроқ кўринарди. Энди ўзи ҳам улгайган. Белтик ҳар соҳада муросасиз, қайсар ва ён бермас одам эди.

– Сен мени ўзини примадонна деб ҳисоблайди, деб ўйлаётгандирсан? – сўради Элизабет.

Белтик кулимсиради.

– Ҳаммамиз ҳам примадоннамиз. Шахмат шундай ўйлашимизга имкон беради.

Оқшом Элизабет газ печига иккита тез тайёрланадиган кечки овқатни қўяётганида столда эндшпил ҳолатидаги икки шахмат тахтаси – Белтикнинг оғир пластмасса донали яшил-саргиши ва Элизабетнинг доналари палисандр ва чинордан ясалган ёғоч тахтаси тайёрлаб қўйилганди. Иккала тўплам ҳам жиддий шахматчилар маъқул кўрадиган «Стаунтон»⁵⁵ услубида ясалган.

Элизабет Белтикни тушлик ва кечки овқатга қолишга таклиф қилмаганди, ҳаммаси ўз-ўзидан бўлди. Кундузи Гарри уйдан икки даҳа наридаги қандолатчилик дўконига озиқ-овқатга бориб келди, Элизабет эса бу пайтда назарий партиядо дурангга йўл қўймаслик, рух билан юришнинг турли усуллари устида бош қотирарди. Тушликни иситаётган пайтида Белтик унга шахматчи яхши жисмоний ҳолатини ушлаб туриш ва уйқу режимига риоя қилишнинг қанчалик муҳимлиги ҳақида маъруза ўқиди.

– Онгни очиш керак, – деди Белтик. – Агар битта гоёга ёпишиб олсанг, худди ҳозирги шоҳ қанотидаги от пиёдаси каби, ҳаммаси тамом бўлади. Қара...

Элизабет унинг ошхона столидаги шахмат тахтасига ўтирилди. Белтик бир қўлида қаҳва ушлаб, китобдаги партия бўйича жойланган доналарга ҳўмрайиб қараб турарди. Иккинчи қўли билан иягини силаб турарди.

⁵⁵ «Стаунтон» – шахмат доналарининг XIX асрда Англияда ишлаб чиқилган ва умумэтироф этилган кўриниши. Ўша даврнинг энг кучли шахматчиси деб тан олинган Говард Стаунтон (1820 – 1974) шарафига қўйилган.

– Нимага қарай? – аччиқланиб сўради Элизабет.

Белтик эгилиб, оқ рухни олди ва бутун тахта устидан ўтказиб, қора шоҳ қанотидаги рух қаторининг биринчи катагига – ўнг томондаги пастки бурчакка қўйди.

– Энди рух пиёдасининг йўли ёпилди.

– Нима бўпти?

– У кейинги юришларда иложсиз ҳолга тушиб қолмаслиги учун шоҳни юриши керак эди.

– Буни кўряпман, – Элизабетнинг овози бир оз юмшади. – Лекин мен...

– Фарзин майдонидаги пиёдаларга қара, – Белтик тахтанинг йўли ёпиқ учта пиёда турган бошқа томонига ишора қилди.

Элизабет столга яқин келди.

– У мана бундай юриши мумкин, – деди қора рухни икки катак суриб.

Белтик унга қўз ташлади:

– Ҳаракат қилиб кўр.

– Майли, – Элизабет қора доналар томондан столга ўтирди.

Олтита юришдан сўнг Белтик фарзин қанотидаги фил пиёдасини горизонтал қаторнинг еттинчи катагига юрди ва унинг фарзинга айланиши аниқ эди. Қораларни бу рухдан айиради ва партия тугайди. Белтик ҳақ бўлиб чиқди: оқ рух тахтанинг нариги томонига ўтганда шоҳни юриш керак эди.

– Сен ҳақсан, – тан олди Элизабет. – Ўзинг ўйлаб топдингми?

– Алёҳинда шунақаси бўлганди. Китобда ўқиганман.

Белтик меҳмонхонасига ярим кечадан сўнг жўнаб кетди. Элизабет эса яна бир неча соат миттелшпил ҳақида китоб ўқиб ўтирди. Доналарни тахтага қўйиб чиқмади – партияни мясида ўйнади. Аҳамият бер-

масликка уринса-да, уни бир нарса безовта қиларди: энди Элизабет хаёлий доналарни саккиз-тўққиз ёшларидагидек осон жонлантира олмасди. Кўз олдига тасвир аввалгидек равшан ва ҳажмдор эди, лекин тарқалиб кетмаслиги учун ҳаракат қилишга тўғри келар, баъзида эса қайси дона қаерда туриши кераклиги ёдидан кўтариларди ва ҳаммасини бошдан бошлашга тўғри келарди. Элизабет бу машқларни туни билан фақат китоб ва тасавури ёрдамида бажаришда давом этди. Футболка ва жинсида Уитли хонимнинг эски курсисида телевизор рўпарасида ўтириб чиқди. Аҳён-аҳёнда бирдан сесканиб, қаршисида пайпоқлари тўпиғига туширилган Уитли хонимнинг ўтирганини ва ўриндиқ ёнида унинг қора шиппақларини кўриш умидида атрофга алангларди.

Белтик эрталаб тўққизда келди ва яна ўндан ортиқ китоб олиб келди. Улар қаҳва ичиб, ошхона столида бир нечта беш дақиқалик партия ўйнашди. Элизабет ҳаммасида қатъият билан ғалаба қозонди, бешинчи партиядан кейин Белтик бошини қимирлатди.

– Ҳармон, сен жуда яхши эплаяпсан, лекин бу фақат сезги билан ўйнаш.

Элизабет унга тушунқирамай тикилиб қолди.

– Бу қанақаси бўлди? Мен сени беш марта мағлуб қилдим.

Белтик столнинг нариги томонидан унга совуқ қараб, қаҳвадан ҳўплади.

– Мен шахмат устаси мақомига эгаман, – деди Белтик, – ва мен ҳеч қачон ҳозиргидек яхши ўйнамагандим. Лекин сен Париж мусобақасига борадиган бўлсанг, умуман бошқа шахматчиларга қарши туришингга тўғри келади.

– Яна бир оз ишласам, Борговни юта оламан.

– Яна бир оз ишласанг, Борговни юта оласан, – такрорлади Белтик. – Ҳа, яна бир оз. Уни ўзи ким деб ўйлаяпсан? Менга ўхшаган Кентуккининг собиқ чемпиони дебми?

– У жаҳон чемпиони, лекин...

– О, бўлмағур гапларни бас қилсанг-чи! Боргов иккимизни ҳам ўн ёшида ер тишлатган бўларди. Унинг фаолияти билан танишмисан?

– Йўқ.

Белтик сакраб туриб, тўғри меҳмонхонага югурди. Элизабетнинг шахмат тахтаси ёнидаги бир тўп-лам китоблар орасидан яшил муқовасини ошхонага олиб келди ва олдидаги столга олди. Муқовада шундай ёзилганди:

«Василий Боргов. Менинг шахматдаги ҳаётим»

– Тунги мутолаага, – деди Белтик. – Унинг олти-миш иккинчи йилдаги Ленинград турниридан партияларни ўқиб чиқ. У рух ва пиёдали эндшпилни қандай ўйнашини кўр. Лученко ва Спасский билан ўйинларига аҳамият бер, – у охиригача ичилмаган қаҳвасини олди. – Балки бирор нима ўрганарсан.

* * *

Июннинг биринчи ҳафтаси. Ошхона деразаси ортида япон беҳисининг ёрқин қизил гуллари очилиб турибди. Уитли хонимнинг азалияси ҳам гуллаган, майсаларни эса қирқиш вақти келди. Бог қушларга тўлган. Ҳаво Кентуккининг энг яхши баҳор кунларидагидек ажойиб. Гоҳо, кеч тунда Белтик кетганида Элизабет тоза ҳаводан нафас олиш, илиқ шамолнинг яноқларига урилишини ҳис этиш учун орқа ҳовлига чиқарди. Қолган пайтларда атрофдаги оламга умуман эътибор бермасди. Шахмат уни ўзига янгидан қизиқтириб қўйди, бошқа тарафидан очилди. Мек-

сикадан келган транквилизаторлар эндиликда жавонда кераксиз бўлиб ётарди. Музлаткичдаги пиво шишалари очилмай қолди. Ҳовлида беш дақиқа нафас олгач, яна уйга кириб, Белтикнинг китобларини ўқирди, кейин эса ётоқхонасига кўтарилиб, ҳолдан тойганча ўзини ётоғига ташларди.

Пайшанба куни тушдан сўнг Белтик унга ижара уйга кўчишини айтди.

– Меҳмонхонада яшаш менга жуда қимматлик қилади, – деди у.

Уларнинг олдидаги шахмат тахтасида Бенони ҳимояси кетаётганди. Элизабет ҳозиргина саккизинчи қадамни ташлади: Р-5 – пиёда шоҳ қаторининг бешинчи катагига. Буни унга Белтик ўргатди, юриш муаллифи Минекас деган шахматчи экан.

Элизабет доналардан кўзини узди.

– Уй узоқдами?

– Нью-Сёркл-роадда. Энди сеникига тез-тез кела олмайман.

– Бу унчалик узоқ эмас.

– Ҳа, балки. Лекин мен ўқув курсига ёзилдим. Бирор иш топишга тўғри келади.

– Меникида яшашинг мумкин, – деди Элизабет. – Текинга.

Белтик унга бирор сония қараб турди ва бирдан жилмайди. Тишлари аввалгидек хунук кўринмасди.

– Ҳеч қачон таклиф қилмасанг керак, деб ўйлагандим, – деди Белтик.

* * *

Элизабет болалигидан бери шахмат дунёсига бунчалик шўнгимаганди. Белтик ҳафтада уч кун кечки дарсларга ва икки кун кундузги дарсларга қатнайди. Элизабет эса унинг китобларини ўқиб, вақт ўтказарди. Партияларни бирма-бир хаёлида гавдаланти-

рар, ҳимоя ва ҳужум ўртасидаги услубий фарқларни таҳлил қилиб, баъзан қандайдир ажабланарли юришдан ёки нозик қурилган тузоқдан ҳайратга тушиб, завқдан лабларини тишлар, баъзида эса шахматнинг тубсиз жарликлари, чексиз имкониятлари, адоқсиз юришлари, ҳужумлари ва мураккаб ҳаракатлари ҳақида ўйлаганида ўзини кучсиз ҳис этарди. У алоҳида оқсиллардан инсон кўзини ёки кафтини шакллантирадиган генетик код – дезоксирибонуклеин кислота ҳақида эшитган. Бу кислотада нафақат нафас ёки ошқозон тизими қурилиши, балки ҳамма ҳаракатлар, ҳатто гўдакнинг бармоқлари қандай букилишини белгилаб берадиган кўрсатмалар мавжуд. Шахмат ҳам шу кислотага ўхшарди. Ҳар қандай позициянинг геометриясини у томондан ҳам, бу томондан ҳам ўқиш, янги йўллар топиш мумкин, имкониятларнинг адоғи кўринмас, бир қатламини ўргансанг, унинг тагидан иккинчиси, учинчиси, яна ва яна чиқаверарди.

Белтик унинг иккинчи қаватдаги аввалги хонасига чиқиб ётди. Элизабет эса диванда чўзилиб, осонгина ухлаб қолди.

Эртасига нонушта маҳал шахмат ўйнашди ва унинг бармоқлари остида айёрона ҳаракатлар тахта бўйлаб гулдек очила бошлади. У Гаррига оқ доналарни ҳавола қилиб, тўртта қисқа партияда тахтага ҳам қарамай ютиб чиқди. Кейин Гарри идишларни ювиб, ўзининг сеvimли шахматчиси Филидор⁵⁶ ҳақида сўзлаб берди. Филидор француз муסיқачиси эди. У Париж ва Лондонда боғланган кўзлар билан шахмат ўйнаган⁵⁷.

⁵⁶ Франсуа-Андре Даникан Филидор (1726 – 1795) – француз муסיқачиси, кулгили опера ва мотетлар муаллифи, шунингдек, шахмат стратегиясига асос солган. «Шахмат ўйини таҳлили» китоби муаллифи ва XVIII асрнинг энг кучли шахматчиси.

⁵⁷ Бундай ўйинда шахматчи тахтага қарамайди, рақибининг юриши оғзаки айтиб турилади ва доналарни вакил суради.

– Мен вақти-вақти билан ўтган аср шахматчилари ҳақида ўқийман, уларнинг ҳаммаси қандайдир ғалати, – деди Элизабет. – Улар шуғулланган нарсани ҳақиқий шахмат деб атаб бўлмайди, менимча.

– Бунчалик қаттиққўл бўлма, – бош қимирлатди Белтик. – Бент Ларсен⁵⁸ Филидорнинг ҳимоясини қўллайди.

– У қандайдир қалтис. Унда шоҳ фили тузоққа тушиб қолади.

– У ишончли, – қарши чиқди Гарри. – Лекин мен сенга Филидор ҳақида бошқа нарсани айтмоқчи эдим. Унга Дидро қизиқ нома йўллаган... Дидро кимлигини биласанми?

– Француз инқилоби билан боғлиқ аллаким.

– Ҳа. Филидор кўзи бойлоқ ҳолда ўйнаган ва жинни бўлиб қолган. Ўн саккизинчи асрда буни нима деб аташган бўлса шу, хуллас. Шундан сўнг Дидро унга шундай нома йўллаган: *«Маънисиз шуҳратпарастлик деб идрокдан айрилмоқ қанчалар аҳмоқлик»*. Мен баъзан бирор позицияни таҳлил қилаётганимда миямда ўт чақнаб кетган маҳалларда шуни эслайман.

– Колтановский⁵⁹ доим кўзи боғлиқ ҳолда ўйнайди, – деди Элизабет. – Лекин у ақлдан озмаган-ку!

– Тўғри. Аммо Морфи ақлдан озган. Стейниц ҳам. Морфига ҳамма унинг пойабзалини ўғирламоқчидек туюлган.

– Балки у уларни пойабзал эмас, шахмат филлари деб ҳисоблагандир.

– Ҳа, – деди Белтик. – Кел, шахмат ўйнаймиз.

⁵⁸ Йорген Бент Ларсен (1935 – 2010) – даниялик гроссмейстер, XX аср 60 – 70-йилларининг энг кучли шахматчиларидан бири.

⁵⁹ Жордж Колтановский (1903 – 2000) – Бельгия ва америкалик шахматчи. Бельгиянинг тўрт карра чемпиони, кўзи боғлиқ ҳолда ўтказган партиялар сони бўйича рекордчи.

* * *

Элизабет уч ҳафтада «Шахмат бюллетени»нинг тўртинчи наشري ва яна бошқа Гарри олиб келган китобларни ўқиб тугатди. Бир куни Белтикнинг муҳандислик бўйича эрталабки машғулотларидан сўнг улар қийин шахмат позициясини таҳлил қилишга тушишди. Элизабет бу вазиятда от билан юриш кўринганидан анча кучли қадам бўлишини тушунтиришга уринарди.

– Мана қара, – деди у ва доналарни тезда жойлаштира бошлади. – От пиёдани ўйиндан чиқаради. Агар ўйинчи бундай қилмаганда унинг фили тузоқда қоларди. Бундай юришдан кейин яна бир пиёда уриб туширилади. Оп! – у тахтадан пиёдани олиб ташлади.

– Иккинчи фил-чи? Мана бу ердаги.

– Оббо! Наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Пиёда билан юрилгач ва отлар алмашилгач, фил шоҳ беради.

Белтик унга тикилганча қотиб қолди.

– Йўқ, кўрмаяпман. Мен бу юришларни бунақа тезликда ҳисоблаб чиқа олмайман.

Элизабет унга нигоҳини қадади.

– Ҳисоблаб чиқа олардинг, – деди у хотиржам.

– Сен ўта тез фикрлайсан.

Элизабет унинг жаҳли ортида қалб оғригини сезди ва бир оз юмшади:

– Мен ҳам баъзан бирор нимани англамай қоламан.

Белтик бошини қимирлатди.

– Йўқ. Энди йўқ.

* * *

Шанба кунги ўйинда у Белтикнинг отига имкон берди. Белтик ўзини одатий тутишга уринса-да, Элизабет бу таклиф у учун хўрлик эканини сезарди. Лекин ўзаро рақиблар энди бошқачасига ўйнай олишмас, ҳатто шу имкон ва оқларнинг биринчи юриш устунлиги билан ҳам Элизабет уни икки марта мағлуб этиб, учинчисида дурангга рози бўлди.

Ўша тунда Гарри қизнинг олдига келмади. Кейинги кун ҳам. Бу Элизабет учун унчалик аҳамиятли эмасди, лекин барибир нимадир етишмаётгандек бўлаверди. Иккинчи кеча базўр ухлаб, соат тонгги иккида уйғониб кетди. Туриб, музлаткич ёнига келди ва Уитли хонимнинг пивосидан бир шиша олди. Кейин шахмат тахтасига ўтириб, шишадан ҳўплаб, доналарни паришон жойлаштира бошлади. Фарзин гамбити қўлланилган бир нечта асосий партиялар – Алёхин ва Йейтс, Тарраш ва фон Шефе, Ласкер ва Тарраш партияларини ўйнаб чиқди. Биринчисини Элизабет кўп йиллар аввал «Моррис» дўконида китобларни титкилаб ўтирганда ёд олганди. Қолган иккитасини Белтик билан у келган биринчи ҳафтада бирга таҳлил қилишган. Учинчи партиянинг ўн бешинчи юриши гўзал эди – пиёда фарзин қанотидаги рух қаторининг тўртинчи катагига сурилган. Гўзал ўлим. Элизабет доналарни тахтада шу ҳолича қолдирди ва унга узоқ вақт мафтун бўлди. Термилиб ўтирганча икки шиша пиво ичиб қўйди. Тун илиқ, ошхона деразаси очиқ эди. Тунги капалаклар ҳашарот тўрига урилишар, аллақерда узоқроқда ит ҳуларди. Элизабет столда Уитли хонимнинг пушти гулли ёпинчикда пивосини ичиб ўтирар, қалби ва танасида енгиллик ҳис қиларди. Ёлғизликда ўтириш ёқимли эди. Музлаткичдан яна уч шиша чиқ-

ди, уларни ҳам ичиб тугатди. Кейин ётоғига қайтиб, соат тўққизгача қотиб ухлади.

* * *

Душанба куни нонушта пайтида Гарри гап бошлаб қолди:

– Менга қара, мен сенга ўзим биладиган ҳамма нарсани ўргатдим.

Элизабет огзини очишга чоғланди-ю, жим бўлди.

– Ўзим ҳам ўқишим керак, – давом этди йигит.
– Мен электрчи муҳандис бўлмоқчиман, шахматчи бекорчи эмас.

– Яхши, – деди Элизабет. – Ростдан ҳам менга кўп нарсани ўргатдинг.

Улар бир неча дақиқа жим қолишди. Элизабет тухумини еб бўлиб, идишни ювишга олиб борди.

– Яхшиси, ижара уйга кўчиб ўта қоламан. Университетга яқин жойга.

– Яхши, – қайтарди у ўгирилмай.

Гарри тушгача жўнаб кетди. Элизабет музлаткичдан тайёр тушликни олди-ю, печни ёкмади. У уйда ёлғиз қолди. Қорнида яна эски тугун ҳосил бўлди, ўзини қаерга уришни билмай қолди. У кўришни истайдиган фильм ҳам йўқ, қўнғироқ қилишни истайдиган одам ҳам. Китоб ўқиш истаги ҳам йўқолди. Элизабет зинадан иккинчи қаватга чиқиб, Уитли хонимнинг ётоқхонасига кирди. Онасининг кийимлари ҳали ҳам жавонда осиглиқ, очиқ транквилизатор қутиси йиғилмаган ўрин ёнида турарди. Қорнидаги таранглик ўз-ўзидан йўқолмайди. Уитли хоним энди йўқ, унинг танаси шаҳар четидаги қабристонда чирияпти, Гарри Белтик эса шахмат тахтаси ва китобларини олиб, ҳатто хайр ҳам демай жўнаб кетди. Элизабет бир зумга уни қайтариш учун бақиргиси

келди, лекин айвонча зиналаридан тушиб, машина-сига етгунича жим турди. У ётоқхонадаги дори қутисини олиб, қўлига учта яшил дорини тўкди, ўйланиб, тўртинчисини ҳам олди. Ёлгизликка чидаб бўлмасди. Элизабет ёшлигидагидек тўртта дорини сувсиз ютиб юборди.

Оқшомга яқин «Коргерникида» дўконига стейк ва пиширилган картошка олишга борди. Тўлов қилишдан олдин вино бўлимига кириб, бир ярим галлон бургунди виносини олди. Тунда вино ичиб, телевизор кўрди. Телевизорни бир амаллаб ўчириб олиб, шундоққина курсида ўтириб, ухлаб қолди.

Ярим тунда уйғониб кетганида хона атрофида гир айланаётгандек бўлди. Қайт қилиб юборди. Кейин иккинчи қаватга – ётоқхонасига кўтарилиб, ўрнига ётди ва бирдан уйқуси ўчиб, тетиклашиб қолганини ҳис қилди. Яна бошқа нарсаларни ҳам сизди – қорнида алланима ёнаётгандек бўлар, бўйни оғрирди. Кўзларини катта очиб қоронғиликка ундан нур ахтараётгандек тикилиб қолди. Қўлини чўзиб, тимирскиланиб жавондан дори қутисини топди ва яна бир нечтасини олди. Охири, ухлаб қолди.

Эрталаб чидаб бўлмас бош оғриги ва шахматдаги фаолиятини қатъий давом эттириш мақсади билан уйғонди. Уитли хоним ўлди. Гарри Белтик кетди. Уч ҳафтадан сўнг Қўшма Штатлар шахмат чемпионати бошланади. Мусобақага таклифнома у Мексикага кетишидан олдин келганди ва агар биринчи ўринни олишни истаса, Бенни Уоттс билан курашишига тўғри келади.

Ошхонадаги қаҳва қайнатгичдан томчилаб қаҳва тушгунича Элизабет кечадан қолган бургунди виносини тўкиб ташлади, бўш шишаларни ахлатга улоқтирди ва таклифнома келган куни «Моррис»-да буюртма қилган иккита китобини топиб олди.

Битгаси охирги АҚШ чемпионати партиялари тўплами, иккинчиси «Бенни Уоттс. Энг яхши элликта партиям» деб номланган. Муқовада Беннининг Гекклберри Финнга ўхшаган юзи яшнаб турарди. Элизабет йигитга қараб яна қайталанган мағлубият ҳиссидан тиришди, унинг пиёдасини иккилама қилишга аҳмоқона уринишини эслади. Ўзига қаҳва қуйиб, ичкиликдан кейинги бош оғриғига аҳамият бермасликка уриниб, китобни очди. Тушгача Уоттснинг олти партиясини таҳлил қилди. Қорни очганини ҳис этди ва икки даҳа наридаги тамаддихонага келди. Ҳисоб ускунаси тамаки ва ёққич рекламаси ёпиштиргичлари билан тўла бу тамаддихонанинг таомномадаги асосий овқати пиёзли жигар эди. Элизабет ўзи билан китобини ҳам олди ва гамбургер билан уйдаги каби пиширилган картошкани егунча яна икки партияни ўрганиб чиқди. Унга ўта ёғли ва ширин қайнатма кремли пишириқни олиб келишганда бирдан Уитли хонимни ва улар Цинциннати, Хьюстонда буюртма қилишган французча ширинликларни соғиниб кетди. Хаёлларни ўзидан йироқ қилиб, яна қаҳва буюртма қилди ва хаёлида кетаётган Уоттснинг яна бир партиясини охирига етказди: эски ҳинд ҳимояси, қора фианкетто қилинган фил ўнгдаги юқори бурчакдан пастга қараб, ҳужумга ўтишни пойлаб турибди. Қоралар шоҳ майдони билан банд, оқлар эса фианкеттодан кейин фарзин майдонига диққатларини қаратишган. Ҳаммаси ўта маданиятли. Қоралар билан ўйнаган Бенни нафис ва чаққон ғалаба қозонди.

Элизабет ҳисобни тўлаб, чиқиб кетди. Куннинг қолган қисмида ва соат тунги биргача у китобдан ўқиганларини миясида қайта-қайта айлантирди, китобни тугатганида Бенни Уоттс ва шахматдаги аниқликлар ҳақида аввалгидан анча кўп нарса бил-

ди. Мексикада олган дориларидан яна иккитасини ичиб, шу заҳотиёқ ухлаб қолди, эрталаб эса соат тўққизу ўттизда енгил ва яхши кайфиятда уйғонди. Нонуштага иккита тухум қайнагунча бугунги мутолаага китоб танлади: «Пол Морфи ва шахматнинг олтин асри». Китоб эски ва ҳозир долзарблигини йўқотганди. Кулранг, сифатсиз чизилган жадвалларда оқ доналардан қораларини ажратиш қийин эди. Аммо Пол Морфи исмининг ўзи Элизабетда меҳр уйғотарди, унинг шахсияти ўзига тортарди. Нью-орлеанлик галати инсон. Олий суд судьясининг яхши ҳуқуқий таълим олган ўгли ёшлигида ўзининг шахматга бўлган иқтидори билан дунёни забт этди, кейин эса бирдан шахматдан воз кечиб, ақлсиз телбага айланиб қолди ва ёш ўлим топди. Морфи оқлар билан шоҳ гамбитини амалга ошириб, от ва филларни бемалол қурбон қилар, кейин эса ақлни шоширадиган тезкорлик билан қора шоҳга хужум қиларди. Унга ўхшаш ўйинчилар шахмат тарихида унгача ҳам, ундан кейин ҳам бошқа бўлмади.

Элизабет китобни очиб, партиялар рўйхатини ўқиши билан эти жимирлаб кетди: Морфи – Лёвентал, Морфи – Гарвиц, Морфи – Андерсен исмлари ўн саккизинчи аср ўрталари саналари билан турарди. Париждаги мусобақалар олдидан у туни билан қаҳвахонада ичкилик ичар ва бегоналар билан суҳбатлашарди, эртасига эса акуладек – яхши тарбия топган, яхши кийинган, жилмайиб турадиган йиртқичдек жангта отилар, озғин ва худди қизларники каби нозик қўллари билан катта доналарни суриб, бир европалик ўйинчи ортидан иккинчисини ер тишлатарди. Кимдир уни «шахмат фаҳри ва андуҳи» деб атаганди.

– Агар Морфи ва Капабланка бир даврда яшаганида ва бир-бирига қарши ўйнай олганида қанчалар

зўр бўларди-я, – ўйлади Элизабет. У Морфининг Паулсен исмли шахматчига қарши 1857 йилдаги ўйинини ўрганишни бошлади. АҚШ чемпионати уч ҳафтадан сўнг бошланади. Унда аёл кишининг – Элизабетнинг ғалаба қозониш вақти келди.

ЎНИНЧИ БОБ

Элизабет ўйин хонасига кирганида яқиндаги столда озгин, ранги ўчиб кетган кўк жинси ва худди шундай кўйлак кийган, малла сочлари елкасига тушиб турган йигит ўтирарди. Йигит ўрнидан туриб, «Салом, Элизабет», деганидагина у бу Бенни Уоттс эканини билди. Бир неча ой аввал чиққан «Шахмат янгиликлари»да ҳам унинг сочлари узун эди, лекин бунчалик эмас. Йигит жуда озгин, рангпар ва жуда хотиржам эди. Умуман олганда, Бенжамин Уоттс доим хотиржам эди.

– Салом, – деди Элизабет.

– Боргов билан ўйининг ҳақида ўқигандим, – жилмайди Бенни, – қўрқинчли бўлган бўлса керак.

Элизабет унга ишонқирамай қаради, лекин унинг келишган очиқ чехраси самимий ҳамдардликни ифодаларди. Элизабетнинг ўзи ҳам йигит ўзини мағлуб қилгани учун кек сақламай қўйганди. Унинг барча нафрати энди фақат битта шахматчига қаратилган, у ҳам бўлса Россияда.

– Ўзимни аҳмоқдек ҳис этдим, – деди Элизабет.

– Тушунаман, – бош ирғади Бенни. – Иложсиз, худди ҳаммаси сенинг иштирокингизсиз бўляпти-ю, сен фақат қизиштигондек тахтани тақиллатяпсан, холос.

Элизабет ҳайрон қолди – шахматчилар ўзларининг мағлубиятлари ҳақида бунчалик осон гапи-

ришмас, заифликларини тан олишни ишташмас эди. У гапириш учун огзини очганди ҳамки, мусобақа раҳбарининг баланд овози эшитилди: «Ўйин беш дақиқадан сўнг бошланади». Элизабет Беннига бошини қимирлатиб қўйди, жилмайишга уринди, аммо ўхшатолмади ва ўзининг рақамидаги тахтасини қидириб кетди.

Столларда ўтирган шахматчилар орасида у аввал меҳмонхоналар рақс хоналарида ёки «Шахмат янгиликлари»да суратларини кўрмаган бирорта ҳам ўйинчи йўқ эди. Унинг ўзи ҳам ярим йил аввал Таунс уни Лас-Вегасда суратга олганидан сўнг журнал муқовасида чиққанди. Ҳозир шу ерда, Огайо штатининг кичкина шаҳарчасидаги талабалар бўлинмаси чемпионат ўйинчиларининг ярми у ёки бу пайтда муқовада кўриниш беришган. Бу гал Элизабетнинг биринчи партиядаги рақиби – ўрта ёшлардаги шахмат устаси Филипп Рененинг сурати журнал муқовасининг янги сонни беаб турарди. Хонада жами ўн тўрт ўйинчи ўтирарди, кўпчилиги гроссмейстер эди. Элизабет эса яна ягона аёл шахматчи сифатида иштирок этаётганди.

Ўйин деворларига тўқ яшил доска илинган ва шифтига флуоресцент чироқлар ўрнатилган оддий талабалар ўқув хонасида бормоқда. Кўкиш деворлар ўртасидаги қатор деразалардан буталар, дарахтлар ва майсазор кўриниб турарди. Хонанинг тўрида йигиладиган ўриндиқлар бир неча қатор қилиб жойлаштирилган. Йўлақда, эшик олдида томошабинлар учун кириш бир сеансга тўрт доллар экани қайд этилган эълон илинган. Биринчи турда ўйинни кўришга йигирма беш киши йиғилди.

Еттита столдан ҳар бирининг ортида шахмат тахтаси тасвири илинганди ва икки ҳакам столлар орасидан юриб, шахматчилар юришларидан сўнг

девордаги доналарни суришарди. Томошабинлар ўриндиқлари ердан бир оз кўтарилган ёғоч полга қўйилган, бу уларга девордаги тахталар тасвири билан бирга ҳақиқий шахмат тахталарини ҳам кўриш имконини берарди.

Ҳамма нарсa аллақандай паст даражада эди, ҳатто шу чемпионат ўтказилаётган коллеж ҳам. Бу ерга мамлакатнинг энг кучли шахматчилари йигилган, лекин кўринишидан юқори синф ўқувчилари ўртасида мактаб мусобақаси ўтказилаётгандек эди. Агар бу гольф ёки теннис бўйича чемпионат бўлганида эди, ҳозир Бенни Уоттс иккиси мана бу флуоресцент чироқлар эмас, мухбирлар ва суратчилар ўртасида бўларди ва ўйин анжомлари ҳам арзон-гаров пластмасса тахта ва доналардан тузукроқ бўларди, яна томошабинлар ҳам бошқача бўлармиди – мана бу бир уюм бекорчи ўрта ёшли кишилар эмас, дея ўйларди Элизабет.

Филипп Рене ўйинга жиддий ёндашаётган кўринадди, Элизабет эса бирдан ҳаммасини ташлаб чиқиб кетгиси келди. Лекин кетмади. Рақибни пиёдани шоҳ қаторининг тўртинчи катагига юрганида жавобан фарзин қанотидаги фил пиёдаси билан сицилиянча ҳимояни қўлади. У ҳозир Россолимо – Нимцович ўйинидаги ҳужумни ривожлантириб борарди. Ўн биринчи юришда пиёдани фарзин қаторининг учинчи катагига қўйиш орқали кучлар тенглашди. Бу юришни Белтик билан ўрганганди ва юриш айнан у айтгандек иш берди.

Ўн тўртинчи юришга келиб, Ренени чекинишга мажбур қилди, йигирманчисида эса ўзи учун ҳаммаси тамом бўлгани ойдинлашди. Йигирма олтинчисида рақибни мағлубиятни тан олди. Элизабет атрофга назар солди: бошқа партиялар айнаи авжида эди ва унинг бўлаётган воқеаларга муносабати бир

оз яхшиланди. АҚШ чемпиони бўлиш ҳар ҳолда ёмон эмас. Албатта, Бенни Уоттсни юта олса.

* * *

Элизабет талабалар ётоқхонасининг алоҳида кичкина хонасига жойлашди. Ювиниш хонаси йўлакнинг охирида эди. Хонада анжомлар кам, лекин аввал яшаганлардан ҳеч қандай из қолмаганди ва Элизабет бундан хурсанд бўлди. Дастлабки бир неча кун у тамаддихонада нонушта, тушлик ва кечки овқатни ёлғиз еди. Оқшомларни эса хонасидаги столда ёки ётоғида шахмат бўйича китоблар ўқиб ўтказди. У ўзи билан бир жомадон китоб олиб келди ва уларни ёзув столининг бир чеккасига бир қатор қилиб жойлаштирди. Яна ҳар эҳтимолга қарши яшил дориларни ҳам ола келди, лекин биринчи ҳафтада кутини очмади ҳам. Элизабет бир кунда битта партия ўйнайди ва ҳозирча ҳаммаси яхши кетяпти. Баъзи ўйинлар уч, ҳатто тўрт соатга ҳам чўзилиб кетарди, лекин Элизабет ҳали маглубиятга яқин ҳам келгани йўқ. Айни шу паллаларда ўзини жиддий, етук ва қатъиятли ҳис этарди.

Бенни Уоттснинг натижалари ҳам яхши эди. Ташкилотчилар ҳар оқшом кун давомида ўйналган партияларнинг қайдларини кутубхонадаги нусха кўчирадиган ускунада чоп этиб, нусхаларини шахматчилар ва томошабинларга тарқатишарди. Элизабет уларни кечаси ва эрталаб таҳлил қилар, кўпчилигини тасаввурида, баъзиларини тахтада кўриб чиқарди. Беннининг ўйинларини миясида тутиб туриш қийин кечарди, унинг усуллариини обдан таҳлил қилиш учун хаёлий эмас, ҳақиқий доналарни кўйиб чиқарди.

Чемпионат доиравий шаклда ўтказилади ва ҳамма ўйинчилар бир-бири билан бир мартадан ўйнаши керак эди. Элизабет Бенни билан ўн биринчи

турда тўқнаш келади. Мусобақа икки ҳафта давом этади, турлар эса ўн учта бўлгани учун бир кун – биринчи якшанба дам олиш куни деб эълон қилинди. Ўша куни Элизабет кеч уйғонди, сув остида узок ювинди ва университет бўйлаб айланишга чиқди. Ҳаммаёқ жимжит, тартиб билан қайчиланган майсалар, қайрагоч ва гуллар офтобда исиняпти – Шимолий гарбдаги оддий сокин кун эди. Унга чемпионатнинг гала-говури етишмаётганди. Тўсатдан яқин атрофдаги шаҳарчага боришга қарор қилди: унга бу ерда пиво ичиш мумкин бўлган ўнлаб яхши жойлар борлигини айтишганди. Лекин кейин фикридан қайтди. Ичкилик мия ҳужайраларини емиришини истамади. Соатга қаради – эндигина ўн бир бўлган экан – ва талабалар дам олиш хоналари, йиғилиш хонаси ва ошхона биносига қараб юрди. Қаҳва ичиб олиши керак.

Бинонинг биринчи қаватида ёғочдан ишланган шинамгина дам олиш хонаси бор эди. Элизабет кирганида хонанинг нариги тарафида сарғиш велвет диванчада Бенни Уоттс ўтирарди. Рўпарасидаги столчада шахмат тахтаси ва икки табақали соат турибди. Ёнида яна икки шахматчи турар, Бенни жилмайганча уларга нималарнидир тушунтирарди.

Элизабет зина бўйлаб ошхонага тушаётганида уни Бенни чақириб қолди:

– Ҳой, бизнинг ёнимизга кел!

Элизабет бир оз иккиланди-ю, барибир борди. Қолган икки шахматчини дарҳол таниди – улардан бирини икки кун аввал фарзин гамбит билан ютиб чиққанди.

– Элизабет, мана бунга қара-чи, – деди Бенни тахтага ишора қилиб. – Оқларнинг юриши. Сен нима қилган бўлардинг?

Элизабет тахтага қаради.

– Руи Лопес ҳимоясими?

– Тўғри.

Элизабет безовталанди: қаҳва ичгиси келаётганди, лекин тахтадаги вазият қалтис ва диққатни жамлашни талаб қиларди. Бошқа шахматчилар жим туришарди. Охири, нима қилиш кераклигини тушунди, индамай эгилиб, шоҳ қаторининг учинчи катагидаги отни фарзин қаторининг бешинчи катагига юрди.

– Кўрдингизми? – икки шахматчига кўзини қисиб, кулиб юборди Бенни. – Мен айтмабмидим?

– Ҳа, сиз ҳақсиз, шекилли, – деди улардан бири бош ирғаб.

– Ҳақлигимни биламан. Элизабет ҳам худди мендай ўйлайди. Пиёдани юриш жуда заиф қадам бўларди.

– Пиёдалар бу ерда фақат фил юргандагина керак бўларди, – деди Элизабет энди ўзини анча яхши ҳис этиб.

– Худди шундай! – деди Бенни. У жинси шим ва кенг оқ кўйлак кийганди. – Тезкор шахматга нима дейсан, Элизабет?

– Мен бу ерга қаҳва ичишга келгандим.

– Барнс сенга қаҳва олиб келади. Ола келасанми, Барнс?

Тўлачадан келган очик чехрали гроссмейстер йигит бош ирғади.

– Сизга шакар ва сутлими? – сўради у.

– Ҳа, – деди Элизабет.

Бенни шимининг чўнтагидан доллар чиқариб, уни Барнсга узатди:

– Менга ҳам апельсинли шарбат ол. Фақат пластик идишда эмас – шиша сут идишида, – у соатларни тахтага яқинроқ сурди, иккита донани муштига яширди. Элизабет танлаганида оқ дона чиқди. До-

наларни бошланғич ҳолатда қўйиб чиққач, Бенни таклиф киритди:

– Пул тикамизми?

– Пул тикамиз!

– Ҳар бир партия учун беш доллардан тикамиз.

– Мен ҳали ҳам қаҳва ичмадим.

– Ана у.

Хона бўйлаб шишада апельсинли шарбат ва оқ пўкак идиш билан Барнс шошиб келарди.

– Майли, – деди Элизабет. – Беш доллар.

– Қаҳвангни ичиб ол, кейин вақтни юргизаман.

Элизабет Барнсдан қаҳва идишни олди, бир ҳўплашда анчасини ичиб, столга қўйди ва Беннига бош ирғади:

– Бошладик.

Айни пайтда у ўзини ажойиб ҳис этарди. Дераза ортидаги баҳор ҳавоси бу, албатта, яхши, лекин бўғиқ хонада ўтирса ҳам у севимли иши билан машғул эди. Бенни уни ўзининг учинчи дақиқасида мот қилди. У ҳам яхши ўйнади, лекин Беннининг ўйини ёрқин эди: ҳар юришда тезкор жавоб қайтарар, унинг нима ўйлаганини дарҳол билиб оларди. Элизабет ҳамёнидан беш долларлик пул чиқариб, доналарни яна қўйиб чиқди ва бу сафар ўзига қораларни олди. Ўйинни энди тўрт киши кузата бошлади.

Элизабет Беннининг пиёдани шоҳ қаторидаги тўртинчи катакка юришига жавобан сицилиянча ҳимояни қўлламоқчи бўлди, лекин Бенни рақибининг режасини бузиб юборди: пиёдасини қурбон қилиб, гамбитни амалга оширди ва нотўғри киришга олиб келди. Бенни жуда тез ҳаракат қиларди. Элизабет миттелшпилда рақибига очиқ вертикал йўлакда иккиланган пиёда кўринишида қийинчилик туғдирди, Бенни эса бунга аҳамият бермай, марказга ҳужум

қилди. Шоҳнинг жойини очиб, унга икки бор шоҳ беришга имкон яратди. Мот қилиш учун майдонга отни туширганида яна эътибор бермай, аввал қора фарзинга, кейин шоҳга ҳам етиб борди ва рақибини мот тўрига туширди. Элизабет мот эълон қилингунгача енгилганини тан олди. Беннига ўн долларлик пулни узатди, Бенни унга бешталикни қайтарди.

Элизабетнинг чўнтагида олтмиш доллар бор, ётоқхонасида яна пули бор эди. Куннинг ярмига келиб, уларнинг атрофига қирққа яқин одам йиғилди. Кўпчилиги мусобақа қатнашчилари, бир нечтаси чемпионатнинг ҳамма ўйинига келган доимий томошабинлар, коллеж талабалари ва катта ёшдаги кишилар – ўқитувчилар бўлса керак. Элизабет ва Бенни партиялар орасида сўзлашмасдан ўйинни давом эттиришди. Элизабет учинчи ўйинда ютди – шундоққина соатидаги байроқ тушишидан олдин шоҳни деярли мағлубият оstonасидан қутқариб қолди. Кейинги тўрттасини яна бой бериб, бешинчисида дурангга рози бўлди. Гоҳо тахтада ақлни шоширувчи мураккаб вазиятлар туғиларди, лекин уларни таҳлил қилишга вақт йўқ эди. Тезкор шахмат ўз домига тортар, лекин фақат омадсизликка олиб келарди – ҳали ҳеч қачон Элизабет бунчалик кўп кетма-кет мағлуб бўлмаганди. Бу бор-йўғи беш дақиқалик блицдаги мағлубият бўлса-да, у ўзини ерга урилгандек ҳис этарди, аввал бундай ҳисни ҳеч туймаганди. Элизабет етук ўйин кўрсатди, ҳар бир партияни қатъий ва аниқ олиб борди, ҳужумларга хатосиз жавоб қайтариб, бир пайтда кучли ҳужумларни уюштирди, лекин буларнинг бари беҳуда кетди. Бенни қизнинг онги идрок этолмайдиган бирор сирли илмга эгадек эди ва бирин-кетин ҳамма партияларда ғолиб бўлди. Элизабет кучсизлик ва ошиб бораётган газабни ҳис этарди.

Нихоят, Беннига сўнгги бешталигини берди – соат кечги беш ярим бўлганди. Шахмат тахтаси ёнида пўкак қаҳва финжонлари қатор турарди. Элизабет столдан турди – томошабинлар қарсак чалишарди – Бенни рақибининг қўлини сиқиб қўйди. Элизабет бунга жавобан рақибига тарсаки тортгиси келди-ю, лекин бирор сўз демади. Хонага йигилган тумонат одамлардан бир нечтаси ғолиб ўйинчини ҳамон олқишлашарди. Чиқиб кетаётганида мағлуб бўлган шахматчи Филипп Рене тўхтатди.

– Сизнинг ўрнингизда бўлсам, ташвишланмасдим, – деди у. – Бенни блиц-шахматда тенги йўқ. Умуман олганда, бу арзимаган нарса.

Элизабет бош ирғаб, унга ташаккур айтди. Кунботар осмон остида юриб кетаркан, ўзини ғирт аҳмоқдек ҳис этди. Кечанинг қолган қисмини хонасида ўтказди ва тунда дори ичиб ётди. Эрталаб яхши дам олиб уйғонди, лекин аҳмоқлик ҳисси барибир юрагини тарк этмади. Уитли хоним бир куни унга ҳамма нарса қийшиқ кўринаётганини айтганди. Элизабет ҳам бугун дорилар ўзини ирғитган уйқу домидан шунга ўхшаш ҳис билан уйғонди.

Шу алфозда жавон тортмасидан дори қутисини олиб, қопқоғини қаттиқ ёпди. Мусобақа охиригача бошқа ичиш йўқ. Пайшанба куни Бенни билан ўйнаши керак бўлган партияси ёдига тушиб, бирдан асабийлашди, лекин қутини жойига қайтариб қўйиб, кийинини бошлади. Барвақт нонушта қилиб, уч финжон қаҳва ичди ва институт йўлаклари бўйлаб тетик юриб кетди. Миясида Бенни Уоттснинг тўпламидаги партиялардан бирини айлантириб борарди. «Бенни ғайриоддий, – деди Элизабет ўзига ўзи, – лекин мукамал эмас. Уни ҳам ютиш мумкин». Ҳар ҳолда, Бенни билан ўйинга уч кун қолганди.

Мусобақалар соат бирда бошланиб, тўрт-бешгача давом этарди. Кейинга қолдирилган партиялар ўша оқшом ёки эртасига эрталаб давом эттириларди. Тушга келиб, Элизабетнинг мияси равшанлашди ва «Қора куч»⁶⁰ ёзувли футболка кийган камгап, новча калифорнияликка қарши шахмат тахтасига ўтираётганида жангга тайёр эди. Рақиб «афро» услубида турмак қилганди, лекин ўзи оқ танли эди, бу чемпионатдаги ҳамма ўйинчилар каби. Унинг инглизча ўйин бошлашига Элизабет икки от билан жавоб қайтарди, тўртта отли киришни қўллаб, доналар алмашинуви билан рақибини одатдагидан ўзгача тарзда эндшпилга олиб кирди. Ҳаммаси яхши ўтди. Элизабет пиёдаларни чаққон ўйнатиб, бундан роҳат оларди. Калифорниялик енгилганини тан олганида Элизабетнинг пиёдаларидан биринчи горизонтал қаторнинг олтинчи катагида, иккинчиси еттинчи катагида турарди. Элизабет ўзи ўйлаганидан ҳам осон ғалаба қозонди – Гарри Белтик билан эндшпил устида қилган меҳнати ўз медаларини бераётганди.

Ўша оқшом тамаддихонада ширинлик еб ўтирганида ёнига Бенни Уоттс ўтирди.

– Бет, – деди у, – чемпион иккимиздан биримиз бўламиз, чамамда.

Элизабет гуручли пудингдан кўзини узиб, унга қаради:

– Менга руҳий босим ўтказмоқчимисан?

Бенни кулиб юборди.

– Йўқ, мен сени шундоқ ҳам ютаман.

Элизабет яна пудингга қайтди.

– Менга қара, – деди Бенни, – кеча учун сендан узр сўрайман. Сени хафа қилмоқчи эмасдим.

⁶⁰ «Қора куч» («Black Power») – 1960 – 1970 йилларда қора танлиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи турли гоаявий ҳаракатларнинг умумий номи ва шиори.

– Йўғ-е? – Элизабет қаҳвасидан ҳўплади.

– Шунчаки ичимда йиғилган қувватни чиқариб юборишим керак эди.

– Ва пул ишлаб олишинг, – деди Элизабет гап аслида бунда эмаслигини тушуниб турса ҳам.

– Сен бу ердаги энг яхши ўйинчисан. Мен сенинг партияларингни кўрганман. Сен худди Алёхиндек ҳужум қиласан.

– Кеча менинг ҳужумларимни бир қўл билан йўқ қилдинг.

– Бу ҳисоб эмас. Тезкор шахматда менинг тажрибам кўпроқ, холос. Мен Нью-Йоркда кўп ўйнаганман.

– Мени Лас-Вегасда ҳам ютиб чиққансан.

– Бунга қанча бўлиб кетди? Ўшанда сен менинг пиёдаларимни иккиталашга жуда киришиб кетгандинг. Ҳозир бўлганида ўша партияда юта олмасдим.

Бенни тановул қилгунича ва сут ичгунича Элизабет жимгина ўтириб, қаҳва ичди. Еб бўлгач, сўради:

– Ёлгиз қолганингда хаёлан шахмат ўйнайсанми? Миянгда партияларни айлантирасанми?

Бенни жилмайди ва деди:

– Ҳамма шундай қилмайдими, ахир?

* * *

Кечқурун Элизабет талабалар биносининг дам олиш хонасида телевизор кўрди. У ерга чемпионатнинг бир неча қатнашчилари ҳам келишди, лекин Бенни йўқ эди. Хонасига қайтгач, Элизабет ўзини бирдан ёлгиз ҳис этди. Илк бор мусобақага Уитли хонимсиз келди ва онасини соғинаётганини ҳис қилди. Доимгидек, ўзини шахмат билан овутди. Китоблар қаторидан эндшпил бўйича кўрсатмани олиб, ўқишга киришди. Бенни ёмон йигит эмас экан. Элизабет билан бу тарзда гаплашиб, яхши қилди. Энди

Беннининг турмагига ҳам кўникиб қолди – энди унга бу узун сочлар ёқяпти ҳаттоки. Ростдан ҳам унинг сочлари ажойиб эди.

Элизабет чоршанба куни яна бир партияда ютди. Столдан тураётганда Бенни ва унинг рақиби ҳали ўйинни давом эттираётган эди. Элизабет уларнинг олдига борди. Тушуниш учун бир назар ташлашнинг ўзи кифоя бўлди – Бенни устунликка эга эди. У нигоҳини Элизабетга қаратди ва секингина пичирлади:

– Эртага кўришгунча!

Институт чеккасида болалар майдончаси бор эди. Оқшомда, ой ёруғи остида Элизабет ўша ерга келиб, аргимчоққа ўтирди. Айни пайтда бир шиша қизил вино ва кичик пишлоқ бўлаги, кейин бир жуфт яшил дори ва ўринда қотиб ухлаш. Шундай бўлганида қандай зўр бўларди, лекин буни ўзига ман этди. Эртага эрталаб мияси равшан бўлиши ва Бенни Уоттс билан ўйинга тайёр бўлиш керак. Ўйин соат бирда бошланади. Балки, кечасига биттагина дори қабул қилса бўлар. Ёки иккита. Иккита ичиш керак. У бир неча марта занжирлар гийқиллашини эшитганча аргимчоқда учди, кейин эса ишонч билан туриб, ётоқхона томон юриб кетди. Ётишдан олдин иккита дори ичиб олди, лекин барибир ухлашига бир соат керак бўлди.

* * *

Ҳакамлар эҳтироми ва чемпионатнинг бошқа иштирокчиларининг унга қарашидан бир нарсга аён эди: ҳамма асосий эътибор шу партияга қаратилган. Бенни иккаласи ҳисобида ҳали бирорта мағлубият ва дуранг бўлмаган ягона ўйинчилар эди. Чемпионатнинг доиравий тизимига кўра, ўйинда энг кучли-

лар столи йўқ эди, шунинг учун улар эшик олдидаги қатордан учинчи столда ўйнашди. Бироқ ҳамманинг эътибори айнан уларга қаратилганди ва ўриндиқларни банд қилган томошабинларга яна ўнлаб кишилар қўшилди. Элизабет столга ўтириши билан ҳамма жим бўлди. Бенни ундан бир дақиқа ўтиб келди ва жойига ўтиргунгача хонада шивир-шивир эшитилди. Элизабет одамларга кўз қирини ташлади. Бенни иккиси ҳақиқатан ҳам Американинг энг яхши шахматчилари эдилар ва ҳаёлига тўсатдан келган бу фикрдан ўзига ишончи янаям ортди.

Бенни Уоттс ранги ўчиб кетган жинси қўйлак кийган, енглари қора ишчини ки каби шимарилган, бўйнига кумуш занжир илиб олганди. Бугун у доимгидек жилмаймас ва ёшига нисбатан бир оз каттароқ кўринарди. Томошабинларга кўз ташларкан, Элизабетга сезилар-сезилмас бош ирғади ва тахтага нигоҳини қадади. Ҳакам ўйин бошланганига ишора берди. Бенни оқлар билан ўйнади – Элизабет рақибининг соатини юргизди.

У пиёда билан шоҳ йўлагининг тўртинчи катагига юрди ва Элизабет иккиланмай пиёдани фарзин қанотидаги фил йўлагининг тўртинчи катагига қўйди. Беннига қарши қандайдир мураккаб киришдан бошлашнинг маънисини йўқ. Дебютларни қиздан анча яхши билади. Уни бурчакка тиқиш вақти миттелшпилда келади, агар Элизабет Беннидан олдин ҳужумга ўта олса, албатта. Бундан аввал кучлар тенглигига эришиш керак. Элизабет умрида бир бор Мексикада Боргов билан ўйин чоғида сезган туйғуни яна ҳис этди. Ўзини яна катта одамни алдашга уринаётган ёш боладек ҳис қилди. Иккинчи қадамни қўяётиб Элизабет Беннига қаради ва унинг жиддий юз ифодасини кўриб, бу ўйинга ўзи тўлиқ тайёр эмасдек туюлди. Лекин ич-ичидан бундай эмаслигини, Мексикада ҳам

Боргов олдида заиф бўлиб қолгунгача бир гуруҳ етук шахматчиларни тор-мор қилганини эслади. Уша мусобақада бирин-кетин гроссмейстерларни мот қилганди, ҳатто саккиз ёшида ҳам «Метуэн-Ҳоум» етим-хонасида фаррош билан ўйнаганида қатъият ва куч билан ҳаракат қиларди. Ҳозир эса ўзини тажрибасиз ҳис қилаётганидан ажабланди.

Бенни ўйлаб кўриш учун бир неча дақиқа олди ва кутилмаган қадамни қўйди. Фарзин пиёдасини олдинга чиқариш ўрнига унинг ёнидаги рух пиёдасини тўртинчи катакка қўйди. Бу пиёда Элизабетнинг худди шундай пиёдаси олдида ҳимоясиз турар ва Элизабет Бенни нимани режа қилганини тушунишга уриниб, унга бир дақиқа тикилиб турди. Балки рақиб Мароци тизимини ноодатий йўл билан қўлламоқчидир. Бу янгича юриш эди – Бенни бундай усулни Элизабетга қарши ўйин учун махсус ўйлаб топган бўлиши мумкин. Элизабет ўнғайсизланди: у Беннининг партиялар тўпламини тўлиқ ўқиб чиқди, лекин учрашувда қўллаш учун ноодатий ҳеч нарса ўйлаб топмади ва рақиб қаршисида ҳар сафаргидек ўйинни сезги ҳисси ва ҳужум борасидаги тажрибасига таянган ҳолда бошлади.

Кейин бирдан бу юришда хавф йўқлигини пайқаб қолди. Ҳар ҳолда, бу қадам у эплай олмайдиган ҳеч нимага олиб келмасди. Элизабет Бенни бошлайётган бирор йўлга ўзининг киришга мажбур эмаслигини тушуна бошлади. Ахир таклифни рад этиш ҳам мумкин. Агар ҳозир отни фарзин қанотидаги рух йўлагининг учинчи катагига юрса, Беннининг бу юришидан маъно йўқолади. Уоттс шунчаки тезкор шахматдаги каби оний устунликка эга бўлиш учун унга қармоқ ташлаган кўринади. Элизабет отини жойидан қўзгади. «Бу яна нимаси?» деган бўларди Алма Уитли ҳозир.

Бенни пиёдани фарзин йўлагининг тўртинчи каттагига юрди. Элизабет рақибининг пиёдасини олди, бунга жавобан рақибидан билан ҳаракат қилди. Элизабет иккинчи отини майдонга тушириб, у ҳам шундай қилишини кутди. Шунда унинг донасини боғлаб, уриб тушириши ва иккиланган пиёдага эга бўлиши мумкин. Фарзин пиёдаси билан юриши Беннига қимматга тушади – Элизабет унча катта бўлмаса ҳам мустаҳкам устунликка эришади.

Аммо Бенни отини юрмади. Шунчаки унинг отини олиб қўйди. Беннига иккиланган пиёдалар керак бўлмаган кўринади. Рақиб мудофаа ҳолатига ўтгани хайратланарли эди. Бир неча дақиқа олдин Элизабет ўзини бошлангич даражали ўйинчидек ҳис қилаётганди, у эса учинчи юришида Элизабетни чалкаштиришга уринди, энди эса ўзи қийин вазиятга тушди.

Беннининг отини ўз от пиёдаси билан олиш ва шу орқали марказга интилиш Элизабет учун аниқ йўл эди. Агар от пиёдаси ўрнига фарзин пиёдасини юрса, Бенни фарзинларни алмаштириши мумкин. Бу уни нафақат тезкор ҳужумларга йўналтиришни севадиган донасидан айиради, балки рокировка қилиш имконидан ҳам маҳрум қилади. Элизабет қўлини от пиёдасига узатди-ю, тўхтаб қолди. Фарзиннинг олдини очиб бериш ғояси жуда хавфли бўлса-да, уни қизиқтириб қўйди ва имкониятларини ўрганишга киришди. Секин-аста бу жасоратли қадам маъно-мазмунга эга бўла бошлади. Фарзинларни бундай эрта босқичда алмаштиришдан сўнг рокировка аҳамиятга эга бўлмай қолади. У шохини эндшпилдагидек олиб қочиши мумкин. Элизабет яна Беннига назар ташлади ва унинг ўйланаётганини кўрди – рақиб Элизабет нима учун от билан юришдек шунчалик оддий қарорни кечиктираётганини

тушунмасди. Бирдан рўпарасидаги рақиби аввалгидек аҳамиятли бўлмай қолди. «Ҳаммаси остин-устун бўлсин!» дея ўйлади-ю, рақибининг отини фарзин билан олди ва ўз фарзинига йўл очиб берди.

Бенни иккиланиб ўтирмади – унинг фарзинини ўзиники билан уриб туширди ва соат тугмасини чаққон босди. Ҳатто «шоҳ» сўзини ҳам айтмади. Элизабет унинг фарзинини шоҳ билан олди. Бенни иккинчи рух пиёдасини юриб, шоҳ пиёдасини ҳимояга олди. Бу оддий мудрофаа мақсадидаги юриш эди. Лекин Элизабет шодланиб кетди. Фарзинни ўйин бошида йўқотгач, ўзини кийимсиз қолгандек ҳис этаётганди, энди эса ўз кучига ишончи ортди. Бошқарувни ўз қўлига олди. Элизабет пиёдасини шоҳнинг тўртинчи катагига қўйди. Бундай вазиятдаги қарори мураккаб ва ишончли бўлди. Юриш унинг филига тўғри диагонал йўлни очар ва оқ шоҳ пиёдасини ҳам тўртинчи катакка юришга ундарди – бу унинг қалбига илиқлик олиб кирди. Элизабет тахтадан кўзини узиб, атрофга назар ташлади. Бошқа столлардаги ўйинлар ҳам авжида эди. Йўлакларда одамлар кўпайиб қолган ва улар Бенни иккисининг тахтаси яхши кўринадиган жойда йиғилиб туришарди. Ҳакам ўйинчиларнинг ёнида деворга илинган тахта тасвири ёнига келиб, картон пиёдани тўртинчи катакка суриб қўйди. Томошабинлар юришни таҳлил қилишга киришишди. Элизабет хонанинг бошқа томонига – деразага қаради. Ажойиб кун, ёш ниҳоллар мусаффо осмон остида яшилланиб турарди. Элизабет ўзини хотиржам, эркин ва олам учун очиқ ҳис этди: Беннини ютиб чиқади, рақибини ер тишлатади. Ўн иккинчи қадамда унинг миясига келган режа жуда нафис ва гўзал эди. Кейинги олтита юриш Элизабетнинг хаёлида шунчалик аниқ гавдаландики, худди бу қадам рўпарасидаги картон тахта-

да кўрсатиб беришгандек. Унинг рухи, фили ва оти рақибнинг шоҳ майдонида мураккаб рақсни ижро этишарди. Бу юришлар шоҳга ҳам, мотга ҳам олиб келмас, моддий устунлик ҳам бермасди. Йигирма бешинчи қадамда унинг оти фарзин йўлагининг бешинчи катагига жойлашди ва Бенни пиёдани бефойда бир қадам суриш билан чекланди, чунки ҳимоя учун бошқа ҳеч нарса қилолмасди. Элизабет рух ва от билан унинг рух ва отини олди, кейин ўз шоҳини фарзиннинг учинчи катагига қўйди. Иккисида ҳам доналар ва пиёдалар сони тенг бўлгани учун қолган қадамларни ҳисоблаб чиқиш қолди, холос. Пиёдани саккизинчи катакка қўйиб, фарзинга айлантириш учун Беннига ўн икки юриш кетарди, Элизабетга эса ўнта юриш. Бир нечта юришдан сўнг Бенни ўзининг пиёдалари урилишидан аввал униқини уришни мақсад қилиб, шоҳини юрди. Аммо дона сураётгандаги қўл ҳаракатлари ҳам сустлашиб қолганди. Элизабет рақибининг фил пиёдасини уриб туширгач эса ўз шоҳини ерга қулатди. Хонага сукунат чўқди. Кейин паст овоздаги олқишлар эшитилди. Элизабет ўттизинчи юришда голиб бўлди. Хонадан чиқишга эътибор Бенни рақибига сўз қотди:

– Фарзинни олишимга йўл қўйишингни кутмагандим.

– Мен ҳам кутмагандим, – деди Элизабет.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Шанба куни тақдирлаш маросимидан сўнг Бенни қизни галабани нишонлаш учун шаҳардаги барга олиб борди. Улар чеккароқдаги столни танлашди. Элизабет биринчи идишдаги пивони тез симириб, иккинчисини буюртма қилди.

– Ҳой, секинроқ, – деди Бенни. – Ўзингни қўлга ол, – унинг ўзи ҳали биринчи қадахни ичиб бўлмаганди.

– Ҳа, тўғри, – деди Элизабет ва ичкиликни секин ҳўплаб ича бошлади. Кайфияти шундоқ ҳам аъло эди. Бутун чемпионат давомида бирорта ҳам мағлубиятга учрамади, бирорта дуранг қайд этилмади. Охирги икки рақиби унга миттелшпил чоғида дуранг таклиф қилишганда эса рад этди.

– Ажойиб натижа, – мақтади Бенни.

– Ҳа, ажойиб, – Элизабет унга синчиклаб қаради. – Мен мағлубиятга шундай муносабатда эканингдан хурсандман.

– Бу ниқоб, – елка қисди Бенни. – Унинг остида ғазабдан ёняпман.

– Билинмаяпти.

– Ўша лаънати рух пиёдасини юрмаслигим керак эди.

Улар бир оз жим қолишди. Бенни ўйчан пиво ҳўпларкан, сўради:

– Боргов билан нима қилмоқчисан?

– Парижга борганимдами? Менинғ ҳали паспортим ҳам йўқ.

– Москвага борганингда.

– Тушунмадим...

– Нима, Кентуккида почта ишламайдими?

– Ишлайди, албатта.

– Шахмат бўйича АҚШ чемпионати ғолиби Москвадаги мусобақага таклифнома олади.

– Менга яна пиво керак, – деди Элизабет.

– Нима, билмаганмидинг? – Бенни қизга ҳайрат билан қаради.

– Майли, ўзим ола келаман.

– Яхши.

Элизабет бар бўлинмасига келиб, ичимлик буюртма қилди. Шахматчилар таклифнома билан қатнашадиган Москвадаги шахмат мусобақаси ҳақида эшитганди, лекин бу ҳақда яхши билмасди. Бармен унга пиво қуйиб берди.

Столга қайтганида Бенни ҳуштак чалиб юборди.

– Жуда кўп эмасми?

– Балки, кўпдир. Агар Москвага боришга қарор қилсам, у ерга қандай бораман?

– Мен Москвада бўлганман. Шахмат федерацияси чипталар нарҳини тўлаб берган, қолган ҳамма иш билан диний ташкилотлардан бири шуғулланган.

– Ёрдамчинг бормиди?

– Барнс.

– Барнс?!

– Россияда ёлғиз қийналган бўлардим, – Бенни ковогини уйди. – Бунча кўп пиво ичмасанг бўларди, роппа-роса тўққизда ўчиб қолмагин тагин.

Элизабет пивони столга қўйди.

– Москвадаги мусобақага яна кимлар таклиф этилган? – сўради у.

Тўртта давлат вакиллари ва тўрт нафар энг кучли рус шахматчилари.

Бу ўша ерда Лученко ва Боргов, балким яна Шапкин ҳам бўлишини билдирарди.

Элизабетнинг мусобақа ҳақида ўйлагиси келмасди, у зимдан Беннини кузатарди.

– Бенни, менга сенинг сочларинг ёқади.

– Ҳа, бунга ишончим комил. Хўш, Россия борасида нима дейсан?

Элизабет яна бир ҳўплам ичди. Унга ростдан ҳам Беннининг сочлари ва мовий кўзлари ёқарди. Аввал йигит ҳақида эҳтирос билан ўйламасди, энди эса миясига шундай хаёллар кела бошлади.

– Тўрт рус шахматчиси бу жуда кўп рус шахматчилари дегани.

– Жуда кўп ҳам гапми, – Бенни ўзининг биринчи ва ягона қадаҳидаги пивони ичиб тугатди. – Элизабет, – деди у, – сен Москвада голиб бўла оладиган Америкадаги ягона ўйинчисан.

– Мексикада Боргов мени яксон қилганди.

– Парижга қачон кетасан?

– Беш ҳафтадан сўнг.

– Унда бутун вақтингни шунга бағишлашинг ва тайёрланишинг керак.

– Сен-чи? Сен нима билан машғул бўласан?

Бенни бир муддат ўйланиб турди ва бирдан сўради:

– Меникига – Нью-Йоркка кўчиб кела оласанми?

– Билмадим.

– Менинг меҳмонхонамда ётасан ва Нью-Йоркдан тўғри Парижга учиб кетасан.

Элизабет бу таклифдан гангиб қолди.

– Менинг Кентуккида уйим бор...

– Қўйсанг-чи уйингни.

– Мен тайёр эмасман.

– Қачон тайёр бўласан? Бир йилдан кейинми? Ўн йилдан кейинми?

– Билмадим.

Бенни тирсагини столга тираб, қиз томонга эгилди.

– Агар буни ҳозир қилмасанг, иқтидорингни ичиб йўқ қиласан. Тупроққа кўмасан.

– Боргов мени гирт аҳмоққа чиқарди.

– У пайтда сен тайёр эмасдинг.

– Мен ҳозир ҳам қанчалик тайёрлигимни билмайман.

– Мен эса биламан. Сен энг яхши ўйинчисан.

Элизабет чуқур нафас олди.

– Яхши. Мен Нью-Йоркка бораман.

– Тўғри шу ердан кетишимиз ҳам мумкин. Мен машинадаман.

– Қачон? – ҳаммаси шунчалик тез содир бўлаётгандики, Элизабет бир оз чўчиб кетди.

– Эртага тушдан сўнг, бу ерда ҳамма нарса тугаганда. Имкон бўлиши билан кетамиз, – Бенни ўрнидан турди.

– Шилқимлик ҳақида... – Элизабет йигитга нигоҳини қадади.

– Бу ҳақда унут, – деди йигит.

* * *

– Баҳор бу йил ажойиб бўлади, – деди Бенни. – Бундан яхшиси бўлмайди.

– Қаердан биласан? – сўради Элизабет.

Улар Пенсилваниянинг асосий катта йўлидан кулранг асфальт бўйлаб тупроқ йўл устидаги бир хонали уйчалар ва чангиган машиналар ёнидан кетиб боришарди.

– Аллақаерлардан тоғлар ҳавоси келяпти. Ҳатто Нью-Йоркда ҳам сезиляпти.

– Огайода ҳам ҳаво яхши эди, – деди Элизабет. Лекин бу суҳбат унга ёқмас, унинг об-ҳаво билан иши йўқ эди. Лексингтондаги уйини қаровсиз қолдирди, ҳуқуқшуносла ҳам қўнғироқ қилмади ва Нью-Йоркда ўзини нима кутаётганидан ҳам беҳабар эди. Элизабет асабийлашганида Бенни ўзини хотиржам тутгани сари унда ишончсизлик ошиб борарди. Беннининг юзида бирдан ўта совуққон ва маънисиз ифода пайдо бўлганида эса баттар ташвишга тушарди. У тақдирлаш маросимида, Элизабет мухбирлар саволларига жавоб бераётганида ва дастхат қўяётганида, чемпионат ташкилотчиларига, Нью-Йоркдан шахматнинг аҳамияти ҳақида сўзлаш учун махсус келган АҚШ Шахмат федерацияси вакилларига миннатдорчилик изҳор этаётганида ҳам Уоттс шундай юз ифодаси билан ўтирганди. Элизабет нигоҳини йўлга қаратди.

Бир оз вақт ўтгач, Бенни сўз бошлади:

– Россияга мени ўзинг билан олиб кет.

Бу кутилмаган илтимос бўлди. Улар машинага ўтиришгандан буён шахмат ҳақида ҳам, Москва мусобақаси ҳақида ҳам ҳали гаплашишмаганди.

– Ёрдамчи сифатидами? – сўради Элизабет.

– Шунақароқ. Мен ўзим харажатларни кўтара олмайман.

– Мен тўлашимни истайсанми?

– Буни бир амаллаймиз. Сен журнал учун интервью бераётганингда мен Йохансен билан гаплашдим. Унинг айтишича, Шахмат федерацияси ёрдамчилар сафари учун энди пул ажратмас экан.

– Мен ҳозирча фақат Париж ҳақида ўйлаяпман, – деди Элизабет. – Москва борасида ҳали бир қарорга келмадим.

– Борасан.

– Мен сен билан қанча вақт бирга бўлишимни ҳам билмайман. Ва менга паспорт керак.

– Нью-Йоркда оламиз.

Элизабет яна нимадир демоқчи бўлди-ю, Беннига қараб индамай қўя қолди. Юзидаги маънисиз ифода йўқолгач, у яна Элизабетга ёқа бошлади. Улар бир жойда бўлишса, аввалгидан бошқача бўлишини ўйлади. Беннининг уйига ярим тунда етиб боришади ва балки бирор нима рўй берар. Балки ўз уйида Бенни фикридан қайтар.

– Кел, шахмат ўйнаймиз, – таклиф қилди Бенни. – Фақат оқлар меники. Пиёда шоҳ йўлагининг тўртинчи катагига.

Элизабет елка қисди.

– Пиёда фарзин қанотидаги рух йўлагининг тўртинчи катагига.

– От шоҳ қанотидаги фил йўлагининг учинчи катагига.

– Пиёда фарзин йўлагининг учинчи катагига, – Элизабет бу ўйинга қандай муносабатда бўлишни тушунмасди. У ҳали ўзининг тасаввурдаги шахмат тахтасига ҳеч кимни йўлатмасди ва ҳозир уни Беннининг юришига мослаб, ўзига куч ишлатаётгандек бўларди.

– Пиёда фарзиннинг тўртинчи катагига, – деди Бенни.

– Пиёда пиёдани уради.

– От пиёдани уради.

– От шоҳ қанотидаги филнинг учинчи катагига.

Аслида, бу қийин эмас экан – Элизабет олд ойнадан йўлга қараб кетарди ва онгида хаёлий тахтани кўрар, унда қийналмасдан дона сурарди.

– От фарзин қанотидаги рухнинг учинчи катагига, – давом этди Бенни.

– Пиёда шоҳ отининг учинчи катагига.

– Пиёда филнинг тўртинчи катагига.

– Пиёда филнинг тўртинчи катагига.

– Левенфиш усули, унга тоқатим йўқ, – деди Бенни қуруққина қилиб.

– Отни юр, – ёрдам берган бўлди Элизабет.

– Менга қандай юришни ўргатма, – йигитнинг овози совуқ эшитилди ва Элизабет сесканиб кетди.

Улар бир неча дақиқа жим кетишди. Қиз уларни қарама-қарши йўлдан ажратиб турган кулранг темир тўсинга қараб кетарди. Машина туннелга кирганида Бенни жимликни бузди:

– От борасида ҳақсан. Уни филнинг учинчи катагига қўяман.

Элизабет бир оз индамай турди ва кейин бош ирғади.

– Майли. Отни оламан.

– Пиёда донани олади.

– Пиёда шоҳ йўлагининг бешинчи катагига.

– Пиёда яна уради. Биласанми, бу ҳақда Шарц изоҳда нима деган?

– Мен изоҳларни ўқимайман.

– Ўқиш вақти келди.

– Менга Шарц ёқмайди, – деди Элизабет.

– Менга ҳам, – қўшилди Бенни. – Лекин ўқийман. Юрасанми, йўқми?

– Фарзин фарзинни уради. Шоҳ, – у овозидаги ғазабни ўзи ҳам эшитди.

– Шоҳ фарзинни уради, – Беннининг овозидаги совуқлик кетиб, бир оз юмшади.

Ойна ортидан Пенсилвания манзаралари ўтиб борарди. Элизабет уни йигирма еттинчи юришда мағлуб этди ва кайфияти кўтарилди. У сицилиянча ҳимояни доим ёқтирган.

* * *

Беннининг уйига кираверишда ахлат пакетлар ётар, шифтда ирkit чироқ осилиб турарди. Даҳлиз оқ гишт билан қурилган ва худди аллақандай автобус бекати олдидаги ҳожатхонанинг ярим тундаги кўринишига ўхшаган жирканч эди. Беннининг эшигига учта кулф осилганди. Эшик қизил рангда ва унда баллонли қора бўёқ билан қилинган «Безбо» ёзуви билинар-билинемас кўринарди.

Эшик ортидаги тор меҳмонхонанинг ҳар қаерида китоблар уюми ётарди. Бенни чироқни ёққанида ёқимли ёруглик таралди ва хона шинамгина бўлиб қолди. Хонанинг нариги бурчагида ошхона, ёнида эса ётоқхона эшиги жойлашганди. Полга майсали шолча тўшалган. Диван ҳам, ўриндиқлар ҳам кўринмасди – фақатгина қора ёстиқлар ва узун чироқлар кўринарди. Ювиниш хонаси эскича урфда безатилган – девори ҳам, поли ҳам оқ-қора. Иссиқ сув бурагичи синган экан. Қора парда ортида душли ванна

жойлашган. Элизабет юз-қўлини ювиб, меҳмонхонага қайтди. Бенни ўз нарсаларини ётоқхонага жойлаштира бошлади. Элизабетнинг жомадони ҳамон меҳмонхонада – китоб жавонининг ёнидаги полда турарди. Элизабет жавонга яқин келиб, муқоваларга назар солди: бешала қатордаги китоблар ҳаммаси шахматга бағишланганди. Баъзилари рус, немис тилларида, лекин уларнинг ҳаммаси шахмат ҳақида. Элизабет нариги девор томон яна бир жавоннинг олдида борди – буниси ғишт қўйилган ёғочдан ясалган, унда ҳам шахмат китоблари турарди. Битта қатор фақат «Шахмат бюллетени»нинг янги нашрларидан тортиб, эллигинчи йилларгача бўлган китоблардан иборат эди.

– Жавонда жой бор! – бақирди Бенни ётоқхонасидан туриб. – Истасанг, кийимларингни илиб қўйишинг мумкин.

– Яхши, – деди Элизабет.

Йўлда, ҳали Пенсилваниянинг катта йўли бўйлаб кетишаётганда Элизабет унинг уйида Бенни билан тунни бирга ўтказиш имкони бўлади, деб ўйлаганди, энди эса фақат ухлашни истарди. Фақат қаерга ётишни аниқлаб олса бўлгани.

– Мен диванда ётаман, деб ўйлагандим, – деди Элизабет.

Бенни эшикдан бошини чиқарди.

– Меҳмонхонада ётасан, дегандим, – деди у ва қайтиб кириб кетди. Зум ўтмай катта ўралган нарса ва насосга ўхшаган буюм билан кириб келди. Ўрамани ерга ёзди, насоснинг шлангини тикиб, оёғи билан ҳаво ҳайдай бошлади. Бу номаълум нарса шиширилган матрас шаклига кирди.

– Ҳозир тўшак олиб келаман, – деди Бенни ва ётоқхонага кириб чиқди.

– Ўзим ётаман, – Элизабет матоларни олди. Унга матраснинг кўриниши ёқмади, лекин ёнида яшил

дорилари бор эди. Бенни ухлаганида ичиб олиши мумкин, албатта, ҳожати бўлса. Бу уйда ичкилик йўқ – Бенни бу ҳақда гапирмаса-да, шундоқ ҳам кўриниб турарди.

У Беннидан ҳам аввал ухлаб қолди, дори қутиси эса жомадондан олинмади ҳам. Эрталаб сирена товушидан уйгонди – дераза тагида «Тез ёрдам» ёки ўт ўчирувчи машина ғувилларди. Элизабет уйқу аралаш оёғини осилтириб ўтирмоқчи бўлди, лекин осилтиролмади. Шиширилган ётоқда ётгани эсига тушди. Базўр ўрнидан туриб, атрофга аланглади. У қаерда ётганини биларди, лекин кундузги ёругда хона бошқача кўриниб кетди. Сирена ўчиб, Нью-Йорк кўчаларининг доимги гала-говури қолди. Деразанинг битта пардаси очиб қўйилганди, унинг ортида эса жуда яқинда катта юк машинасининг юкхонаси кўринди. Унинг орқасидан тўсилган кўчадан такси кириб келарди. Аллақаерда тинмай ит хуларди.

Бенни ўгирилиб, қизнинг ёнига келди ва катта картон стаканни узатди. Стаканда «Жуда кўп ёнғоқ»⁶¹ деб ёзилганди. Бу жуда галати ва ҳайратланарли эди: ҳеч ким ва ҳеч қачон унга эрталаб қаҳва ҳам, нонушта ҳам бермаган. Уитли хоним ҳам нонуштасини тугатаётганида уйғонарди.

Элизабет стакандан қопқоқни олиб, ичди.

– Раҳмат.

– Кийимларингни ётоқхонада алмаштиришинг мумкин, – деди Бенни.

– Мен ювиниб олишим керак.

– Ювиниш хонаси сеники.

⁶¹ «Жуда кўп ёнғоқ» («Chock Full O’Nuts») – эгалари ўз ишини ёнғоқдан бошлаган Нью-Йорк қаҳва тармоғи бренди.

* * *

Бенни меҳмонхонанинг ўртасига яшил ва саргиш катакли йигиладиган шахмат столини қўйди. Элизабет ювиниш хонасидан чиққанида доналарни териб чиқаётганди.

– Хўш, – деди Бенни, – мана бундан бошлаймиз, – унга айлана қилиб резина билан маҳкамланган рисоалар ва журналларни узатди. Энг устида «Гастингсдаги рождество шахмат конгресси. Фалез Холл, Уайт-Рок-Гарденс» сарлавҳали ва кичикроқ ҳарфлар билан «Партиялар тўплами» деб ёзилган арзон муқовали рисола турарди. Рисола саҳифалари кичкина тартибсиз ҳарфлар билан тўла эди. Ҳар бирига иккитадан партия сигдирилган ва семиз ҳарфлар билан «Лученко-Улман», «Боргов-Пенроуз» деб ёзилган. Иккинчи рисола оддий «Гроссмейстерлар шахмати» деб номланган ва сифати Гастингс рисоласига ўхшарди. Тўртта журналдан учтаси немисча ва биттаси русча эди.

– Гастингс партияларини ўрганамиз, – деди Бенжамин. У ётоқхонадан иккита ўриндиқ олиб чиқди ва катта дераза олдидаги шахмат столининг икки тарафига қўйди. Юк машинаси ҳали ҳам уй олдида турар, кўча эса секин юраётган машиналарга тўла эди.

– Сен оқлар билан, мен қоралар билан.

– Мен ҳали нонушта қилмадим...

– Музлаткичда тухум бор, – қўл силкиди Бенни.

– Биринчи навбатда Борговнинг партиялари билан шуғулланамиз.

– Ҳаммаси биланми?

– Сен Парижга борганингда у ўша ерда бўлади.

Элизабет унинг қўлидаги журналларни кўздан кечирди, деразага боқди, соатга қаради. Соат саккиздан ўн дақиқа ўтганди.

– Аввал нонушта қилиб оламан, – деди Элизабет.

Улар яқин орадаги тамаддихонада шахмат тахта-
сидан кўзларини узмай сэндвич билан тушлик қи-
лишди. Кечки овқатга эса Биринчи авенюдаги Хи-
той ошхонасидан таом буюртма қилишди. Бенни
Элизабетга дебютларда шошилишга йўл бермасди
– ҳар юришдан сўнг тўхтатиб, нега айнан шундай
юрганини тушунтириб беришни талаб қиларди,
ҳар бир одатий йўллардан четга чиққан ҳаракатини
таҳлил қилишга мажбур қиларди. Баъзида эса қўли-
ни ушлаб олиб, кейинги юришни қилишга қўймас,
«Нега от билан эмас?», «Нима учун руҳдан ҳимоя-
ланмади?» ёки «Қолоқ пиёдага нима бўлади?» каби
саволлар ёғдирарди. Бенни майдакаш, хира ва бе-
шафқат эди. Элизабетнинг ўзи ҳам шунча йиллик
ўйинлари давомида бундай саволларни ўйлаган,
лекин ҳеч қачон бунчалик муккасидан кетмаганди.
Ҳозир унинг мияси икки ҳисса кучайган, партия-
нинг у ёки бу юришида очиладиган имкониятларни
дарҳол текшириб кўриш, Лученко, Мекинг ёки Чер-
няк ўйлаб топган позициядан Борговга қақшатқич
хужумга ўтишни истарди, лекин Бенни ҳимоя ҳақи-
даги, оқлар ва қоралар учун очилган йўллар, рух
фалон вертикал катакни эгаллаши зарурми-йўқми,
деган навбатдаги саволи билан ундаги алангани сўн-
дирарди. Гоҳ унинг бундан жаҳли чиқарди, лекин
Беннининг саволлари ҳам беҳуда эмаслигини билиб
турарди. Қўлига биринчи бор «Шахмат янгиликла-
ри» журнали тушганидан буён гроссмейстерлар
ўйинларини миясида жонлантириб келади, лекин
билимларини бир тизимга термаганди. Бу партия-
ларни галабадан роҳатланиш, мардонавор қурбон-
лик ёки кучли мотдан ҳаяжонни ҳис этиш учун ҳаё-
лида гавдалантирарди. Уларни айнан шунинг учун

– Фред Рейнфельд⁶² тўпламидаги ўйинлар каби драматик бурилишлар рўй бергани, фарзин қурбони ва мураккаб тузоқлар бўлгани учун китоблар ва журналларда қайд этишган. Элизабет ўз тажрибасидан билардики, рақибдан фарзинни қурбон қилишини ёки от ва рух ёрдамида кутилмаган мотни кутиб бўлмасди, аммо китоблардаги шундай партиялар унга лаззат берарди. Морфини айнан шунинг учун яхши кўрарди, ўтказган мусобақалари ёки мағлуб бўлган гамгин партиялар учун эмас. Албатта, Морфининг ҳам ҳамма каби ютқазган дамлари бўлган. Лекин одатий юришлар билан ўйналган оддий шахмат уни зериктирарди, ҳатто бу партияларда гроссмейстерлар ўйнаган бўлса ҳам. Айниқса, Ройбен Файннинг шахмат якунлари таҳлиллари ва «Шахмат янгиликлари»даги хатолар таҳлили бўйича мақолалари меъдасига тегарди.

Бенни иккиси таҳлил қилаётган партиялар дунёнинг энг яхши ўйинчиларининг жиддий, мураккаб ва нозик намуналари эди. Ҳар бир юришда жамланган ақлий салоҳият ҳайратга соларди қизни. Лекин кўпинча бу ўйинлар ишониб бўлмас даражада аҳмоқона тугарди. Баъзан ақлнинг бор мавжуд кучи бирор оқ пиёданнинг юришига жо бўларди, бир неча қадамдан сўнг юзага чиқиши лозим бўлган ҳужум узоқ чўзилар, қоралар бу тузоқни олдиндан фахмлаб, оқларнинг режасини яксон қилишарди ва пиёданнинг ёрқин юриши бор мазмунини йўқотарди. Бу унинг ҳафсаласини пир қилар, аммо бир пайтда Бенни уни тўхтаб, таҳлил қилишга мажбурлагани сабаб қизиқтирарди ҳам.

⁶² Фред Рейнфельд (1910 – 1964) – америкалик, шахмат бўйича журналист ва инструктор. 1930-йилларда АҚШнинг энг кучли шахматчилари сафига кирган.

Улар бу машғулотга олти кунни бағишлашди, уйдан ҳам мажбурият туғилгандагина чиқишди ва фақат бир бор – чоршанба куни кинога боришди. Бенниникида телевизор ҳам, магнитофон ҳам йўқ эди, унинг уйи фақат овқатланиш, ухлаш ва шахматга мўлжалланганди. Улар Гастингс тўплами ва рус рисоласидаги гроссмейстерлар дуранги билан тугаган ўйинлардан ташқари деярли барча партияларни ўйнаб чиқишди.

Сешанба куни Элизабет Кентуккидаги ҳуқуқшунос билан боғланди ва ундан Лексингтондаги уйидан хабар олишни илтимос қилди. Кимёвий банк бўлимига бориб, ҳисоб рақами очди ва ҳисобига Огайо чемпионатидан олган соврин пулини кўйди. Текширув беш кун давом этади, бу вақтда овқат харажатларини тўлаш учун йўл чеклари етарли эди.

Биринчи ҳафта ўйинчилар шахматдан ташқари деярли ҳеч нарса ҳақида гаплашишмади, эҳтиросларга ҳам ҳеч ким шаъма қилмади. Бенни балки энди бунга қарши эмасдир, аммо Элизабетнинг бутун ҳаёли шахмат билан банд эди. Ярим кечада бирор партияни ўрганишни тамомлагандан кейин ҳам Элизабет бир муддат ёстиқ устида деразага қараб ўтирарди ёки Иккинчи ва Учинчи авеню бўйлаб сайр қилишга чиқарди. Йўлдан ўзига музқаймоқ ёки шоколадли ширинлик оларди. Ёлғизликдаги сайрлари унчалик узоққа чўзилмасди. Кечалари Нью-Йорк қоронги ва хавфли кўринар, лекин гап бунда ҳам эмас – Элизабет кундузи шунчалик чарчардики, уйга бир амаллаб етиб олиб, матрасни шиширарди-ю, чўзилиб ухлаб қоларди.

Гоҳо Бенни хонада бўлганида ҳам Элизабет ёнида ҳеч ким йўқдек туюларди. Бенни соатлаб жим юриши, ўзини худди йўқдек тутиши мумкин эди. Элизабет ҳам ўзини совуқ, бегонасирагандек тутар, фақат

шахмат ҳақида гапирарди. Гоҳида эса ҳаммаси кутилмаганда ўзгариб кетарди.

Бир куни икки рус шахматчисининг дуранг билан тугаган ўта мураккаб партиясини таҳлил қилишди. Элизабет бирдан бу шахматчида бошқа йўлни, воқеаларнинг бошқача кечиши имкониятини кўриб қолди.

– Қара, Бенни! – деди у доналар жойини ўзгартириб. – У ўз имконини қўлдан чиқарибди. Мана бу ерда от билан юриш мумкин эди...

У қоралар қандай ютиб чиқишлари мумкин бўлганини кўрсатиб берди ва Бенни бирдан жилмайиб, қизни кучиб олди.

Узоқ вақт улар орасидаги ягона сўзлашув тили шахмат бўлди. Бир куни тушга яқин эндшпилларни бир неча соат ўргангач, Элизабет чарчаганини сизди.

– Сен шахматдан ҳеч зерикасанми?

Бенни унга яна ўша таниш маънисиз ифода билан қаради.

– Қанақасига?

* * *

Эшик жиринглаганида улар пиёда-рух иштирокидаги эндшпилни таҳлил қилишаётганди. Бенни уч меҳмонни киритди – икки эркак ва бир аёл. Эркаклардан бирини Элизабет «Шахмат янгиликлари»да кўрганди: у ҳақда бир неча ой олдин мақола чоп этилган. Иккинчиси ҳам таниш, лекин уни қарерда кўрганини эслолмади. Қиз эса ҳайратланарли эди: жуда калта кулранг юбка ва ҳарбийларникига ўхшаш куртка кийган йигирма беш ёшлардаги нозиккина қорасоч қиз.

– Бу Элизабет Ҳармон, – таништира бошлади Бенни. – Булар эса Ҳилтон Векслер, гроссмейстер Артур Левертов ва Женни Бейнс.

– Бизнинг янги чемпионимиз, чамамда, – дея бир оз эгилди сочлари тўкила бошлаган, ёши эндигина ўттизлардан ошган Левертов.

– Салом, – деди Элизабет ўрнидан туриб.

– Табрикларимни қабул этинг! – жилмайди Векслер. – Беннининг попугини пасайтириб қўйиш пайти келганди.

– Мен бу борада чемпион бўлишга улгурдим, – ғўлдиради Бенни.

Қиз Элизабетга қўлини узатди.

– Танишганимдан хурсандман.

Беннининг торгина меҳмонхонасида бунча одамни кўриш галати эди. Элизабет бу уйда Бенни билан шахмат партияларини ўрганиб, ярим ҳаётини ўтказгандек туюлди ва бегоналарнинг келиши дилига ғашлик солди. Аслида, Нью-Йоркда эндигина тўққиз кунини ўтказди. Ўзини қандай тутишни билмай, яна шахмат столига ўтириб олди. Векслер келиб, унинг тепасида туриб олди:

– Шахмат масаласини ечяпсизми?

– Йўқ.

Болалигида Элизабет бунга уриниб кўрган, лекин шахмат масалалари уни етарлича қизиқтира олмаганди: шахмат тахтасидаги жойлашувлар нотабий кўринарди.

«Оқлар ўйинни бошлаб, икки юришда мот қўядилар». Бу – Уитли хоним айтганидек, бўлмағур нарс.

– Сизга бир масалани кўрсатишга ижозат берсангиз, – Векслернинг оҳанги дўстона ва хотиржам эди. – Доналарни алмаштирсам, майлими?

– Майли.

– Ҳилтон! – чақирди унинг ёнига келиб Женни. – Рақибинг аллақандай шахмат масхарабози эмас, ахир, АҚШ чемпиони.

– Ҳечқиси йўқ, менга қизиқ, – деди Элизабет, лекин Женнидан бу сўзларни эшитганидан хурсанд бўлди.

Векслер доналарни қўйиб чиқди ва тахтада икки бурчакда фарзинлар ва бир вертикалда тўртта рухдан иборат ғалати вазият пайдо бўлди. Шоҳлар деярли ўртада турарди, бу эса ҳақиқий партияда юз бериши қийин бўлган ҳолат эди. Тугатгач, Векслер қўлларини қовуштирди.

– Менинг севимли масалам, – деди у. – Оқлар уч юришда ютишади.

Элизабет тахтага норози бўлиб қаради. Унингча, бундай аҳмоқона ҳолатларни ўйлаб ўтириш ҳам аҳмоқлик, чунки ҳақиқий партияларда бундай вазиятлар бўлмайди.

Пиёда билан юриш, от билан шоҳ бериш; шоҳ бурчакка ўтади, аммо кейин пиёда фарзинга айланиб, пат юзага келади. Хўш, пиёда отга айланади ва иккинчи шоҳни беради. Маъқул. Аммо шоҳ биринчи шоҳ берилгач, бу катакка ўтмаса-чи... Элизабет бошига қайтди ва сония ўтиб нима қилишни тушунди. Бу математик мисолга ўхшарди, алгебрани эса Элизабет яхши эпларди.

У нигоҳини Векслерга қаратди.

– Пиёда фарзиннинг еттинчи катагига.

Векслернинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

– Намунча тез!

– Кўрдингми, Ҳилтон, – жилмайди Женни.

Бенни боядан бери уларни жимгина кузатиб ўтирарди.

– Бир вақтдаги ўйинга нима дейсан? – Элизабетдан сўради ниҳоят. – Ҳаммамиз билан ўйнаб кўр.

– Фақат мен билан эмас, – бошини қимирлатди Женни. – Мен ҳатто қоидаларни ҳам билмайман.

– Тахта ва доналаримиз етадимми? – қизиқди Элизабет.

– Ҳамма керакли нарсалар жавонда бор, – Бенни бориб, катта картон қути билан қайтди. – Полга қўйиб чиқамиз.

– Вақт назорати қандай бўлади? – сўради Левертов.

Элизабетнинг хаёлига бир фикр келди.

– Блиц-шахмат бўла қолсин.

– Бу бизга устунлик беради, – деди Бенни. – Сенга қараганда бизда ўйлаш учун кўпроқ вақт бўлади.

– Мен синаб кўрмоқчиман.

– Бекор қиялсан, – бошини қимирлатди Бенни.

– Тезкор шахматда унчалик кучли эмассан, унутдингми?

Элизабет ўзининг маглубияти ҳақидаги бу эслатмадан газабланди.

– Ўнталик тикаман, сен ютқазасан.

– Қолган партияларга аҳамият бермай фақат мени ютишга вақт ажратсанг, бу ноҳақлик бўлади, – деди Бенни. Элизабет унга бир тарсаки туширгиси келди.

– Унда ҳамма партияга ўн доллардан тикаман, – бу қанчалар қаттиқ эшитилганидан ўзи ҳам ҳайрон бўлди.

Бенни елка қисди.

– Яхши. Пул сеники – ўзинг ҳал қил.

– Учта тахтани ерга айлана шаклида қўямиз, мен ўртада ўтираман.

Айнан шундай қилишди. Ҳар бир тахта ёнига соат қўйилди. Охирги бир неча кун Элизабетнинг идрокки ўзгача равшан эди: қатъият билан шахдам қадам ташларди. Бирданига учта тахтада ҳужум бошлади. Учала партияда ҳам вақтидан аввал галаба қозонди. Ўйин тугагач, Бенни индамай ётоқхонасига кириб кетди, ҳамёнини олиб чиқиб, учта ўн долларликни берди.

– Яна бир марта, – деди у. Айни шу дам қизнинг овозида ё хафалик, ё жаҳл сезилар ва Элизабет худди шу сўзларни у бошқа вазиятда айтишини тасаввур қилди: «Яна бир марта». Агар Бенни шуни истаса, рад этмайди. У яна доналарни қўйиб чиқди. Бу сафар тахталар елпигич шаклида қўйилган ва Элизабет тахталарга қараш учун ўз ўқи атрофида айланишига тўғри келмади, аслида шундоқ ҳам тахталарга қарамас, фақатгина юраётганида қарарди. Элизабет хаёлотида аниқ чизилган тахталарда ўйнардди. Оддий ҳаракатлар – қўлни чўзиш, донани юриш ва тутмани босиш қиздан ҳеч қандай куч талаб этмасди. Беннининг вазияти мураккаб эди. Унинг байроқчаси тушганида Элизабетнинг ҳали вақти қолганди. Бенни унга яна ўттиз доллар берди ва Элизабет яна бир марта ўйнашни таклиф қилди.

– Йўқ, – рад этди Бенни.

Хонада таранглик юзага келди ва ким нима дейишини билмай, туриб қолди. Женни ҳаммасини ҳазилга йўйишга уриниб, «Ҳозир ундаги эркакча худбинлик гапиряпти», деди, лекин қизнинг бу ҳазили орадаги таранг вазиятни юмшата олмади. Элизабетнинг Беннидан жаҳли чиқди. У ўзини шунчалик осон ютишга қўйиб берганидан, мағлубиятга бўлган муносабатидан аччиқланди. Йигит худди мағлубият умуман таъсир қилмагандек, Элизабетнинг галабаси аҳамиятга эга эмасдек тутди ўзини.

Кейинроқ Бенни кутилмаган иш қилди. Авваллари ўриндикда қаддини тик тутиб ўтирарди, ҳозир эса оёқларини узатиб ерга ўтириб олди ва чуқур ҳўрсинди.

– Қизалоқ, сен мени яксон қилдинг.

Ҳамма кулиб юборди. Элизабет Векслернинг ёнида ўтирган Женнига кўз ташлади. Ўз навбатида Женни ҳам Элизабетга эҳтиром билан қараб турарди.

* * *

Кейинги кунларни Элизабет ва Бенни «Шахмат бюллетени» нашрининг 1950 йилгача бўлган китобларини ўрганиб ўтказишди. Вақти-вақти билан ўзаро шахмат ўйнаб туришар ва Элизабет ҳар сафар ютарди. Беннини тахта бўйлаб таъқиб қилиб бориб, бурчакка тикаётганидаги вазиятни худди ҳаётдаги каби ҳис қиларди. Бундан уларнинг иккиси ҳам ҳайратга тушарди. Партиялардан бирининг ўн учинчи юришида Беннининг фарзинига очиқ ҳужум уюштирди ва Бенни ўн олтинчи юришда ўз шохини ерга қулатди.

– Ҳа-а, – деди Бенни, – ўн беш йилдан бери мени ҳеч ким бу аҳволга солмаганди.

– Ҳатто Боргов ҳамми?

– Ҳатто Боргов ҳам.

Баъзида Элизабет шахматга шўнғиб, кечаларни бедор ўтказарди. Худди «Метуэн-Ҳоум»дагидек, лекин энди у ўша пайтдаги тарангликни ҳис этмас, уйқусизликдан кўркмасди. Меҳмонхона еридаги шиширилган ётоқда чўзилиб, деразадан кириб келаётган тунги Нью-Йорк шовқинига қулоқ тутиб ётар ва миясида шахмат жойлашувларини ўрганишда давом этарди. Улар кўз олдида ҳар қачонгидан ҳам аниқ ва ҳажмдор кўринарди. Транквилизаторларни анчадан буён ичмай қўйган ва бу идрокининг равшанлашишига ёрдам берди. Энди у партияларни бошидан охиригача эмас, фақат мураккаблиги сабаб умумэътироф этилган алоҳида ҳолатларни кўз олдида жонлантирарди.

Бир куни шундоққина деразаси тагида бир жуфтликнинг бақир-чақири эшитилди. «Сабр косам тўлди, лаънати! – бақирарди аёл. – Ақлдан озаман!»

– Худди шаллақи синглингдек, – жавобан бақирди эркак ҳам.

Элизабет ёнбошлаб ётди ва бирдан пиёдани фарзинга айлантиришнинг янгича усули миясига келди. Бу юриш гаройиб ва самарали эди. Уни амалда қўлласа бўларди.

«Йўқол, бу ердан қорангни ўчир!» – ўшқирди яна аёл.

Элизабет яна шифтга қараб ётди ва хурсандлигидан қимир этмай, яхши кайфиятда ухлаб қолди.

* * *

Учинчи ҳафта деярли ҳар кун улар Борговнинг партияларини ўрганишди ва охиригисини пайшанба кечқурун тугатишди. Элизабет эндшпил ҳақида ўз фикрларини айтиб, Боргов қандай қилиб дурангни четлаб ўтиши мумкин бўлганини гапираётганида Беннининг эснаётганини кўрди. Кеча иссиқ, ойналар очик эди.

– Шапкин миттелшпилда нотўғри усулни танлаган, – деди у. – Аслида фарзин майдонини ҳимоя қилиши керак эди.

Бенни қизга уйқусираб тикилди.

– Биласанми, ҳатто мен ҳам баъзида шахматдан чарчайман.

Элизабет йиғиладиган столдан турди.

– Унда ухлаш пайти бўлди.

– Бунчалик тез эмас, – Бенни унга бир оз тикилиб турди-да, жилмайди:

– Сенга сочларим ҳали ҳам ёқадими?

– Мен Василий Борговни қандай ютиш ҳақида ўйлаяпман ва сенинг сочларинг менга бунда ёрдам бермайди, – чўрт кесди Элизабет.

– Мен билан қоласанми?

Улар уч ҳафтадан бери бир уйда яшашарди, Элизабет эса эҳтирослари ҳақида деярли ўйламасди.

– Чарчаганман, – жаҳл билан гапирди Элизабет.

– Мен ҳам. Лекин мен билан бирга қолишингни истаяпман.

Шу тобда у жуда ёқимтой ва самимий эди ва Элизабетда йигитга нисбатан яна илиқ туйғулар уйғонди.

Эрталаб уйғонганида ёнида кимдир ётганини кўриб, сесканиб кетди. Бенни каравотнинг ўзи томонига юмалаб кетганди. Элизабет йигитнинг ёстиқдаги малла сочларини кўрди ва хижолат тортиб, уни уйғотиб юбормасдан деворга суяниб, секин ўтириб олди. Тун у кутгандек мўъжизакор бўлмади. Бенни билан ўртасидаги масофа тунда ҳам сақланиб қолди. Тонг ёруғида Беннининг териси худди ялтираётгандек кўринарди. Элизабет уни кучиб олгиси келди, аммо ўзини тийди.

Ниҳоят, Бенни ҳам уйғонди, унга қараб, уйқу аралаш кўзини пирпиратди.

– Хайрли тонг.

Бенни яна кўзини пирпиратди.

– Борговга қарши сицилиянча ҳимояни қўлламаслигинг керак эди, – деди у. – Боргов бу ҳимояни жуда яхши билади.

Эрталаб улар Лученконинг иккита партиясини таҳлил қилишди. Бу сафар Бенни тактикага эмас, стратегияга эътибор қаратди. Бенни қувноқ кайфиятда, Элизабет эса негадир ундан хафа эди. Бу муносабатларда унга кўпроқ нарса керак эди. Бенни эса ҳамроҳига навбатдаги шахмат маърузасини ўқирди.

– Сен туғма тактикачисан, – деди у, – лекин режаларни пала-партиш тузасан.

Элизабет индамади ва безовталигини қўлидан келганча босишга уринди. Умуман олганда, Бенни ҳақ эди, лекин қизнинг хатоларига ишора қилиб,

бундан завқланиши Элизабетнинг жаҳлини чиқарди. Тушда эса кетишини айтди.

– Бугун покер ўйнашга бораман.

Элизабет шахмат тахтасида ўрганаётган қийин позициясидан бошини кўтарди.

– Покер?!

– Мен уйга пул тўлашим керак.

Элизабет ҳайрон қолди. У Бенни қимор ўйнашини тахмин ҳам қилмаганди. Сўраб-суриштира бошлади ва Бенни унга покер ва трик-трак ўзига шахматдан кўпроқ пул келтиришини айтди.

– Сен ҳам ўрганиб олсанг, зарар қилмайди, – деди йигит жилмайиб. – Ахир, бундай ўйинларга устасан-ку!

– Унда мени ҳам олиб кет.

– У ерда фақат эркаклар бўлади.

Элизабетнинг қовоғи уйилди.

– Менга шахмат ҳақида ҳам шундай дейишганди.

– Ҳа, ишончим комил. Истасанг, мен билан бориб, томоша қилишинг мумкин. Лекин ўзингни яхши тут.

– Кўп қоламизми?

– Балки туни билан.

Элизабет ундан бу ўйин қачон режалаштирилганини сўрамоқчи эди. Ҳар ҳолда, ўтган кечадан анча олдин бўлса керак. Автобусда Бешинчи авенюдан Қирқ тўртинчи кўчагача боришди ва у ердан «Алгонкин» меҳмонхонасига яёв етиб олишди. Бенни бўлишишни истамаётган аллақандай хаёллар билан банд эди ва бутун йўл давомида бирор сўз демади. Элизабет яна аччиқлана бошлади. У Нью-Йоркка бунинг учун келгани йўқ ва Бенни бу ҳақда уни олдиндан огоҳлантириб қўймаганидан норози эди. Элизабет ҳаётда ҳам ўзини худди шахматдагидек тутарди: ташқаридан дўстона ва хотиржам кўринар,

қалбининг тубида эса ҳийлакор ва асаббузар бўлгани ҳолда йигитга эргашиб юргиси келмас ва покерга бориш фикридан аллақачон қайтиб бўлганди, аммо уйга қайтиб, шахмат партияларини ёлғизликда ўрганишни ҳам истамеди.

Қиморбозлар меҳмонхонанинг олтинчи қаватидаги унча катта бўлмаган хонага йиғилишди. Бенни айтганидек, у ерда фақат эркаклар бор эди. Тўрт нафар ўйинчи устида қаҳва финжонлари, фишка ва қарталар ётган стол атрофида ўтирарди. Ҳаво совуткич шовқин билан ишларди. Яна икки киши, кўринишидан шунчаки томошага келишган. Бенни кирганида ўйинчилар уни хурсанд бўлиб кутиб олишди. Бенни доимгидек сокин ва ёқимтой эди.

– Элизабет Ҳармон, – таништирди йигит ҳамроҳини.

Эркаклар унга ҳеч нарса демасдан бош қимирлатиб қўйишди. Бенни ҳамёнидан бир тахлам пул олиб, столга отди ва ўтирди. Элизабетга ортиқ эътибор бермай қўйди. Қиз нима қиларини билмай, ётоқхонага кирди. У ерда турган шиша идишдаги қаҳвадан бир финжон қуйиб, ўйин столига қайтди. Беннининг қаршисида фишкалар бир устун бўлиб турар, қўлида эса қарта бор эди. Чапда турган киши мовийранг фишкани столга ташлади.

– Кўтараман, – деди у совуққон. Қолганлар ҳам шундай қилишди, охирги бўлиб Бенни ҳам.

Элизабет бир чеккада туриб, ўйинни кузатарди. Ўзининг бир пайтлар етимхона ертўласида жаноб Шейбел тахтада шахмат доналарини қўйиб чиқаётганида худди шундай томоша қилганини ва ҳайратга тушганини эслади. Айни дамда ҳеч қандай қизиқишни ҳам туймаётганди. Унга покернинг қоидалари ҳам қизиқ эмас, лекин истаса, яхши ўйинчи бўлиши аниқ эди. Элизабет Беннидан газабда эди,

Бенни эса ҳамроҳи томонга бир марта ҳам қарамай, ўйнашда давом этди. Қарталар билан чаққон ўйнар, кибр билан фишкаларни стол марказига улоқтирар ва гоҳ-гоҳ «Ўтказаман» ёки «Сизнинг навбатингиз» каби сўзларни айтарди. Охир-оқибат, стол атрофида ўтирган эркаклардан бири навбатдаги ўйин олдидан қарталарни тарқатаётганида Элизабет Беннинг елкасига қўлини қўйиб, шивирлади:

– Мен кетдим.

– Яхши, – деди Бенни бошини қимирлатиб ва яна ўйинга диққатини қаратди.

Лифт томон юриб кетаётганида Элизабет Беннинг бошига ёғоч бўлаги билан бир туширгиси келди.

Шаҳар айланиш унга яхши таъсир қилди. Учинчи авенюдан етмиш саккизинчи кўчадаги Беннининг уйига борадиган автобусга чиққанида анча хотиржам тортганди. Ёлғизликда ўтириш ҳатто ёқимли эди. Кечанинг қолган қисмини Югославияда чиққан янги «Шахмат хабарлари» журнаlinesи ўқиб, ундаги партияларни ўрганиш билан ўтказди. Бенни ярим тундан ўтиб қайтди. Элизабет у ўрнига ётаётганида уйғониб кетди ва қайтганидан хурсанд бўлди. Йигит бирор нима ютган-ютмагани билан қизиқди.

– Деярли олти юз доллар, – деди у ўзи билан фахрланиб.

Элизабет бошқа томонига ўгирилиб, яна ухлаб қолди. Эрталаб нохуш кайфиятда уйғонди. Бенни киздаги бу ҳолатни дарров пайқади.

– Мендан аразладингми? – сўради у Элизабетга бир оз тикилиб тургач.

– Ҳа!

– Покерни дебми?

– Покер ҳақида аввалроқ айтмаганинг учун.

У бош ирғади.

– Кечир. Мен одамлар билан муносабатда масофа сақлашга ўрганганман.

Элизабет унинг бу сўзларидан кейин бир оз енгил тортди.

– Мен ҳам.

– Буни сездим.

Нонуштадан сўнг Беннига бир партия ўйнашни таклиф қилди ва у истамайгина рози бўлди. Улар узоқ чўзмаслик учун вақт назоратини ярим соатга қўйишди ва Элизабет сицилиянча ҳимоянинг Левенфиш усули билан барча хавфларни чаққон бартараф этиб, шохни шафқатсизларча таъқиб этди. Ўйин тугагач, Бенни мийиғида қулганча бошини қимирлатди.

– Менга бу олти юз доллар ростдан ҳам керак эди.

– Ишончим комил, – деди Элизабет. – Лекин нотўғри вақтни танладинг.

– Сенинг жаҳлингни чиқариш оқибати яхши бўлмайди, шекилли.

– Яна бир қўл ўйнаймизми?

Бенни елка қисиб, ундан юзини бурди.

– Қувватингни Боргов учун асраб қўй.

Элизабет агар унда ютишга умид бўлганида, албатта, ўйнашга рози бўлишини тушунарди.

* * *

Улар ҳамон бирга яшашар, лекин энди китоблардаги партиялардан бошқасини ўйнашмасди. Бир неча кундан сўнг Бенни яна қимор ўйнашга бориб келди ва икки юз доллар билан қайтди. Пуллар эрталабгача жавон устида ётди.

Парижга кетишидан бир ҳафта олдин Элизабет Беннидан ўрганадиган бошқа нарсаси қолмаганлигини тушунди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Уитли хоним улар саёҳатга чиқишганда доим ўзи билан Элизабетнинг асраб олинганлиги ҳақидаги ҳужжат ва асранди боласининг тугилганлик ҳақидаги гувоҳномасини олиб юрарди. Шу пайтгача буларнинг бирортаси ҳали керак бўлмаган бўлса ҳам, Элизабетга ҳам шу одат мерос бўлиб қолганди. Мексикага бориш учун фақат сайёҳлик картаси керак бўлар ва уни Уитли хоним расмийлаштирганди.

Нью-Йоркдаги илк ҳафтада Бенни Элизабетни Рокфеллер марказига олиб келди ва паспорт олиш учун ҳамма ҳужжатларини топширди. Яшил муқовали кичкина китобча бир ҳафтадан сўнг тайёр бўлди. Ичидаги суратда жиддий Элизабет қараб турарди. У Париж мусобақасига бориш-бормаслигини ҳали ҳам ҳал қилгани йўқ, лекин Кентуккидан Огайога кетишидан бир неча кун олдин ташкилотчиларга таклифга розилиги ҳақида хат юборди.

Кетиш вақти етганда Бенни уни Кеннеди аэропортига олиб бориб қўйди ва «Эйр-Франс» терминали ёнида тушириб қолдирди.

– Уни ютиш мумкин, – деди Бенни Борговни назарда тутиб. – Қўлингдан келади.

– Кўрамыз. Ёрдаминг учун раҳмат.

Элизабет жомадонларини ҳайдовчи ойнаси томонга қўйганди. Улар тўхташ мумкин бўлмаган ҳудудда туришарди, шунинг учун Бенни қизни аэропортга кузатишга тушолмади.

– Кейинги ҳафта кўришамиз, – деди у.

Бир зумга Элизабет у томон эгилиб, йигитни маҳкам қучгиси келди, лекин ўзини қўлга олди.

– Кўришамиз, – деди-ю, жомадонини олиб юриб кетди.

* * *

Бу сафар Элизабет қора костюм кийган савлатли кишини кўрганида ўзини нафрат чулғаб олишига тайёр эди, лекин даҳлизга кириб келиши билан нафаси бўғзига тиқилди.

Боргов унга орқа қилиб икки мухбир билан суҳбатлашиб турарди. Элизабет асабий ўтирилди – худди ўтган сафар ҳайвонот боғида уни биринчи бор кўрганидек. «Бу шунчаки қора костюм кийган одам, шунчаки шахмат ўйнашни биладиган рус киши», дерди ўзини ўзи тинчлантиришга уриниб. Мухбирлардан бири Боргов иккинчи мухбир билан гаплашаётганида уни суратга олди. Элизабет бир неча дақиқа бу учликни кўздан кечирди ва миясидаги таранглик секин-аста тарқай бошлади. У голиб бўла олади. Ортига ўтирилиб, рўйхатдан ўтиш столи томон юрди – мусобақа йигирма дақиқадан сўнг бошланади.

Элизабет шунча пайтдан бери қатнашган мусобақалар ичида бу – шахматчилар сони энг кам мусобақа эди. Ўйин Экол Милитэр ёнидаги нафис тарихий бинода ўтарди. Олти шахматчи ва беш тур – бир кунда бир партиядан, дам олиш кuni йўқ эди. Агар Боргов иккиси илк рақибларидан бирор кимга ютқазилса, тахта атрофида бошқа учрашилмайди. Рақобат бу ерда анча кучли эди. Шунга қарамай, Элизабетнинг ўзи ҳам, Боргов ҳам голиб бўлишига ишончи комил эди. У йўлак бўйлаб мусобақа хонасига шахдам қадамлар билан юриб кетди. Шу кuni эрталаб ўйнаши керак бўлган партия ҳақида зигирча ҳам қайғурмасди. Боргов билан фақат финал турларининг бирида учрашади, ҳозир ўн дақиқадан кейин эса қоралар томондан жангга ўтиради. Ҳозирги партиядан умуман кўрқмасди. Франция шахмат бўйича етакчи давлат ҳисобланмаса-да, му-

собақа учун ажратилган хона ажойиб эди. Баланд кўк шифтда иккита биллур қандил осиглиқ турар, полга ҳашаматли кўк гулли-гулли гилам ёзилганди. Шахмат тахталари силлиқланган ёнгоқ дарахтидан ишланган учта столга қўйилган, ҳар бирининг ёнида кичик кўзачаларга пушти чиннигуллар солинган эди. Атроф худди қимматбаҳо овқатланиш жойларини эслатарди. Ҳакамлар эса смокинг кийган официантлар каби столлар орасидан кесиб юришарди. Ҳаммаёқ тинч ва тоза эди. Элизабет Нью-Йоркдан Парижга тунда келди ва шаҳар айланишга улгурмади, лекин ўзини яхши ҳис этарди. Меҳмонхонада анча узоқ вақт ухлади. Бунга беш ҳафтадан буён тинмай машғулот ўтагани ҳам сабаб бўлди. Элизабет ҳали ҳеч қачон ўзига бунчалик ишонмаганди.

Голландиялик эркак Рети киришини қўллади ва Элизабет худди Бенни билан ўрганганидек ҳимоя тузиб, кучлар тенглигига эришди. Хужумни рақиби рокировка қилишга улгуришидан аввал бошлади – филни қурбон қилиб, голландияликни шоҳни ҳимоя қилиш учун от ва икки пиёдани юришга мажбур қилди. Ўн олтинчи юришга келиб, бутун тахтага хавфли тузоқларни қўйиб чиқди. Уларнинг ҳеч бири ғалаба олиб келмаса-да, хавфнинг кўплиги голландияликка кўп муаммо тугдирди. У чекиниб борди ва охир-оқибат умидсиз бурчакка қисилиб қолгач, енгилганини тан олди.

Тушда Элизабет яхши кайфиятда Риволи кўчасини сайр қилди. Пештахталардаги кийимлар, пойабзалларни томоша қиларди. Ҳеч нима сотиб олиш ниятида бўлмаса ҳам томоша қилишнинг ўзи гаштли эди. Париж Ўю-Йоркка ўхшаб кетарди, фақат нозиктаб, замонавий ва маданиятлироқ. Кўчалар тоза, дўконлар пештахталари ялтираб туради. Қиз столлари пиёдалар йўлакчасигача чиқиб кетган ҳақиқий француз қахвахоналари ёнидан ўтиб борар,

стол атрофида шод кишиларнинг французча талаффузлари қулоғига ёқимли эшитиларди.

Ҳа, оёқлари остида Париж кўчаси, атрофида чиройли кийинган француз аёллари – *parisiennes*⁶³, у эса бор-йўғи ўн саккиз ёш ва шахмат бўйича АҚШ чемпиони. Шодликдан юраги қинидан чиқиб кетай деди ва Элизабет бир оз қадамини секинлатди. Унинг ёнидан икки эркак суҳбатлашиб ўтиб кетди: «... avec deux parties seulement»⁶⁴. Бу французлар эди ва Элизабет уларни тушунарди. Элизабет пиёдалар йўлкасининг ўртасида тўхтади, кўчадаги кулранг бинолар гўзаллигидан, дарахт баргларида ўйнаётган куёш нуридан, бегона шаҳарнинг ҳидидан баҳра олди.

Қачондир у шу ердан уй олади – Распай бульвари ёки Капуцинок кўчасидан. Ёши йигирмадан ошганидан сўнг жаҳон чемпиони бўлади ва истаган жойида яшайди. Парижда *ried a terre*⁶⁵ олиши ҳам мумкин. Концертлар ва спектаклларга бориш, ҳар куни ҳар хил қаҳвахоналарда тушлик қилиш ва ҳозир рўпасидан келаётган аёллар каби ўзига ишонган, бошлари виқор билан кўтарилган, сочлари чиройли турмакланган. Унда бу аёлларда йўқ нарса бор ва бу алоҳида иқтидор унга ҳамма орзу қиладиган ҳаётни беради. Бенни кейинги ёзда Москва мусобақасига бориши кераклигини бежиз айтмаганди. У ҳақ. Элизабетни Кентуккида ушлаб турадиган ҳеч нарса йўқ. Унинг имкониятлари чексиз.

Элизабет бир неча соат ҳеч нарса сотиб олмасдан бульвар бўйлаб сайр қилди – фақат пештахталарга, одамлар ва бинолар, ошхоналар, дарахтлар ва гулларни томоша қилиб юрди. Пэ кўчасидан ўтаётганида билмасдан қари хонимга урилиб кетди.

⁶³ Парижлик аёллар (*фр.*).

⁶⁴ Икки қисмдан иборат (*фр.*).

⁶⁵ Вақтинчалик уй (*фр.*).

– Excusez-moi, madame⁶⁶, – деди у осон ва самий, худди бутун умр французча гаплашгандек.

Мусобақа ўтаётган хонада соат тўрту ўттизга зиёфат белгиланганди. Элизабет бир амаллаб қайтишга йўлни топиб борди ва ўн дақиқа кечга қолиб, ҳансираб кириб келди. Ўйин столлари хонанинг охирига суриб қўйилган, курсилар девор тагига қўйиб чиқилганди. Элизабетни эшик ёнига жойлашди ва олдида дунёдаги энг мазали ширинликлар қўйилган аравагани олиб келишди. Қўлида *cafe filtre*⁶⁷ тутганча у бирдан ёнида Алма Уитли йўқлигидан, энди ҳеч қачон бундай гўзалликни кўролмаслигидан гамгин тортди. «Наполеон» тортилган ликопни олаётиб, Элизабет баланд кулгини эшитди ва хонанинг тўрига қаради. У ерда ўзини қуршаб олган одамлар орасида Василий Боргов қўлида бир финжон қаҳва билан турарди. Қўпол юзи қувноқликни ифодаларди. Элизабет унга қараб туриб, ичида муз бўлаги катталашиб бораётганини ҳис қилди.

Оқшом Элизабет хонасига қайтиб, Борговнинг Бенни билан таҳлил қилган ўн иккита партиясини ўйнади, уларни яхши ёдлаб олганди. Дори ичмасдан ярим тундан аввалроқ ётди ва яхши ухлади. Боргов ўн бир йилдан буён халқаро гроссмейстер унвонига эга, беш йил жаҳон чемпиони бўлган, лекин бу сафар Элизабет унга енгилмайди. Бундан ташқари аниқ устунлиги бор: Боргов ўйинга Элизабет унга қарши ўйинга тайёрлангандек тайёр эмас.

* * *

Элизабет мусобақада ғалабалар сонини ошириб борарди: голландияликдан сўнг француз, эртасига

⁶⁶ Кечирасиз, хоним (фр.).

⁶⁷ Қаҳва қайнатгичда тайёрланган ўткир қаҳва (фр.).

эса англизни ҳам мағлуб этди. Боргов ҳам бирорта партида ютқазмади. Финалдан бир кун аввал Элизабет яна бир голландиялик – аввалгисидан каттароқ ва тажрибалироқ иштирокчи билан ўйнаётганида Боргов билан қўшни столда ўтириб қолди. У шунчалик яқин ўтирардики, Элизабетнинг ақли бир неча дақиқага хиралашди, лекин ўзини ўнглаб олди. Голландиялик анчагина кучли чиқиб қолди ва диққатни ўйинга қаратишни талаб қилди. Тўрт соат ўтиб, ниҳоят рақибини мот қилгач, Элизабет бошини кўтариб, қўшни столга қаради. Тахтада аллақачон доналар йўқ, Боргов кетиб бўлганди.

Чиқиб кетаётганда ташкилотчилар столига келиб, эртага ким билан ўйнашини сўради. Ҳакам қоғозларни титиб, жилмайди ва шундай деди:

– Гроссмейстер Боргов билан, мадмуазель.

Элизабет айнан шундай жавобни кутганди, негадир нафаси ичига тушиб кетди.

Кечқурун бирданига учта дори ичиб, узоқ пайт ухломаслигидан кўрқиб, барвақт ётди. Лекин тезда ухлаб қолди ва соат саккизда яхши дам олиб, ўзига ишонч ҳисси, равшан онг ва ўйинга тайёрлик руҳида уйғонди.

* * *

Элизабет хонага кириб, стол атрофида ўтирган Борговни кўрганида бу гал кўзига аввалгидек савлатли кўринмади. Рақиб яна ўша таниш қора костюмда, ҳамма нарса ўша-ўша ҳолатда эди: калин қора қошлар, сочи тартиб билан орқага таралган, чеҳраси доимгидек совуққон – лекин энди Элизабет рақибининг юзида кўрқинчали ҳеч нарсани кўрмади. Боргов мулойимлик билан узатилган қўлни сиқиб қўйди. Элизабетга оқлар тушганди. Улар ўтириши билан Боргов соатни юрғизди.

Элизабет нима қилишини аввалдан ўйлаб қўйганди: Беннининг маслаҳатига қарамай, пиёдани шоҳ йўлагининг тўртинчи катагига юрди ва Боргов сицилиянча ҳимояни қўллашига умид қилди. Элизабет унинг бундай кириш билан бошланган партияларининг ҳаммасини ўрганиб чиққан. Дастлаб рақибининг фарзин қанотидаги рух пиёдаси билан жавоб берганида у ўзида ёқимли ҳаяжонни туйди. Элизабет бу инсон билан ўйинга тайёр эди. Шунданми, иккиланмай отни шоҳ қанотидаги филнинг учинчи катагига юрди. Боргов отни фарзин қанотидаги филнинг учинчи катагига қўйди. Олтинчи юришда улар Болеславский усулига яқинлашишди. Элизабет Борговнинг айнан шу усул қўлланган саккизта партиясини тўлиқ, қадамма-қадам ўрганиб чиққан. Икир-чикирларигача таҳлил қилган.

Олтинчи юришда Боргов Болеславский усулини кучайтира бошлади – пиёдасини шоҳнинг тўртинчи катагига юрди. Элизабет ўзининг ҳақлигига тўла ишониб, отини шоҳнинг учинчи катагига қўйди. Кўзини тахтадан узиб, Борговга қаради. Боргов оддий шахматчи кўринишида ўтирарди – муштини юзига тираб, доналарни ўрганарди.

«У кучли, совуққон, ҳийлакор ўйинчи, лекин ҳаракатларида ҳеч қандай сеҳр-жоду йўқ», деди Элизабет ўзига ўзи. Боргов рақибига қарамасдан филни отнинг иккинчи катагига юрди. Элизабет рокировка қилди. Боргов ҳам. Элизабет ёруғ ва ҳашаматли хонага қаради – иккала рақибдан ташқари тахталар устида яна икки жуфт ўйинчилар ўтирибди.

Ўн бешинчи юришга келиб, иккала майдонда шаклланиб бораётган йўлларни фарқлашни бошлади, йигирманчисига келиб, ақли қанчалик равшанлашганидан ҳатто ҳайратга тушди. Мияси осон ва чақмоқдек тез ишлар, бетартиб адоқсиз қадамлар

ўртасидан ўз йўлини топиб борарди. Элизабет икки томонлама ҳужум билан рақибини фарзин қанотидаги фил йўлагидан сиқиб чиқара бошлади – Боргов чекинди. Элизабет марказий пиёдаларини кучайтира бошлади. Унинг позицияси яна ва яна очила бошлади, ҳужум учун имкониятлари кўпайди. Боргов ҳар сафар ҳужумлардан қочиб қолаётган бўлса-да, Элизабет рақибидан айнан шуни кутарди ва кучига куч қўшиларди. У ичидан кучли йўлларни топишига метин ишонч билан ҳаракатланаётганди. Элизабет шу вақтга қадар шундай чиройли ва шундай шиддат билан ўйнамаганини тан олди. Ҳужумлар кетма-кетлиги қораларни қийин аҳволга солиб қўяди, кейин икки томонлама, уч томонлама ҳужумларга ўтади ва Боргов таъқиблардан қочиб қутулолмайди. Қора фарзин руҳи Элизабет уни бажаришга мажбур қилган икки юриш сабаб тузоққа тушиб бўлганди. Қора фарзиннинг эса йўли боғланган – у руҳни ҳимоя қилиши керак. Қоралардан фарқли равишда оқларнинг ҳар юришда эркинлиги ортиб борарди. Элизабетга ўзининг душманга хавф туғдириш қобилияти чексиздек туюлди. Яна хонага кўз ташлади. Иккита партия тутаб бўлганди. Ҳайрон бўлиб, соатига қаради – тушки икки. Демак, Боргов иккиси уч соатдан ошиқ ўйнашяпти. Элизабет яна диққатини шахмат тахтасига қаратди. Ҳолатни бир неча дақиқа ўрганиб, фарзинни марказга юрди. Ҳужумни кучайтириш вақти келганди. Нигоҳини Борговга қаратди. Боргов эса ҳар доимгидек сокин эди ва Элизабетнинг нигоҳига эътибор бермай, фарзин юришидан кейин тахтадаги ҳолатни ўргана бошлади. Билинар-билинемас елка қимирлатиб, фарзинга қарши руҳни ишга туширди. Элизабет рақиб шундай қилиши мумкинлигини билганди ва бунга жавоби ҳам тайёр эди – у отини майдонга тушириб, шоҳ ва руҳ ўлими хав-

фини пайдо қилди. Энди Боргов шоҳини юришига тўғри келади, Элизабет эса фарзинини рухнинг вертикал йўлагига ўтказиши мумкин бўлади. Бу йўладан аввалги хужумлардан кўра анча кучли бўлган хужумлар уюштиришнинг ўнлаб йўллари очилади. Боргов тезда юрди ва у юрган дона шоҳ эмасди. У рух пиёдасини олдинга сурди. Элизабет унинг нима ҳақда ўйлаганини аниқлаш учун жойлашувни беш дақиқа таҳлил қилди. Агар рақиби ҳозир шоҳ эълон қилса, Боргов унга рухни олишга йўл қўйиб беради, кейин эса филнинг рух пиёдаси олдига қўяди ва Элизабет фарзинини олиб қочишига тўғри келади.

Элизабет ўзини ваҳима босаётганини сезиб, нафасини ичига ютди. Унинг ҳозирги горизонтал қатордаги рухи ва у билан яна икки пиёдаси йўқолади. Бу фожа бўлади. Фарзинни дарҳол чекиниш мумкин бўлган жойга ўтказиш керак. У тишини тишига қўйиб, юрди.

Боргов барибир филни пиёданинг ҳимоясига чиқарди. Элизабет бунинг оқибатини тушунгунича филга узоқ термилди: ҳозир уни олиб ташлаш учун қўядиган ҳар қандай қадами қимматга тушиши мумкин. Жойида қолдирганда эса у қораларнинг бор кучини янада оширади. Элизабет Борговга қаради – у Элизабетга сезилар-сезилмас жилмайиб қараб турарди. Элизабет шошиб яна кўзини тахтага қаратди. Икки оқ фил билан хужум уюштираётгани бўлганида Боргов диагональ йўлни ёпиб, хавфни бартараф қилди. Элизабет ақл бовар қилмас даражада ўйнаётганди, лекин Боргов рақибидан ҳам ўтиб тушди. Энди хужумни кучайтириш керак эди. У аввал хаёлига келмаган гаройиб йўлларни топиб, хужумни кучайтирди. Лекин шунинг ўзи кифоя қилмади. Ўттиз бешинчи юришга келиб, Элизабетнинг томоғи қақраб кетди. Рўпарасидаги тахтада оқлар заифлашар, қо-

раларнинг эса кучи ортиб борарди. Бунга ишониб бўлмасди. У ҳар қачонгидан ҳам яхши ўйнади, лекин Боргов барибир устунлик кўрсатди. Ўттиз саккизинчи юришда у қатъият билан рухни Элизабетнинг горизонтал қаторидаги иккинчи катагига қўйди ва биринчи мот хавфини юзага келтирди. Элизабет бу хавфни бартараф қилиш йўллари аниқ кўрди, лекин унинг ортидан ҳужумлар кетма-кет ёпирилди. Боргов унга ё мот эълон қилади, ё унинг фарзинини олиб қўяди ёки ўзининг пиёдасини иккинчи фарзинга айлантиради. Элизабетнинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди, тахтага – ўзининг иложсизлигига қараб туриб, боши айланди.

У шоҳини йиқитмади. Шунчаки ўрнидан турди ва рақибининг ҳиссиз юзига қараб: «Мен енгилдим», деди. Боргов бош ирғади. Элизабет ортига ўгирилиб, хонадан чиқиб кетди, ўзини ҳам руҳан, ҳам жисмонан жуда ночор ҳис қилди.

* * *

Нью-Йоркка қайтишда самолётда ўтирган Элизабет тузоққа тушиб қолгандек эди: у дераза олдида ўтирар ва Боргов билан ўтказган партияси хотираларидан қутулолмасди. Стюардесса унга бир неча марта спиртли ичимликлар таклиф қилди, Элизабет эса ҳар гал рад этаверди. Тинчлантирувчи дориларини ичиб олди, лекин ичидаги тугун, қоронғилик тарқалмади. Боргов билан ўйинда бирор хатога йўл қўймади, аксинча, фавқулодда яхши ўйнади. Лекин ўйин охирида унинг майдони харобаларга тўлди, Боргов эса худди ҳеч нима бўлмагандек бамайлихотир кўринарди.

Элизабетнинг Бенни билан учрашишга ҳуши келмади. Аввалига унга қўнғироқ қилиб, аэропортдан олиб кетишни сўрамоқчи бўлди, лекин ҳозир Бен-

нининг уйига қайтолмасди. Лексингтондаги уй бир ярим ойдан бери қаровсиз. Ниҳоят, Элизабет уйга қайтиб, яраларига ёлғизликда малҳам қўйишга қарор қилди.

Париж мусобақасининг учинчи ўрин учун соврини анчагина экан. Бу пул Кентуккига бориш ва қайтиш харажатларини бемалол қоплайди. Яна уйнинг хужжатлари ҳам ҳали расмийлаштирилмади, қолаверса, ҳуқуқшунос билан ҳам боғланиши керак. У бир ҳафтача Лексингтонда туриб, кейин яна Бенни-никига ўқишни давом эттириш учун қайтади. Лекин Борговга қарши ўйин учун қанчалик машаққат билан меҳнат қилганини эслаб, яна кўнгли беҳузур бўлди. Иродасини жамлаб, хаёлларини ўзидан итарди. Ҳозир асосийси – Москва мусобақасига тайёргарлик қўриш эди. Бунга ҳали вақти бор.

Элизабет Кеннеди аэропортидан Беннига кўнги-роқ қилди ва якуний партияни бой берганини, Боргов яна уни енгганини айтди. Бенни масофа сақлаб гапирар, лекин мулойим эди. Кентуккига қайтиб, бир муддат ўша ерда қолмоқчилигини айтганида эса негадир аччиқланди.

– Енгилма, Элизабет! Битта бой берилган партиянинг аҳамияти йўқ, – деди Бенни.

– Енгилмайман, – деди Элизабет.

* * *

Почта қутисида тўпланиб қолган қогозлар ичида уйни номига ўтказиш билан шуғулланаётган ҳуқуқшунос Майкл Шенодан келган хат ҳам бор эди. Хатга қараганда, уйни расмийлаштириш билан боғлиқ муаммо юзага келган, ҳуқуқшунос унда ҳали уйга эгалик ҳуқуқи⁶⁸ йўқлигини ёзибди. Бу муаммо Олстон Уитли билан боғлиқ эди.

⁶⁸ Эгалик ҳуқуқи – мулкка яқка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат.

Қолган хатларни Элизабет очиб ҳам ўтирмай, тезда Шенонинг идорасига қўнғироқ қилди.

– Мен кеча уч марта сиз билан боғланишга уриндим! Қаерда эдингиз? – деди у гўшакни кўтарибоқ.

– Парижда, шахмат ўйнаётгандим.

– Саёхатингиз ёқимли бўлди, деган умиддаман, – у бир оз жим туриб, мақсадга кўчди: Уитли имзолашдан бош тортяпти.

– Нимани имзолашдан?

– Хужжатни. Эгалик ҳуқуқи ҳақидаги хужжатни. Бу ерга кела оласизми? Буни муҳокама қилиб олишимиз керак.

– Мен сизга нимаям қилиб бера оламан? – сўради Элизабет. – Сиз ҳуқуқшуноссиз-ку. Жаноб Уитли менга керакли хужжатларга имзо қўйиб беришини айтганди.

– Жаноб Олстон фикридан қайтибди. Балки, сиз уни кўндира оларсиз.

– У сизнинг идорангиздами?

– Йўқ, лекин шу шаҳарда. Балки, агар сиз унинг кўзига қараб, қизи эканингизни эслатиб қўйсангиз...

– Нима учун имзолашдан бош тортяпти? – гапни бўлди Элизабет.

– Пул учун. У уйни сотишга қарор қилган.

– Балки сиз Жаноб Олстонни менинг ёнимга олиб келарсиз. Эртага.

– Уриниб кўраман, – хўрсинди ҳуқуқшунос.

Гўшакни қўйгач, Элизабет уйга назар солди. Уй ҳали ҳам жаноб Уитлига тегишли экан. Бу Элизабет учун кутилмаган хабар бўлди. Қиз бу уйда уни бир мартагина кўрган. Бу уйда унинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ, деб ўйларди Элизабет.

Иссиқ июль ойининг кундузларидан бири эди. Аммо Олстон Уитли қалин тўқ кулранг костюмда

келди. Диванга ўтираётиб, шимини тўғрилади. Шими пайпоғи устидан кўтарилиб, озғин тўпиғининг рангпар терисини яланғочлади. Элизабет бу уйда ўн олти йил яшаб, Олстоннинг кўринишига зиғирча ҳам қизиқиш билдирмаган. Уйга худди бегонадек кириб келди ва юзида ё газаб, ё хижолатлик аломати пайдо бўлди. У диваннинг бир четида жим ўтирарди. Элизабет унга бир қарашдаёқ ўзини ноқулай сизди. Жаноб Уитли Элизабет уни биринчи марта Дирдорфф хонимнинг хонасида кўрганидек эди.

– Элизабет, Жаноб Уитлининг сизга таклифи бор, – деди ҳуқуқшунос.

Элизабет улардан ярим ўгирилиб ўтирган Олстоннинг юзига қаради.

– Сиз бу ерда янги уй топиб, кўчиб кетгунингизча қолишингиз мумкин, – давом этди ҳуқуқшунос.

«Нима учун бу таклифни унинг ўзи айтмаяпти», – ўйларди Элизабет.

Жаноб Уитли ўзини шунчалик ноқулай ҳис қилардики, бу шундоққина юз-кўзларидан кўриниб турарди ва Элизабет ўзи сезмаган ҳолда Олстон эмас, ўзи хижолат чекаётгандек бўлди.

– Мен дафн харажатларини тўласам, шу уйда қолишим мумкин, деб ўйлагандим.

– Жаноб Уитлининг айтишича, сиз уни нотўғри тушунгансиз.

Нима учун Уитлининг ўрнига Элизабетнинг ҳуқуқшуноси гапиряпти? Элизабет жаноб Уитлига қаради – у тамаки тутатди ва ҳамон худди аразлагандек бошқа томонга қараб турарди.

– Унинг айтишича, ўзингизга бошқа уй топгунингизча шу ерда яшаб туришингизга имкон бераркан.

– Бу ёлгон. Жаноб Уитли менга уйни ўзимга қолдиришим мумкинлигини айтган, – Элизабет худди

кимдир тарсаки тортгандек бирдан жаноб Уитли томон ўтирилди. – Мен сизнинг қизингизман. Сиз мени асраб олгансиз. Нега мен билан тўғридан-тўғри гаплашмаяпсиз?

Олстон унга хуркиб кетган қуёндек қаради.

– Алма... Алма фарзандли бўлишни истаганди...

– Сиз асраб олиш ҳужжатларига қўл қўйгансиз. Зиммангизга масъулият олгансиз. Ҳатто кўзимга ҳам қарай олмайсизми?

Олстон Уитли ўрнидан сакраб турди ва дераза томон юрди. Ўтирилгунгача ўзини ўнглаб олди, шекилли, жаҳддор кўринишда деди:

– Алма сени асраб олишни истади, мен эмас! Агар мен қандайдир арзимас қоғозларга қўл қўйган бўлсам, фақат у мени тинч қўйиши учун қилганман. Бу менинг ҳамма нарсам сенга тегишли дегани эмас! – у яна дераза томонга ўтирилди. – Ҳар ҳолда, Алма шундан сўнг мени тинч қўйди.

– Сиз мени асраб олдингиз, – такрорлади Элизабет. – Мен сиздан буни сўрамагандим, – шу тобда унинг томоғи бўғилиб қолди. – Ҳужжат бўйича сиз менинг отамсиз.

Жаноб Уитли яна унга қаради, Элизабетнинг юзи газабдан қизарганди.

– Бу уйни мен шахсий пулларимга олганман ва муғамбир ташландиққа мулкимни мендан олиб қўйишига йўл қўймайман!

– Мен ташландиқ эмасман! Мен сизнинг қонуний қизингизман!

– Ҳеч қанақа қизим эмассан! Ҳуқуқшуносингнинг гапларига ҳам тупурдим! Алманинг валдирашларига ҳам тупурганман! Бу аёл тинимсиз жавварди!

Бир муддат ҳамма жим қолди. Ниҳоят, жимликни Шено бузди:

– Жаноб Уитли, Элизабетдан нима истайсиз?

– Унинг бу ердан кўчиб кетишини истайман. Мен уйни сотмоқчиман.

Элизабет бир неча сония унга қараб тургач, гапирди:

– Унда уйни менга сотинг.

– Нима? – тушунмади Уитли.

– Мен уйни сотиб оламан. Сиз уйга тўлаган пулларни мен бераман.

– Ҳозир уй анча қиммат туради.

– Қанча?

– Етти минг.

Элизабет унинг уйга эгалик улуши беш мингдан кам эканини биларди, лекин бўш келмади.

– Яхши, – деди у.

– Шунча пулинг борми?

– Ҳа, лекин онамнинг дафн маросими харажатларини олиб қоламан. Сизга тўлов қоғозларини юбораман.

Олстон Уитли азобланаётгандек хўрсинди.

– Майли, – деди у. – Шартномани тайёрланг. Мен меҳмонхонага қайтаман, – у эшик томон юра бошлади. – Бу ер жуда иссиқ.

– Пиджагингизни ечсангиз бўларди, – деди Элизабет.

* * *

Қизнинг банкдаги ҳисоб рақамида икки минг доллар қолди ва пул жуда камдек туюлди. Пулсизлик муаммосини тезда ҳал қилиш имконияти туғилди: почта қутисидан иккита катта совринли мусобақага таклифнома чиқди. Биринчисида ютуқ пули бир ярим минг, иккинчисида икки минг доллар эди. Яна Россия давлатидан келган семиз хатжилд ҳам бор.

Уни июлда Москвада бўладиган мусобақага чақиришган.

Имзоланган ҳужжатларнинг бир түп нусхалари билан қайтган Элизабет меҳмонхонани бир неча марта айланиб чиқди. Анжомларга оҳиста тегинди. Уитли улар ҳақида ҳеч нима демади, лекин буларнинг бари ўзига тегишли деб ҳисоблади ва ҳар эҳтимолга қарши ҳуқуқшуносдан аниқлатиб олди. Жаноб Уитли яна бир учрашувдан ўзини олиб қочди ва Шено ҳамма ҳужжатларни «Қақнус» меҳмонхонасига имзолатишга олиб борди. Элизабет эса бу пайтда ҳуқуқшунослик идорасида географик журнални ўқиб ўтирди. Уйга қонуний эга бўлгач, бу уйда ўзини бошқача ҳис эта бошлади. Нималарнидир ўзгартиришни режа қилди: бирор янги нарсани олиши керак – сифатли пастроқ диван ва иккита янгича курси, масалан. Элизабет буюмларнинг қандай бўлишини тасаввур қилди: оч мовийранг қопламали ва четлари тўқ кўк. Бу бошқача мовийранг бўлади, Уитли хонимникидек эмас. Элизабетнинг шахсий мовий ранги. Меҳмонхона ёрқин ранглар билан жиловланишини, Уитли хоним қолдирган изларни ўчириб ташлашни истарди негадир. Ерга ранг-баранг гилам солиш, деразаларни ювиш керак. Қолаверса, мусиқа ускунаси ва пластинкалар түпламини сотиб олади, кўрпа-тўшакларни янгилайди. Буларнинг барини «Пёрселл» дўконида буюртма қилади. Ҳар не бўлганда ҳам Уитли хоним яхши она эди: тўсатдан вафот этиб, қизини тақдир ҳукмига ташлаб кетишни сира истамагани аниқ.

* * *

Элизабет яхши ухлади, лекин ёмон кайфиятда уйгонди. Гулли ёпинчиқ билан Уитли хонимнинг

шиппагини кийиб олиб, Олстонга берган етти минг доллари ҳақида ғазаб билан ўй сурганча биринчи қаватга тушди. Элизабет пулларини авайларди. Уитли хоним билан ҳар мусобақадан сўнг ҳисобга пул қўйишаётганда бундан роҳатланишар, бирга қизиқиб ҳисобни текширишар ва ҳар гал пуллар миқдори ошаётганини кўриб, хурсанд бўлишарди. Уитли хонимнинг ўлиmidан сўнг, яна шу уйда яшаш, истаган пайти пулни ўйламасдан дўкондан озиқ-овқат харид қилиши, кинога бориши мумкинлигини билиб хотиржам бўлар, пули етмай қолишидан қўрқиб, дарҳол иш қидириши, коллежга кириши ёки бирор мусобақада ютуқни олиш учун галаба қозонишга шошиши шарт эмасди.

Элизабет ўзи билан Нью-Йорқдан Беннининг рисоаларини олиб келганди. Нонуштага тухум қайнагунича ошхона столида шахмат тахтасини очиб, доналарни қўйди ва Москвадаги охирги мусобақада ўйналган партияларни очди. Россияда нашр этилган шахмат рисоалари қиммат, сифатли қогозда, аниқ ҳарфлар билан чоп этилганди.

Рус тили курсларига қатнаган бўлса ҳам, бу тилни унча яхши ўрганолмади, аммо партия қайдларини ва ўйинчилар исм-шарифларини бемалол ўқий оларди. Кирилл ёзуви унинг гашига тегар, Россия ҳукумати шахматга шунча катта пулларни ажратиши эса ундан ҳам баттар жаҳлини чиқарарди. Яна худди атай қилгандек бошқа ёзувдан фойдаланишади.

Тухум қайнагач, уларни арчиб, идишга қўйди, бир оз ёғ солди ва тахтада Петросян ва Талнинг ўйинини ўргана бошлади. Грюнфельд ҳимояси. Славян ҳимоясининг меранча усули. Элизабет саккизинчи юришгача ўйнади. Қора шоҳ қанотидаги отни фарзиннинг иккинчи катагига қўйди ва ўйиндан зерикиб қолди. Элизабет доналарни таҳлил қилиб ўтир-

масдан тез юарди. Ҳозир Бенни шу ерда бўлганидами, ўйинда бўлаётган ҳар бир ҳаракатни батафсил таҳлил қилиш учун тўхташга мажбур қилган бўларди. Тухумларни еб бўлгач, Элизабет орқа эшикдан боққа чиқди.

Тонг иссиқ эди. Ўтлар ўсиб кетиб, аллақачон қуриб қолган атиргулларга олиб борувчи ғиштли йўлакчани эгаллаб олган. Элизабет уйга кирди. Оқ рухни фарзиннинг биринчи катагига қўйди ва бирдан доналарга ҳайрон бўлиб қаради: шахмат ўрганишга бўлган бор қизиқиши йўқолганди. Бу уни қўрқитиб юборди, ахир Москвада уятга қолишни истамаса, ҳали кўп нарсани ўрганиши керак.

Қўрқувини ортга суриб, юқорига ювинишга чиқиб кетди. Ойна қаршисида сочларини қуритаётиб, сочини қирқтириш пайти келганини ўйлади ва енгил тортди – демак, бугун ўзини чалгитадиган иши бор. Сартарошхонадан сўнг «Пёрселл»га кириб, меҳмонхона учун диванларни кўриш мумкин. Лекин уни ҳозир харид қилиш тўғри бўлмайди, аввал пул йиғиб олиши керак. Боғдаги ўтти нима қилса бўлади? Уитли хоним борлигида ўтларни ўришга ёш йигит келиб турарди, аммо Элизабет унинг манзилини ҳам, телефон рақамини ҳам билмасди. Уйда катта тозалаш ишларини ўтказиш ҳам зарар қилмасди, ҳаммаёқ ўргимчак тўри бўлиб кетган. Кир бўлиб кетган кўрпа-тўшакларни янгисига алмаштириш керак. Яна кийимлар ҳам олиш керак. Гарри Белтик ювиниш хонасида соқол олиш ускунасини унутиб қолдирибди – уни почтадан жўнатиб юбориш керакмикин? Сут ва ёғ ачиган, музлаткичнинг ичини муз бўлаклари босиб кетибди, девор томонга муддати ўтиб кетган ярим тайёр товук ёпишиб қолган. Ётоқхонадаги гилам ҳам чанг босибди, шишалар бармоқ

излари бўлиб кетган, токчалар чанг... Бир оз гангиб тургач, Элизабет бошини қимирлатди-ю, гўшакни кўтарди. Сартароши Робертега қўнғироқ қилиб, қабул вақтини келишиб олди ва бир йўла бир-икки ҳафтага уй хизматчисини қаердан ёллаш мумкинлигини сўради. Кейин «Моррис»га кириб, бир нечта шахмат китобларини буюртма қилиш ва «Тобиникида» тамаддихонасида тушлик қилиш мумкинлигини ўйлади.

Ўша куни китоб дўконида ўзи танийдиган сотувчи йўқ экан. Унинг ўрнидаги аёл китобларни қандай буюртма қилишни билмасди. Элизабет сотувчидан каталог беришни сўради ва барибир сицилиянча ҳимоя бўйича учта китоб буюртма қилди. Унга гроссмейстерлар ўйинлари тўплами ва «Шахмат хабарлари» керак эди, лекин бу нашрларни Югославиянинг қайси нашриёти чиқаришини билолмади. Сотувчи ҳам, албатта, қизга ёрдам беролмади. Бундай муносабатдан Элизабет жинни бўлаёзди.

У ўзига Бенниникидек, йўқ, уникидан ҳам яхшироқ уй кутубхонаси керак, деган қарорга келди. Бу ҳақда ўйланиб, бирдан жаҳл билан ҳозир барча оворагарчиликларга қўл силтаб, Нью-Йоркка жўнаб кетиш ва Бенни билан ишни келган жойидан давом эттириш мумкинлиги хаёлига келди. Лекин энди Беннидан нимани ҳам ўрганарди? Умуман, исталган бошқа америкалик шахматчидан нимани ўрганиши мумкин? Ахир Элизабетнинг ўзи ҳаммадан бир калла ўзиб кетди. Бу ёгига ўзи ҳаракат қилиши, американча шахматни русчасидан ажратиб турадиган жарлик устида ўзи кўприк қуриши керак.

«Тобиникида» тамаддихонасида уни яхши танишарди, катта официант уни дарҳол ойна олдидаги энг яхши столга ўтқазди. Элизабет газакка asperges

vinaigrette⁶⁹ буюртма қилди ва асосий таомни буюргунича уни олиб келишларини айтди.

– Коктейль истамайсизми? – мулойимлик билан сўради официант.

Элизабет шинам овқатланиш хонасини, тушлик қилаётган одамлар, кечки овқат хонани ёпиб турадиган бахмал тўсин олдидаги ширинликлар столига қараб чиқди.

– «Гибсон», – деди у. – Муз билан.

Коктейлни тезда олиб келишди. Унинг кўриниши бағоят гўзал эди. Қадаҳ шишаси тозалиқдан ярқирар, жин кристаллдек шаффоф, тубидаги оқ пиёзлар эса икки гавҳардек эди. У ичимликдан бир ҳўплади – тепа лаби ёқимли жимирлаб, томоғини қитқлаб ўтди. Қорнидаги тарангликни ҳам бир онда йўқ қилди. Айнан шунинг учун ҳам ичиш керак эди. У яна битта коктейль буюртма қилди. Хонанинг нариги бурчагида, ғира-ширада кимдир пианино чаларди. Элизабет соатга қаради – ўн беш дақиқаси кам ўн икки бўлганди – «ҳаёт ажойиб нарса», ўйлади у. Асосий таом буюрилмай қолди. «Тобиникида»-дан кундузги соат иккида чиқди ва қуёшдан кўзини тўсганча йўл белгиларига қарамай, йўлдан ўтди.

Элизабет уйга қайтганида меҳмонхонада тинмай телефон жирингларди. Таксичи унга юклари-ни олиб киришга ёрдам берди ва хизмати учун бир доллар пул бўлди. У кетгач, Элизабет шишаларни бирма-бир олиб, тостер тепасидаги шишали жавонга – Уитли хонимнинг консерваланган спагетти ва чилисининг олдида бир қатор қилиб териб қўйди. Идиш тўла қадаҳни эҳтиёткорлик билан меҳмонхонага кўтариб кирди, ўтириб олиб, узоқ ичди.

⁶⁹ Сирка қайлали сарсабил (*фр.*).

* * *

Элизабет одатда, эрталаблари ўзини ёмон ҳис этар, лекин бир амаллаб ўрнидан турарди. Учинчи куни «Крогерникада» дўконига бориб, уч қути тухум, тез тайёрланидиган тушликлар олиб келди ва биринчи қадахдан олдин иккита тухум ейдиган бўлди. Тушга келиб, одатда ухлаб қоларди. Диванда ёки ўриндикда ҳамма ери зирқираб, бўйни терлаб кетган ҳолда уйғонарди. Боши тез-тез айланар, ошқозони эса очликдан бураб қоларди. Оғриқ қаттиқ, худди тиш оғриғи каби эди. Ошқозондаги бу «тиш оғриғи»ни фақат бир йўл билан – ичкилик ичиб йўқотиш мумкин эди. Баъзида ўзини ичишга мажбурлар, танаси ичкиликни қабул қилмай қўйган, лекин ўзини зўрлаб ютар ва кутиб турарди. Оғриқ худди кимдир магнитофон овозини пасайтираётгандек секин-аста чекинарди.

Шанба куни эрталаб билмасдан винони ошхона столида турган шахмат тахтасига тўкиб юборди, дущанба куни эса йиқилиб кетишига сал қолиб, столга урилди ва доналар полга сочилиб кетганини эшитди. Шахмат доналарини ёйилган ҳолатида қолдирди. Ниҳоят, пайшанба куни уй олдидаги ўтларни ўришга ёш йигит келганида уларни йиғиштириб олди. Элизабет меҳмонхонадаги диванда қутидаги охирги бургунд шаробини ичиб, очиқ дераза ортидаги ўт ўрадиган машинанинг баланд ғувиллашини эшитар ва янги ўрилган ўтнинг исини туйиб ётарди. Йигитга иш ҳақини бериб, айвончага чиқди ва ёқимли ҳиддан тўйиб нафас олди. Майсазорнинг бунчалик ўзгарганини кўриш ёқимли ва айни дамда жуда ғалати эди – қалин ўтлар ўрнига равон, тартибли майсалар бўй кўрсатиб турарди. У ер бу ерда ўрилган ўтлар уюми кичкина тепалик ҳосил қилган. Эли-

забет меҳмонхонага қайтиб, ҳамёини олди ва такси чақирди. Спиртли ичимликларни уйга етказиб бериш қонун билан тақиқланган. Шундай экан, агар сенга бир қути шароб керак бўлса, дўконга ўзинг бориб келишингга тўғри келади. Яхшиси, икки қути олиб келган маъқул. Яна «Алмаден»ни ҳам татиб кўриш керак. Кимдир унга «Алмаден» қизил шароби «Пол Массон»дан яхшироқлигини айтганди. Буни текшириб кўриш керак. Яна ул-бул егулик ҳам олиш зарур. У консерваланган маҳсулотлар билан тушлик қилаётганди.

Учинчи ҳафтада – тунда ётоқхонасига чиқаётганда ўзи билан коктейль олиб кириб кетишни одат қилди. Қадахни ётоғи ёнидаги жавонга қўйиб, таъсири камаймаслиги учун устини «Шахмат хабарлари» билан ёпиб қўя бошлади. Ундан тунда уйғониб кетган маҳалларида ҳўплаб қўяр, уйғонмаган маҳалларда эса эрталаб пастга тушишидан олдин сипқорарди.

Баъзида меҳмонхонада телефон жирингларди, лекин Элизабет фақат идроки равшанроқ ва нутқи равонроқ бўлган пайтлардагина гўшакни кўтарарди. Гўшакни олишдан олдин нутқини текшириб кўриш учун доим баланд овозда тез айтиш айтиб кўрарди. Агар бемалол айта олса, гўшакни олиб «Алло», дерди.

Бир куни Элизабетга Нью-Йоркдан аллақандай аёл кўнғироқ қилди ва «Кечки шоу»да⁷⁰ иштирок этишни таклиф қилди. Элизабет таклифни рад этди.

Ичкиликка берилганининг учинчи ҳафтасида у Нью-Йорк ва Парижда вақти почтадан келган бир тўп журналларни тартибга келтирди ва улар орасидан ўзининг сурати босилган «Ҳафта янгиликла-

⁷⁰ «Кечки шоу» – АҚШ тарихидаги энг машҳур ва узоқ эфирга узатилган ток-шоу. NBC телеканалда 1954 йилдан «Tonight» номи билан, 1962 йилдан бери – «The tonight Show» номи билан чиқади.

ри»ни⁷¹ топди. Ундаги «Спорт» рукнида Элизабетга бир саҳифа бағишланганди. Суратда Элизабет Беннига қарши ўйнаётганди ва бу сурат олинган пайт эндигина киришни бошлаганини эслади. Суратдаги тахтада доналарнинг жойлашуви аниқ кўриниб турарди. Элизабетнинг хотираси панд бермаётгани аниқ: сурат олиншидан олдин у тўртинчи юришни қилганди. Бенни доимгидек ўйчан ва паришон ўтирарди. Мақолада у Вера Менчик⁷² давридан буён энг иқтидорли шахматчи экани ёзилганди. Маст бўлаган Элизабетга Менчикка мақолада катта эътибор беришгани ёкмади. Унинг ҳаёт йўлини ўлимига қадар – 1944 йилда Лондондаги портлашгача батафсил ёзишибди. Кейин эса Элизабет Ҳармон ундан яхшироқ ўйнашини таъкидлашибди. Нега уни аёл киши билан солиштиришди? У Америкадаги исталган эркакдан яхши ўйнайди-ку! Элизабет «Ҳаёт» журнали мухбирини ва унинг эркаклар оламида қанчалик қийналаётгани ҳақидаги саволини эслади. Жин урсин, бу мухбирни. Элизабет бу ўйинда энг катта ғалабани қозонгач, бу олам эркакларники бўлмайди.

Охирги абзац кучли ёзилганди: муаллифнинг фикрича, Элизабет Ҳармон ўн саккиз ёшида Америка шахмат қироличаси тахтини ҳақли равишда эгаллади. У, эҳтимол, Морфи ва Капабланкадан кейинги энг иқтидорли шахматчи ва қобилиятлари кўламини тасаввур этиш мушкул. Зеро, бу ёш, ёрқин ақл соҳибасида яширинган иқтидорнинг чек-чегараси йўқ ва бутун инсониятга Америка дунё шахмат ҳамжамиятида ўз ўрнини кўтариши мумкинлигини

⁷¹ «Хафта янгиликлари» («Newsweek») – АҚШда 1933 йилдан 2012 йилгача чиққан адади бўйича иккинчи ўринда турадиган кундалик газета.

⁷² Вера Францевна Мёнчик (1906 – 1944) – Россияда туғилган британ шахматчиси, шахмат бўйича дунёдаги биринчи аёллар чемпионати ғолиби.

кўрсатиш учун у катта болалар мусобақалашадиган жойга – Россияга йўл олиши керак.

Элизабет журнални ёпиб, спагетти билан ичиш учун бир қадаҳ «Алмаден Маунтин Шабли»дан қуйди. Соат кундузги уч, дераза ортидаги қуёш жизганак ёндирадди. Шароб эса яна охирлаган – бор-йўғи икки шиша қолганди.

* * *

Мақолани ўқиганидан бир ҳафта ўтиб, сешанба тонгида жуда ҳолсиз аҳволда уйғонди. Ўтиришга уриниши ҳам бекор кетди. Боши ва ошқозони оғриқдан безовта қилаётганди. Кийимларини ўтган тундан бери алмаштирмаган ва уларнинг ичида бўғилиб кетаётгандек бўлди, лекин ечолмади. Футболкаси терлаганидан танасига ёпишган, уни бошидан ечиш учун ҳоли етмади. Жавонда бир қадаҳ «Гибсон» турарди. У ёнбошлаб, бир амаллаб уни икки қўл билан олди. Ярмини базўр ичди-ю, кўнгли айниб кетди, бирдан нафас ололмай қолди. Бир неча сониядан кейин ўпкалари ишлаб, нафас олди ва коктейлни охиригача ичиб қўйди.

Элизабет кўрқиб кетди. Дим ва иссиқ хонада ёлғиз ўлаётгандек ҳис қилди ўзини. Ошқозони алангаланар, танаси зирқирарди. Шароб ёки жиндан заҳарландимикин? У яна ўтиришга уринди, ниҳоят эплди – ичимлик куч берди, шекилли. Сўнг ўрнидан туриб, гандираклаб ҳаммомга етиб олди ва қайт қилиб юборди. Бир оз енгил тортди. Кийимларини ечиб ташлади. Душни ёқишга кўрқди: қари кампирлардек сирпаниб, тос суягини синдириб олишдан чўчиди. Ваннани иссиқроқ сувга тўлдириб, ичига тушиб олди. Уитли хонимнинг шифокори МакЭндрюсга қўнгиरोқ қилиб, туш пайтига қабулига ёзилиш керак. Унинг хонасигача етиб бора олса, албатта. Гап

мастликдан кейинги карахтликда эмас, у ҳақиқатан ҳам касал бўлиб қолганди. Ювиниб чиққач, ошхонага анча ишончли қадам билан тушди ва иккита тухумни бемалол еди. Гўшакка ёпишиб, бирор кимга қўнгироқ қилиш фикри ортга сурилди.

У ва фақат телефон боғлаб турадиган олам ўртасида девор пайдо бўлиб, бу масофани ёриб ўтиш имконсиздек туюларди. Ҳаммаси яхши бўлади, фақатгина ичкиликни секин-аста камайтириб бориш керак.

Балки, у шифокор МакЭндрюсга қўнгироқ қилиши учун бир оз ичиб, жасорат йигиб олар. Элизабет қадахдан бир-икки ҳўплади. Шароб мўъжизакор малҳамдек уни даволашни бошлади.

* * *

Эртаси куни нонушта пайтида телефони жиринглади. Гўшакнинг нариги томонидаги одам ўзини Эд Спенсер деб таништирди. Элизабет бу одамнинг маҳаллий шахмат мусобақаси директори эканини аввалига эслолмади.

– Мен эртанги кун бўйича қўнгироқ қиляпман, – деди у.

– Эртага нима бўлади?

– Мусобақа. Сиз унга бир соат эртароқ кела оласизми, шуни билмоқчи эдим. Луисвилл газетаси мухбирини юборади, яна «WLEX»дан⁷³ ҳам бирор кимни кутяпмиз. Сизга тўққиз қулайми?

Элизабетнинг юраги товонига тушди. Спенсер унга шахмат бўйича Кентукки чемпионати ҳақида гапирганди. Элизабет бу чемпионатда штат чемпиони номини ҳимоя қилиши керак эди. Эртага эрта-лаб Генри Клей номидаги юқори мактабга бориб,

⁷³ WLEX (WLEX-TV) – NBC телеканалининг Кентукки штати Лексингтон шаҳридаги тармоқ телеканали.

икки кунлик мусобақада биринчи партияни ўтказиши айтилганди. Унинг боши ёрилай дер, қўлидагй қаҳва финжони титрарди.

– Билмадим, – деди Элизабет. – Бир соатдан кейин қўнгироқ қила оласизми?

– Албатта, Ҳармон хоним.

– Раҳмат. Бир соатдан кейин жавобимни айтаман.

Элизабетни қўрқув эгаллади, айнаи дамда эса шахмат ўйнашни умуман истамаётганди. Олстон Уитлидан уйни сотиб олган кунидан бери шахмат китобларини очмаган, доналарга тегмаганди, ҳатто бу ҳақда ўйлашни ҳам истамасди. Тостер ёнида ўтган тунда очилган шиша турарди. Элизабет ярим қадах қуйиб, лабига олиб келди-ю, огзи қуйгандек бўлди, шаробнинг ҳиди жуда ўткир эди. У қадахни қуйиб, музлаткичдан апельсин шарбатини олди. Агар бир шамоллаб келиб, эртанги мусобақага тайёрланмаса, эртага аҳволи баттарлашади – маст ва бетоб бўлиб уйғонади. Шу ўй билан шарбатни ичиб, ошқозонига тубсизликка йўқолгандек қуйилган шаробларни ўйлаганча иккинчи қаватга чиқиб кетди. Танаси ичидан ҳам, ташидан ҳам аллақандай жирканчлик билан қоплангандек эди. Ювиниб, тоза кийим кийиб олиши керак.

Мусобақа бекорга вақт ўтказиш бўлади. У ерда Белтик бўлмайдди, бу штатда ўзига тенг келадиган бошқа рақиб йўқ. Кентукки шахмат борасида қолоқ. Ювинаётиб, хаёлида сицилиянча ҳимоянинг Левенфиш усулини жонлантиришга уринди. Кўзларини қисиб, тасаввуридаги тахтада доналарни чизишга ҳаракат қилди. Доналар кўз олдида аввалгидек аниқ кўринмаса-да, илк ўн икки юришни беҳато эплади. Ўн саккизинчи юришда қоралар пиёда шоҳ йўлагининг тўртинчи катагига юриб, кучларни тенглаштирганидан сўнг ўйин оқсаб қолди. Эли-

забет Смеслов – Ботвинникнинг 1958 йилдаги ўйинини давом эттиришга уринди, лекин боши оғриб, иккита аспирин ичиб олишга чалғиди. Ўйинга яна қайтмоқчи бўлганида доналарнинг қаерда турганини эслолмай қолди. Биринчи ўн саккизта юришда қийналмади – бу ҳам ёмон эмас. Бугун бошқа ичиш мумкин эмас. Эртага штат чемпионатида қатнашади. Икки йил аввалги иштирокида осонгина ғалаба қозонганди. Кентуккида у ва Гарридан бошқа кучли шахматчи йўқ – Голдман ва Сайзморни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Бир соат ўтиб, телефон яна жиринглади ва Элизабет гўшакни кўтариб, эртага тўққизу ўттизда боришини айтди. Суратга тушишга ярим соат бемалол етарди.

* * *

Элизабет ич-ичидан чемпионатга Таунс ҳам келишига умид қиларди, лекин йигит ҳеч қаерда кўринмади. Луисвиллик мухбир ҳам келмади. Элизабет «Геральд-лидер»нинг аёл суратчиси учун биринчи рақамли тахтаси қаршисида ўтириб, суратга тушди. Маҳаллий телеканалдан келган мухбирга уч дақиқалик интервью берди. Кейин узр сўраб, мусобақадан аввал бир оз сайр қилмоқчи эканини айтди.

Элизабет кун бўйи ичимлик ичмади ва учта яшил дори ёрдамида эрталабгача мириқиб ухлади, лекин ҳозир кўнгли беҳузур бўлаётганди. Тонг қуёши жуда ёруғ эди ва Элизабет бир даҳани айланибоқ терга ботиб кетди, оёқлари чарчади. Бор-йўти ўн саккиз ёшда бўлса ҳам қирққа кирганга ўхшарди. Дарҳол ичишни бас қилиши керак. Унинг биринчи рақиби 1800 рейтингли аллақандай Фостер эди. Элизабет қоралар билан ўйнайди, лекин ғалаба осонгина кечади, айниқса, рақиби пиёдани шоҳнинг тўртинчи

катагига юриб, рақибига сицилиянча ҳимояни қўлашга имкон берса.

Фостер биринчи турдаёқ АҚШ чемпиони билан ўйнашига қарамай, ўзини бамайлихотир тутарди. Унинг Элизабетга қарши ўйинни шоҳ пиёдасидан бошламасликка ақли етди. Фостер пиёдани фарзин йўлагидаги тўртинчи катакка юрди. Элизабет фарзин гамбитини қўлламасликка қарор қилди. Бунинг ўрнига рақибини голланд ҳимояси ёрдамида нотаниш ҳудудга олиб киради. У пиёдасини шоҳ қанотидаги филнинг тўртинчи катагига юрди. Бир муддат рақиблар дарслик бўйича юришда давом этишди, кейин Элизабет ўзини «тош девор»га олиб киришларига йўл қўйганини тушуниб қолди. Голланд ҳимоясининг бу усули унга унчалик ёқмасди. Вазиятни баҳолагач, ўзини койиди. Бирдан шиддатли ўйин кўрсатиб, Фостернинг бўғзидан олиш керак эди. Ҳозир эса фақат вақт йўқотар, шу боисдан ўйинни тезроқ тугатишни истарди. Боши ҳали ҳам оғрир, стол атрофига шинам курси қўйилган бўлса-да, ноқулай ўтирарди. Хонага кўп томошабин тўпланди. Фостер – оқ-сарикдан келган малласоч йигирма-йигирма беш ёшли йигит доналарни ўта синчковлик ва майдакашлик билан суриб, Элизабетнинг асабига тегарди.

Ўн иккинчи юришдан сўнг тахтада тўпланиб турган доналарга кўз ташлади ва йўлини очиб, ҳужумга ўтиш учун марказдаги пиёдани қурбон қилди. Элизабетнинг рейтинги мана бу тирранчадан 600 га кўпроқ. У болакайнинг ҳудудини хароб қилади, тамаддихонада яхши тушлик ва қаҳва буюртма қилади, эртага эса Голдман ёки Сайзмор билан ўйинга тайёр бўлади.

Бироқ пиёдани қурбон қилиш шошилишч қарор эди. Фостер уни Элизабет ўйлаганидек эмас, от би-

лан олди. Энди Элизабет ёки ҳимояланиши ёки яна бир пиёдадан айрилиши керак эди. У аттанг қилиб, лабини тишлади ва рақибини қандай қилиб гангитиб қўйиш мумкинлигини ўйлаб қолди. Тахтадаги вазият бундай имконни бермасди, мияси эса жуда секин ишлаётганди. Элизабет пиёдани ҳимоя қилиш учун филини ортга қайтарди.

Фостер бу ҳаракатни кўриб, қошини кўтарди ва рухни фарзин йўлагига чиқарди. Элизабет ҳолатни ўргана туриб, юзини бужмайтирди. Унга ўйиннинг бориши ёқмади. Бош оғриги кучайиб борарди. Ўрнидан туриб, ҳакамдан аспирин сўради. Ҳакам анча тимирскиланиб, ниҳоят дорини топди. У бирдан учта дорини қогоз идишдаги сув билан ичиб юборди ва Фостернинг олдига қайтди.

Элизабет столлар орасидан ўтиб бораётганида шахматчилар бошларини кўтариб, унга тикилишар ва Элизабет бундай учинчи даражали мусобақада қатнашишга рози бўлгани ва энди аллақандай Фостер билан курашишга мажбур бўлгани учун ўзини койиди. Атрофдаги ҳамма нарса унинг гашини келтирарди: агар голиб бўлса, бу галаба ҳеч нарса бермайди, енгилса кулгига қолади. Йўқ, енгилмайди. Уни Бенни Уоттс енга олмади, луисвиллик бу талабага йўл бўлсин. Элизабет кучли йўл топиб, рақибининг шоҳини тахтдан ағдаради. Йўл эса ҳадеганда топилавермади. Элизабет ҳар юришдан сўнг тахтадаги вазият ўзгариб боришини кузатиб турар, лекин ўзи учун қулай имконни тополмасди. Фостер яхши ўйнарди. Рейтингига қараганда кучлироқ эди. Кучли, аммо даҳо эмас. Стол атрофида йиғилган одамлар ўйинни жимгина кузатиб туришар, Элизабет ҳимояга тобора чуқурроқ ботиб борар ва асабийлашаётганини билдирмасликка уринарди, лекин саросима ҳаракатларига ҳам ўтганди. Ахир, нималар

бўляпти? Ахир, у бир кун ва икки кеча ичкиликни оззига олмаганди. Ниҳоят, қўрқув исканжасига тушди: наҳот иқтидорини йўқотиб қўйган бўлса?!

Йигирма учинчи юришда Фостер тахта марказида кетма-кет алмашинувларни бошлади ва Элизабет бундай таъқибини тўхтатолмаслигини тушунди. Доналари бирма-бир йўқолиб, майдони бўшаб бораётганини ва донаси рақибиникидан иккитага кўп бўлган 1800 рейтингли ўйинчи олдида умидсиз маглубият томон яқинлашиб бораётганини кўрарди. Унинг бунга қарши қўядиган йўли йўқ эди. Фостер ҳозир пиёдасини фарзига айлантиради ва бу юришдан сўнг ҳақиқий шармандалик содир бўлади.

Элизабет Фостер алмашинувни бажармасидан аввал шоҳини тахтадан олиб ташлади ва рақибига қарамай, хонани тарк этди. Ҳеч кимнинг юзига қармасликка уриниб, одамлар орасидан суқилиб ўтди ва ташкилотчилар столига яқинлашди.

– Мен ўзимни ёмон ҳис этяпман, – деди у бош ҳакамга. – Мусобақада қатнашишдан воз кечишга тўғри келади.

Элизабет онги хиралашиб, тердан намланган оёқлари билан Мейн-стрит бўйлаб юриб кетарди. Ўзига бой берилган партияни ўйлашни ман этди. Бу мудҳиш ўйин бўлди. Ит искамас бу мусобақа у учун ичувчилар ўзларига уюштирадиганлари каби синов бўлиши керак эди ва Элизабет бу синовдан ўтолмади. Уйга қайтгач, оғзига бир томчи ҳам ичкилик олмасликка, фақат ўқиш, шахмат ўйнаш ва ўзини қайтадан тиклашга қарор қилди. Лекин уйда ёлғиз қолиши ҳақидаги ўйлар баттар даҳшатга соларди. Яна нима қилсин? Бошқа бирор қизиқиши ҳам, қўнғироқ қилиб гаплашадиган одами ҳам бўлмаса.

Умуман олганда, енгилгани ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, мусобақа арзимаган паст даражали эди, ле-

кин Элизабет хўрликдан бўғиларди. Фостерга енгилгани ҳақидаги гап-сўзларни кўтара олмас, рақибини қайтиб ҳеч қачон кўрмасликни истарди. Бошқа ичиш мумкин эмас. Беш ойдан сўнг Калифорниядаги жиддий мусобақада қатнашади. Унгача қобилиятлари тикланмаса, нима бўлади? Ичкилик миясидаги шахматга жавоб берадиган тўқималарни йўқ қилган бўлса-чи? У иқтидорини худди ўчирғич билан ўчиргандек шароб билан ювиб юборди. Элизабет қачонлардир ўқигани – Микеланжелонинг асл суратини сотиб олиб, қўлида сариқ қоғоз бўлаги қолгунча уни ўчирғич билан ўчириб ташлаган расом, поп-санъат вакили ҳақидаги ҳикояни эслади. Ўшанда бундай катта йўқотиш ҳиссидан гангиб қолганди. Ҳозир миясидан шахмат иқтидорини олиб ташлашганини тасаввур қилиб, шундай аҳволга тушди.

Уйга келгач, шахмат ҳақидаги китобини ўқишга киришди, диққатини жамлай олмади ва ошхона столига тахтани жойлаштириб, Фостер билан ўйнаган партиясини тиклади. Ҳар бир юриш унга азоб берарди. Лаънати «тош девор», атайин қурбон қилинган пиёда, бефойда режа, барбод бўлган ўйин. Мастлик ўйини.

Телефон жиринглади. Элизабет жавоб беришни истамасди. Бир онга бу дунёда ўзи қўнғироқ қилиши мумкин бўлган битта бўлса ҳам одам ёнида туришини жуда хоҳлади. Гарри Белтик Луисвиллдан қайтгандир, лекин унга барибир Фостер билан ўйин ҳақида айтиб беролмасди. У шундоқ ҳам эшитса керак. Беннига қўнғироқ қилса ҳам бўлади. Аммо Бенни Париждаги ўйиндан сўнг совуқ муносабатда бўлганди ва шу боисдан йигит билан гаплашгиси келмаётганди. Бошқа ҳеч ким йўқ.

Элизабет ўрнидан ҳолсиз турди. Музлаткич ёнидаги жавондан оқ шаробни олди ва қадаҳни тўлди-

риб куйди. Ички овози «Ёрдам!» деб чинқирар, лекин у аҳамият бермасди. Қадахнинг яттрини ичиб, таъсир қилишини кута бошлади. Қолганини ҳам ичиб, яна куйди. Шахматсиз ҳам яшаса бўлади. Кўпчилик шундай яшайди.

Эртасига диванда Париждан олиб келган кўйлагида уйгонди. Кўйлакни кеча Фостер ўзини мағлуб қилган мусобақага кийиб борганди. Элизабетни бирдан ваҳима босди: мияси том маънода ичкилик билан тўлган, қатламлари шил имлиқ нарса билан қоплангандек ва шу сабаб ақли оқсаб, онги хиралашгандек туюлди. Бироқ нонусштадан сўнг ювиниб чиққач, кийимларини алмаштирди-ю, яна бир қадах оқ шароб куйди. Бу ҳаракатни кўллари идрок буйруғисиз бажарарди. Аллақачон ҳар куни шу ишни бажараётиб, миясидан ҳам махаёлларни чиқариб ташлашга ўрганганди. Муҳими – ичкилик ошқозонини алангалатмаслиги учун аввал ул-бул ёб олиши керак.

Элизабет бир неча кун тўхтамай ичди, лекин ютқазган партияси хотиралари ва иқтидоридан маҳрум бўлиш кўркуви йўқолмади. Фақатгина ҳайвондек ичиб, ҳеч нарсани ўйлай олмай қоладиган даражага келгандагина улардан қутуларди. «Якшанба газетаси»да ўзи ҳақида хабар чиқаришибди. Мусобақада эрталаб Генри Клей номидаги юқори мактабда мусобақа бошланишидан олдин олинган сурат босилган ва шундай сарлавҳа ёзилган: «ШАХМАТ БЎЙИЧА ЧЕМПИОН МУСОБАҚАДАН ЧИҚИБ КЕТДИ». Элизабет хабарни ўқимасдан газетани отиб юборди.

Бир кун эрта тонгда узоқ алғов-далғов тушлардан сўнг кўзини очиб, дарҳол ичишни тўхтатмаса, бо-

рини йўқотишини англаб етди. Бу тубсиз жарликка ўз хоҳиши билан тушди. Энди жардан чиқиб олиш учун таянч керак. У ёрдамга муҳтож. Элизабет бирдан ўзига бу ёрдамни ким бера олиши ва кимнинг ёрдамини қабул қила олишини тушунди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Лексингтон шаҳри телефон маълумотномасидан Жолин Девитт исми чиқмади. Элизабет Кентукки штати Луисвилл ва Франкфурт шаҳарларидан ҳам суриштирди. Ҳеч қандай Жолин Девитт йўқ. У эрга тегиб, фамилиясини ўзгартирган, Чикагога ёки Клондайкка жўнаб кетган бўлиши мумкин. Элизабет «Метуэн-Ҳоум»дан кетганидан буён дугонаси ҳақида қайтиб эшитмади. Жолинни топишнинг фақат битта йўли қолди. Бола асраб олиш ҳақидаги хужжатлар Уитли хонимнинг тортмасида эди. Элизабет папкани олиб, қизил ҳарфларда етимхона номи, манзили ва телефон рақами ёзилган қоғозни топди ва қўлида асабий айлантирди. Энг пастда майда ёзувлар билан «Хелен Дирдорфф, директор» деб ёзилганди.

Кун яримлаб қолди, Элизабет эрталабдан бери бир томчи ҳам ичмади. Хаёлига жасорат учун «Гибсон»дан бир оз қуйиб олиш фикри келди, аммо бундан-да аҳмоқона нарсга ўйлаб топиш қийин эди. «Гибсон» унга ёрдам бермаслиги билан бирга унинг ичишни тўхтатмоқчи бўлган иродасини ҳам чип-пакка чиқаради. Элизабет балки ичкиликка ўчдир, лекин аҳмоқ эмас.

Шу ҳолатда қиз ётоқхонага чиқиб, либриум қутисини олди ва иккитасини ичди. Асабийлик кетгунча боққа, яқиндагина шу ерлик йигит ўрган майсазор-

га тушди. Атиргуллар ниҳоятда чиройли очилган ва деярли барглари тўкилиб бўлган. Новдалар сўнгида уруғланган, янги очиладиган шохлар тебраниб турибди. Авваллари июн-июлда атиргуллар қийғос очилганини пайқамасди. Ошхонага қайтаётиб ҳаяжони аста-секин босилаётганини сезди – дори таъсир қилди. Уларнинг ҳар бир миллиграми миянинг қанча хужайрасини ўлдираркин? Ҳар ҳолда, ичкиликдан кўпроқ бўлса керак.

Элизабет меҳмонхонага ўтиб, етимхона рақамини терди. «Метуэн-Ҳоум»даги котиба кутиб туришни сўради. Элизабет кутидан яна битта яшил дорини олиб, огзига солди.

Ниҳоят, гўшакдан баланд ва аниқ овоз эшитилди:
– Ҳелен Дирдорфф эшитади.

Элизабет бир онга нутқини йўқотди, гўшакни қўйиб қўйгиси келди, аммо ўзини қўлга олди.

– Дирдорфф хоним, бу мен – Элизабет Ҳармонман.

– Наҳотки? – унинг овозида ҳайрат оҳанги пайдо бўлди.

– Ҳа!

– Ҳа-а...

Орага жимлик чўқди. Элизабет балки, Дирдорфф хонимнинг айтар сўзи йўқдир, деб ўйлади. Ахир директор учун собиқ тарбияланувчи билан гаплашиш ҳам, тарбияланувчи учун собиқ директор билан гаплашиш ҳам бирдек осон эмас.

– Биз сен ҳақингда ўқигандик.

– Жаноб Шейбелнинг аҳволи қандай? – сўради Элизабет.

– У ҳали ҳам биз билан. Сен у ҳақда сўраш учун қўнғироқ қияпсанми?

– Йўқ, Жолин Девитт ҳақида сўраш учун. Мен у билан боғланишим керак.

– Маъзур тутасан, «Метуэн-Ҳоум» тарбияланувчиларининг телефон рақамлари ва манзилларини беришга ҳақли эмас.

– Дирдорфф хоним... – унинг овози титраб кетди. – Дирдорфф хоним, истисно қилинг, мен Жолин билан гаплашмасам бўлмайди.

– Ахир қонун...

– Дирдорфф хоним, – директорнинг гапини бўлди Элизабет. – Илтимос.

Директор хоним бирдан оҳангини ўзгартирди:

– Яхши, Элизабет. Жолин Девитт Лексингтонда яшайди. Рақамини ёзиб ол.

* * *

– Жин урсин! – деди Жолин гўшакнинг нариги томонидан. – Жин урсин мени!

– Ишларинг қалай, Жолин? – Элизабет йиғлаб юборай дерди, лекин ўзини кўлга олди.

– Ё, Худо, қизалоқ, сени эшитганимдан шунчалик хурсандманки! – кулди Жолин. – Ҳалиям ўшандай тасқарамисан?

– Ҳалиям ўшандай қорамисан?

– Ҳа, мен-ку қора хонимман. Аммо сен энди тасқара эмассан. Мен сени журналларда Барбара Стрейзанддан ҳам кўпроқ кўраман. Ёшликдаги дугонам – юлдуз!

– Нега қўнғироқ қилмадинг?

– Ҳасаддан.

– Жолин... сени асраб олишдими?

– Йўқ, лаънати етимхонани битириб, чиқиб кетдим. Нега бирор табрикнома ҳам, печенье қутиси ҳам юбормадинг?

– Шунинг учун сени бугун кечки овқатга таклиф қиламан. Соат еттида Мейн-стритдаги «Тобиникида» тамаддихонасига кела оласанми?

– Сен учун дарсни ўтказиб юбораман. Вой олифта-ей! Шахмат бўйича АҚШ чемпиони! Даҳо ғолиб!

– Сен билан шу ҳақда гаплашмоқчиман, – деди Элизабет.

«Тобиникида» учрашишганда телефондаги енгиллик ва самимийлик бир оз йўқолди. Элизабет кун давомида бир томчи ҳам ичмади, Робертенинг ёнига соч қирқтиришга борди, ошхонани қиртишладди. Шу вақт мобайнида Жолинни кўриш ҳаяжонидан хурсанд бўлиб юрди. Сабри етмай белгиланган вақтдан чорак соат эрта келди. Официантнинг енгил ичкилик таклифини асабий рад этди. Кола буюрди. Жолин келганида ичимлик ҳали кўпириб турарди.

Аввалига Элизабет уни танимади: стол ёнига Коко Шанел тўпламидагидек костюм кийган, қалин сочлари «афро» услубида турмакланган, баланд бўйли аёл юриб келарди. У худди киноюлдуз ёки рок-н-ролл юлдузидек, қомати Дайана Росс ва Лина Хорн-никидан⁷⁴ ҳам аъло. Лекин жилмайиши ва кўзлари Жолинники эди. Элизабет бу кўзларни яхши эслайди. Бир оз талмовсираб тургач, олдидаги одамни таниб, ўрнидан турди ва дугонасини қучди. Жолиндан ёқимли атир ҳиди келарди. Жолин унинг елкасига уриб қўйди.

– Элизабет Ҳармон! Қария Элизабет!

Улар ўтириб, бир-бирларига қарашди. Ўртада ноқулайлик пайдо бўлди. Элизабет барибир ичкилик олишга тўғри келишини тушунди, чунки бошқачасига ўзида жасорат топа олмайди. Ўртадаги жимликни ўз вақтида бузган официантга Жолин газли ичимлик буюртма қилди, Элизабет эса яна кола буюра қолди.

⁷⁴ Дайана Росс (1944) ва Лина Хорн (1917 – 2010) – америкалик хонанда ва актрисалар.

Жолин ўзи билан катта қалин хатжилдда нимадир олиб келганди. Уни столга – Элизабетнинг олди-га қўйди. Унинг ичида китоб бор эди. Элизабет уни дарров таниди: «Замонавий шахмат дебютлари». Ўша эскириб кетган нусха.

– У шунча пайтдан буён менда эди, – деди Жолин.
– Сени асраб олишганидан жаҳлим чиққанди.

Элизабет қовогини уйиб, биринчи бетни очди. Бурчакда болаларча ҳуснихат билан ёзилганди: «Элизабет Ҳармон, «Метуэн-Ҳоум».

– Оқ бўлиб тугилиш керак эди, – деди Элизабет.

– Ҳа, буниси аниқ, – бош ирғади Жолин.

Элизабет унинг гўзал ва меҳрибон юзига, чиройли сочлари, узун қуюқ киприклари ва бўлиқ лабларига яна боқди ва ноқулайлик ҳиссини енгиллик эгаллади. Элизабет жилмайди ва деди:

– Сени кўрганимдан шунчалик хурсандманки!

Бунинг ўрнига «Мен сени яхши кўраман», дегиси келди.

Кечки овқатнинг илк ярим соатида Жолин фақат етимхона ҳақида гапирди – черковдаги маърузаларда ухлаб қолганлари, у ернинг овқатларини қанчалик ёмон кўргани, жаноб Шелл, Грэм хоним, руҳий озуқа учун шанбалик кинотомошаларни эслади. Дирдорфф хонимнинг устидан кулди, қаттиққўл гапириши ва бошини қимирлатишини кўрсатиб, мазах қилди. Жолин шошмасдан ер, кўп кулар ва Элизабет ҳам ўзининг яқин дугонаси билан қаҳ-қаҳ отиб кулаётганини сезиб қолди. У қачон охирги марта шундай кулганини эслолмайди ва ҳеч ким, ҳатто Уитли хоним билан ҳам ўзини бунчалик енгил ҳис қилмаган. Бузоқ гўштига Жолин бир қадах оқ вино буюрди. Элизабет бир оз иккиланиб, муз солинган сув сўради.

– Нима, ҳали бўйинг етмаяптими? – кулимсиради Жолин.

– Мен ўн саккиз ёшдаман. Гап бунда эмас.

Жолин ҳайрон бўлиб, қошини учирди ва овқатланишга тушди.

Бироздан кейин яна гап бошлади:

– Биласанми, сен бахтли оилавий ҳаёт томонга учиб кетганингдан кейин волейбол билан жиддий шуғуллана бошладим. Ўн саккиз ёшда етимхонанинг юқори мактабини тамомлаганлик ҳақида ҳужжат олдим ва университетнинг жисмоний тарбия факультети менга стипендия берди.

– Хўш, ўқишларинг қалай?

– Яхши, – деди Жолин дарров. Кейин бошини қимирлатди: – Алдаяпман. Ҳаммаси бўлмағур нарсалар. Мен жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлишни истамайман.

– Бошқа бирор иш билан шуғулланишинг ҳам мумкин.

– Ўтган йили бакалавриатга топшираётганимда нима қилиш кераклигини тушуниб қолдим, – оғзини тўлдириб гапирарди Жолин. У бир оз олдинга интилиб, тирсагини столга қўйди. – Суд тизимида ишлашни истайман. Ёки ҳукуматда. Ҳозир айнан менга ўхшаганларнинг даври келди, мен эса бир жойда туриб югуриш назарияси ва мушакларни шишириш билан вақтимни бекор ўтказяпман. Қўллар бирга, оёқлар очиқ, сакраш, – у овозини дўрилатиб, жиддийлашди. – Мен қора аёлман. Етимман. Менинг жойим Гарвардда. Мен суратларимни сенингга ўхшаб «Time»⁷⁵да босишларини хоҳлайман.

– Сен Барбара Уолтерснинг⁷⁶ ёнига жуда ярашиб тушган бўлардинг, – кулди Элизабет. – Етим бола-

⁷⁵ «Time» – АҚШнинг энг машҳур ҳафталик ахборот журнали.

⁷⁶ Барбара Уолтерс (1929) – шов-шувли интервьюлари билан машҳур бўлган америкалик журналист, телебошловчи ва продюсер.

ларнинг ҳис-туйғуларини поймол қилишаётгани ҳақида сўзлаб беришинг мумкин.

– Яна нима? – юзини бужмайтирди Жолин. – Ҳелен Дирдорфф ва унинг лаънати транквилизаторлари ҳақида айтиб беришим мумкин.

Элизабет бир оз каловланди-ю, барибир сўради:

– Дориларни ҳали ҳам ичасанми?

– Йўқ, ичсам куйиб кул бўлай, – Жолин кулиб юборди. – Ўша дориларнинг бир қутисини қандай ўғирламоқчи бўлганингни ҳечам унутмайман! Кичкина ўриндиқда дам олиш хонасида қарахт турибсан, атрофингга бутун етимхона йиғилган. Қария Дирдорфф ҳайратдан қотиб қолган, биз эса огзимизни очиб турибмиз. Сен худди фахрий устундаги қахрамондексан, – у яна хахолади. – Ростдан ҳам қахрамонсан. Кетганингдан кейин ҳамма янги келганларга сен ҳақингда ҳикоялар айтиб берганман.

Жолин овқатини еб бўлиб, ликопни суриб қўйди, ўриндиққа суяниб олди. Чўнтагидан бир қути «Кент» чиқариб, қўлида ўйчан айлантирди.

– Суратингни «Ҳаёт»да чиқаришганда мен уни кесиб олиб, кутубхонадаги эълонлар тахтасига илиб қўйдим. Билишимча, суратинг ҳали ҳам ўша ерда турибди, – у кичкина ўт ёндиргичдан тамакисини тутатиб олди ва тутунни чуқур тортди. – «Юбка кийган Моцарт шахмат оламини остин-устун қилмоқда». Бу жуда зўр.

– Мен уларни ҳали ҳам ичаман, – деди Элизабет. – Кўп ва тез-тез.

– Бечора, – бош қимирлатди Жолин.

Ўртага жимлик чўқди.

– Ширинлик буюраммизми? – сўради Элизабет.

– Менга шоколадли мусс.

Ширинлик олиб келишганда улар ҳали ҳам жим туришарди. Жолин ейишдан тўхтаб, дугонасига разм солди ва секин деди:

– Кўринишинг яхши эмас, Элизабет. Рангинг ўчиб, кўзларинг шишибди.

Элизабет бош ирғаб, ширинлигини ейишда давом этди.

Жолин дугонасини ўзининг кулранг «Фольксваген»ида уйгача ташлаб қўйишни таклиф қилди. Уйга етиб қолишганда Элизабет гап бошлади:

– Балки озгинага кирарсан, қандай яшаётганимни кўришингни истардим.

– Албатта, – деди Жолин.

Элизабет қаерда бурилиб, тўхташ мумкинлигини кўрсатди. Улар машинадан тушишди.

– Нима, шу уйнинг ҳаммаси сеникими? – сўради Жолин.

– Ҳа!

Жолин кулиб юборди.

– Сен энди қашшоқ етимча эмассан.

Улар даҳлизга кириши билан Элизабет аввал сезмаган ўткир нордон ҳид бурнига урилди. Хижолат тортиб меҳмонхона чироғини ёқди ва хонага разм солди.

Телевизорни қалин чанг қоплаган, стол доғ, бурчақда зинанинг ости ўргимчак тўри – буларга шу пайтгача эътибор бермабди. Ҳамма нарса айниб, могор босиб кетгандек эди.

Жолин хонани айланиб чиқди.

– Сен фақат доналар билан ўйнамайсан, шекилли, – деди у.

– Мен шароб ичгандим.

– Кўриниб турибди.

Элизабет ошхонада қаҳва тайёрлади, ҳар ҳолда, бу ер тоза эди. Ҳавони алмаштириш учун деразаларни очди. Ошхона столида шахмат тахтаси турарди. Жолин оқ фарзинни қўлига олиб, бир оз томоша қилди.

– Мен учун бундай ўйинлар жуда зерикарли, – деди у. – Шахматни ҳеч ўрганолмадим.

– Истасанг, ўргатаман.

Жолин кулди.

– Шу етмай турганди! – Жолин фарзинни жойига қайтарди. – Менга гандбол, ракетбол ва пэдлболни ўргатишди. Мен теннис, гольф, дожбол ўйнайман ва спорт кураши асосларини биламан. Шахмат энди ортиқча. Яхшиси, шароб билан дўстлигинг ҳақида гапириб бер.

Элизабет унга катта финжонда қаҳва узатди. Жолин стол атрофига ўтириб, тамакисини олди. Новча, чиройли, «афро» турмакли ва феруза рангли костюм кийган Жолин рангсиз, туссиз, кулранг ошхонага янги ҳаёт бахш этди.

– Ҳаммаси дорилардан бошландими? – сўради Жолин.

– Уларга ўрганиб қолдим. Менга ҳақиқатан ҳам ёқа бошлади.

Жолин бошини сарак-сарак қилди.

– Бугун ичмадим, – деди Элизабет. – Кейинги йил Россияда ўйнашим керак.

– Лученко ва Боргов билан, – бош ирғади Жолин.

Элизабет дугонасининг исмларни билишидан ҳайрон қолди.

– Қўрқяпман.

– Унда борма.

– Агар рад этсам, бошқа ҳеч нима қолмайди. Шаробдан бошқа. Ичишдан бошқа ишим қолмайди.

– Кўринишингдан, фақат шундай қиялсан, шеклли.

– Ташламоқчиман. Ичкиликни ҳам, дориларни ҳам. Уйни тартибга келтирмоқчиман. Газнинг қандай ирkitлигини кўряпсанми? – Элизабет чирк

босган жойларга бармоғини нуқиб кўрсатди. – Мен кунига саккиз соатлаб шахмат билан шуғулланишим ва мусобақаларда қатнашишим керак. Мени Сан-Францискодаги мусобақага ва «Кечки шоу»га таклиф қилишган ва албатта ўша ерда бўлишим керак.

Жолин диққат билан тингларди.

– Лекин жудаям ичгим келяпти, – давом этди Элизабет. – Агар ҳозир сен бўлмасанг, бир шиша шаробни ичиб тугатган бўлардим.

Жолин хўмрайди.

– Сен худди Сьюзен Хэйворд⁷⁷ кинода гапирганидек гапиряпсан.

– Бу кино эмас.

– Унда драма ясашни бас қил. Мен сенга нима қилишни айтаман. Эртага эрталаб ўнларда Эвклид авенюдаги спортзалга кел. Ўзинг билан спорт пойабзали ва кийим ола кел. Келажакка режалар тузишдан олдин ичкилик балосидан қутулишинг керак, – деди Жолин.

Элизабет дугонасига кўрқув билан тикилиб қолди:

– Мен жисмоний тарбияни доим ёмон кўрардим...

– Эсимда, – бош иргади Жолин.

Элизабет ўйланиб қолди. Орқасидаги жавонда бир неча шиша оқ ва қизил шароб турарди. Бирдан Жолинни тезроқ жўнатиб, шишани очгиси ва қадаҳни тўлдириб қуйгиси келди. Ҳатто оғзида шароб таъмини сезди.

– Бу унчалик қийин бўлмайди, – ишонтирди Жолин. – Мен сенга бир жуфт тоза сочиқ бериб тураман, душдан кейин соч қуритгичимни олишинг мумкин.

⁷⁷ Сьюзен Хэйворд (1917 – 1975) – америкалик актриса, «Мен яшашни истайман» фильми учун «Оскар» мукофотини олган (1958).

– У ерга қандай етиб бораман?

– Такси тут. Яёв бор, жин урсин!

Элизабет дугонасига паришон боқди.

– Сен қимирлашинг керак, қизалоқ. Сўлагингни оқизиб ўтиришдан фойда йўқ.

– Майли, – хўрсинди Элизабет. – Эртага бораман.

Жолин кетгач, барибир бир қадах оқ шароб қуйди. Фақат бир қадах. Ҳамма деразаларни очди. Шаробни ҳовлида, тўлин ой остида ичди. Енгил шамол турди.

Шаробни ичиб тугатгач, ўриндикда узоқ ўтирди, шамолда пардаларнинг ўйнашига, ошхонадан меҳмонхонага югуриб, ачимсиқ ҳавони итариб чиқаришига қўйиб берди.

* * *

Спортзал каттагина, шифти баланд, деворлари оқ экан. Аллақандай анжомлар ортидаги катта ойналардан қуёш нури тушиб турарди. Жолин сарик шалвар ва спорт оёқ кийимида эди. Тонг иссиқ эди, шунинг учун Элизабет калта оқ шортикда келди. Хонанинг нариги бурчидаги кулранг шалвар кийган йигит ётганча тошни инқиллаб итарарди. Бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Дугоналар спорт машғулотини веломашқдан бошлашди. Жолин Элизабет учун 10 талик босимни, ўзи учун 60 босимни созлади. Ўн дақиқадан кейин эгарга ўтирган Элизабет терлаб кетди, болдирлари чарчади.

– Буёгига бундан баттар бўлади, – деди Жолин.

Элизабет тишини тишига қўйиб, педалларни айлантиришда давом этди.

Кейин у сонлар ва кураклар учун анжомда ҳеч тўғри тезликни ололмай, чарм билан қопланган

ўриндиқда сирпаниб кетаверди. Ўриндиққа ётиб, тош кўтаришга тўғри келди. Жолин унга бор-йўғи қирқ фунтли⁷⁸ тош қўйди ва ҳатто шу ҳам Элизабетга оғирлик қилди. Кейингисида тошни тўпиғида кўтариши керак эди. Оёқларининг тепасидаги мушаклари чўзилиб, оғриб кетди. Сўнг Жолин уни электр токли ўриндиққа ўхшаган нарсага ўтқизиб қўйди ва тошни тирсаклари билан итаришга мажбур қилди.

– Кўкрак мушакларингга зўр беришга ҳаракат қил, – маслаҳат берди Жолин.

– Мен у ерда умуман мушак йўқ деб ўйлардим, – деди Элизабет инқиллаб.

Жолин кулиб юборди.

– Ишон, азизам, яхшилаб қидирсанг, топасан.

Элизабет ҳамма машқ анжомларида бир-бир шуғулланиб чиқди. Иблисдек газабга миниб, ҳансираб қолди. Айниқса, Жолин ҳамма ерда ўзига кўпроқ босим олиб, ҳатто қилт этмагани ғашига тегарди. Жолин мукамал ҳолатда эди. Машқлардан сўнг ювиниш танасига роҳат бахш этди.

Қаҳвахонада пештахта ортидаги аёл Элизабетга «солсберийча стейк»⁷⁹ узатди. Шу тоб Жолин ўзининг патнисини қўйиб, унга қарши чиқди:

– Йўқ, ҳеч қанақасига! – у Элизабетдан ликопини тортиб олди ва қайтариб берди. – Ҳеч қандай оғир овқат ейиш йўқ, ҳеч қандай картошка ейиш йўқ!

– Менинг ортиқча вазним йўқ, – деди Элизабет. – Картошка менга зарар қилмайди.

Жолин уни индамай овқатлар пештахтаси бўйлаб итариб олиб кетди. Желе ва баварча кремли торт ёнидан ўтишаётганда Жолин бошини қимирлатди.

– Сен кеча кечки овқатда шоколадли мусс егандинг, – эслатди Элизабет.

⁷⁸ Тахминан 18 кг.

⁷⁹ «Солсберийча стейк» – мол гўшти қиймаси ва қайлали котлет.

– Кеча ўзгача оқшом эди. Бугун бошқа гап.

Дугоналар тушликка соат ўн биру ўттизда ўтиришди, чунки ўн иккида Жолиннинг дарси бошланарди. Элизабет ундан дарс мавзусини сўради.

– «Йигирманчи асрда Шарқий Европа», – деди Жолин.

– Жисмоний тарбия факультетида шуни ҳам ўргатишадими? – хайрон бўлди Элизабет.

– Сенга кеча ҳамма нарсани айтишга улгурмадим. Бакалавриятдан сўнг мен магистратуранинг сиёсатшунослик бўлимига кирдим.

Элизабетнинг кўзлари ола-кула бўлди.

– *Honi soit qui mal u pense*⁸⁰, – деди Жолин.

Эртасига уйгонганида болдирлари, кураклари шундай оғридики, бугун спортзалга бормасликка қарор қилди. Бирор егулик илинжида музлаткични очиб, ярим тайёр овқатларга кўзи тушди. Уитли хонимнинг пайпоқлари тўпигига тушган рангпар болдирларини эслади ва ижирғаниб, қарорини ўзгартирди. Музлаткичнинг токчасида ёпишиб қолган қутиларни тортишга тушди. Ҳозир музлаган товук ёки курка гўштини ейиш ҳақида ўйлаганда кўнгли айниб кетди ва ҳаммасини пластик халтага солиб, тостернинг тепасидаги жавонни ҳам текширди. У ерда ҳам қолиб кетган консервалар бўлиши керак. Жавонда яна уч шиша «Алмаден Маунтин Райн» турибди. Элизабет бир оз иккиланиб турди-ю, эшикни ёпди. Буни кейинроқ ўйлаб кўради, нонуштага эса тост билан қора қаҳва етади. Спортзалга кетаверишда музлаган овқатлар халтасини ахлат қутисига ташлаб юборди.

⁸⁰ «Бу ҳақда ёмон фикрга борган ўзи уялсин» (фр.). Рицарлар ордени шиори.

Тушлик устида Жолин йиғилишлар хонасида университет ҳудудидан ташқари соатига икки доллар эвазига йўналишига оид бўлмаган турли ишлар билан шуғулланадиган талабаларнинг исм-шарифларини рўйхатга ёзиб, илиб қўйишларини айтди. Кейин Жолин маърузага кетди, Элизабет эса рўйхатдаги иккита одамга эътиборини қаратди: соат учда бизнесни бошқариш йўналишидаги магистратура талабаси унинг орқа ҳовлисида гиламларни қоқиши керак, кейинроқ бўлажак санъатшунос музлаткич ва ошхона жавонларини йиғиштиради. Элизабет, албатта, уларни назорат қилиб ўтирмайди. Сал нарироқда ўзини ҳеч ким безовта қилмаслигини билиб, хаёлий шахмат тахтасида Нимцович ҳимоясини ўйнай бошлади.

Кейинги душанбага келиб, еттита анжомнинг ҳаммасида бемалол машқ қиладиган бўлди ва яна ўтириб-туриш машқига ҳам кучи қолди. Чоршанба кuni Жолин ҳар бир машқда дугонасига ўн фунтли тошдан қўшиб қўйди, ўтириб-туришни беш фунтли тош билан бажаришга мажбурлади. Яна бир ҳафтадан кейин улар гандбол ўйнашни бошлашди. Элизабет бесўнақай ҳаракатланар ва тез ҳансираб қоларди. Жолин дугонасининг ортидан қувар, йўлини кесиб чиқар, лекин Элизабет терлаб-пишиб, қайсарлик билан югурарди. Бир-икки марта кичкина қора тўпга қўлини ҳам уриб олди.

Таймда биринчи галабасига эришиш учун унга ўн кун ва бир жуфт омадли сакраш керак бўлди.

– Тез орада юта бошлашингни билгандим, – деди Жолин иккиси ҳам тердан ҳўл бўлиб кетиб, майдонча ўртасида ҳансираб туришганда.

– Ўтқазишни ёмон кўраман, – нафасини ростлади Элизабет.

Машғулотлардан қайтаркан, аллақандай «Умумнасроний хоч ташкилоти»дан келган хатга кўзи тушди. Почта қоғозида хоч белгиси бор, ёнбошида йигирматача исм-шариф ва лавозимлар ёзилган.

Хатда шундай ёзилганди:

Қадрли, Ҳармон хоним!

Биз сиз билан телефон орқали боғланишга муваффақ бўлмадик, шу сабабли почтадан фойдаланишга қарор қилдик. Россия Федерациясидаги мусобақага сафар чоғида «Умумнасроний хоч ташкилоти»нинг ёрдамини рад этмайсиз, деган умиддамиз.

«Умумнасроний хоч ташкилоти» – нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг мақсади муқаддас сўзлар учун ёпиқ бўлган эшикларни очишдир. Бизга маълум бўлдики, сиз насроний ташкилот – «Метуэн-Хоум» тарбияланувчисисиз. Биз бу маълумотни эътиборга молик деб топдик ва сизнинг бўлажак курашингизда ўз ёрдамимизни таклиф этмоқчимиз. Зеро, сиз билан динимиз ҳам, руҳимиз ҳам бир. Агар биз билан ҳамкорликдан манфаатдор бўлсангиз, Хьюстондаги идорамизга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Сизнинг биродарингиз Кроуфорд Уокер, директор.

«Умумнасроний хоч ташкилоти», халқаро бўлими.

Элизабет хатни ахлатга ташламоқчи бўлиб турганди ҳамки, Беннининг сўзлари ёдига тушди. Бир гал Бенни Москвага сафари харажатларини бир диний идора қоплаганини айтганди. Беннининг рақами қоғоз бўлагида ёзилган, уни шахмат соати билан бирга қутига солиб қўйганди. Элизабет қоғозни топиб, кўнгироқ қилди.

Бенни учинчи товушдан сўнг жавоб берди.

– Салом, бу Элизабет.

Бенни совуқроқ жавоб берди-ю, хат ҳақида эшитиши билан жонланди.

– Рози бўлавер! Уларда пул кўп!

– Менга Россияга чипта олиб беришадими?

– Фақат бу эмас. Агар сўрасанг, менинг йўл ва яшаш харажатларимни ҳам тўлашади. Қоидаларга кўра, алоҳида хоналарда, албатта.

– Бунча пулни мен учун бекорга совуриш уларга нега керак?

– «Умумнасерий хоч ташкилоти» сен каби етим-хонада тарбияланган истеъдодларни қўллаб-қувватлаш орқали давлатнинг олдида нуфузини оширмоқчи, – Бенни жим қолди. – Нью-Йоркка қайтиш ниятинг йўқми?

– Кентуккида бир оз қолишим керак, – деди Элизабет. – Мен спорт машғулотларига боряпман. Яна Калифорниядаги мусобақага ёзилдим.

– Тушунарли, – деди Бенни. – Ишларинг яхши кўринади.

Элизабет ўша куниёқ «Умумнасерий хоч ташкилоти»га жавоб хати ёзди. Ташкилот ёрдамани бажонидил қабул қилишини ва ўзи билан Бенжамин Уоттсни олиб кетмоқчилигини билдирди. Меҳмонхонадан «Алма Уитли хоним» муҳри қўйилган оч мовийранг почта қозонини топди. Онасининг исм-шарифи устидан чизик тортиб, тагига «Элизабет Ҳармон» деб ёзди. Муюлишдаги почта қутисига хатни олиб кетаётиб, шаҳар марказида бир оз сайр қилишга ва йўл-йўлакай янги кўрпа-тўшак, ошхона учун дастурхон олишга қарор қилди.

* * *

Сан-Франциско қиши ажойиб эди. Элизабет ҳали ҳеч қачон бундай зумрад қишни кўрмаган. Оппоқ ер устида бинолар гайритабиий тус олганди. Элиза-

бет Телеграф тепалигига чиқиб, пастга қаради. Саф тортган тик кўчалар, уйлар ва меҳмонхоналар пастга қуйилиб боришидан, мовий кўрфаз тасвиридан нафаси ҳалқумига келди. Муюлишдаги гул дўконидан бахмал гуллар харид қилди. Кўрфазни томоша қила туриб, тепаликка чиқаётган ёш жуфтликни кўрди. Йигит ва қиз ҳансираб, дам олиш учун тўхташди. Элизабетнинг ўзи тепаликка қийинчиликсиз чиққанини сезиб, бу ерда бўладиган бир ҳафта давомида кўпроқ айланишга чиқиши кераклигини ўйлади. Шу атрофдан спорт машғулотлари учун жой ҳам қидириб кўриши керак.

Эртасига тепалик бўйлаб мусобақага кўтарилганда ҳаво кечагидек мўъжизакор, ранглар ёрқин эди, лекин Элизабет асабийлашди. Катта меҳмонхона лифти одамга тўла эди. Бир неча киши қизга қизиқиш билан разм солишганидан бурчакка қараб ўгирилиб олишига тўғри келди. Элизабет мусобақа хонасига кирганида ташкилотчилар столида ўтирган киши дарҳол қогозлардан бошини кўтарди.

– Рўйхатга ёзилсам бўладими? – сўради Элизабет.

– Бунга ҳожат йўқ, Ҳармон хоним. Марҳамат, ўтаверинг.

– Мен қайси рақамли тахтада ўйнайман?

Бошқарувчи, саволдан ажабланиб, бошини кўтарди.

– Биринчи рақамлида.

Биринчи рақамли тахтага алоҳида хона ажратилган экан. Стол уч фут баландликдаги супа устида жойлашган. Томошабинлар учун шахматчиларнинг юришлари кўрсатиладиган намойиш панели жуда катта, уй кинотеатри экранига ўхшарди. Столнинг икки тарафига жигарранг чарм қопламали айланадиган курсилар қўйилган. Ўйин бошланишига беш дақиқа қолган, хонада тумонат одам тўпланганди.

Элизабет жойига одамлар орасидан тиқилиб ўтишига тўғри келди. Таниқли ёш шахматчини пайқашгач, гап-сўзлар тиниб, ҳамма қизга қаради. Супага чиқиш учун зинага қадам қўйиши билан олқишлар чалинди. Элизабет ўзини хотиржам тутишга уринди, лекин ич-ичидан қаттиқ ҳаяжон бунга халақит берарди. Охирги марта бундан беш ой аввал рақиб қаршисига чиққан ва мағлубиятга учраганди-да. Ҳозирги рақиб кимлигини ҳам билмас, сўраш ёдидан кўтарилганди. Элизабет ўй-хаёлларини бир четга суриб, бир-икки дақиқа ёлғиз ўтирди. Кейин саҳнага мағрур қадам ташлаб, ёш йигит юриб келди. Узун қора сочли, шоп мўйловли бу йигит Элизабетга таниш кўринди. Рақиб ўзини Энди Левитт деб таништиргач, қиз дарров бу йигит ҳақида «Шахмат янгиликлари»да ўқиганини эслади. Левитт столга ўтириб, қаддини кўтарди. Энди Левиттнинг олдига ҳакам келиб, оҳиста эгилди ва «Соатни юргизишингиз мумкин», деди. Левитт бепарволик билан соат тугмасини босди ва Элизабетнинг соати чиқиллай бошлади.

Элизабет ҳаяжонини тизгинлаб, фарзин пиёдасини юрди ва тахтадан бошқа ҳеч нарсага чалғимасликка ҳаракат қилди. Миттелшпилга келиб, томошабинлар яна кўпайди. Кимнидир эшик қисиб қолди ва ҳакамлар одамларни тартиб сақлашга чақиришди. Элизабет шахмат мусобақаларида бунча одам тўпланганини ҳали кўрмаганди. Қиз диққатини яна тахтага жамлади ва рухни очиқ вертикал йўлакка оҳиста қўйди. Учта юришдан сўнг ҳужумга ўтиш имкони пайдо бўлади. Агар Левитт рақибининг йўлини тўсиб қўймаса ва ўзи бирор нимани кўздан қочирмаган бўлса, албатта. Элизабет рақибининг рокировка қилинган шохидан ўз пиёдаларини тўсиб, олдинга секин, эҳтиёткор ҳаракатлана бошлади.

Нафасини ростлаб, рухни горизонтал қаторнинг еттинчи катагига сурди. Онгининг бир бурчагида кўп йиллар аввал Цинциннатида кўрган қора кийинган қароқчисифат кишининг хирилдоқ овози эшитилаётгандек бўлди. «Бу рух горизонталдаги еттинчи катакда бўғиздаги суякдек қадалиб қолганди», деганди ўшанда қароқчи. Элизабет бошини кўтариб, тахта устидан Левиттга боқди. Энди Левитт ҳақиқатан ҳам томоғига суяк қадалган, шунчаки эмас, чуқур тикилгандек кўринарди. Рақибининг ўзини қўлга олишга ва хотиржамлик сақлашга уринаётганини кўриб, қизни шодлик ҳисси эгаллаб олди. Рух ортидан фарзин ҳам горизонтал қаторнинг еттинчи катагига салобат билан жойлашгач, Левитт ўйланиб ҳам ўтирмай енгилганини эълон қилди. Олқишлар баланд ва кучли бўлди. Элизабет жилмайганча зинадан тушиб келди ва голибни дарров қўлларида «Шахмат янгиликлари»нинг эски сонларини ушлаб олган кишилар дастхат олиш учун ўраб олишди. Кимдир Элизабетнинг юзи безаб турган муқовага имзо сўрар, баъзилар кириш чиптаси ёки оддий оқ қоғозни узатишарди. Дастхат кўяётиб, Элизабетнинг кўзи оқ-қора суратга тушди. Суратда Элизабет Огайодаги мусобақада ютган каттагина ҳайкали билан Беннининг ёнида турибди, ортида эса бошқа иштирокчилар. Тасвирда юзи сўлгин ва бепарво кўринарди. Ичкилик домига тушган пайтлари «Шахмат янгиликлари»нинг худди шу сони меҳмонхона столидаги журналлар уюми орасида бир ой қадогидан очилмай ётганди. Элизабет шуларни эсларкан, уялиб кетди.

Кимдир журналнинг яна бир сонини узатди ва қиз хотираларини ўзидан итарди. Дастхатларни одамларга тўлган хонадан чиқиб бораётиб йўлма-йўл қўйиб борарди. Бу ердан чиқиб, биринчи тахтали хона билан умумий хонани ажратиб турган

йўлакдан ҳам шу тарзда одамлар қуршовида ўтди. Умумий хонада бошқа иштирокчиларнинг ўйинлари ҳали тугамаганди. Икки ҳакам қолганларга ҳалал бермасликлари учун одамларни тартибга солишга тушишди. Баъзи ўйинчилар бошларини кўтариб, қизни ўқрайиб кузатиб қолишарди. Буларнинг бари голиб ўйинчига ҳузур бахш этар, айти пайтда кўрқитарди ҳам. Элизабет биринчи бор унга тасанно айтиб, завқ билан боқаётган ва ёнига яқинлашишга ошиқаётган мухлислар доирасига тушиб қолди. Бир аёл дастхат олиб, шавқ билан деди:

– Мен шахматни умуман тушунмайман, азизам, лекин сиз одамни лол қолдирасиз!

Ўрта ёшли яна бир киши Элизабетнинг қўлини узоқ силкиб турди ва деди:

– Сиз Капабланкадан кейинги энг яхши ўйинчисиз! – деди у.

– Раҳмат, – деди Элизабет. – Қанийди буни Капабланкадек осон эплай олсам... «Лекин бу унчалик ҳам қийин бўлмади», – ўйланди Элизабет. Элизабетнинг онгу шуури, афтидан, ўз ҳолига қайтганди – ичкилик иқтидорини ювиб юбора олмабди.

Элизабет шахдам қадамлар билан қуёшнинг ярқироқ нурлари остида меҳмонхонасига юриб кетди. Ярим йилдан кейин қизни Россия сафари кутади. «Умумнасроний хоч ташкилоти» Элизабет, Бенжамин ва яна Қўшма Штатлар шахмат федерациясидан уларни кузатиб борадиган аёл учун «Аэрофлот» чипталарини олиб беришга рози бўлди. Меҳмонхонада яшаш харажатларини ҳам тўлаб берадиган бўлишди. Нонушта, тушлик ва кечки овқат мусобақа ташкилотчилари томонидан уюштирилади. Элизабет кунига олти соатдан шахмат бўйича билимларини ошириш билан шуғулланыпти ва шу йўсинда давом этади.

Элизабет гул олишга тўхтади ва бу сафар чиннигул харид қилди. Пештахта ортидаги аёл кеча Элизабет шаҳарда овқатланиб, меҳмонхонага қайтаётганида ундан дастхат сўраганди. Аёл бутун ҳам АҚШ чемпионига бир даста гул сотишдан хурсанд бўлса керак. Калифорнияга жўнаб кетишдан олдин Элизабет Беннининг кутубхонасида кўрган ҳамма журналлар таҳририятларига обуна бўлиш учун чек юборган. Энди Элизабетга шахматга бағишланган энг тарихий даврий нашр «Deutsche Schachzeitung»⁸¹ келиб туради. Яна «Британ шахмат журнали», Москвадан «СССР шахмати»⁸², «Échecs Europe»⁸³ ва «Америка шахмат бюллетени» ҳам. Элизабет уларда чоп этилган барча гроссмейстерлар ўйинларини ўқиб чиқишни режа қилди. Алоҳида аҳамиятли кўринганларини эса тўлиқ ёд олади. Кутилмаган натижаларга олиб келадиган ёки ҳали унинг хаёлига келмаган, ўйинларида учрамаган юришларни таҳлил қилиб чиқади.

Элизабет эрта баҳорда Нью-Йоркка бориб, Қўшма Штатлар очик турнирида иштирок этиши ва Бенни билан бир-икки ҳафта вақтини ўтказиши мумкин. Қўлларидаги алвон чиннигуллар ёниб турар, яп-янги жинси шим ва свитерда Сан-Францисконинг салқин шамолли кўчаларида юриш қулай эди. Кўча охиридан минглаб орзу-умидларни ваъда қилиб мавжланаётган кўкимтир кўрфаз манзараси очиларди. Элизабетнинг юраги кўпириб келаётган сувлар билан ҳамоҳанг тўлқинланиб, узоққа – Тинч уммони томонга интиларди.

⁸¹ «Немис шахмат журнали» (нем.).

⁸² «СССР шахмати» асари муаллифи.

⁸³ «Шахмат. Европа» (фр.). Франциянинг ҳар ойда чиқадиган шахмат журнали.

* * *

Элизабет мусобақа соврини ва биринчи ўрин учун ютуқ пули билан уйга қайтганида қоғозлар орасида иккита расмий хатжилд ётарди. Бирида Қўшма Штатлар шахмат федерациясидан тўрт юз долларлик чек ва бундан ортиқ юбора олмасликлари ҳақидаги узрнома бор экан. Иккинчиси эса «Умумнасроний хоч ташкилоти»дан келганди. Ичидаги уч саҳифали хатда насронийлик ғояларини халқаро миқёсда тарғиб қилиш зарурияти ҳақида ёзилганди. Хатдаги бош ҳарфлар билан алоҳида ажратиб ёзилган сўзлардан Элизабет бир оз ноқулайлик ҳис этди. Ном тўрт киши томонидан имзоланган ва уларнинг ҳаммаси ўзларини қизнинг биродарлари деб аташганди. Икки букланган қоғоз орасидан эса тўрт минг долларлик чек чиқди. Элизабет чекни қўлида ушлаб, узоқ вақт туриб қолди. Ҳозиргина голиб бўлган мусобақасидаги ютуқ пули икки минг доллар эди. Бу пулнинг бир қисми Сан-Францискога бориш ва қайтиш харажатларини қоплади. Банкдаги ҳисоб рақами эса охириг ярим йилда анча бўшаб қолганди. Элизабет техаслик насронийлардан икки мингдан ортиқ пул келишига умид ҳам қилмаганди. Ташкилот аъзоларининг милялари аллақандай телбанамо фикрларга тўла бўлса-да, уларнинг пуллари ҳозир қизга айна муддао эди. Элизабет яхши янгилик билан бўлишиш учун Беннига қўнғироқ қилишга шошди.

* * *

Чоршанба куни эрталаб Жолин билан сквош ўйинидан сўнг уйга кираётиб, Элизабет телефон қўнғироғини эшитди. Шошганча устидаги кийимини ечиб, меҳмонхонадаги диванга ташлади ва телефон гўшагини қўтарди.

– Бу Элизабет Ҳармонми? – аёл кишининг овози келди.

– Ҳа.

– «Метуэн-Ҳоум»дан Ҳелен Дирдорффман.

Элизабет ҳайратдан қотиб қолди.

– Элизабет, мен сенга бир нарсани айтишим керак. Бугун тунда жаноб Шейбел вафот этди. Бу ҳақда билишинг керак, деб ўйладим.

Элизабетнинг кўз ўнгида таниш манзара гавдаланди: семиз, қари фаррош етимхона ертўласида шахмат тахтаси устида эгилиб турар, тепасига илинган чироқ тебранарди. Саккиз ёшли Элизабет эса унинг ёнида жимгина турар, кўмир печ олдида ёлғиз ўтириб, бутун эътибори, диққати билан сирли ўйинга шўнгиган бу ғалати одамни томоша қиларди.

– Бугун тундами? – қайта сўради Элизабет.

– Юрак хуружидан ўлибди. Шейбел олтмиш ёшларда эди.

Кейинги сўзларини Элизабет беихтиёр гапириб юбориб, ўзи ҳам таажжубланди.

– Мен дафн маросимига боришни истайман.

– Дафн маросимига? – ажабланди Дирдорфф хоним. – Маросим қачонга белгиланганини билмайман. Жаноб Шейбелнинг турмушга чиқмаган синглиси Хилда Шейбел бор. Унга қўнғироқ қилишинг мумкин.

* * *

Олти йил олдин эр-хотин Уитлилар қизалоқни Лексингтонга олиб кетишаётганда, кўпгина шаҳарчалар ёнидан ўтган асфальтланган тор йўллардан юришганди. Машина светофорда тўхтаган вақтда Элизабет ойнадан қараб, йўлдан ўтаётган ранг-баранг кийинган одамлар йўлакларни тўлдириб шошиб кетишаётганини, дўкон эшигида ҳосил бўлган

навбатларни кўрганди. Ҳозир Элизабет ва Жолин «Фольксваген»да тўрт табақалик йўлдан ортга қайтишар, шаҳарчалар эса онда-сонда фақат яшил йўл кўрсаткичлардаги ёзувлардагина кўзга ташланарди.

– У гирт аҳмоқ бўлиб кўринар эди, – деди Жолин.

– Жаноб Шейбел билан шахмат ўйнаш осон эмас эди. Мен ундан кўрққан бўлсам керак, – тан олди Элизабет.

– Мен уларнинг ҳаммасидан кўрқардим, – Жолин елкасини қисди. – Лаънати, жин ургурлар!

Элизабет дугонасига ажабланиб қаради – у Жолинни доим кўрқмас деб ҳисобларди.

– Фергюссендан-чи?

– Фергюссен саҳродаги бир култур сувдек эди. Аммо илк пайдо бўлганида ундан ҳам кўрқар эдим. Кейин қарасам, тузуккина одам бўлиб чиқди, – Жолин жилмайди. – Қария Фергюссен...

Элизабет етимхонада яшил дориларни бермай қўйишганида дугонаси у учун дори топиб келганини эслади, озгина иккиланиб, барибир сўради:

– Сизларнинг орангизда нимадир бўлганми?

Жолин кулди.

– Қанийди, лекин йўқ.

– Етимхонага келганингда ёшинг нечада эди?

– Олтида.

– Сен қариндошларинг ҳақида бирор нарса биласанми?

– Фақат бувим ҳақида биламан, лекин у Луисвилл яқинида вафот этган. Қариндошларим ҳақида ҳеч нарса билишни хоҳламайман. Никоҳсиз туғилганманми ёки қонунийми, тупурдим. Мени бувимникига нега жўнатишганлиги ва у нега мени «Метуэн-Ҳоум»га жўнатиб юборганига ҳам тупурдим. Мен энди улгайганим ва бу ифлосликлардан озод бўлганимдан хурсандман. Августда магистратура бўйича

битирув имтиҳонларим бўлади: уларни топшириб, бу штатдан умрбод гойиб бўламан.

– Мен эса онамни эслайман, – деди Элизабет. – Отамни ҳам элас-элас эслайман.

– Агар қўлингдан келса, яхшиси, уларни унут.

Жолин иккита кемпер ва қўмир ортилган юк машинасини қувиб ўтиб, чапга бурилди. Олдинда Маунт-Стерлинггача неча километр қолганлигини билдирувчи яшил белги турарди.

Баҳор келган, Элизабетнинг машинадаги узоқ саёхатидан сўнг роппа-роса бир йил ўтибди. Ўшанда Бенни билан Нью-Йоркка кетаётган эди. Элизабет Пенсильваниянинг ирkit йўлларини эслади. Ҳозир кетишаётган бетон шоссе янги, тартибли, икки томонида оқ тўсиқлар қўйилган, сал ўтиб фермерларнинг уйлари жойлашган Кентукки далалари ястаниб ётарди.

Бироздан сўнг Жолин тамаки чекди.

– Диплом олганингдан кейин қаерга борасан? – сўради Элизабет.

Узоқ жимликдан сўнг дугонаси жавоб берди:

– Менга Атлантадаги ҳуқуқшунослар идорасида ишлашни таклиф қилишди. У ердагиларнинг ҳаммаси оқ танли бўлса-да, бу ишнинг келажаги порлоқ кўриняпти, – Жолин яна жим қолди. – Уларга замон билан ҳамнафас бўлишлари учун намунали қора танли ходим керак.

Элизабет дугонасига иккиланиб қаради.

– Мен қора танли бўлганимда бу қадар узоқ жанубга бормаган бўлардим.

– Сен бормаслигинг мумкин. Лекин Атлантада менга Нью-Йоркка қараганда икки баравар қўп ҳақ тўлашади. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича ишлашни таклиф этишяпти, бу эса, тушунишимча,

қора иш эмас. Бундан ташқари, менга икки деразали алоҳида хона ва хатларимни машинада ёзиб туриш учун оқ танли ходима беришади.

– Ахир сен ҳуқуқшунос эмассан-ку...

Жолин кулиб юборди.

– Бу уларни тўлиқ қониқтиради, деб ўйлайман. Файнга, Слокамга ва Ливингстонга уларнинг кўз-бўямачиликларини тушунадиган малакали қора танли хотин керак эмас. Хушбичим, чиройли қоматли, нутқи равон қора танли гўзал керак. Улар билан бўлган суҳбатда мен «пенитенциар» ва «дихотомия» каби сўзларни қалаштириб ташладим. Улар буни муносиб баҳолашди.

– Жолин, – деди Элизабет, – сен бундай арзимас нарсалар учун жуда ақллилик қиласан. Хоҳласанг, университетда дарс беришинг мумкин. Ва сен ажойиб спортчисан...

– Мен нима қилаётганимни биламан, – гапни бўлди Жолин. – Мен гольф ва теннис ўйнашга устаман ва иқтидорим бор, – қиз тамаки тутунини чуқур тортди. – Қўлимдан нималар келишини тасаввур ҳам қила олмайсан. Спорт билан жиддий шуғулланаман ва мураббийлар менга, шу йўсинда шуғулланаверсам, малакали теннисчи бўлишим мумкинлигини айтишди.

– Бу жуда ажойиб-ку!

Жолин тутунни секин чиқарди.

– Элизабет, – деди Жолин, – мен сенда жамики мужассам бўлган нарсаларга эришишни истайман. Теннис бўйича паст лигада ўйнаш учун икки йил чап қўл зарбаларини ўрганишни истамайман. Сен анчадан бери ўз севган ишингни энг юқори даражада уддалаб келяпсан, биз, етимхонадагилардан бирортамининг тушига ҳам кирмаган бу.

– Мен сендек гўзал бўлишни истайман. Ҳеч бўл-
маса жиндай сенга ўхшашни хоҳлайман.

– Менинг кўринишим ҳақида жаврашни бас қил,
– жеркиди Жолин. – Бутун умр ойнадаги аксингга
мафтун бўлиб ўтириб бўлмайди-ку. Ва яна такрор-
лайман: сен энди тасқара эмассан. Лекин энг асосий-
си – бу сенинг иқтидоринг. Сен шахмат ўйнаганинг
каби теннис ўйнаш учун ҳамма нарсамни берардим.

Жолиннинг овозида чексиз ишонч бор эди. Эли-
забет унга ён томондан қаради. Машина томигача ет-
ган қуюқ сочларига, рул чамбарагини қаттиқ сиққан
силлиқ, жигарранг қўлларига, газаб бурканган юзи-
га тикилиб, жим қолди.

Бир дақиқа ўтиб, Жолин: «Мана, етиб келдик», –
деди.

Бир мил нарида йўлнинг ўнг томонида қора том-
ли, қора панжарали учта ғиштли бино турарди. Бу
«Метуэн-Ҳоум» болалар уйи эди.

* * *

Бетон йўлакнинг охиридаги сариқ рангга бўялган
зина эшикка олиб борарди. Қачонлардир бу зиналар
Элизабетга баланд ва улуғвор кўринарди, хира торт-
ган мис эълон эса келажакка аянчли ишора бўлиб
туюлганди. Энди эса бу шунчаки эскирган қишлоқ
ташкилоти. Зиналардаги бўёқлар шишиб, ёри-
либ кетибди. Буталар ҳар томонга тартибсиз ўсган,
барглар устини йўлакдаги лой қоплаганди. Жолин
дарров спорт майдончасига келди ва болаларни
камдан-кам, фақат Фергюссеннинг назорати ости-
да ўйнашга қўйишган занглаган арғимчоқларга кўз
ташлади. Элизабет эса чарақлаб турган қуёш ости-
да йўлакда турганча етимхонанинг ёғоч эшикларига
қаради. Бу эшиклар ортида Дирдорфф хонимнинг
катта хонаси ва яна бошқа хоналар бор. Битта қанот

фақат кутубхона ва черковга ажратилган. Бошқа қанотда иккита синфхона, йўлакнинг энг охирида эса ертўлага тушадиган зина бўларди.

Элизабет етимхонада яшаган маҳалларида якшанба кунлари шахмат ўйнашни ўзининг имтиёзи деб биларди. Ўша мудҳиш кунгача шундай бўлиб келди. Қизалоқ ҳалигача Дирдорфф хонимнинг «Элизабет!» деб бақиришидан кейинги воқеалар – шиша синиқлари билан ерга сочилган дорилар сандоси ҳақида эслаганда, нафаси бўғзига тикиларди. Шундан сўнг етимчани имтиёзидан маҳрум қилишди. Энди севимли шахмати ўрнига якшанба кунлари Элизабет бир ярим соатлаб черковда вақт ўтказишга мажбур эди. Маърузалардан аввал эса Лонсдейл хоним билан ўриндиқларни қўйиб чиқишарди. Маъруза тугагач, яна ўриндиқларни қайта жойига жойлаштирар ва яна бир соат иншо ёзарди. Элизабет бир йил давомида ҳар якшанба иншо ёзиб, уни Дирдорфф хонимга топширди. Душанба эрталаблари Дирдорфф хоним иншога қизил ручка билан «Бошқатдан ёзиш. Пала-партиш ёзув» каби изохлар киритиб, қизга қайтариб берарди.

Жолин Элизабетнинг ёнига келди, куёшдан кўзлари қамашди.

– Ахир, сен шахматни шу ерда, етимхонада ўргангансан, тўғрими?

– Ертўлада.

– Жин урсин, – деди Жолин. – Улар сен учун шароит яратиб беришлари, сени мусобақаларга тез-тез юбориб туришлари мумкин эди. Уларнинг ўзлари ҳам рекламадан манфаатдор бўлишарди.

– Рекламадан?! – паришон сўради Элизабет.

– Ҳа, реклама пул олиб келади.

Элизабет етимхона маъмурияти унга шахматни ўрганишида ёрдам бериши мумкин бўлганлиги

ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаганди. Буни эндигина, қуёш нурларига чўмилган йўлакчада турибгина тушуниб қолди. Элизабет ўша пайтда худди Бенни каби тўққиз-ўн ёшлариданоқ мусобақаларда қатнашишни бошлаши мумкин эди. Гроссмейстерлар билан ўйнаб, жаноб Шейбел ва жаноб Ганц унга беролмайдиган билимларни эгаллаши мумкин эди. Элизабет ақли, қобилиятли, билимга чанқоқ ва шахматга ишқи тушганди. Мусобақалардан бирида танишган болакай – ўн олти ёшида жаҳон чемпиони бўлмоқчи бўлган Георгий Гиревнинг имкониятларидан ярми унда бўлганида эди. Элизабет ўн ёшидаёқ ўша ўсмир бола даражасида ўйнай оларди. Бунга имони комил эди. Бир сонияга Элизабетнинг онгида рус шахматининг расмиятчилиги ва етимхона расмиятчилиги бир-бири билан қовушди. Ва бирдан оддий ҳақиқатни тушуниб етди: шахматда насронийликка қарши ҳам, марксчиликка қарши ҳам ҳеч нарса йўқ. Шахмат ҳар қандай ғоядан мустақил.

Элизабетга шахмат ўйнашга рухсат бериш, ўрганиш учун шароит яратиш Дирдорфф хоним учун арзимаган масала эди. Агар шундай бўлганида бугун «Метуэн-Хоум» ўз тарбияланувчиси билан фахрланган бўларди.

Элизабет Дирдорфф хонимнинг юзини – ориқ, икки яноги қип-қизил, истехзоли жилмайиши ва кўзларининг шафқатсиз чақнашини кўз олдига келтирди. Дирдорфф уни севимли ўйинидан айирганидан роҳат топган бўлса керак.

– Истасанг, кирамиз, – деди Жолин.

– Йўқ. Мотел қидириб кўрайлик. Мотел худудида йўлдан бир неча ярд нарида жойлашган ҳовуз бор экан. Оқшом жуда иссиқ бўлди. Кечки овқатдан сўнг қизлар сувга тушиб олишди.

Жолин яна ажойиб сузувчи ҳам экан. Элизабет ховуз четида у ер бу ерга ҳаракатланган чоғда дугонаси ховузни гир айланиб сузиб чиқди.

– Биз барибир қўрқоқмиз. Директорнинг хонасига киришимиз керак эди. У ҳақдаги ҳамма ўй-фикрларимизни айтишимиз керак эди, – деди Жолин.

Дафн маросими эрталаб Лютеран қабристонидида ўтказилди. Ёпиқ тобут атрофида ўн киши одам тўпланди. Тобут одатий ўлчамда эди ва Элизабет ҳатто бир зумга унга жаноб Шейбел қандай сиғди экан, деб ўйлаб қолди. Бу ердаги черков Лексингтондагидан кичикроқ эди, лекин, умуман олганда, дафн маросими Уитли хонимниқидан унча фарқ қилмади. Беш дақиқадан сўнг Элизабетнинг юраги сиқила бошлади, Жолинни эсноқ тутди. Видолашув маросимидан сўнг озчилик қабристонга йўл олди.

– Эсимда, бир куни у мени жуда қўрқитиб юборганди, – деди Жолин. – Жаноб Шелл мени китоб олиб келишга кутубхонага юборди. Киришим билан Шейбел «Йўқол бу ердан!» деб бақириб юборса бўладими. Эндигина кутубхона полини ювган экан. У негадир болаларни ёқтирмасди.

– Дирдорфф хоним черковга келмади.

– Етимхонадагиларнинг ҳеч бири келмади.

Бу ёғига маросим янада қуруқ ўтди. Тобутни қабрга қўйишди, руҳоний дуо ўқиди. Ҳеч ким йиғламади. Ҳамма худди навбат кутиб зерикаётганларга ўхшарди. Ёшлардан фақат Элизабет ва Жолин. Қолганлар қизлар билан гаплашишмади. Қабрга тупроқ тўкилгач, қизлар эски қабристоннинг тор йўлакчалари бўйлаб қабртошлар ва қоқи ўтлар ёнидан юриб, чиқиб кетишди.

Элизабет марҳум учун гам чекмас, жаноб Шейбел энди йўқлигидан азобланмасди. Фақат айбдорлик хиссини туярди. Фаррошга йиллар аввал беш доллар қарз учун ваъда қилинган ўн долларни ҳали ҳам қайтармаганди. Шейбелга аллақачон почта орқали чек юбориши керак эди.

Лексингтонга қайтишда машина «Метуэн-Хоум»-дан ўтади. Етимхона ёнидан бурилаётганда Элизабет: «Кел, кира қоламиз, мен бир нарсани кўрмоқчиман», деди. Жолин етимхона йўлагига бурилди, лекин машинада қолди. Элизабет эса бинога ён эшикдан кирди. Ичкари қоронғи ва совуқ эди. «ХЕЛЕН ДИРДОРФФ – ДИРЕКТОР» ёзувли эшикдан ўтгач, ўқув хоналари томон бурилди, бўш йўлак бўйлаб энг охирги эшикка келиб, уни итарди. Пастда чироқ ёниқ эди. Қиз зиналардан секин тушди.

Шахмат тахтаси йўқ эди, аммо фаррош аввал ўйин ўйнаган стол ўша жойда, кўмир печ ёнида турибди. Темир стул ҳам ўша жойда. Стол тепасида чироқ илиниб турибди. Элизабет столга бир оз қараб турди ва жаноб Шейбелнинг жойига ўтирди, хонага разм солди ва кўзи олдин бу ерда бўлмаган нарсага тушди.

Элизабет болалигида ўтирган жойнинг орқасида йўнилмаган тахталар, ёғоч тахтага қоқилган михлардан иборат тўсин турарди. Тўсин суратлар, газета ва журнал бўлаклари, «Шахмат янгиликлари» журнали муқовалари билан тўлган эди. Ҳар бир сурат чангимаслиги учун алоҳида шаффоф плёнкага ўралган ва четлари ёпишқоқ тасма билан ёпиштирилганди. Бу Элизабетнинг суратлари эди. Кесилган бўлакларда Элизабетнинг «Шахмат янгиликлари»да чоп этилган партиялари, «Геральд-лидер» Лексингтон газетаси, «New York Times» ва бир нечта немис журналидан олинган хабарлар. «Ҳаёт»даги эски мақола

ҳам ўша ерда, Элизабет шахмат бўйича АҚШ чемпионати соврини билан тушган «Шахмат янгилик-лари» муқовасининг ёнида турарди. Қолган кичикроқ суратлар кичкина бўлинмачага тиқиб қўйилган, баъзилари икки нусхада. Бу ерда йигирматача сурат бор эди. Элизабет ҳар бир суратига қараркан, юзига томаётган кўз ёшларини пайқамади ҳам.

* * *

– Қидирганингни топдингми? – сўради Жолин у машинага қайтганида.

– Ундан ҳам кўпроғини топдим, – деди Элизабет. Қиз яна нимадир демоқчи бўлди, аммо фикридан қайтди.

Жолин машинани ўт олдириб, тўхташ жойидан катта йўлга чиқиб кетди. Тепалиқдан тушгач, «Фольксваген» тезликни ошириб, ўқдек учиб кетди. Қизлардан бирортаси Маунт-Стерлингга ўтирилмади. Элизабет йиғидан тўхтаб, юзини рўмолчаси билан арта бошлади.

– «Кўпроқ» нарсанг жуда катта эканми? – Элизабетга кўз қирини ташлади Жолин.

– Йўқ. Ҳаммаси жойида.

* * *

Аёллардан бири – новчароғи Хелен Дирдорффга ўхшаб кетарди. Ташқи кўриниши эмас, кўпроқ руҳан ўхшашлик сезиларди. Аёл сомонранг костюм кийган, қайиқча туфлида, тинмай жилмаяр, жилмайиши ҳиссиёсиз ёғочдек эди. Унинг исми Блокер хоним экан. Иккинчиси тўлачадан келган ва бир оз уятчанроқ, тўқ гулли кийим кийган, иш пойабзалида эди. Иккинчи аёл ўзини Жож хоним деб таништиради. Улар Техасдаги Хьюстондан Цинцинна-

тига йўл олишган ва йўл-йўлакай гаплашиб олишга киришганди. Аёллар Элизабетнинг меҳмонхонасидаги диванга ёнма-ён ўтириб, Хьюстон балети, шаҳарда маданийлик даражаси ошгани ҳақида гапиришарди. Афтидан, «Умумнасроний хоч ташкилоти» фақат динга чуқур шўнғиган идора эмаслигини кўрсатмоқчи бўлишди. Келишларидан олдин Элизабетни хат билан огоҳлантириб қўйишганди. Элизабет уларнинг Хьюстон ҳақида ва «Умумнасроний хоч ташкилоти» Цинциннатида асос солишга ёрдам берган агентлик – ўзлари айтганидек, «насроний атроф-муҳит»ни асраш билан шуғулланадиган агентлик ҳақидаги гапларини мулойимлик билан тингларди. Гап-сўзлар охирига етиб, Жож хоним мақсадга кўчди:

– Элизабет, аслида биз сиздан нутқ сўзлашингизни, мурожаат қилишингизни сўрамоқчимиз.

– Мурожаат?! – қайта сўради Элизабет уларнинг қаршисида Уитли хонимнинг курсисида ўтирганча.

– «Умумнасроний хоч ташкилоти» ўз нуқтаи назарингизни оммага эълон қилишингизни сўрайди, – гапни давом эттирди Блокер хоним. – Кўплаб инсонлар огзига қулф солиб юришни маъқул кўрадиган бир замонда...

– Мен жанжалга аралашишни истамайман, – деди Элизабет. – Қолаверса, мен шахматчиман.

– Албатта, азизам, – бош иргади Блокер хоним.

– Аммо мен омма олдида чиқиш қилмайман, – деди Элизабет

– «Умумнасроний хоч ташкилоти» анча пул сарфлаб қўйган...

Кўзларнинг бундай чақнаши ҳам Элизабетга таъиш эди.

– Мен сизга пулларингизни қайтариб бераман, – у ўрнидан туриб, стол ёнига борди ва чек китобчасини

олди. Бир зумга ўзини қайсар аҳмоқдек сизди. Ахир бу пуллар Москвадаги меҳмонхонада яшаши, сафарнинг кутилмаган харажатлари учун ажратилган эди. Чекнинг таг қисмида тўлов мақсади ўрнида, одатда, «чироқ учун тўлов» ёки «ижара» дейиладиган жойга кимдир, «Насронийлик хизмати учун» деб ёзиб қўйилганди. Эҳтимол, Блокер хонимнинг ўзи ёзгандир. Элизабет чек китобчасидан тоза варақ йиртиб олиб, «Умумнасроний хоч ташкилоти» учун 4000 доллар ёзиб берди, тагига эса «Харажатларни тўлиқ қоплаш» деб ёзди.

– Нима қилаётганингизни биласиз, деган умиддаман, азизам, – деди кутилмаган раҳмдиллик билан Жож хоним.

– Мен ҳам шундай умиддаман, – деди Элизабет. Москвага кетишгача беш ҳафта қолган эди.

* * *

Беннига қўнғироқ қилиб, биринчи уринишдаёқ тушди.

– Ақлдан озибсан, – деди у Элизабетни тинглагач.

– Нима бўлганда ҳам рад қилиб бўлдим, энди орқага йўл йўқ.

– Чипталар пули тўлаб бўлинганми?

– Йўқ. Ҳеч нарсга тўланмаган.

– «Интурист»⁸⁴ аввалдан тўлов қилинсагина хоналарни банд қилади.

– Биламан, – Элизабетга Беннининг оҳанги ёқмади. – Ҳисобимда икки минг доллар бор. Ўзи кўпроқ эди, лекин Лексингтондаги уйга кўпроқ сарфлаб юбордим. Сафар учун яна уч минг керак. Камида.

– Менда бунча пул йўқ.

– Қанақасига йўқ? Ахир, сен пул топишни биласан.

⁸⁴ «Интурист» – 1929 йилда асос солинган сайёҳлик компанияси.

– Менда пул йўқ.

Жимлик узоқ давом этди.

– Шахмат федерациясига қўнғироқ қилиб қўр, – таклиф қилди Бенни, – ёки давлат департаментига.

– Федерацияда мени унча ёқтиришмайди, – деди Элизабет. – Улар мени шахматни тарғиб қилишга ҳисса қўшмайди, деб ҳисоблашади.

– Унда «Кечки шоу»га бор, Фил Донахью⁸⁵ билан учраш.

– Бенни, бўлмағур гапларни қўйсанг-чи.

– Сен ақлдан озгансан. Бу аҳмоқлар нимага ишониши билан неча пуллик ишинг бор? Кимга, нима-ни исботлашга уриняпсан?

– Мен Россияга ёлғиз боришни истамайман, Бенни, тушунсанг-чи.

– Тентак! – у бирдан бақириб юборди. – Лаънати, ақлдан озган тентак!

– Бенни...

– Аввалига Нью-Йоркка қайтишдан бош тортдинг, энди эса ҳамма ишни расво қилдинг! Россиянгга менсиз кетавер, йўқол!

– Яхши, мен балки пулларни рад қилиб бекор қилгандирман, – Элизабетни бирдан титроқ тутди. – Балки, чекни қайтармаслигим керак эди.

– «Балки» – омадсизларнинг севимли сўзи, – совуқ оҳангда деди йигит.

– Бенни, мен афсусдаман.

– Етар. Сен аввал-бошданок бошимга бало эдинг, шундай бўлиб қоласан ҳам. Сен билан бошқа гаплашишни истамайман!

Гўшак шарақлади ва узун товушлар эшитилди. Элизабет гўшакни жойига қўйди. Ҳаммасини бар-

⁸⁵ Фил Донахью (1935) – таниқли америкалик журналист; 1967 йилдан буён «Фил Донахью шоу»сини олиб боради ва ток-шоу асосчиси саналади.

бод қилди, Беннини йўқотди. Бир оз ўтгач, Шахмат федерациясига қўнғироқ қилди ва директор жавоб беришни лозим топгунча ўн дақиқача кутиб турди. Директор мулоимлик билан унинг муаммосига ҳамдард эканини айтди, Москвадаги мусобақада омад тилади, лекин Федерациянинг бунга пули йўқлигини чиройли қилиб тушунтирди.

– Даромаднинг катта қисмини даврий нашрлардан оламиз. Биздан олган тўрт юз долларингиз сизга ажрата оладиган бор пулимиз, – деди у.

Вашингтонга қилган мурожаати бўйича бир кун ўтиб боғланишди. Маданият ишлари бўйича идорадан аллақандай О'Мэлли Элизабетни тинглагач, Давлат департаментида унинг «русларни улар уста бўлган ўйинда ер тишлатиш» учун Москвадаги турнирга кетаётганидан ҳамма хурсанд бўлганини завқ билан нутқ қилди. Кейин қандай ёрдам бериши мумкинлигини сўради.

– Менга сафар учун уч минг доллар зарур. Жуда яқин кунларда.

– Хўш, нима қилиш мумкинлигини суриштириб кўраман, – деди О'Мэлли. – Сизга бир соатдан сўнг қўнғироқ қиламан.

Эркак тўрт соат ўтиб, қўнғироқ қилди. Шу вақт давомида Элизабет ҳали ошхона, ҳали боғ бўйлаб юриб чиқди. Ҳатто «Умумнасроний хоч ташкилоти» унга сафарда ҳамроҳ қилиб жўнатмоқчи бўлган Анна Реардонга ҳам қўнғироқ қилмоқчи бўлди. Анна Реардон Аёллар шахмат лигасида 1900 атрофида рейтингга эга эди. Демак, шахматда унча-мунча нарсани тушунарди. Элизабет уни бир марта ғарбий штатлардан бирида мағлуб қилган: тахтадан унинг доналарини деярли йўқ қилиб юборганди. Лекин нариги томондан ҳеч ким жавоб бермади. Шунда О'Мэллининг қўнғироғи илинжида ўзига қаҳва тай-

ёрлаб, «Deutsche Schachzeitung» журналини ўқишга киришди. Ўзининг аҳмоқлигидан асаби бузилиб, кўнгли айнирди. «Умумнасроний хоч ташкилоти» қўшқўллаб бераётган шунча пулни шундоққина қайтариб бериш! Нақ тўрт минг долларни-я?! Ниҳоят, О'Мэлли қўнғироқ қилди. Узр сўраб, давлат жамғармалари бунчалик тез фурсатда ёрдам кўрсатолмаслигини айтди. Мурожаатни кўриб чиқиш, турли идораларда тасдиқлаш учун вақт керак эди.

– Аммо биз, албатта, сиз билан ўз вакилимизни юборамиз, – ваъда қилди О'Мэлли.

– Уч минг долларни нақд пулда ёки чек билан олса бўлмайдими? Ортиқча қоғозларсиз? Бу унчалик ҳам катта пул эмас. Мен шунчаки ўзим билан Москвага икки ёрдамчимни олиб кетмоқчиман, холос.

– Узр сўрайман, – деди О'Мэлли, – жуда афсусдман.

Эртага Элизабет «Интурист»нинг Вашингтондаги ваколатхонасига чек юборди ва Россияга ўзи ёлғиз ёки департамент берган ҳамроҳ билан жўнайди. Элизабет ҳар ҳолда рус тилини ўрганган ва ўзини у қадар иложсиз ҳис этмайди.

Ҳар ҳолда, барча рус шахматчилари инглиз тилини билишади. Мусобақага эса Беннисиз, мустақил тайёрланади. Бир неча ойдан бери ўзи шуғулланиб келяпти. Элизабет қаҳвасини ичди. У айтарли бутун ҳаёти давомида ёлғиз ўзи шуғулланиб келган.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Элизабет ва жаноб Бут Орли аэропортининг кутиш залида етти соат ўтиришди ва ниҳоят, «Аэрофлот» бортига чиқиш вақти келганда ҳамма йўловчилар ҳарбий рангли форма кийган ёш хонимнинг

қабулига навбатга тизилишди. Аёл чипталарга муҳр босиб, паспортларни синчиклаб текширарди. Энг охирги қаторда турган Элизабет ва жаноб Бут навбатлари келгунча яна бир соат кутиб қолишди. Рўйхатга олаётган аёлнинг олдида етиб келишлари биланоқ Элизабетнинг сабри муносиб мукофотланди. Форма кийган аёл уни кўриб, «Шахмат бўйича чемпион қиз!» деди чиройли жилмайиб. Аёлнинг табассуми юзини буткул ўзгартириб юборди. Элизабет ҳам унга жавобан жилмайди.

– Омад ёр бўлсин! – аёлнинг сўзлари шундай самимий эшитилдики, чин дилдан омад тилаётгани билинди. Аёл, шубҳасиз, рус эди. Америкалик мансабдорлардан ҳеч ким уни юзидан ҳам, исм-шарифидан ҳам танимасди.

Элизабетни самолётнинг дум қисмига, ойна олдида ўтқизишди. Курсилар жигарранг мато билан қопланган, тирсак қисмларига оппоқ сочиқ қўйилганди. Қизнинг ёнига жаноб Бут жойлашди. Элизабет ойнадан Парижнинг хира осмонига ва ёмғирдан ҳўл бўлган учиш-қўниш йўлагига боқиб кетарди. Оқшомнинг нам ҳавосида самолётлар ғира-шира кўриниб турарди. Элизабетга улар Москвага аллақачон етиб келишгандай туюлди. Бир неча дақиқадан сўнг стюард сув тарқата бошлади. Жаноб Бут бўшаб қолган идишидаги сувни ичиб, пиджагининг чўнтагини тита бошлади ва кичкина кумушранг шишани олиб, қопқоғини тиши билан суғуриб олди. Кейин сувли идишига виски қуйди. Қопқоғни ёпиб, шишасини чўнтагига яширди. Аввалига Элизабетга ичишни таклиф қилгандек қадаҳни силкиб, имо қилди. Элизабет бош қимирлатди. Шу тобда ичкиликни рад этиш осон бўлмади, ичкилик унга айни муддао бўларди. Қизга бу галати самолёт ҳам, ёнидаги ҳамроҳи ҳам ёқмаётганди.

ёрлаб, «Deutsche Schachzeitung» журналини ўқишга киришди. Ўзининг аҳмоқлигидан асаби бузилиб, кўнгли айнирди. «Умумнасроний хоч ташкилоти» кўшқўллаб бераётган шунча пулни шундоққина қайтариб бериш! Нақ тўрт минг долларни-я?! Ниҳоят, О'Мэлли кўнғироқ қилди. Узр сўраб, давлат жамгармалари бунчалик тез фурсатда ёрдам кўрсатолмаслигини айтди. Мурожаатни кўриб чиқиш, турли идораларда тасдиқлаш учун вақт керак эди.

– Аммо биз, албатта, сиз билан ўз вакилимизни юборамиз, – ваъда қилди О'Мэлли.

– Уч минг долларни нақд пулда ёки чек билан олса бўлмайдими? Ортиқча қогозларсиз? Бу унчалик ҳам қатта пул эмас. Мен шунчаки ўзим билан Москвага икки ёрдамчимни олиб кетмоқчиман, холос.

– Узр сўрайман, – деди О'Мэлли, – жуда афсусдман.

Эртага Элизабет «Интурист»нинг Вашингтондаги ваколатхонасига чек юборди ва Россияга ўзи ёлғиз ёки департамент берган ҳамроҳ билан жўнайди. Элизабет ҳар ҳолда рус тилини ўрганган ва ўзини у қадар иложсиз ҳис этмайди.

Ҳар ҳолда, барча рус шахматчилари инглиз тилини билишади. Мусобақага эса Беннисиз, мустақил тайёрланади. Бир неча ойдан бери ўзи шуғулланиб келяпти. Элизабет қаҳвасини ичди. У айтарли бутун ҳаёти давомида ёлғиз ўзи шуғулланиб келган.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Элизабет ва жаноб Бут Орли аэропортининг кутиш залида етти соат ўтиришди ва ниҳоят, «Аэрофлот» бортига чиқиш вақти келганда ҳамма йўловчилар ҳарбий рангли форма кийган ёш хонимнинг

қабулига навбатга тизилишди. Аёл чипталарга муҳр босиб, паспортларни синчиклаб текширарди. Энг охирги қаторда турган Элизабет ва жаноб Бут навбатлари келгунча яна бир соат кутиб қолишди. Рўйхатга олаётган аёлнинг олдига етиб келишлари биланоқ Элизабетнинг сабри муносиб мукофотланди. Форма кийган аёл уни кўриб, «Шахмат бўйича чемпион қиз!» деди чиройли жилмайиб. Аёлнинг табассуми юзини буткул ўзгартириб юборди. Элизабет ҳам унга жавобан жилмайди.

– Омад ёр бўлсин! – аёлнинг сўзлари шундай самимий эшитилдики, чин дилдан омад тилаётгани билинди. Аёл, шубҳасиз, рус эди. Америкалик мансабдорлардан ҳеч ким уни юзидан ҳам, исм-шарифидан ҳам танимасди.

Элизабетни самолётнинг дум қисмига, ойна олдига ўтқизишди. Курсилар жигарранг мато билан қопланган, тирсак қисмларига оппоқ сочиқ қўйилганди. Қизнинг ёнига жаноб Бут жойлашди. Элизабет ойнадан Парижнинг хира осмонига ва ёмғирдан ҳўл бўлган учиш-қўниш йўлагига боқиб кетарди. Оқшомнинг нам ҳавосида самолётлар гира-шира кўриниб турарди. Элизабетга улар Москвага аллақачон етиб келишгандай туюлди. Бир неча дақиқадан сўнг стюард сув тарқата бошлади. Жаноб Бут бўшаб қолган идишидаги сувни ичиб, пиджагининг чўнтагини тита бошлади ва кичкина кумушранг шишани олиб, қопқоғини тиши билан суғуриб олди. Кейин сувли идишига виски қуйди. Қопқоқни ёпиб, шишасини чўнтагига яширди. Аввалига Элизабетга ичишни таклиф қилгандек қадахни силкиб, имо қилди. Элизабет бош қимирлатди. Шу тобда ичкиликни рад этиш осон бўлмади, ичкилик унга айни муддао бўларди. Қизга бу галати самолёт ҳам, ёнидаги ҳамроҳи ҳам ёқмаётганди.

Жаноб Бут унга биринчи бор Кеннеди аэропортида кўришишганида ўзини маданият ишлари бўйича вазир ўринбосарининг ёрдамчиси деб таништирганидаёқ ёқмаган. Эркак унга Москванинг барча тешикларини кўрсатишни ваъда қилди, аммо Элизабетни бу қизиқтирмасди. Айниқса, қора костюм кийган, қошлари қайрилган қари мансабдор ҳамроҳлигида юришни истамасди. Тагин у баланд овоз билан қаҳ-қаҳ отиб кулаверарди. Эркак қирқинчи йилларда Йелда ўқиган пайтлари шахмат ўйнаганини айтганида Элизабет ҳамроҳининг гапларини эътиборсиз қолдирди. Жаноб Бут бу ҳақда худди шахмат уларни боғлаб турган аллақандай уятли ҳодисадек бемалол гапирарди.

Элизабет Москвага Бенни Уоттс билан келишни истаганди. Аммо ўтган оқшом Бенни билан ҳатто телефон орқали боғланишнинг имкони бўлмади. Аввалги икки марта қўнғироқ қилганида банд бўлди, кейингисида эса ҳеч ким жавоб бермади. Америка шахмат федерацияси директори унга омад тилаб, табрикнома юборди, шу билан алоқалари узилди.

Элизабет ўриндиққа суянди, кўзларини юмди, атрофдаги товушларга эътибор бермай, ўзини бўш қўйишга уринди. Салонда русча, немисча ва французча нутқ сўзланарди. Сумкасининг чўнтагида кути ичида ўттиз тўртта яшил дори бор. Элизабет ярим йилдан бери бу дориларни ҳатто огзига олмади, лекин керак бўлиб қолса, самолётда битта ичиб олиш мумкин, деб ўйлади. Ҳар ҳолда, ичкиликдан кўра дорилар яхшироқ эди. Элизабет дам олиши керак эди: аэропортдаги узок кутиш унинг асабини тамом қилди. Қиз икки бор Жолинга қўнғироқ қилди, лекин дутонаси ҳам Бенни каби гўшакни кўтармади.

Бенни Уоттс унга ҳозир жуда керак. У ўзини аҳмоқлардек тутмаганда эди, йигит шу ерда бўларди.

«Умумнасроний хоч ташкилоти»нинг пулини олиб, ўша қоғозда ёзилган аҳмоқона гапларни ўқиб бериш керак эди. Ўша сўзлар гарчи бирор аҳамиятга эга бўлмаса-да! Бироқ унга босим ўтказган одамларга кескин рад жавобини бериш, хоҳишларини бажармаслик аҳмоқона иш эмас. Нима бўлганда ҳам Бенни унинг ёнида эмасди ва Элизабет йигитга жуда муҳтож эди. Элизабет Таунс билан саёҳат қилаётганини, Москвада бирга вақт ўтказаятганини бир он тасаввур қилди. Бу унчалик ёқмади. Элизабетга Таунс эмас, Бенни керак эди. Элизабет Беннини, унинг пишиқ ва равшан ақлини, қатъий фикрлари ва қайсарлигини, шахмат ҳақидаги катта билими ва Элизабетни тушуниш қобилиятини соғиняпти. Бенни ҳозир шу ерда, Бутнинг ўрнида ўтириши мумкин эди. Улар шахмат ҳақида суҳбатлар қуришган бўларди. Москвада ҳар бир ўйиндан кейин чуқур таҳлил ўтказиб, кейинги рақибга қарши режалар ишлаб чиқишган бўларди. Меҳмонхонада қачонлардир Уитли хоним билан қилганидек бирга тушлик қилишарди, Москвада сайр қилиб, истаганча бирга вақт ўтказишарди. Аммо Бенни Нью-Йоркда, Элизабет эса самолётнинг рангсиз салоида Шарқий Европа томонга учиб кетяпти. Огир булутлар орасидан чиқиб, қўнишни бошлаганда қиз биринчи бор юқоридан Россияга қаради ва бу ер унга Кентуккига ўхшаб кўринди. Элизабет барибир учта дори ичиб олди ва парвоз давомида бир неча соатга ухлаб қолди. Энди эса қизни галати ҳис чулғаб олди. Худди қачонлардир «Грейхаунд» шаҳарлараро автобусида узоқ йўл юрганидан кейин бўлганидек кўзлари хиралашди. Ўшанда Элизабет ярим тунда уйғониб, тор йўлак бўйлаб ухлаб ётган одамлар орасидан салоннинг охирига юриб ўтган ва дорини ичиш учун катта шишадан пластик идишга сув қуйиб олганди.

Москва аэропортига келиб, жаноб Бут кутилмаганда фойдали ҳамроҳ бўлиб чиқди: эркак маҳаллий қонун-қоидаларни билар, рус тилида яхши гапирарди ва Элизабетни дарҳол керакли божхона бўлинмасига олиб борди. Бу ёгига ҳам ҳаммаси осон кечди: форма кийган катта ёшли келишган киши юкларга тез кўз ташлади, иккала жомадонни ҳам очди, бир-иккита буюмларни кўтариб, жойига қайтариб қўйди. Шу билан текширув тугади. Аэропорт эшиги олдида уларни элчихона «Лимузин»и кутиб турарди. Ҳамроҳлар даланинг ўртасидан ўтган йўл бўйлаб кетишди. Эндигина ёришиб келаётган тонг ёруғида далада эркак ва аёллар ишлашарди. Дала бўйлаб Америкада кўрганларидан анча катта учта йирик трактор юриб кетарди. Бошқа автомобиллар кам эди. Кейин «Лимузин» четларида олти, саккиз қаватли деразалари кичкина уйлар қад кўтарган йўлдан юриб кетди. Осмон хира бўлса-да, июнь тонги иссиқ эди, уйларга кираверишда одамлар ўтиришарди. Йўл кенгая бошлади, қалин майсазордан иборат боғ кўринди, унинг ортидан яна битта каттароқ боғ, улардан сўнг янги муҳташам ва салобатли – асрларга татигулик уйлар қад кўтарганди. Йўлларда машиналар кўпайди, чеккада велосипедчилар, йўлакларда пиёдалар оломони кўрина бошлади.

Жаноб Бут ғижим бўлган костюмида ўриндиққа суяниб, ухларди. Элизабет узун машина ичида бир бурчакка тиқилиб, ўзи томондан кўчаларни томоша қилиб борарди. Москванинг кўринишида душманлик ёки хавф аломатлари йўқ, оддий катта шаҳарлар билан бир хил эди. Шундай бўлса-да, Элизабет барибир ўзини бўш қўёлмаётганди. Эртага эрталаб мусобақа бошланади. Элизабет ўзини қўлга олишга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир ёлғизликдан қутулолмас ва қўрқарди.

* * *

Элизабетнинг университет қошидаги тил курслари ўқитувчиси руслар чойни катта идишларда ва шакар бўлагини тишлари орасида қисиб турганча ичишади, деганди. Аммо меҳмонхонанинг катта, пардалари тортиб қўйилган хонасида чойни тилла нақшли нафис чинни финжонларда тортишди. Элизабет суянчиқлари баланд викторианча курсида тиззаларини қаттиқ сиқиб ўтирар ва бир қўлида чой, иккинчисида ликопчада оғир ширинлик бўлагини тутиб турганча мусобақа директорини тинглашга уринарди. Директор инглиз тилида бир неча жумла сўзлаб, кейин уларни французчада қайтарди ва яна инглизчага ўтди. Ҳар бир тахта олдида ҳакам туради ва ҳакамга ҳар қандай масала бўйича мурожаат қилиш мумкин. Ўйин пайтида чекиш ва овқатланиш мумкин эмас, лекин мажбурият тугилганда, ўйинчилар хизмат кўрсатаётган ишчилар ҳамроҳлигида дам олиш хонасига чиқиб келишлари мумкин бўлади. Бунинг учун қўлни кўтариб, навбатчига ишора қилинса, бас.

Курсилар айлана қилиб жойлаштирилган, мусобақа директори Элизабетнинг чап томонида ўтирарди. Рўпарасида эса Дмитрий Лученко, Виктор Лаев ва Леонид Шапкин – ҳаммаси мукаммал тикилган костюм, оқ кўйлак ва тўқ рангли бўйинбоғда. Жаноб Бут рус эркаклари кийимларини худди ўттизинчи йилларнинг «Монтгомери Уорд»⁸⁶ каталогидан буюртма қилгандек кийинишларини айтганди. Лекин шахматчиларнинг костюмлари қимматбаҳо кулранг габардин ва бошқа қалин матолардан тикилганди. Бу учлик – Лученко, Лаев ва Шапкин олдида бутун

⁸⁶ «Монтгомери Уорд ва К°» – уйга етказиб бериш хизмати мавжуд почта бўйича савдо компанияси. 1872 йилда асос солинган бўлиб, қишлоқ аҳолисига мўлжалланган.

Америка шахмат жамияти эҳтиром кўрсатарди. Директорнинг чап тарафида эса Василий Боргов ўтирибди. Элизабет ўзини Борговга қарашга ҳеч мажбур қилолмасди, лекин шунчалик яқин ўтирардики, атирининг ифориини сезарди. Боргов билан бошқа рус шахматчилари ўртасида яна бир учлик жойлашганди: бразилиялик Жоржи Фленту, финляндиялик Бернт Хелстрём ва бельгиялик Жан-Пол Дюамел – улар ҳам худди шундай эскича кийинишган. Элизабет чойдан ҳўплаб, асабийлашаётганини билдирмасликка уринарди.

Соат эрталабки тўққизу ўттиз. Дераза ортида жазирама қуёш ёндирмоқда, лекин меҳмонхонанинг оғир жигарранг пардалари қаттиқ тортилган, қуёшни ўтказмасди. Курсилар жигарранг тилла нақшли бахмал қоплама билан ёпилган, полдаги ҳашаматли шарқона гилам бу ерга музейдан келиб қолгандек, хона деворлари палисандр панеллари билан безатилганди.

Меҳмонхонанинг катта залига Элизабет икки рус аёли билан кириб келди, ҳамма шахматчилар билан қўл сиқишиб кўришди. Ярим соатдан бери барча ўйинчилар шу алфозда ўтиришарди.

Элизабет ўтган тунда меҳмонхонанинг катта галати хонасида, аллақерда сув томчилаётганини эшитиб, ухлолмади. Ўрнидан туриб, етти яримда барвақт кийиниб олди. Ҳозир махсус буюртма билан тикилган қимматбаҳо тўқ кўк кўйлагига терлаб кетди, нейлон пайпоқлари оёғига ёпишиб қолди. Бу ерда қиз ўзини жуда ёмон ҳис қиларди: ҳар сафар эркаклардан бирор ким билан кўзлари тўқнашганда шахматчилар унга жилмайишар, Элизабет эса ўзини катта одам ролини ўйнаётган кичкина қизалоқдек ҳис этарди. Яна боши ҳам оғирди. Турнир директоридан ўша заҳотиёқ аспирин сўраб туриши

керак эди. Ниҳоят, директор нутқини тамомлади ва эркаклар туришди. Элизабет ҳам ўрнидан сакраб турди ва финжон ликопчасига урилиб кетди. Идиш жаранглаб кетди. Официант дарҳол етиб келиб, финжонни олиб кетди. Энг аввалида Элизабет билан қўл сиқишаётганда бир бор кўз ташлаган Боргов ҳозир бўлажак рақибига эътибор бермай ўтиб кетди. Боргов директор очишга чоғланган эшик томонга юрди ва қолганлар ҳам унинг ортидан эргашишди. Элизабетдан олдинда Шапкин, ортидан Хелстрём борарди. Гидамлар солинган йўлакда қизга Лученко етиб олди.

– Сиз шу ерда эканингиздан хурсандман, – деди Лученко. – Партиямизни сабрсизлик билан кутаман.

Лученконинг сочлари аллақандай оркестр дирижёриникидек узун ва кумуш оралаганди. Крахмалланган оқ кўйлаги ёқасини чиройли боғланган бўйинбоғ беаб турарди. Рус шахматчиси Элизабетга самимий қараб турарди.

– Раҳмат, – деди Элизабет.

Элизабет Лученко ҳақидаги мақолаларни ўрта мактабдалигидаёқ ўқиган. «Шахмат янгиликлари» бу рус гроссмейстери ҳақда эътиром билан ёзар ва Элизабетнинг ўзи ҳам ҳозир шу ҳурматни ҳис этиб турарди. Ўша пайтларда Лученко шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган, аммо бир неча йил аввал бу унвонни Борговга бой берганди.

Иштирокчилар мусобақа директори эшикни очишдан аввал йўлак бўйлаб узоқ юришди. Боргов биринчи бўлиб кирди, қолганлар унинг ортидан. Шахматчилар яна бир эшиги бор кенг даҳлизга киргандек бўлишди. Иккинчи эшик ортидан шовқин эшитилиб турарди, директор эшикни очганида шовқин янада кучайди. Йўлакдан қора парданинг бир чети кўринарди, лекин Элизабет остонадан қадам қў-

йиши билан нафаси ичига тушиб кетди. Улар одамларга тўлган катта томоша залида пайдо бўлишди. Томошабинлар худди Радио-Сити-Мьюзик-холлга йиғилгандек кўп эди. Курсилар кетма-кетлиги юзлаб ярдга чўзилганди. Ҳатто йўлакдаги йиғиладиган курсилар шўх суҳбат қураётган одамлар билан тўла эди. Шахматчилар қизил йўлак бўйлаб саҳнага чиқишгач, гап-сўзлар дарҳол тўхтади, ҳамма нигоҳлар уларга қаратилди. Парда тепасида қизил мато билан ўралган айвонча бўлиб, бу айвондан ҳам иштирокчиларни ўнлаб одамлар кузатиб туришарди.

Саҳнада тўртта кенг, янги ва лак сепилган столлар турар, устида доналари тахланган шахмат тахталари тайёр эди. Ҳар бир тахта ёнида қоралардан ўнг томонда ёғоч қопламали катта соатлар турарди. Оқлардан ўнг томонда катта сув шишаси ва иккита стакан жой олган. Суянчиқлари баланд айланадиган курсилар шундай қўйилганки, томошабинлар шахматчиларни ён томонидан кўриб туришарди. Столлар ортида оқ қўйлак, қора капалаксимон бўйинбоғ таққан ҳакамлар саф тортиб туришибди. Ҳакамлар ортидаги деворда эса бошлангич ҳолатдаги катта шахмат тахталари илинган. Хона ёруғ, лекин кўзни қамаштирмас – столларга шифтдаги қандиллардан чироқ тушиб турарди.

Мусобақа директори жилмайганча Элизабетнинг қўлидан тутиб, уни саҳна марказига олиб келди. Томошабинлар жим қолишди. Директор микрофонга яқинлашиб, русча нутқ бошлади. Элизабет унинг шахматга оид бир неча гапларига тушунди ва ўз исмини эшитди: Элизабет Ҳармон.

Бирдан гулдурос қарсақлар чалинди, шўх, баланд олқишлар янгради ва Элизабет томошабинлардан

келаётган илиқлик ва меҳрни ўз танасида туйди. Директор уни охирги столга кузатиб қўйиб, қора доналар томонга ўтказди. Қолган ўйинчиларни ҳам қисқа таништирди ва улар ҳам қайноқ олқишлардан ўз улушларини олишди.

Рус шахматчиларининг навбати келганида биринчи бўлиб Лаев ўртага чиқди, унга янада баланд олқишлар чалинди. Охирги бўлиб Василий Боргов таъзимга эгилганида хона тинимсиз қарсак ва олқиш овозларидан гумбураб кетди.

Элизабетнинг биринчи рақиби Лаев бўлди. То-мошабинлар Борговни олқишлаётганда Лаев америкалик ўйинчининг рўпарасига келиб ўтирди ва қиз унга зимдан разм солди. Лаев йигирма беш ёшлардаги йигит эди. Озгин, ёш чехрасида мажбурий жилмайиш бор, қошлари бир-бирига уланган, қарсаклар мобайнида бармоқларини столга эшитилар-эшитилмас урарди.

Ниҳоят, олқишлар тугагач, ҳаяжондан қизариб кетган турнир директори Боргов оқлар билан ўйнаётган столга келиб, соатни ўзи ишга туширди. Иккинчи столга келиб, яна худди шундай қилди. Охирги столга келиб, рақибларга ўзгача жилмайиб қаради ва Элизабет томондаги тугмани босиб, Лаевнинг соатини юрғизди. Виктор Лаев бир оз хўрсиниб, шох пиёдасини горизонтал қаторнинг тўртинчи катагига юрди. Элизабет иккиланмай фарзин қанотидаги фил пиёдасини олдинга сурди ва энди шунчаки шахмат ўйнаш мумкинлигидан енгил тортди. Тахтадаги доналар йирик ва оғиргина эди, ҳар бири салобатли, мукамал ишланган, силлиқланган, катакнинг қок марказига жойлашар ва кўзни қувнатарди. Тахталар силлиқ лак билан қопланиб, мис билан безатилган. Курси тахтдек виқорли, шу билан бирга юмшоқ ва

шинам. Элизабет жойига қулай ўрнашиб олди ва Лаевнинг кейинги қадамини кузатди. Лаев шоҳ отини филнинг учинчи катагига юрди. Элизабет фарзин отини олди ва қўлида ёқимли оғирликни ҳис этиб, фарзин филининг учинчи катагига қўйди. Лаев пиёдани фарзиннинг тўртинчи катагига олди – Элизабет уни пиёдаси билан олиб, соат ёнига қўйди. Ҳакам ортга ўгирилиб, уларнинг ҳар юришларини ўз тахтасида намойиш қилиб борарди. Элизабет ҳали ҳам бўйни ва елкаларида оғриқни ҳис қилар, лекин ноқулайлик секин-аста танасини тарк этиб, енгиллашарди. Ҳа, Элизабетга Россияда ва бу ерда кўп нарса ғалати туюляпти, лекин шахмат ҳамма жойда шахмат бўлиб қолади.

Лаевнинг услубини Элизабет турнир бюллетенларидан ўқиб ўрганган ва агар олтинчи юришда қизнинг пиёдаси шоҳнинг тўртинчи катагини эгалласа, рақиб отни филнинг учинчи катагига қўйиб, Болеславский услубини қўллайди. Кейин шоҳ флангида рокировка қилади. Лаев икки бор – Петросян ва Талга қарши ўйинларида айнан шу йўлдан юрган. Муҳим ўйинларда баъзан шахматчилар янги, қутилмаган усулларни танлашар, уларни ҳафталаб ишлаб чиқишарди, лекин Элизабет руслар қизнинг устидан ғалаба қозониш учун бунчалик ўзларини овора қилишмаслигига ишончи комил эди. Руслар Элизабетни Бенжамин Уоттс даражасида ўйнайди, деб ўйлашар ва Лаев каби шахматчилар Бенни билан ўйинга бу қадар катта тайёрғарлик кўриб ўтиришмасди. Элизабет уларнинг ҳисоб-китоблари бўйича кучли рақиб ҳисобланмас эди. Элизабетда фақат битта гаройиб хусусият бор. У ҳам бўлса аёл киши экани. Россия шахмат олами учун бу ягона истисно эмасди. Бу ерда ҳам аёл шахматчи Нона Гаприн-

дашвили⁸⁷ етарлича танилган ва ҳали бу даражадаги мусобақада иштирок этишга муваффақ бўлмаган бўлса-да, шу ердаги россиялик гроссмейстерлар билан бир неча бор ўйнаб кўрган эди.

Лаев осон галабани тахмин қилганди. Йигит Элизабет ўйлаганидек отини юриб, рокировка қилди. Элизабет охирги ярим йилни бировларнинг партияларини ўрганишга сарфлаб беҳуда иш қилмаганидан енгил тортди. Рақибингдан нима кутишни билсанг, бу, албатта, яхши. Қиз ҳам рокировка қилди. Иккала томондан ҳам бирор хатосиз юришлар кетма-кетлигидан сўнг ўйин тезлиги туша бошлади ва кучлар тенг ҳолда миттелшпилга киришди. Бунгача иккала рақиб ҳам биттадан от ва филни йўқотишди, иккала шоҳ ҳам ишончли ҳимояланган, оқларда ҳам, қораларда ҳам заиф қадамлар йўқ эди.

Ўн саккизинчи юришда тахтада хавфли тенглик юзага келди. Америкада Элизабетга обрў олиб келган ҳужумлар бу ерда иложсиз эди. Тахтада оркестрнинг ўйини каби сокин, нафис ва нозик партия борарди. Лаев оқлар билан ўйнар ва бу унинг ягона ютуғи эди. Лаев ёлгондакам хавф туғдирадиган юришлар қилар, Элизабет ўз кучини йўқотмасдан бундай хавфларни чаққонлик билан четлаб ўтарди. Йигирма тўртинчи юришда Элизабет ниҳоят тузоқ қўйиш имконини топди. Ўзининг фарзин руҳи учун вертикал йўлни очиб, рақибни филни олиб қочишга мажбур қилди. Лаев тахтадаги вазиятни узоқ ўрганди, кейин унга ўзгача, худди биринчи марта кўраётгандек қаради. Шодлиқдан Элизабетнинг эти жи-мирлаб кетди. Лаев вазиятни яна бир оз ўрганиб, ба-

⁸⁷ Нона Терентьевна Гаприндашвили (1941) – шахмат бўйича аёллар ўртасида жаҳон чемпиони (1962) ва халқаро гроссмейстер унвонини олган илк аёл ўйинчи (1978).

рибир филни олиб қочди. Элизабет рух билан бос-тириб кела бошлади. Энди кучлар тўлиқ тенглашди.

Яна бешта қадамдан сўнг Элизабет ҳужумга кириш имконини қўлга киритди. Пиёдасини бешинчи горизонтал қаторга юриб, қурбон қилди. Бу чиройли юриш Лаевни ҳимояга ўтишга мажбурлади. Йигит пиёдани олмади, лекин бу пиёда хавф солаётган отини орқага, фарзиннинг олдига олиб қочди. Элизабет рухни горизонтал қаторнинг учинчи катагига юрди ва Лаев яна ҳимояга шошилди. Элизабет ҳозирча қаттиқ ҳужумлар қилмас, Лаевни оҳиста, босим ўтказмай сиқиб борарди. Лаев секин-аста чекина бошлади. Афтидан, ҳайратга тушган бўлса-да, хотиржамлигини сақлашга уринарди. Рус шахматчилари америкалик қизалоқдан бундай ўйинни кутишмаганди. Элизабет яна рақибини сиқишда давом этди ва ниҳоят, тирик қолган оти билан фарзиннинг бешинчи катагини бехатар эгаллаш йўлини топди. Элизабет отини юрди, яна иккита юришдан сўнг рухни шоҳнинг вертикал йўлагига – шундоққина қиролнинг рўпарасига чиқарди. Лаев соатнинг чиқ-чиқи остида тахтани узоқ ўрганди ва охири Элизабет бутун вужуди билан кутаётган қадамни қўйди: шоҳ қанотидаги фил пиёдасини рухга ҳужумга ташлади. Соатнинг ўзи томондаги тугмасини босди-ю, аммо рақибига қарамади. Элизабет иккиланмай филни кўтариб, оқ пиёдани уриб туширди ва ўз донасини ўлжа қилиб ташлади. Ҳакам шу юришни ўз тахта-сида такрорлаганида залда шивир-шивир овозлари эшитилди. Айни пайтда рақиб бирор чора кўриши, Элизабетнинг филини аҳамиятсиз қолдирмаслиги керак. Лаев узоқ ўйланганча бир қўли билан сочларини чангаллади, иккинчи қўлининг бармоқлари билан столга ура бошлади. Элизабет эса курсига суя-

ниб, тажанг алфозда кутарди. У рақибини бурчакка тикди. Лаев вазиятни йигирма дақиқа ўйлади. Кейин бирдан ўрнидан туриб, рақибига қўлини чўзди. Қиз ҳам ўрнидан сакраб турди ва Лаевнинг кафтини сиқиб қўйди. Хонада жимлик ҳукм сурарди. Мусобақа директори уларнинг столига келиб, Элизабетни табриклади. Шахматчилар бирга сахна ортига кириб кетишди ва бирдан яна қарсақлар овози эшитилди.

* * *

Элизабет жаноб Бут ва Америка элчихонасидаги дипломатлар билан тушлик қилишга келишганди. Лекин меҳмонхонанинг деворларига викторианча курсилар қатор қўйилган кенг даҳлизига тушганида жаноб Бут йўқ эди. Бошқарувчи аёл қизга жаноб Бут қолдирган хатни берди: *«Жуда афсусдаман, иш бўйича муҳим масалалар чиқиб қолгани сабаб бирга овқатлана олмаймиз. Алоқада бўлман»*. Хабар ёзув машинкасида ёзилган, қуйида жаноб Бутнинг исм-шарифи ҳам қайд этилганди. Элизабет меҳмонхонанинг тушлик хоналаридан бирига кирди. Рус тилида биладиган сўзлари билан бир амаллаб қуймоқ ва маймунжон мурабболи чой буюрди. Дастёр жиддий кўринишдаги, чамаси, ўн тўрт ёшлардаги бола унга ликопда сарийё сурилган америкача оладьеларга ўхшаш таом, кумуш қошиқча билан икра ва қаймоқ олиб келди. Хонада офицерлар кийимидаги ҳарбийлар гуруҳи ва икки мансабдорларга ўхшаш кишидан ташқари ҳеч ким йўқ эди. Дақиқа ўтиб, Элизабетнинг ёнига кумуш патнис кўтарган каттароқ йигит келди. Патнис устида бир шиша шаффоф ичимлик ва қадаҳ турарди. Йигит мулойим жилмайиб, таклиф қилди: – Ароқ?!

Элизабет бошини қимирлатди.

– Йўқ, – деди-ю, ўзига стол ўртасида турган идишдан сув қуйиб олди.

Элизабет куннинг иккинчи ярмида бўш эди. Сverdлов майдони ва Белый город бўйлаб сайр қилиши, Авлиё Василий черковидаги музейни томоша қилиши мумкин. Ёқимли ёз ҳавосига қарамай, меҳмонхонадан чиққиси келмади. Эртага ёки индинга борса ҳам бўлади. Ҳозир эса бир оз ухлаб олиши керак. Эрталаб рус гроссмейстерига қарши илк ўйинда ютиб чиқди. Бу галаба қиз учун шу катта шаҳарда кўриши мумкин бўлган ҳамма нарсадан муҳим. Қолаверса, бу ерда ҳам яна саккиз кун бўлади. Москвани томоша қилишга вақти етади. Меҳмонхона тамаддихонасидан соат иккида хонасига кириб ухлаш қарори билан чиқиб кетди. Лаев билан ўйиндан сўнг асаблари шунчалик таранг тортилдики, хонага кириб ҳам ухлолмади. Катта юмшоқ ўринда бир соат эрталабки ўйинни қайта ва қайта хаёлидан ўтказиб, шифтга термилиб ётди. Ўз қадамларининг эҳтимолий камчиликларини қидирар, баъзи юришларидан ўзи ҳам ажабланиб, завққа тўлиб кетарди. Филини қурбон қилган юришга келиб «Оп!», «Мана!» дея шодланди. Бу ғаройиб эди. Элизабет ўйинда бирор хатога йўл қўймади. Ҳар ҳолда, ўзи хато тополмади. Лаев бармоқларини столга асабий тикиллатар ва хўмраярди. Лекин енгилганини айтганида кўриниши паришон ва ҳорғин эди.

Бир оз дам олғач, Элизабет ўрнидан туриб, кийинди ва оғир пардани очиб юборди. Саккизинчи қават деразасидан кўчалари бир-бирига туташган майдон кўринарди. Онда-сонда машиналар ўтиб, бўм-бўш йўлларга ҳаёт бахш этарди. Кўчалар охирида қуюқ дарахтлардан иборат боғ яшилланиб турибди. Элизабет айланиб келишга қарор қилди, лекин пайпоги ва пойабзалини кияётиб, эртага Дюамелга қарши оқлар билан ўйнаши кераклигини ўй-

лаб қолди. Элизабет Дюамелнинг бор-йўғи иккита ўйинини билади, иккиси ҳам анча аввалги йиллардаги ўйинлар.

Элизабет ўзи билан олиб келган журналларда янгилари бордир, ҳойнаҳой. Дюамелнинг ўйинларини таҳлил қилиб чиқиш керак. Элизабет эрталаб томошабинлар залидан чиқиб кетаётганида Дюамел Лученко билан ўйнаётган партияси эътиборини тортганиди. Бугунги ўйинлар қайдларидан нусха кўчириб, оқшомда уларни меҳмонхона ресторанида ўтадиган расмий кечки овқатда тарқатишади. Кўчага чиқмасдан хонада енгил машқлар билан кифояланган маъқул, ўтириб-туришлар эса сайр ўрнини босади.

* * *

Кечки овқат шунчалик зерикарли эдики, одамнинг гашини келтирарди. Элизабет Дюамел, Фленту ва Хелстрём билан ёнма-ён ўтирарди, рус шахматчилари эса рафиқалари билан столнинг бошқа тарафида. Борговнинг ёнида Элизабет аввал Мексикадаги ҳайвонот боғида кўрган аёл ўтирибди. Рус гроссмейстерлари қаҳқаҳа отиб кулишар, кўп чой ичиб, қўлларини кўп қимирлатиб гапиришарди. Аёллари эрларига муҳаббат билан боқиб, жим ўтиришарди. Ҳатто эрталабки ўйинда одамови ва ланж кўринган Лаев ҳам ҳозир қувноқ эди. Русларнинг ҳеч бири хорижлик меҳмонларга эътибор ҳам бермасди. Элизабет Фленту билан суҳбат қурмоқчи бўлди, лекин Фленту инглиз тилида яхши гапиролмасди. Флентунинг юзидан ҳеч кетмайдиган табассум эса Элизабетни ноқулай аҳволга соларди. Мулоқот ўрнатиш ҳаракатлари зое кетгач, столнинг нариги тарафида тинмаётган шовқинларни унутиб, эътиборини овқатга қаратди. Овқатдан сўнг мусобақа директори бугунги ўйинлар қайдларини тарқатди. Элизабет лифтдан кўтарила туриб, қайдларни ўрганишга ки-

ришди ва Борговдан бошлади. Нариги икки ўйин дуранг билан тутаган, Боргов эса ўзиникини мардонавор ютиб чиққанди.

* * *

Эртасига ҳайдовчи Элизабетни мусобақа ўтаётган жойга бошқа йўлдан олиб кетди. Қиз бино олдида оломон йиғилиб турганини кўрди: баъзилар соябон остида тонгги ёмгирдан беркиниб туришарди. Ҳайдовчи қизни ён эшик олдида қолдирди. У ерда ҳам шахмат мухлислари – йигирматача одам йиғилиб турибди. Эшикдан киргунича унга қўл силкишиб, қўриқчи эшикни ёпаётганида кимдир: «Элизабет Ҳармон!» деб бақирди.

Тўққизинчи юришда Дюамел нотўғри қарор қабул қилди ва Элизабет бундан дарҳол фойдаланиб, унинг шоҳини рух олдида ҳимоясиз қолдирди. Бу рақибини бир муддат ҳаракат эркинлигидан маҳрум қилди, Элизабет эса иккинчи филни майдонга туширди. Элизабет Дюамелнинг ўйинларини ўрганиб чиқиб, унинг эҳтиёткор ва ҳимояга уста эканини билиб олди. Тунда ўйланиб ўтириб, қулай имкониятни сабр билан кутиб, кейин қақшатқич ҳужум уюштиришга қарор қилди.

Ўн тўртинчи юришда Элизабетнинг икки фили ҳам рақибининг шоҳига қаратилганди. Ўн тўққизинчи юришда қиз доналари учун диагонал йўлни очди. Дюамел ҳимояланди, Элизабетни масофада ушлаб туриш учун отларидан усталик билан фойдаланди, лекин рақиб фарзинни ишга туширгач, йўллари ёпилди. Йигирманчи юриш ҳужумни қайтаришга бўлган умидсиз уриниш бўлди. Йигирма иккинчисида Дюамел енгилди. Ўйин бир соатдан камроқ давом этди. Бу ўйинчиларнинг столи сахна орти эшигидан анча узоқ жойлашган, Боргов ва Фленту

эса чиқиш олдида ўйнашарди. Элизабет уларнинг столи олдидан ўтиб кетаётганда томошабинлар қолган ўйинчиларга халал бермаслик учун енгил чапак чалишди ва Боргов қизга қараб қўйди. Мексикадаги мусобақадан кейин эркак биринчи марта Элизабетнинг юзига бир сонияга қаради ва бу нигоҳдан қизнинг кўрқуви ортди.

Элизабет гайритабиий бир ҳис билан парда ортига ўтиб, бир зумга тўхтади. Ортига икки қадам ташлаб, сахнага мўралади. Борговнинг ўриндиғи бўш эди. У хонанинг нариги тарафида Элизабет ва Дюамел ўйинининг якуний қадами қайд этилган катта намойиш тахтасига қараб турарди. Бир қўли билан иягини сийпалаб, иккинчисини чўнтагига солиб олган, қошларини чимирганча тахтадаги ҳолатни ўрганарди. Элизабет шошиб ортига қайтди ва сахна ортидаги йўлак бўйлаб одимлаб кетди.

Тушдан сўнг Элизабет кўчада сайр қилиб, тор йўлакчадан боққа ўтди. Сокольникови деб номланган бу кўчада машиналар ва пиёдалар кўп эди. Баъзилар қизга диққат билан қарашар, кимдир жилмаяр, лекин ҳеч ким гаплашишга уринмасди. Ёмғир сева-лаб ўтиб, ҳаво очилиб кетди. Қуёш нури остида бу баланд бинолар энди турмани эслатмасди.

Ўрмонзор орасидаги ёлғизоёқ йўл бўйлаб темир ўриндиқлар ўрнатилган, уларда кўпроқ қариялар ўтиришарди. Элизабет қизиқувчан нигоҳларга эътибор бермасликка уриниб, қуёш нури ҳам базўр кирадиган қоронғи дарахтзор ичра юриб кетди ва гуллари учбурчак қилиб экилган даладан чиқди. Майдон ўртасида усти ёпик узун айвон бўлиб, қатор қўйилган столларда камида қирққа яқин одам ўтириб, шахмат ўйнарди. Элизабет аввал ҳам Нью-Йоркдаги Марказий боғда ва Вашингтон хиёбонида қари шахматчиларни кўрганди, лекин бунчалик

кўпини биринчи кўриши. Бу ерда айвон қарияларга тўлиб, сигмаганлари зинада ўтиришарди.

Элизабет ранги ўчган мармар зиналардан секин кўтарила бошлади. Зинада икки қария эски шахмат тахтаси тепасида ўтиради. Сочлари тўкилган, тишсиз ёши каттароқ қария шоҳ гамбитини ўйнарди. Иккинчиси унга қарши Фалкбеер контргамбитини қўллади. Элизабетга бу йўл эскичадек туюлди, лекин ўйин нозик ва мураккаб кетаётгани аниқ эди.

Қариялар қизга қарашмасди. Элизабет юқорига чиқиб, айвонга ўтди. Бу ерда тўрт қатор бетон столда шахмат катаклари чизилган, ҳар бир столда иккитадан қария, фақат эркаклар ўтирарди. Ўйинчиларнинг орқасида бир гуруҳ қариялар тўпланиб томоша қилишар, биров маслаҳат беришга уринар, лекин кўп гаплашишмасди. Узоқдан болаларнинг қувноқ қийқириқлари кулоққа чалинарди. Бу қийқириқлар русчада ҳам худди бошқа тиллардаги каби эшитиларди. Элизабет шахматчиларнинг трубкаларидан кўтарилаётган тамаки тутунини туйганча қаторлар оралаб юра бошлади. Баъзилар қизга бош кўтариб қарашди, кимдир танигандек ҳам бўлди, лекин ҳеч ким гапирмади. Бу одамлар қари, жуда қари эдилар. Эҳтимол, инқилобни ҳам кўришгандир. Кўпчилиги тўқ рангларда кийинган, ҳатто ёзги кўйлаклари ҳам тўқ кулранг рангда эди. Улар дунёдаги ҳамма қариялардек эди. Столлар атрофида ўнлаб жаноб Шейбеллар шахмат ўйнашар, лекин уларга ҳеч ким ҳеч қачон эътибор қаратмасди.

Элизабет столлардан бирининг ёнида тахтадаги вазиятга қизиқсиниб тўхтади. Бу сицилиянча ҳимоядаги Рихтер-Раузернинг ҳужуми эди. Элизабет ўн олти ёшида «Шахмат янгиликлари» учун бу ҳужум ҳақида кичкина мақола ёзиб берганди. Рақиблар тўғри ўйнашарди, қора доналар юришида эса Эли-

забет аввал кўрмаган ноодатий ҳаракат бор эди. Лекин бу юришда бир маъно мужассам эди. Бу юқори даражали шахмат. Арзон-гаров иш кийимидаги икки қария биринчи даражада шахмат ўйнашарди. Оқлар билан ўйнаётган қария шоҳ фили билан юриб, Элизабетга бошини кўтариб, ҳўмрайиб қараб қўйди. Элизабет бирдан хижолат тортди: Америкада урф бўлган турмак қилган, қимматбаҳо кашемир свитерли, оч мовийранг юбка кийган ёш қиз рус қариялари ўртасида турарди. Қизнинг битта қайиқчали туфлиси бу қарияларнинг бир ойлик нафақасидан қимматроқ эди. Элизабетга қараб турган ажиндор кишининг юзига бирдан кулги югурди.

– Ҳармон? Елизавета Ҳармон? – сўради қария.

– Ҳа, – русчалаб деди Элизабет таажжуб билан.

Ўзи нима бўлаётганини тушуниб улгурмасидан қария ўрнидан сакраб туриб, қизни кучиб олди. Эркак хурсанд бўлиб: «Ҳармон! Ҳармон!» деб қайтарарди. Иккисининг атрофига қариялар йигилиб олиб, жилмайишар, Элизабетга қўлларини узатишар, ўнлаб одамлар унга қараб, рус тилида алланималарни тинмай гапиришарди.

* * *

Хелстрём ва Шапкинга қарши ўйинлар мураккаб ва қақшатқич бўлди. Элизабет ҳолдан тойган бўлса-да, бирор марта мот хавфига учрамади. Ярим йил ичида шахмат устида қилган меҳнати ўз меvasини бераётганди. Ўйин бошланишида шундай мустаҳкам қадамлар ташлардики, устунлик миттелшпилда ҳам у томонда сақланиб қоларди. Элизабет рақибни енгилмагунча олдинга интилаверарди. Хелстрём маглубиятни огир қабул қилди ва бирор сўз демасдан кетиб қолди. Шапкин эса жуда мулойим

киши экан. Элизабет уни шафқатсизларча ер тишлатган бўлса-да, қизнинг ғалабасини ҳурмат билан муносиб тан олди.

Турнирда ҳар бир иштирокчи еттитадан партия ўйнаши керак. Биринчи кун директорнинг нутқидан сўнг уларга рақиблар рўйхатини беришганди. Элизабет ўзининг нусхасини тортмага, яшил дориларнинг ёнига қўйди. Охирги кун оқлар билан Борговга қарши ўйинга киради. Бугун эса қоралар билан Лученкога қарши ўйнайди.

Лученко бу ердаги энг каттаси эди. Гроссмейстер жаҳон чемпионлигига эришганида Элизабет ҳали дунёга келмаганди. Болалик пайтидаёқ Алёхинни мағлуб қилган, Ботвинник билан дуранг ўйнаган ва Гаванда Бронштейнни енгган. Ҳозир Лученко аввалгидек шафқатсиз йиртқич эмас, аммо қиз рақибининг хавfli ҳужумкорлигини биларди. Ўз навбатида Элизабет «Шахмат бюллетени»дан Лученконинг ўнлаб партияларини ўрганган, Нью-Йоркда Бенни билан таҳлил қилиб чиққан. Лученконинг ҳужумлари ҳатто ҳужумларни севувчи ёш қизалоққа ҳам ақл бовар қилмас бўлиб туюлганди. Лученко ажойиб шахматчи ва гаройиб инсон эди. Аммо у билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш керак эди. Жуфтлик бир кун аввал Боргов ўйнаган биринчи столга ўтирди. Элизабет ўтиргунича Лученко тик туриб, бир оз эгилиб қўйди. Бугун Лученко оч кулранг ипак костюм кийганди. Столга ўтираётганда Элизабетнинг кўзи Лученконинг пойабзалига тушди. Қора, ялтиратиб тозаланган юмшоқ чарм туфли кўринишидан Италияники. Элизабет эса ёқалари ва енглари оқ, тўқ яшил ранг қўйлак кийган, кечқурун яхши ухлагани учун ўзини тетик ва ўйинга тайёр ҳис қиларди.

Ўн иккинчи юришда Лученко ҳужумни бошлади. Аввалига сездирмай – пиёдани фарзин қанотидаги

рухнинг учинчи катагига қўйди. Ярим соатдан сўнг фарзин флангида пиёдалар ҳужумини уюштирди ва Элизабет ундан қутулиш учун режаларини ўзгартиришига тўғри келди. Ўзига бу юриш ёқмади-ю, лекин бошқа йўл йўқ эди. Элизабет тахта устидан Лученкога қаради. Эркак бошини хиёл қимирлатди, енгил, аммо намоийшкорона, лабида сезилар-сезилмас кулги кўринди. Кейин эса рақибининг отини кўрмагандек от пиёдасини юрди. «У нима қиляпти?» – ўйлади Элизабет. Тахтадаги вазиятни бир неча бор ўрганиб чиқиб, бирдан музлаб қолди. Агар ҳозир бирор чора кўрмаса, от билан Лученконинг рух пиёдасини олишига тўғри келади. Тўртта қадамдан сўнг рақиб ҳозирча узоқда туриб, хавф тугдирмаётган филини шоҳнинг бешинчи катагига қўйиши ва уни фарзин рухига алмашиши мумкин. Бу йўл етти қадамдан бери давом этмоқда, аммо Элизабет бу хавфни эндигина сезди.

Элизабет қўлларини столга, муштини юзига тираб, чуқур ўйга толди. Тўғри йўлни топиш керак. Элизабет Лученкони ҳам, одамга тўлган томошабинлар хонасини ҳам, соатни ҳам унутди. Ортиқча хаёлларни чиқариб ташлаб, йўлларни қидира бошлади, ўнлаб усулларни саралади. Бирортаси тўғри келмади. Биргина йўли – рақибнинг рух пиёдасини олиб, алмашинувга кўниш эди.

Лученко эса фарзин флангида ҳужумни давом эттиради. Табиийки, Элизабетга бу ёқмади, аммо бошқа йўли ҳам йўқ эди. Элизабет фарзин пиёдаси билан мажбурий қадамини ташлади ва бу ёғига нима бўлишини кузата бошлади. Еттита юришдан сўнг Лученко филни рухга алмаштирди. Рақиб унинг донасини олаётганини кўриб, Элизабетнинг қорнида яна тугун пайдо бўлди. Икки юришдан сўнг Элизабет Лученконинг рух пиёдасини олди, лекин бундан

фойда йўқ эди. Элизабетнинг худуди заифлашди ва таранглик бутун танасини чулгаб олди.

Фарзин флангига пиёдалар ҳужумини тўхтатишнинг ўзи ҳам иложсиз иш эди. Элизабет Лученкога пиёдасини бериб, битта ортиқча донага эгалик устунлигини йўқотди. Лученко эса шоҳ вертикал йўлагида рухларини иккита қилди. Ҳужумни сусайтириш нияти йўқ эди. Элизабет Лученконинг шоҳига ҳужум уюштиришга уринди ва иккита рухидан бирини ўзиники билан алмаштирди. Доналар кам вақтда алмашинув қилиш мумкин эмас, чунки бу рақибнинг устунлигини яна кучайтиради, аммо бошқа йўл йўқ эди. Лученко донасини осонгина берди. Элизабет эркакнинг пешонасига тушган малла сочларига нафрат билан қаради. Агар алмашинув давом этса, қиз ҳеч нарсасиз қолади. Элизабет энди эҳтиёткор ҳаракатлана бошлади ва кучларни тенглаштиришга уринди. Лученко рақибасининг ҳар бир ҳаракатини аввалдан сезиб, доналарни қатъий сураб ва қизнинг режаларини чиппакка чиқарарди. Юришлар ўртасидаги вақт чўзилиб борарди. Элизабет у ер бу ерда бир неча қадамлардан сўнг очилишни ваъда қилаётган йўللарни кўрар, лекин бирортасидан фойдалана олмасди.

Лученко рухни учинчи горизонталга, ўзининг рокировка қилинган шоҳининг рўпарасига қўйди. Энди донанинг ҳаракатланиш доираси уч катак билан чекланди. Лученко отини олишидан олдин Элизабет ўша ерга етиб боролганида эди... Элизабет бу донага шунчалик узоқ тикилдики, рух қизнинг нигоҳидан алангаланиб, куйиб, кул бўладигандек туюлиб кетди. Тасаввурида рухга отлари, пиёдалари, фарзини ва ҳатто шоҳи билан ҳужум қилди. Ҳаётда эса ҳеч нима қила олмади.

Ақлий зўриқишдан Элизабетнинг боши айланиб кетди. Қўлларини столдан олиб, тиззасига қўйди. Шахмат соатига қаради: ўн беш дақиқа вақти қолибди.

Элизабет саросимада қайдлар қоғозини текширди. Байроқча тушишидан олдин яна уч бор юриши керак, бўлмаса кечикиш қайд этилади. Лученконинг эса ҳали қирқ дақиқаси бор. Элизабетнинг шошиб уч бор юришдан бошқа йўли қолмади. Қиз отини бешинчи катакка ўтказишга қарор қилди. Бу қадам бефойда, аммо ишончли эди. Лученко қиз кутганидек жавоб берди: отини жойига қайтариб қўйишига мажбур қилди. Элизабет шунга ҳам рози эди. Тахтадаги вазиятни яхшилаб ўрганиб, филни диагоналдаги катакка жойлади. Лученко руҳини сурди. Элизабет рақиби шундай қилишини аввалдан билганди. Қиз ҳакамни чақирди, «қолдирамиз», деди-ю, қоғозни қўли билан беркитиб, кейинги юришини ёзди. Қоғозни икки буклаб, ҳакамга қайд этиб қўйиш учун узатди. Элизабет ҳолдан тойди. Саҳнани тарк этаётганида ҳеч ким қарсак чалмади.

* * *

Тун иссиқ бўлди ва Элизабет деразаларни очиб ташлади. Нақшинкор стол устига шахмат тахтасини қўйиб, қолдирилган партиясини яхшилаб ўрганди. Рухга хавф туғдириш ёки Лученкони чалгитиб, ҳужумни бошқа ерда уюштириш имконларини қидирди. Икки соат ўтиб, хона ҳавоси чидаб бўлмас даражада исиб кетди ва Элизабет туман бўйлаб сайр қилиб келишга қарор қилди. Даҳлизга тушиб, меҳмонхона ходимидан бу пайтда кўчага чиқиб, айланиш хавфли ва қонунга зид эмаслигини сўраши керак. Боши фикрлар тўлқинидан айланарди, устига-устак, кун бўйи ҳеч нарсга емаганди. «Чизбургер

бўлганда эди», деб ўйлади Элизабет ва бу фикрига ўзи қулди. Сафарларда фақат бир табақа америкаликлар чизбургер ейишарди, қиз эса ўзини улар қаторига қўшишни истамасди.

«Оҳ, шунчалар чарчадимки», – хаёлидан ўтди Элизабетнинг, лекин бир оз сайр қилиш зарар қилмайди. Кейин эса ётиб ухлайди. Кейинга қолдирилган партия эртанги оқшомда ўйналади. Эрталабки Фленту билан ўйиндан сўнг ўйлаб олишга вақт бўлади.

Лифт йўлакнинг охирида жойлашган. Жазирама сабаб кўп хоналарнинг эшиги очиқ қўйилган. Элизабет юриб кетаётиб, бир хонадан бир неча эркаларнинг тортишаётганини эшитди. Эшик ёнидан ўтаётганда ичкарига кўзи тушди. Йўлакда катта меҳмонхона кўринди: шифтда катта биллур қандил осилиб турарди, остида иккита пахмоқ яшил диван. Деворга мой билан чизилган суратлар илинган. Элизабет бир қадам ташлаб, ичкарида ётоқхона эшигини кўрди. Курси ва диванлар ўртасидаги стол атрофида уч киши турарди. Стол четига биллур идиш ва уч қадаҳ, ўртага эса шахмат тахтаси қўйилган. Эркалардан бири доналарни чаққон алмаштирар, қолган иккитаси диққат билан кузатиб, шарҳлаб турарди. Элизабет учала эркани ҳам таниди: кузатиб турганлар Тигран Петросян ва Михаил Таль, дона сураётган эса Боргов эди. Дунёнинг энг кучли уч шахматчиси! Афтидан, Боргов ва Дюамелнинг кейинга қолдирилган партиясини муҳокама қилишарди.

Элизабет йиллар аввал бир куни етимхона биносининг маъмурият қисмида йўлак бўйлаб юриб кетаётиб, Дирдорфф хонимнинг катта очиқ эшиги қаршисида тўхтаб қолди. Авваллари бу эшик доим ёпиқ бўларди. Чўчибгина ичкарига назар солган қи-

залок Дирдорфф хонимнинг ёнида қари жуфтликни кўрди. Ҳаммалари бир-бирларига жуда яқин туриб, қизғин суҳбат қуришарди. Ёш қизалок Дирдорфф хоним бирор ким билан бунчалик яқин муносабатда бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Катталар олами эшиги Элизабетга кутилмаганда очилди ва бу жуда ғалати, ҳайратланарли кўринди. Дирдорфф хоним эркакнинг ёқасига бармоғини нуқиб, унинг кўзларига қараб алланималар деди. Кейин қизалок бу жуфтликни бошқа кўрмади. Кимлигини ҳам, директор хоним билан нималарни гаплашишганини ҳам билмади, лекин бу манзара хотирасида муҳрланиб қолди.

Ҳозир ўз хонасида Таль ва Петросян билан кейинги юришни муҳокама қилаётган Борговни кўриб, яна ўшандай ҳолга тушди. Ўзини катталар оламига адашиб кириб қолган ортиқча, ноўрин ва арзимас қизалокдек ҳис этди. Қачонгача ўзини алдайди? Элизабетга зудлик билан ёрдам керак эди. Бечора қиз ёлғизлик ҳисси билан лифт томонга шошиб кетди.

* * *

Турнир ўтаётган бино олдида йигилган томошабинлар анча кўпайиб қолганди. Элизабет эрталаб «Лимузин»дан тушаётганда одамлар жилмайиб, «Ҳармон! Ҳармон!» дея қўлларини силкишарди. Айримлар қўл теккизишга ҳаракат қилишар, қиз эса сесканиб, ўзини олиб қочар ва жавобан табассум қилишга уринарди.

Кечқурун Элизабет безовта ухлади. Тез-тез ўрнидан туриб, шахмат тахтасининг олдига борар, Лученко билан кейинга қолдирилган партиядаги бўлажак юриши ҳақида ўйларди. Хонада оёқ яланг юриб,

пиджаклари ва бўйинбоглари ечилган Боргов ҳамда унинг ёрдамчиларини эсларди. Бу учлик шахмат тахтаси устида Рузвельт, Черчилл ва Сталин Иккинчи жаҳон урушининг харитаси узра тургандек эди, гўё. Элизабет ўзини рус шахматчиларига қанча тенг кўрмасин, огир пойабзал кийган қора костюмли кишилар у билмайдиган бир тилсимдан хабардордек кўринарди, бу ҳолат эса қизни кўрқитарди. Элизабет ўзининг шахмат йўли ҳақида ўйлашга уринди. Америка шахмат оламининг чўққисига қадам қўйгани, Бенни Уоттснни ютгани ва ўз кучига бир он шубҳа қилмай, Лаевни енгилишга мажбур қилганини эсларди. Бола чогида буюк Морфининг ўйинидан хато топгани ҳам ёдида. Аммо тасодифан рус шахмати устунлари оламига назари тушганидан сўнг буларнинг бари ўз маъносини йўқотди. Уч эркак тахтадаги вазиятни Элизабетнинг тушига ҳам кирмаган қатъият билан муҳокама қилардилар.

Бугуннинг энг яхши воқеаси бу Фленту билан ўйнаш эди. Фленту бу ердаги шахматчиларнинг энг кучсизи. Ўйинчи битта партияда ютқазиб, иккитасида дурангга рози бўлган ва биринчилик учун курашни аллақачон тарк этган. Фақатгина Элизабет, Боргов ва Лученконинг ҳисобида бирорта ҳам мағлубият ва дуранг йўқ эди. Элизабет ўйин бошланишидан олдин бир финжон чой ичиб, тинчланиб олди. Шахматчилар билан бир хонага киргач, Элизабет бирдан ухлашга қўймаган тунги кўрқувлари ортга чекинаётганини сездди. Боргов ҳам чой ичар ва ҳар доимгидек қизга эътибор бермасди. Қўлида чой тутганда Боргов Элизабетнинг ваҳимали тасаввурларидаги каби кўрқинчли эмас, ҳатто бир оз довдирроқ ва зерикарли кўринарди.

Шахматчиларни саҳнага кузатиб қўйиш учун турнир директори келди. Хонадан чиқаётиб, Боргов

қизга қараб, қошини учириб қўйди. Элизабет ҳам ўзи сезмаган ҳолда енгил жилмайди. Чойини қўйиб, бошқа иштирокчилар ортидан юрди.

Элизабет Жоржи Флентунинг фаолиятидан хабардор ва ўндан ортиқ партиясини биларди. Лексингтондалик пайтиёқ Флентуга қарши оқлар билан ўйинга киришса, инглиз дебютини қўллашга қарор қилганди. Ҳозир, сахнада Жоржи Флентунинг қаршисида Элизабет ўзи ўйлаган йўлни тутди. Фарзин қанотидаги фил пиёдасини горизонтал қаторнинг тўртинчи катагига юрди. Бу дебют сицилиянча ҳимоянинг тескариси эди.

Элизабет партияда тўрт ярим соат деганда ғалаба қозонди. Ўйин кутганидан ёмонроқ ўтди ва қизни жуда чарчатди. Фленту икки муҳим диагонал йўлакда қизғин жанг олиб борди. Нафосатда рақибасидан устунлик кўрсатиб, тўрт от тизимини қўллади. Миттелшпилга киришлари биланоқ Элизабет қулай имкониятни топди. Алмашинувлар кетма-кетлиги билан кучлар тақсимотини ўзгартирди. Ўзига хос бўлмаган эҳтиёткорлик билан пиёдани оҳиста, шошмай ҳаракатлантириб, еттинчи горизонталга олиб келди. Элизабетнинг руҳи кўтарилиб борарди. Фленту бу пиёдани уриб тушириши учун сўнгги донасидан кечиши керак эди. Ниҳоят, Жоржи енгилди. Бу сафар олқишлар аввалгиларидан ҳам баланд чалинди. Соат икки ярим бўлибди. Элизабет нонушта қилмаган, чарчоқдан оёғида базўр турарди. Лученко билан ўйинини давом этиришдан аввал тушлик қилиб, бир оз ухлаб олиш зарар қилмасди.

Элизабет меҳмонхона ресторанида исмалоқли пирог ва русча картошка-фри буюртма қилиб, шошилиб тановул қилди. Уч яримда хонасига қайтди-ю, ухлашни орзу ҳам қилолмаслигини тушунди. Юқори қаватда болға тақиллар, ишчилар полга ги-

лам қоқаётгандек эди. Оғир қадамлар эшитилар, онда-сонда одам бўйи барабар баландликдан боулинг тўпини отишгандек гурсиллаб кетарди. Қиз ўрнида йигирма дақиқача ётди, аммо чарчоги тарқамади.

Кечки овқатни тановул қилиб, томошабинлар залига етиб келди. Ҳолдан тойган, боши оғир, кўп ўтирганидан мушаклари зирқирарди. Лученко билан ўйиндан олдин тўқмоқ билан бир уриб, ухлатиб қўйишганида ҳам ухлаб олган бўларди. Таваккал қилиб, либриум ичиб олса бўларкан: онгининг хиралиги бу чидаб бўлмас чарчоқдан енгилроқ бўларди.

Лученко кечиктирилган партиялар хонасига кирганида хотиржам ва яхши ҳордиқ чиқаргани билиниб турарди. Бу сафарги костюми қалин қора матодан худди ўзига бичилгандек ишланган, обдан дазмолланганди. Қиз грессмейстер кийимларини хориждан олиб келса керак, деб ўйлади. Лученко унга енгил жилмайиб қўйди. Элизабет бош ирғаб, ўзга тилда бир амаллаб «Хайрли кеч», дея олди. Қолдирилган партиялар учун хонада иккита стол ажратилган. Бирида Боргов ва Дюамелнинг анъанавий рух ва пиёдали эндшпили акс этган. Иккинчисида эса Элизабет ва Лученконинг доналари ўз жойида қолган. Элизабет ўтираётганда хонага Боргов билан Дюамел кириб келишди ва хонанинг тўридаги столга ўтиб кетишди. Иккала жуфт учун ҳакамлар бириктирилган, соатлар тахта ёнида тайёр эди. Элизабетга тўқсон дақиқа қўшиб беришган, Лученконинг эса яна кечадан қолган ўттиз беш дақиқаси ҳам бор эди. Элизабет рақибининг бу устунлиги ҳақида унутаяёзбди. Лученконинг уч устунлиги бор эди: оқ доналар, ҳужумкор вазият ва қўшимча вақт.

Ҳакам хатжилдни олиб келди. Очиб, Элизабет кеча ёзиб қолдирган юришни иккала шахматчига ҳам кўрсатди. Тахтада юришни ўзи бажариб, соат тугма-

сини босди. Лученконинг соати чиқиллай бошлади ва у иккиланмай пиёдани олдинга сурди. Элизабет айнан шуни кутгани учун рақибининг юришидан енгил тортди. Партиянинг давом этиш йўлларини ахтара бошлади. Хонанинг нариги бурчагидан Боргов баланд йўталиб, бурнини қоқди. Элизабет миясидан Боргов ҳақидаги фикрларни ҳайдашга уринди. Василий Боргов билан эртага ўйнайди, ҳозир эса бор диққатини Лученко билан ўйинига қаратиши ва кеча режалаган юришларни бажариши лозим. Боргов шубҳасиз Дюамелни ютиб чиқади ва ҳисоби ўша-ўша: маглубиятсиз қолади. Агар Элизабет бу турнирда галабага эришмоқчи бўлса, қаршисидаги тахтада кетаётган жангда қўли баланд келиши керак.

Лученконинг ҳозирги вазияти доналар алмашганига қарамай, баландлигича қолди. Аммо гроссмейстернинг рух донаси кучсиз ва Элизабет догани ўз эгасига қарши ишлатишнинг учта йўлини топиб қўйган. Агар рухга етиб боришнинг йўлини қилолса, фил билан алмашиб, кучларни тенглаштириб олади.

Элизабет чарчогини ҳам унутиб, ишга киришди. Вазифа мураккаб ва чалкаш. Лученконинг эса яна қўшимча вақти бор. Қиз ярим тунда ўйлаб чиққан режасини амалга оширишга тушди. Фарзин ҳудудидаги отни шохнинг бешинчи катагига яқинлаштира бошлади. Лученко шубҳасиз бунга тайёр эди. У ҳам ўйиннинг шундай кечиш эҳтимолини тахмин қилганди. Балки ватандошларидан ёрдам ҳам олгандир. Аммо Лученко ҳам ҳамма каби бирор нимани кўздан қочириши ва бирор имкониятни бой бериши мумкин. Элизабет филини оқ рух турган диагоналдан чиқарди. Рақибни ниятини пайқаб қолмаслигига умид боғлади. Ҳозирча Элизабет рақибини тўсатдан хужумга чорлаб, рақибининг пиёдасига кўз тиккан-

дек кўринарди. Аслида эса оқ пиёдалар Элизабетни қизиқтирмас, кўзлари фақат рухда эди. Донани йўқотишни телбаларча ўйлар, бу учун ўлдиришга ҳам тайёр эди.

Лученко шунчаки пиёдани суриш билан жавоб берди. Гроссмейстер қадамини етти ўлчаб, босиши мумкин эди, лекин ундай қилмади. Элизабет ҳаяжондан ёқимли титроқни ҳис этди. Отни диагоналдан олиб, шоҳнинг бешинчи катагига эмас, филнинг бешинчи катагига қўйди. Бу билан қора отни оқ фарзинга ҳавола қилди. Агар фарзин отни урса, Элизабет оқ рухни фил билан олади. Бу танлов Элизабет учун яхши бўлмайди: биргина рух учун от ва филни қурбон қилиш жуда катта бадал. Лекин Лученко муҳим бир нарсани кўздан қочириши мумкин. Ўз қурбони эвазига Элизабет унинг отини ҳам йўқ қилмоқчи. Бу чиройли юриш бўлди. Жуда чиройли.

Элизабет рақибига зимдан боқди. Аввалроқ Лученкога қарамасликка уринарди, бироқ энди эркакнинг юзи тамоман ўзгарган юзини назардан қочиргиси келмади. Лученко бўйинбогини асабий бўшатди, ёқасининг бир томони қийшайиб қолди, малла сочлари тўзғиди. Лученко бош бармоғининг тирногини тишлашга тушди, юзи тиришди. Элизабетнинг рақибни тахтадаги вазиятни ярим соат ўрганиб туриб, яхши йўл тополмади ва ниҳоят, қора отни урди. Элизабет жавобан оқ рухни олди. Рух тахтадан йўқолгач, Элизабет хурсандлигини бутун оламга жар солгиси келди. Лученко қора филни олди, Элизабет рақибига шоҳ берди. Лученко ҳимояга ўтди. Рақибаси эса пиёдасини оқ отга йўналтириб, яна эркакка қараб қўйди. Энди кучлар тенглашди ва шу билан Лученко бор нафислигини йўқотди – қимматбаҳо кийим кийган хурпайган қарияга айланиб қолди.

Элизабет катаклар устидаги жанг тугагач, бошқа шахматчилар ҳам ҳолдан тойишини англади. Лученко эллик етти ёш, қиз эса ўн тўққизга тўлган. Ва Элизабет беш ой Жолин билан Лексингтондаги спортзалда машқ қилган. Шу нуқтада Лученко қаршилиқ кўрсатишни бас қилди. Шахматчини мағлубиятни тан олишга шошилтиришдан маъни йўқ, ўйин назарий жиҳатдан ҳали тенг давом этарди. Лученконинг пиёдалари ҳалиям кучли жойларни эгаллаб туришарди. Элизабет енгил ҳужумлар ташкил қилиб, уларни секин-аста сиқишни бошлади. Бир пайтда соғ қолган филга ҳужум қилиб, фарзинни асосий дона ҳимоясига чиқаришга мажбур қилишга уринди. Лученко фарзинни чиқарди. Элизабет рақибининг тизгинини қўлига олди. Қиз Лученконинг шоҳига кўз тикди. Гроссмейстернинг ҳисобида ҳали бир соатга яқин вақти бор, Элизабетники эса йигирма беш дақиқа қолганди. Қиз йигирма дақиқа вақтини ҳужумни ўйлашга сарфлади. Фил пиёдасини шоҳнинг тўртинчи горизонталига юриб, қақшатқич зарба берди. Лученконинг «заиф» рақиб бу юриш билан ўз ниятларини ошкор қилди. Лученко жавоб қайтаришдан олдин узоқ ўйланди. Элизабет бу вақтда рақибининг ҳар бир эҳтимолий ҳаракатига жавоб топиб қўйди. Лученко фарзинни ҳимоя учун олиб чиққач, Элизабет рақибининг пиёдаларидан бирини уриш имконидан воз кечди. Пиёдасини бир катак нарига сурди. Бу ажойиб юриш эди. Бундай юришдан Элизабетнинг қалби ҳам хурсандчиликка тўлди ва рақибига қаради.

Лученко чуқур ўйга толганди. Хиралашган юзида томирчалари бўртиб турарди. Элизабет рақибининг тирноқлари ейилиб кетганини кўрди, кечаги тартибли тирноқлардан асар ҳам қолмабди. Ниҳоят, Лученко Элизабетга ҳорғин қаради. Бу нигоҳда

иктидорли шахматчининг улкан тажрибаси ва узоқ йиллик шахматдаги ҳаёти мужассам эди. Лученко тахтадаги қора рухга умидсизлик билан тикилди, сўнгра ўрнидан даст турди.

– Ажойиб! – деди Лученко инглизчалаб. – Ажойиб галаба!

Элизабет дўстона ва самимий айтилган бу сўзлардан таажжубга тушиб, нима деярини билмай қолди.

– Ажойиб, – такрорлади Лученко.

Сўнгра шоҳини қўлига олди, ўйчан ушлаб туриб, жойига қайтарди.

– Ҳузур билан енгиламан!

Лученконинг ҳаракатларида зигирча жаҳл йўқ эди. Эркак шунчалик самимий гапирардики, қиз уялиб кетди. Ниҳоят, рақибига қўлини узатди ва рақибининг қўлини юмшоқлик билан сиқиб қўйди.

– Мен сизнинг партияларингизни болалигимдан буён ҳаёлан ўйнаб келаман, – деди Элизабет. – Сиздан доим илҳом олганман.

Лученко қизга ўйланиб қараб қолди.

– Сиз ўн тўққиз ёшсиз, шундайми?

– Ҳа.

– Мен шу турнирдаги ўйинларингизнинг партияларини ўқиб чиқдим. Сиз мўъжизасиз, азизам. Бугун мен ўзим билган энг яхши шахматчи билан ўйнаш бахтига эришдим, деб ҳисоблайман.

Элизабет эшитганларига ишаноламай жойида қолиб қолди.

Лученко яна жилмайиб, деди:

– Ҳали мақтовларга қўникиб кетасиз.

Боргов ва Дюамел ўйинларини бир оз аввал тугатиб, хонадан чиқиб кетишганди. Лученко ҳам кетгач, Элизабет иккинчи шахмат тахтасига яқин келиб, до-

наларнинг якуний ҳолатини кўрди. Қора доналар ўз шоҳини ҳимоялаш мақсадида бир жойга йиғилиб олган, оқ жангчилар уларни ҳар томондан нишонга олиб туришарди. Қора шоҳ эса бир бурчакда ётибди. Боргов оқлар билан ўйнаганди.

Меҳмонхона даҳлизида Элизабетга жилмайганча жаноб Бут пешвоз чиқди.

– Табрикларимни қабул қилгайсиз! – деди эркак.

– Қаерга йўқ бўлиб қолдингиз? – сўради Элизабет. Жаноб хижолат тортиб, қўл силкиди.

– Доимгидек, Вашингтон бир-икки иш буюриб қолди.

Элизабет ҳамроҳига қаттиқ гапириб ташлагиси келди, лекин индамади. Қиз бу қари одам ҳеч бўлмаганда халал бермаганидан хурсанд эди.

Жаноб Бут қўлтиғида «Правда» газетасининг янги сонини қистириб олганди. Газетани Элизабетга узатди. Қиз кирилл алифбосидаги йўгон сарлавҳага тушунолмади, лекин катта очгач, ўзининг суратини кўрди. Суратда Элизабет Фленту билан ўйнаётганди. Мақола уч устунни эгаллаб турарди.

Элизабет сарлавҳани бир амаллаб ўқиб, таржима қилди: «Қўшма Штатларнинг ақл бовар қилмас кучи».

– Ажойиб, шундай эмасми? – дея жилмайди жаноб Бут.

– Эртагача шошилманг, – деди Элизабет.

* * *

Лученко эллик етти ёш эди, аммо Боргов бор-йўғи ўттиз саккиз ёшда. Шахматчи ҳаваскор футбол жамоасида ўйнайди, талабалик йилларида найза улоқтириш бўйича спорт усталигини қўлга киритган. Яна у мусобақалар пайтида тош кўтариш би-

лан шуғулланади, деган гаплар юради. Айтишларича, ҳукумат Боргов учун кеч оқшомда спортзални очиб берармиш. Боргов ичмайдиям, чекмайдиям. Шахмат устаси мақомини ўн бир ёшида олган. Энг қўрқинчлиси – «Шахмат ахбороти» ва бошқа Россия нашрларида чиққан партияларида мағлубият билан тутаганлари жуда кам. Бироқ Элизабет оқлар билан ўйнайди. Бу устунликка қаттиқ чирмашиб олиши зарур. Элизабет ҳал қилувчи бу ўйинда фарзин гамбитини қўллашни режа қилган. Бир неча ой олдин Бенни билан буни соатлаб муҳокама қилишганди. Охир-оқибат, Борговга қарши оқлар билан ўйнаса, бу энг маъқул дебют, деган хулосага келишган. Элизабет сицилиянча ҳимоянинг икир-чикирларигача билса ҳам ундан фойдаланишни истамасди. Фарзин гамбити эса сицилиянча ҳимоядан қочишнинг энг яхши усули. Элизабет Борговга бу йўлдан кетишга ҳалал бермоқчи. Аммо энг катта муаммо Борговнинг хато қилмаслигида.

Элизабет саҳнага кўтарилганда хонада аввалгидан анча кўп одам йиғилганди. Барча жойлар банд, одамлар ўтиш йўлида, охириги қаторнинг ортида тик туришарди. Элизабет киргач, оломон орасида овозлар тўхтади. Боргов рақибини столда кутиб ўтирарди. Қизни Борговнинг қақшатқич ўйин услуби билангина эмас, жаҳон чемпионининг қаршисидаги ўз қўркуви билан ҳам кураш кутарди. Элизабет Борговдан негадир уни Мексикада илк бор ҳайвонот боғида кўрган онидан буён қўрқади.

Ҳозир Боргов ўзининг қора доналарига хотиржам қараб турарди. Аммо Элизабетнинг рақибига бир қарашдаёқ нафаси ҳалқумига келиб, юраги дукиллаб кетди. Шахмат тахтаси тепасида савлатли ҳайкалдек турган эркакда зигирча заифлик аломати

кўринмасди. Боргов Элизабет ва томошабинлардан кўринмас девор билан тўсилгандек эди.

Элизабет оҳиста юриб, оқлар томонга ўтирди. Паст овозли қарсақлар эшитилди. Ҳакам қизнинг соатини ишга туширди ва Элизабет соат чиқиллашидан бирдан сесканиб кетди. Қиз шахмат тахтасидан кўзини узмай, пиёдани фарзин йўлагининг тўртинчи катагига юрди. Рақибга қарашга юраги дов бермасди. Саҳнада яна уч жуфтликнинг ўйини бошланди. Элизабет бегона доналарнинг тақиллашини, соат тугмасининг чиқиллашини эшитди. Кейин товушлар ғойиб бўлди. Тахтада Борговнинг билаги ва семиз бармоқлари кўринди. Бармоқлар пиёдани ушлаб, фарзиннинг тўртинчи катагига қўйди. Элизабет пиёдани фарзин рухининг тўртинчи катагига юриб, рақибга гамбит қурбонини таклиф қилди. Борговнинг қўллари таклифни рад этиб, шоҳ пиёдасини тўртинчи катакка сурди. Боргов қизга Албиннинг контргамбити билан жавоб берди. Элизабет бу рад этилган фарзин гамбитини яхши биларди ва шунинг учун пиёдани қўлига олди. Рақибга бир назар ташлашни ҳам унутмади. Боргов пиёдани фарзиннинг бешинчи катагига юрди. Эркакнинг юзи совуққон, қиз кутганидек қўрқинчли эмасди. Элизабет шоҳ отини майдонга туширди, Боргов фарзин отини чиқарди. Шахмат тахтаси узра рақс давом этди. Элизабет ўзини жимитдек, ҳаводек енгил қизалоқ каби ҳис этарди. Аммо онги равшан, йўли аниқ эди.

Боргов еттинчи қадамда кутилмаган юриш қилди. Бу йўл рақибасини гангитиш учун махсус ўйлаб топилгани кўриниб турарди. Элизабет рақибининг ўй-хаёлларига кириб боришга уриниб, йигирма дақиқа сарфлади. Жавоб юришида Албин контргамбитидан чаққон қочиб қолди. Энди ўйин очиқ тус

олди. Партия икки ақл эгасининг оқ-қора тахтадаги ошкора беллашувига айланди.

Борговнинг ақли қиличдек ўткир эди. Ўн тўртинчи юришга келиб рус гроссмейстери тенглик ўрнатиб, бир оз устунликка ҳам эришди. Элизабет рақибига қарамасликка уриниб, ҳаётидаги энг яхши партияни давом эттирарди. Доналарни илдам юрар, ҳар томонда ҳимоя ўрнатарди. Зарба бериш йўлларини очишга уринар, эҳтимолий тузоқлар, «санчқи» ва «қилич»ларни⁸⁸ ахтарарди. Бу сафар шахмат тахтаси тасаввурида равшан гавдаланди. Кучларнинг қилча ўзгариши ҳаёлида дарров акс этар, ичидаги қувват ҳар онда сочилиб, бутун тахтани чилпарчин қилиши мумкин эди.

Борговга рухни олиб чиқишга имкон берилса, Элизабетнинг бор ҳаракати барбод бўлади. Агар Боргов қизнинг фарзинини фил вертикалига яқинлаштирса, қора шоҳ ҳимоясидан айрилади.

Элизабет рақибига фил билан шоҳ беришга йўл қўймайди, Боргов эса қизнинг рух пиёдасини яқинлаштирмайди. Элизабет бир неча соат на рақибига, на томошабинларга ва на ҳакамга қарамади. Қизнинг бутун онгини ҳужумга шайланиб турган фил, от, рух, пиёда, шоҳ ва фарзин эгаллаб олди. Кейин Борговнинг инглизчалаб «қолдирамиз», дегани эшитилди.

Элизабет тушунқирамай ўз соатига қаради. Иккала байроқча ҳам жойида турибди. Борговнинг вақти тугашига яқин қолибди. Гроссмейстернинг етти дақиқаси, Элизабетнинг эса ўн беш дақиқаси бор эди. Элизабет қайдлар қогозига қаради – охириги юриш қирқинчи эди. Демак, Боргов партияни қолдиришга қарор қилибди. Қиз атрофга аланглади:

⁸⁸ «Қилич» – икки томонлама ҳужум.

сахна бўш, қолган шахматчилар партияларини тавомлаб, кетишганди.

Қиз Борговга кўз ташлади. Эркак бўйинбогини бўшаштирмаган, пиджагини ечмаган, сочлари ҳам тўзғимаган. Чарчаганга ҳам ўхшамайди. Борговнинг душман кўзларига қараганда, бечора қизни баттар қўрқув ҳисси чулғаб олди.

* * *

Жаноб Бут даҳлизда бир гуруҳ мухбирлар билан ўтирарди. Суҳбатга «New York Times»дан бир эркак, «Кунлик шарҳ»дан аёл мухбир, «Рейтер» ва «UPI» агентликлари вакиллари ва яна икки нотаниш киши келганди.

– Мен ўлгудек чарчадим, – деди Элизабет жаноб Бутга.

– Албатта. Лекин бу жаноблар кўп вақтингизни олмайди.

Элизабетга икки нотаниш мухбирни таништирди: бири «Paris Match», иккинчиси «Time»дан келган экан.

Элизабет иккинчи мухбирдан сўради:

– Мен муқовада чиқаманми?

– Ғолиб бўлишингизга ишончингиз комилми? – сўради мухбир. Элизабет нима жавоб қилишни билмади.

У айна дамда қўрқувдан ўлай дерди. Иккала ҳудудда ҳам кучлар тенг, қизнинг бир оз қўшимча вақт устунлиги бор. Яна Элизабет ҳали бирор хато қадам ташламади. Аммо қўрқинчлиси, Боргов ҳам ҳали хато қилмаганди.

Мухбирлар орасидаги икки суратчи Элизабетдан суратга тушиб беришни сўрашди. Шахмат тахтаси тепасида сурат олиш фикрини айтишгач, Элизабет ҳаммани хонасига таклиф этди. Столдаги шах-

мат тахтасида доналар Лученко билан қолдирилган ўйинга мос қўйилганди. Ҳозир Элизабетга бу партия қачонлардир ўйналгандек туюлди. Мухбирлар суратга олишар, плёнкаларни айлантиришар, саволлар беришарди. Элизабет хонада одам кўпайганидан хурсанд бўлди, худди тасодифий зиёфат бошлангандек эди. Элизабет Боргов билан қолдирилган партиёга тайёрланиш, эрта учун режа тузиш даркорлигини билар, аммо атрофдаги одамлар билан чалгиш ёқимли эди.

Боргов ҳозир ўз хонасидаги меҳмонхонада Таль ва Петросян билан ўтиргандир. Эҳтимол, яна Лученко, Лаев ва бошқа рус шахмат олами устунлари келгандир. Қимматбаҳо пиджакларини ечишган, энгларини шимаришган. Ҳаммалари бир бўлиб америкалик қизалоқ йўл қўйган ёки энди йўл қўядиган камчиликларни қидиришаётгандир. Оқ доналарни бирма-бир худди қизнинг танасини ёриб кўраётган жарроҳдек текширувдан ўтказишяпти. Гроссмейстерлар Борговнинг хонасида кунни кеч қилишиб, ҳамкасбларини эрталабки ўйинга тайёрлайдилар. Элизабет эса вақтини бекор ўтказаётганидан рози, ўйин ҳақида ўйлагиси келмасди.

Элизабет ўйиннинг давомини кечки овқатдан сўнг икки соатда ҳисоблаб чиқади. Муаммо ўйинда эмаслигини, ўзининг Борговдан зир титрашида эканини ҳам яхши тушунарди. Шунинг учун рақибини бировга унутишга қарор қилди.

Мухбирлар Элизабетдан «Метуэн-Ҳоум» ҳақида сўрашди ва қиз доимгидек мавзудан қочишга уринди. Лекин мухбирлардан бири қаттиқ туриб олгач, ўзи ҳам кутмаган ҳолда гапириб юборди:

– Етимхонада менга шахмат ўйнашни тақиқлаб қўйишганди. Жазо тариқасида.

Журналист Элизабетнинг сўзларини дарров илиб олди – диккенсча эшитилаётганини айтди.

– Сизга нима учун бундай жазо беришган?

– Ўйлашимча, улар шунчаки бешафқат бўлишган. Айниқса, «Метуэн-Хоум» директори Хелен Дирдорфф хоним. Сиз буни босиб чиқарасизми? – «Time» мухбиридан сўради Элизабет.

Мухбир елка қисди.

– Агар ҳуқуқ бўлимидагилар рухсат беришса. Агар сиз эртанги партида ютсангиз, улар албатта, рухсат беришади.

– Етимхонада ҳамма ҳам шафқатсиз эмасди, – давом этди Элизабет. – Фергюссен фамилияли ёшроқ йигит бизга яхши муносабатда бўларди. Бизга ачи-нарди, чамамда.

– Агар етимхона раҳбарияти сизга шахмат ўйнашни тақиқлаган бўлса, унда сизга ўйинни ким ўргатган? – сўради «UPI» мухбири.

– Уни Шейбел дейишарди, – деди Элизабет ертўладаги суратлари тўла тўсинни эслаб. – Уильям Шейбел. У етимхонада фаррош бўлиб ишларди.

– Бу ҳақда батафсил айтиб берсангиз, – қизиқсинди «Кунлик шарҳ»дан келган аёл.

– Жаноб Шейбел менга шахматни ўргатган. Биз у билан ертўлада ўйнардик.

Мухбирларга бу ҳикоя асалдек ёқди. «Paris Match» журналисти жилмайиб, бошини қимирлатди.

– Сизга шахмат ўйнашни фаррош ўргатганми?

– Айнан шундай, – Элизабетнинг овози титраб кетди, хаяжонини яширолмади ва кўзидаги ёшларга эрк берди. – Жаноб Уильям Шейбел ажойиб шахматчи эди. Кўп вақтини ўйин устида ўтказар ва ҳақиқатан ҳам яхши ўйнарди.

Мухбирлар кетгач, Элизабет илиқ сув тўлдирилган катта ваннага чўзилди. Тоза кийимларини ки-

йиб, шахмат тахтасига доналарни қўйиб чиқди. Қолдирилган партиянинг давом этиш йўлларини ўйлай бошлади. Бир зум ўтмай, ёқимсиз ҳислар қайтиб келди. Париждаги мусобақанинг худди шу босқичида Элизабетнинг танлови кучлироқ эди, аммо барибир енгилди. Элизабет тахтадан юзини бурди, дераза ёнига келди. Пардаларни очиб, Москвани томоша қила бошлади. Қуёш ҳали-бери ботмас, шаҳар ранго-ранг ва қувноққа ўхшарди. Узоқда қариялар шахмат ўйнаб ўтирадиган бог яшилланиб турибди. Қўрқуви кетмаган Элизабет Василий Борговни юта олишига ҳамон ишонмасди. Қизнинг шахмат ҳақида бошқа ўйлагиси келмади, хонада телевизор бўлганида чалғиш учун ёққан бўларди. Ичкилик бўлганда ҳам ичиб оларди. Хона хизматига қўнгироқ қилиш фикри келди-ю, дарров бу фикридан қайтди. Хўрсинганча тахта ёнига қайтди. Ҳамма йўлларни чуқур таҳлил қилиш зарур. Соат эрталабки ўнда унинг режаси тайёр бўлиши керак.

* * *

Элизабет қуёш чиқишидан анча аввал уйғонди. Соатга қарашдан олдин анча пайтгача уйгоқ ётди. Соат бешу ўттиз. Элизабет бор-йўғи икки ярим соат ухлабди. Кўзларини қаттиқ юмиб, яна бир оз ухлаганига уринди. Қолдирилган ўйин ўз-ўзидан кўз олдига келарди. Тасаввурида ўз пиёдалари ва фарзини, яна Боргов ҳам бор эди. Элизабет миясидан бу эркакнинг тасвирини чиқариб юборолмасди. Элизабет доналарни соатлаб, бутун оқшом ва туни билан ўрганиб, улардан бирор маъни тополмади. Доналарга хаёлотда ҳам, ҳақиқий тахтада ҳам тикилиб турар, лекин бу иш бермасди. Элизабет фарзин фили пиёдаси билан юриши, отни шоҳ ҳудудига олиб кириши ёки

фарзинни филнинг иккинчи катагига қўйиши мумкин эди. Ҳатто шоҳнинг иккинчи катагига ҳам, агар Борговнинг қайд этилган юриши от филнинг бешинчи катагига бўлса. Аммо агар Боргов фарзинни юрса, жавоб йўллари бошқача бўлади. Агар Боргов Элизабет йўлларни аниқлашга беҳуда вақт сарфлашини истаса, унда шоҳ отини кўзлаб қўйган.

Соат тонгги беш ярим. Партия бошланишига ҳали тўрт ярим соат бор. Рақиби ҳамма йўлларни ҳисобга олган, режани тузиб қўйган. Борговга бошқа гроссмейстерлар ёрдам беришган.

Боргов ҳойнаҳой гўдаклардек мириқиб ухлаётгандир.

Бирдан кўчадан баланд шовқин эшитилди, аллақандай сирена овози янгради. Элизабет ўрнидан сапчиб турди. Афтидан, рус ўт ўчирувчилар машинаси кўшни кўчадан ўтиб кетди. Қиз бўтқа ва тухум билан нонушта қилди. Кейин яна шахмат тахтаси қошига ўтирди. Соат бешта кам ўн бўлди. Уч финжон аччиқ чой ҳам ҳолсизликдан қутқаролмади. Элизабет қайсарлик билан диққатини жамлашга ва фикрлар тизгинидан чиқиб кетишга уринарди. Доим қиладигани тасаввур кучи билан доналар бирлигини ўйлаб топишга уринар, лекин негадир бунинг удасидан чиқолмаётган эди. Қиз фақат Борговнинг эҳтимолий ҳужумларига эҳтимолий жавобларни кўрарди, холос. Бу жавоблар фақат ҳимоя йўли эди. Боргов Элизабетни Мексикада ютган ва яна ютади.

Элизабет пардаларни ёпиш учун ўрнидан тургани ҳамон телефон жиринглади. Қиз телефонга ажабланиб қаради. Бу хонада бир ҳафтадан бери яшайди-ю, ҳали телефон бирор марта жирингламаганди. Ҳатто жаноб Бут қиз билан телефон орқали боғланмасди. Элизабет гўшакни кўтарди: аллақандай аёл русча гапирди. Элизабет бирор сўзни тушунмади.

– Бу Элизабет Ҳармон, – ҳар эҳтимолга қарши ўзини таништирди қиз.

Аёл Элизабетга алланима деди, кейин гўшак шарақлади ва бирдан жуда яқиндан эркак кишининг овози жаранглаб чиқди.

– Агар Боргов от билан юрса, шоҳ қанотидаги рухнинг пиёдаси билан ур. Шоҳ фили билан юрса ҳам шундай қил. Кейин фарзин вертикалини оч. Мен шу ерда панд еганман.

– Бенни! – бақриб юборди Элизабет. – Бенни, сен қаердан...

– Боргов билан қолдирилган партиянгни газетада босиб чиқаришди. Бизда ҳозир айна кун қизиган, уч соатдан бери ўйинни муҳокама қиляпмиз. Ёнимда Левертов ва Векслер ҳам бор.

– Бенни, овозингни эшитганимдан жуда хурсандман.

– Сен фарзин вертикалини очишинг керак, тушунарлими? Боргов қандай йўл тутишига қараб, тўртта йўл бор. Анжомларинг ёнингдами?

Элизабет рўпарасидаги шахмат тахтасига кўз ташлади:

– Ҳа.

– Унда Борговнинг отни филнинг бешинчи катагига юришидан бошлаймиз. Сен шоҳ қанотидаги рух пиёдаси билан юрасан. Қўйдингми?

– Ҳа.

– Жуда яхши. Энди унда учта йўл бор. Биринчиси – филни тўртинчи катакка суриш. Агар шундай юрса, сенинг фарзининг шоҳнинг тўртинчи катагига сакрайди. Боргов буни аввалдан кўриши мумкин. Аммо мана буни кўздан қочириши мумкин: пиёда фарзиннинг бешинчи катагига.

– Тушунмадим...

– Борговнинг фарзин рухига қара.

Элизабет кўзларини юмди. Шахмат тахтасини тасаввур қилди ва кўрди. Оқ фил ва қора рух ўрта-сида битта оқ пиёда турарди. Агар Боргов бу пиёда-ни қамаб қўйишга уринса, Элизабетнинг отига йўл очилади. Аммо Борговнинг жамоаси буни кўздан қочирмаслиги аниқ.

– Унга Таль ва Петросян ёрдам беришяпти.

Бенни хуштак чалиб юборди.

– Ҳа-а, хайрон қоладиган жойи йўқ, – деди Бенни. – Майли, давом этамиз. Агар Боргов сенинг фарзининг чиққунга қадар рухнинг жойини ўзгартирса, уни қаерга қўяди?

– Филнинг вертикал йўлагига.

– Сен эса пиёдани фарзин қанотидаги филнинг бешинчи катагига юрасан. Вертикал йўлак деярли очилади.

Бенни ҳақ эди. Элизабетга энди бунинг имкони бордек туюла бошлади.

– Агар у филни тўртинчи катакка қўйса-чи?

– Тўхта, ҳозир Левертовга бераман.

– Боргов филнинг бешинчи катагига отни юриши мумкин, – гўшақдан Левертовнинг овози эшитилди.

– Мен сенинг тезликдаги галабанггача⁸⁹ бўлган қадамларни ишлаб чиқдим.

Элизабет Левертовни бир марта Беннининг Нью-Йоркдаги уйида кўрганди. Ўша пайтда йигитга унчалик эътибор бермаганди, аммо ҳозир уни қучиб олишга тайёр эди.

– Юришларни менга айтиб турасанми?

Левертов қадамларни бирма-бир айта бошлади. Режа мураккаб ва чалкаш эди. Аммо Элизабет бу иш беришини тезда англади.

⁸⁹ Тезлик ютуги рақибнинг бирор мақсадни амалга ошириш йўлида бир ёки бир неча қадам олдинда эканини билдиради.

– Жуда чиройли йўл бўлибди, – деди Элизабет Левертовга.

– Гўшакни Беннига қайтараман, – кулимсиради йигит.

Элизабет Бенни билан яна бир соатча турли усуллар ва имкониятларни катакма-катак муҳокама қилишди. Бенни гаройиб эди, ҳамма нарсани ўйлаб қўйганди. Элизабет Борговни ўраб олиш, тузоқларидан қочиш ва ҳимоясини бузиб кириш йўллари-ни кўра бошлади. Қиз соатига қараб, йигит билан хайрлашишга чоғланди.

– Бенни, Москвада ўн бешта кам ўн бўлибди.

– Майли, – деди Бенни. – Бориб, Борговни яксон қил.

* * *

Бино олдида оломон йиғилган. Марказий кириш эшиги олдида ичкарига киролмаганлар учун катта намойиш тахтаси ўрнатилибди. Ҳайдовчи бинога яқинлашаётганда Элизабет ойнадан қараб, тахтадаги сўнгги юришни таниди. Ёнбошдаги эшик олдидаги одамлар кечагидан икки баробар кўп эди.

Қиз «Лимузин» эшигини очишга улгурмай, одамлар бақира бошлашди: «Ҳармон! Ҳармон!» Томошабинларнинг кўпи қариялар эди. Одамлар шошиб кириб кетаётган америкалик шахматчи қизга қўллари-ни узатишарди.

Саҳнада битта стол қолган. Боргов жойини эгаллаб бўлганди. Элизабет билан бирга столга ҳакам яқинлашди. Қиз ўтириши билан ҳакам хатжилдни очиб, тахтага эгилди. Борговнинг отини олиб, филнинг бешинчи катагига қўйди. Элизабет айнан шу юришни кутганди. Қиз рух пиёдасини олиб, бир катак сурди. Кейинги беш юриш Бенни билан муҳо-

кама қилишган режа бўйича кетди. Аммо олтинчи юришда Боргов рухни тахта марказига чиқарди. Элизабет рухни Бенни билан бирор усулда тахмин қилмаган жойда кўрди. Элизабетнинг юраги товонига тушди. Бенни қўнгируги билан Элизабетга кўркувини озгина бўлса-да енгилга ёрдам берибди, холос. Элизабет эса бошини кўплаб эҳтимолий юришлар билан вақтинча банд қилиш имконидан хурсанд бўлди. Аммо Боргов бошқа йўлни танлади ва бу йўлга Элизабетнинг жавоби йўқ эди. Қиз яна ёлғиз қолди. Бошини мажбур кўтариб, томошабинларга қаради. Элизабет бу ерда неча кундан бери шахмат ўйнайди, лекин залнинг бунчалар катталигидан ҳалигача ажабланарди. Қиз яна кўркув билан тахтага, ўртадаги қора рухга қаради. Бу рухни нима қилса бўлади? Элизабет кўзларини юмди. Тахта тезда хаёлида аниқ чизиқлар билан равшан кўринди. Худди етимхонада, қизлар ётоқхонасидагидек. Элизабет кўзларини очмай, доналарни синчиклаб кузатди. Вазият мураккаб эди. Шахмат журналлари ва китобларида кўрган ҳар қандай ўйинидан мураккаброқ эди. Бу ерда китоблардаги каби кейинги юришлар ва ғолибнинг исми ёзилган қоғоз йўқ эди.

Элизабет ўйиннинг шу ҳолатида бирорта қоғоз пиёдани кўрмади. Бошқа камчиликлар, ҳужумнинг аниқ харитаси ҳам йўқ эди. Икки томоннинг кучлари ҳам тенг эди. Аммо Борговнинг қора рухи пиёда аскарлар жанг қилаётган майдонда биргина танкдек турарди. Рух қора катакчада турар, Элизабетнинг қора катакдаги фили ўйиндан чиққанди. Пиёдалари ҳам рухга зарар беролмасди.

Рухга бирор отни яқинлаштириш учун учта йўл керак бўлади. Оқ рух эса ўзининг биринчи бурчагида қотиб қолган. Борговнинг рухига фақат фарзинни

қарши қўйиш мумкин, лекин фарзин учун хавфсиз жой борми?

Элизабет ҳамон кўзини очмасдан муштини яноқларига тиради. Қора фарзин охирги қаторда мулойимгина турарди. Тўққизинчи юришдан сўнг дона жойидан жилмаганди. Фарзин фақат учта бўш катак бўлган диагонал бўйлаб чиқа олади. Аммо катакларнинг ҳаммаси қизга заиф кўринарди. Элизабет учала катакни алоҳида ўрганиб чиқди. Хавфга қўл силтаб, фарзинни шоҳ отининг бешинчи катагига юрди.

Боргов фарзинни кўриб, рухни юради ва бир қадамда вертикал йўлакни эгаллайди. Агар шоҳ бериш ёки қора фарзинга зарба бериш йўлини тополмаса, Элизабетнинг аҳволи огирлашади. Аммо шоҳ фақат фил билан берилиши керак. Бу эса оғир қурбонлик бўлади. Боргов филни ўз фарзини билан уриб туширади. Шундан сўнг қиз Борговнинг фарзинига от билан ҳужум қилиши мумкин. Боргов фарзинни иккита қора катакдан бирига олиб қочиши мумкин.

Элизабетнинг режаси пишди. Оти билан Борговнинг шоҳи ва фарзинига икки томонлама ҳужум уюштириш мумкин. Шунда Боргов қизнинг фарзинини олиб қўяди, ўзи шундоқ ҳам филдан айрилганди. Аммо оти иккинчи «санчки» учун қулай жойни эгаллайди. Элизабет Борговнинг филини уриб туширади ва ўзи бирор донасини қурбон қилмайди. Тенглик тикланади. Оқ от қора рухга ҳужум қилиш имконига эришади.

Элизабет кўзини очди. Ёрутдан кўзлари қамашиб, фарзинни юрди. Боргов рухни сурди. Элизабет иккиланмай фил билан шоҳ берди ва Боргов фарзини билан филни уришини кута бошлади. Боргов тахтага одатдагидан узоқроқ тикилди. Элизабетнинг нафаси секинлашди, наҳотки бирор нимани кўздан қо-

чирган бўлса? Қўрқувдан музлаб, кўзларини юмди ва вазиятни яна бир бор баҳолади. Боргов филни олиш ўрнига шохни юриши мумкин. Шунда... Бирдан рақиб томондан ишониб бўлмас садо чиқди: «Дуранг». Бу сўз савол эмас, тасдиқдек эшитилди. Боргов ҳеч қачон ҳеч кимга дуранг таклиф қилмаган. Элизабет таклифни қабул қилиши мумкин ва ўйин якун топади. Иккаласи ҳам қарсақлар остида столдан туришади ва Элизабет жаҳон чемпиони билан бирга бу ерни тарк этади. Қизнинг ички овози ишонч билан «Рози бўл!» деди.

Элизабет қаршисидаги ҳақиқий тахтага қаради ва кириб келаётган эндшпилни кўрди. Боргов эндшпилда қақшатқич жанг қилиши билан машхур. Элизабет эса якуний қисмни доим ёмон кўрган. Қиз ҳатто Ройбен Файннинг эндшпилга бағишланган китобидан ҳам ижирғанарди. Дурангга рози бўлса, ҳамма бунини шахматчи қизнинг муносиб ютуғи, деб ҳисоблайди. Аммо дуранг бу ғалаба эмас. Элизабетнинг ҳаётидаги ягона интилиши бу – ғалаба.

Элизабет Борговнинг кўзига қаради. Гроссмейстернинг чарчаган кўринишидан ажабланиди ва «Йўқ», дея бошини қимирлатди.

Боргов елка қисиб, донани сурди. Қизнинг филини олиб қўйди. Элизабет бир сонияга ўзини дурангга рози бўлмагани учун койиди, лекин ёмон ҳаёлларни тезда ҳайдади. Элизабет от билан Борговнинг фарзинига ҳужум қилди ва ўз фарзинини en prise⁹⁰ қолдирди.

Боргов фарзини тахмин қилинган жойга қўйди ва Элизабет от ёрдамида иккинчи «санчки»ни қўлади. Боргов шохни олиб қочди, қиз рақибининг фарзинини ҳалок қилди. Рақиб бунга жавобан, қизнинг фарзинини уриб туширди. Элизабет руҳга ҳу-

⁹⁰ Хавф остига (фр.).

жум қилди ва Боргов донани бир катак орқага сурди. Шунча ҳаракат айнан рухнинг доирасини чеклаш, уни заифроқ нуқтага чекинишга мажбур қилиш учунгина эди. Энди нима қилишни қизнинг ўзи ҳам билмай қолди. Шахматчилар рух ва пиёдали эндшпилга қадам қўйишмоқда. Бу ёғига эҳтиёткор қадам ташлаш зарур, ҳар қандай хатолик қимматга тушиши мумкин. Элизабет бир онга боши берк кўчага кириб қолди. Тасавури хиралашди, кейинги қадам номаълум, юраги эса саросимада қолди. Элизабет яна кўзларини юмди. Ўйин тугашига ҳали бир ярим соат вақт бор. Яхшилаб ўйлаб, тўғри қарор қабул қилиш учун етарли вақт. Элизабет Борговга ҳам, ўйинни томоша қилишга келганларга ҳам қарамади, соатга қараш учун ҳам кўзини очмади. Хаёлидан ҳамма нарсани чиқариб юборди. Кўз ўнгиди боши берк вазиятдаги хаёлий шахмат тахтаси гавдаланди. Ҳозир Элизабет учун муҳим нарсанинг ўзи йўқ. Қоралар билан ким ўйнаётгани ҳам, ҳақиқий шахмат тахтаси Москвадами, Нью-Йоркдами ёки етимхона ертўласидами – аҳамиятсиз. Эндшпил бораётган борлиқ фақат уники. Қиз ҳатто соатлар чиқиллашини ҳам эшитмаётганди. Тасаввур ҳудудига товушлар етиб боролмасди. Қизнинг ўй-хаёллари шахмат тахтаси узра учар, доналар бирлигини яратар ва бузарди. Қора доналар оқ пиёданинг йўлини тўсолмаслиги учун илож ахтарарди. Ҳали олдинга юрадиган пиёдани ҳам танлаш зарур. Элизабет тўртинчи горизонталда турган шоҳ отининг пиёдасини танлаб олди. Донани хаёлан бешинчи катакка юрди ва қора шоҳнинг қандай йўл тутишини тахмин қилди. Шоҳ пиёданинг йўлини тўсишга уриниши аниқ. Шоҳни оқ от хавфи тўхтатади. Агар оқ пиёдани олтинчи горизонталга олиб бориш керак бўлса, унинг юришини аввалдан тайёрлаш зарур. Тўғри йўлни топиш анча вақтни олди, аммо Элизабет режани пух-

та тузди. Оқ рух «қилич»нинг асосий донаси бўлади. Элизабет тўрт юришда икки томонлама хужумни уюштиради. Пиёда эса секин-аста бўлса-да, олдинга интилишда давом этади.

Энди фақат пиёдани юриш қолди.

Элизабетнинг идроки чарчоқданми бир зумга хира тортди. Кўз ўнгидаги шахмат тахтаси равшанлигини йўқотди. Ички ойдинлигини қайтаришга уринганида эса ўз нафасини эшитди. Шоҳ оти пиёдасини юришдан олдин уни рух пиёдаси билан ҳимоялаш керак эди. Рух пиёдасини ҳозир юриш эса тахтанинг нариги томонидаги яна бир пиёдадан айрилиш дегани эди. Бу қораларга ўз пиёдасини уч юришда фарзинга айлантириш имконини беради. Бу пиёдани йўқотиш учун эса яна бир муҳим дона – оқ рух кетади. Оқ шоҳ отининг пиёдаси вақтинча хавфсиз жойда қолиб, етгинчи горизонталга ўтиб олади. Отга қора шоҳ яқинлашиб кела бошлаганда эса, оқ рух пиёдаси дарров ёрдамга етиб келади. Саккизинчи вертикал йўлакка сакраш ва фарзинга айланиш пиёданинг сўнгги юриши бўлади.

Элизабет бу режани ўн икки юришга мўлжаллади. Режани рақибининг эҳтимолий жавобларини тахмин қилган ҳолда тузди. Аммо ҳақиқий тахтада бу режани бажариш имконсиз эди. Элизабет пиёда билан охирги, тахт қаторини эгаллаш имконини кўролмасди. Қора шоҳ бу пиёдани гулга айланишга улгурмаган ғунчани узгандек тахтадан учириб юборади. Элизабетнинг ўзига ҳам пиёдаси жуда узоқда тургандек кўрина бошлади ва миясининг бор имконларини ишга солди – ҳаммаси бекор. Бу пиёда фарзинга айланмайди.

Элизабет стулга ҳорғин суянди. Кўзларини ҳамон очмаганди. Тасаввуридаги ёрқин тасвир бир зумга йўқолди. Кейин шахмат тахтасини яна аниқ тасаввур қилди. Доналар ўрнига охирги марта қаради.

Ва бир қарашданоқ ечимни топди. Боргов филдан Элизабетнинг руhini уриш учун фойдаланганди ва энди бу дона оқ отни тўхтатолмасди. От қора шоҳни бир четда ушлаб туради. Оқ пиёда фарзинга айланиб, тўрт юришда мот қўяди. Столдаги тахтада мот ўн икки юришда амалга ошади.

Элизабет кўзларини очиши билан, улар чироқ ёруғидан қамашиб кетди. Кўзларини пирпиратиб, соатига қаради. Элизабетнинг ўн икки дақиқаси қолибди. Демак, кўзларини юмиб, бир соатдан ошиқ ўтирибди. Агар хаёлидаги режаси иш бермаса, янги йўлларни қидиришга вақт йўқ. Элизабет олдинга интилиб, шоҳ отининг пиёдасини бешинчи горизонталга юрди. Қўлларини қимирлатганда бутун танаси зирқираб кетди. Бир соат қимир этмаганидан мушаклари увишиб қолганди.

Боргов қизнинг пиёдасига қарши шоҳни чиқарди. Элизабет от билан юриб, рақибини ҳимояланишга мажбур қилди. Ҳаммаси хаёлий тахтадаги каби борарди. Қизнинг танасидаги оғриқлар чекиниб, ўрнини енгиллик эгаллай бошлади. Қадамба-қадам ёқимли хотиржамлик ҳисси ҳам ошиб борарди. Элизабет доналарни қўлида чаққон ўйнатар, соат тугмасини қатъий босарди. Борговнинг жавоб юришлари эса секинлаша бошлади. Энди жаҳон чемпионига ўйлаш учун кўпроқ вақт керак бўлаётганди. Элизабет рақибининг қўли донани олишдан аввал бир онга ишончсиз тўхтаётганини кўрди. Оқ доналар икки томонлама ҳужумга шай туриб, пиёда олтинчи горизонтал томон юрганда Элизабет рақибининг юзига қаради. Борговнинг юз ифодаси ҳамон ўша-ўша, аммо у бирдан бармоқлари билан сочини тўзғитди. Қизни ҳаяжон чулғаб олди. Элизабет пиёдани еттинчи горизонталга сурди ва рақибни зарба

егандек инграб юборди. Пиёдани шоҳ билан қамаб қўйишдан аввал Боргов анча ўйланди. Элизабет бир сония ўтиб, қўлини шахмат тахтаси устига олиб борди. Бармоқлари оқ отга тегинди ва ундан чиқаётган қувватни бутун танаси билан ҳис этди.

Борговга эса ҳамон қарамасди. Элизабет отни янги катакка силжитаётганда атроф сукутга чўмди. Столнинг нариги томонидан яна хўрсиниш эшитилди ва Элизабет рақибига қаради. Борговнинг сочлари тўзгиган, лабидан эса истехзоли кулги кетмасди.

– Сиз ютдингиз, – деди Боргов ниҳоят инглизча-лаб. Кейин ўрнидан турди ва ўз шоҳини қўлига олди. Шоҳни қулатиш ўрнига Элизабетга узатди ва деди:

– Олинг!

Залдан секин-аста қарсак овозлари кела бошлади. Элизабет қўлида қора шоҳни қаттиқ сиққанча оломон томон ўтирилди. Олқишлар жаранглаб кетди. Одамлар тик туриб, яна ва яна қарсак чалишарди. Элизабет бу ғалаба тўлқинини бутун танаси билан ҳис этди, яноқлари ёнди, терга тушди.

Кейин қиз Боргов шундоққина ёнида турганини кўрди. Бирдан эркак Элизабетга қўлини узатди, кафтини сиқиб, кутилмаган бир илиқлик билан қучиб, табриклади.

* * *

Элчихона қабулида унга шампан виноси солинган қадаҳ тутган официант яқинлашди. Атрофдагилар вино ичиб, қизнинг шаънига қадаҳ сўзлари айтаётган бўлса-да, Элизабет бошини қимирлатиб, рад этди. Қизнинг ёнидан беш дақиқача кетмаган элчи ҳам қизга шампан виносини таклиф этди. Элизабет ўзига бир стакан газланган сув қуйиб олди. Яна қора нон билан икра татиб кўрди ва зиёфат давоми-

да фақат мухбирларнинг саволларига жавоб берди. Қабул залида бир нечта рус ва ўнга яқин америкалик мухбир қатнашаётганди. Хонага Лученко кириб келди. Шахматчи ҳар доимгидай ажойиб кўринишда эди. Аммо Элизабет Борговнинг келмаганидан кўпроқ ғамгин тортди.

Кун ярмидан олган. Элизабет ҳалигача тушлик қилмаганидан чарчоқ, ҳоргинлик ва тушкун кайфиятдан бошқа ҳеч нимани ҳис этмасди. Элизабет зиёфатларни ҳечам ёқтирмасди. Бу тантанада уни қироличалардек қабул қилишларига қарамай, ўзини ноқулай ҳис этарди. Элчихонанинг баъзи ходимлари унга галати, худди ғайриоддий мавжудотни кўргандек қарашарди. Қизга шахмат ўйинида ҳеч нарса тушунмасликларини ёки болалиқдагина ўйнаб кўришганини айтишарди. Элизабет бундай суҳбатлардан безор бўлди. Бу одамлардан халос бўлиш учун бошқа ҳар қандай иш билан шуғулланишга тайёр эди.

Элизабет меҳмонлар орасидан ўтиб, техаслик аёлга ташкиллаштирилган қабул учун миннатдорчилик билдирди ва жаноб Бутга меҳмонхонага қайтиши кераклигини айтди.

– Мен ҳайдовчини чақираман, – деди Бут.

Кетишдан олдин Элизабет Лученкони қидириб топди. Лученко дид билан кийинган ва кечадан завқланаётган руслар даврасида турганди. Элизабет собиқ рақибига қўлини узатди.

– Сиз билан ўйнаш мен учун шарафли бўлди.

Лученко қизнинг қўлини сиқиб, енгил таъзим қилди.

Негадир қизга Лученко унинг қўлини ўпмоқчи бўлгандек туюлди, лекин шахматчи бундай қилмади. Лученко қизнинг икки кафтини ушлаб, залга назар ташлаб, деди:

- Буларнинг ҳеч бири шахматга ўхшамайди.
- Сиз ҳақсиз, – жилмайди Элизабет.

* * *

Элчихона Чайковский⁹¹ кўчасида жойлашганди. Қайтишда машиналар кўп бўлган йўллардан юришгани учун ярим соат вақт кетди. Элизабет Москва билан ҳали яхши танишишга улгурмади. Эртасига учиб кетиши кераклигига қарамай, машина ойнасидан атрофни томоша қилишни истамади. Борговга қарши ўйиндан сўнг эсдалик совғаси ва пул мукофоти берилди. Элизабет бир нечта интервью берди, табрикларни қабул қилди. Ниҳоят, ўзини озод ҳис этди, лекин қаерга боришни ва нима билан машғул бўлишни билмасди. Афтидан, озгина мизгиб олиб, кечки овқатни тановул қилиш ва сўнг эртароқ ухлагани маъқул эди. Элизабет Боргов устидан галаба қозонди. Рус шахмати даҳолари Лученко, Шапкин, Лаев ва Борговни таслим бўлишга мажбур қилди. Эҳтимол, икки йилдан кейин шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини олиш учун Боргов билан яна курашишга тўғри келар. Аввало, талабгорлар ўйинида⁹² ютиш керак бўлади, лекин Элизабет буни, албатта, уддалайди. Кейин Боргов билан бетараф ҳудудда юзма-юз туриб, йигирма тўрт партиядан иборат шахмат ўйинини ўйнайди. Ўша вақтда Элизабет йигирма бир ёшда бўлади. Лекин ҳозир қиз бу ҳақда ўйлашни истамасди.

Элизабет кўзини юмиб, «Лимузин»нинг орқа ўриндиғида мудраб кетди. Кўзини очиб, уйқусираб қараганида машина светофорнинг қизил чироғи-

⁹¹ 1994 йили Чайковский кўчасига эски ном – Новин бульвари номи қайтарилган.

⁹² Номзодлар ўйини – шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг босқичларидан бири.

да турганди. Ўнг томонда меҳмонхона деразасидан кўриниб турадиган яшил ўрмон яшнаб турарди. Элизабет бир оз олдинга сурилиб, ҳайдовчига деди:

– Мени боғ ёнида қолдириб кетинг.

Қуёш нурлари дарахт шохлари оралаб унинг боши узра таралди. Боғдаги ҳамма ўриндиқлар ўша доимги одамлар билан банддек туюлди. Бу одамлар учун йўлак бўйлаб қандай қиз кетаётганлигининг аҳамияти йўқ эди. Элизабет катта дала томон йўл олди. Бегона қизга ҳеч ким аҳамият бермади. У айвончага яқинлашди ва эскирган зиналар бўйлаб кўтарилди. Биринчи қаторнинг ўртасидаги бетон столда олтмиш беш ёшлар атрофидаги эркак шахмат доналари терилган тахта устида ёлғиз ўтирарди. Қария эгнига одатдагидек кулранг енги шимарилган чит кўйлак ва кулранг бош кийими кийган. Элизабет стол олдида тўхтаганида қария унга савол назари билан қаради. Нигоҳидан қизни танимаганлиги билиниб турарди. Элизабет қариянинг тўғрисиغا – қора доналар томонга ўтирди ва русча сўзларни тўғри талаффуз қилишга уриниб, сўради:

– Шахмат ўйнаймизми?..

МУНДАРИЖА

Биринчи боб.....	4
Иккинчи боб.....	33
Учинчи боб	61
Тўртинчи боб	94
Бешинчи боб	127
Олтинчи боб.....	155
Еттинчи боб	171
Саккизинчи боб.....	179
Тўққизинчи боб.....	210
Ўнинчи боб	234
Ўн биринчи боб	250
Ўн иккинчи боб.....	276
Ўн учинчи боб	308
Ўн тўртинчи боб.....	344

Адабий-бадиий нашр

Уолтер Тевис
ҚИРОЛИЧАНИНГ ЮРИШИ

Роман

Директор
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мухаррир
Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА

Бадиий муҳаррир
Фирдавс ДЎСТМАТОВ

Мусахҳиҳ
Ҳафиза АБДУМАЛИКОВА

Саҳифаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА

Техник муҳаррир
Ҳамидулла ИБОТОВ

Лицензия рақами: АА № 0009. 2019 йил 6 майда берилган.

Босишга 04.05.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ^{1/32}.

Босма табағи 12,5. Шартли босма табағи 21,0.

Гарнитура «Palatino Linotype». Офсет қоғоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 109

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Zabarjad media» хусусий корхонасида тайёрланди.

Мурожаат учун тел: (97) 409-04-84; (94) 935-00-25

Facebook: fb.com/zabarjadmedia

Instagram: instagram.com/zabarjadmedia

Twitter: twitter.com/MediaZabarjad

Telegram: t.me/ZabarjadMedia



«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.
100097, Тошкент шаҳри, Бунёдоркор шоҳқўчаси, 44 уй.

хиранишнинг ҳақ шахмат ҳисоби бўлса-да, ўйинда бошлангич тушуниқ бўлмаган ҳар қандай одам уни ҳеч бир кийинчиликсиз ўқий олади.

Асардаги жиддий бир савол – “АЁЛ КИШИ ТАБИАТАН ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ ШАХМАТЧИ БЎЛА ОЛАДИМИ?” деган саволдир. Бу шундай ўйинки, киши уни ҳадди аълосида ўйнаши учун керагида зиёд тажовузкор бўлиши керак. Баъзилар бу ўйинда шохни ҳалок этиш эвазига ғалабага эришилиши вадан шахматни Шох Эдипнинг қайта саҳналаштирилишига менгзайдилар. Шундай экан, аёл киши бундай синовга қай йўсин жавоб бера оларди? Муаллиф мазкур муаммони ечишнинг оқилона йўлини танлайди: автоҳалокат туфайли ота-онасидан эрта айрилган ёш гўдак етимхонадаги заҳмат тўла ҳаётга маҳкум қилинади ва айнан шу сабаб Элизабет Хармоннинг қалбида одамларга нисбатан нафрат пайдо бўлади.

Китоб ниҳоясига етар экан, Элизабетнинг тақдир борасидаги ўйлар кўнглимни чўктирмаслигини истардим. Сабаби бошқа кўплаб шахмат даҳоларининг ҳам ҳаёт йўллари қоникарли даражада эмас. Тўғри, уларнинг шон-шухратга кўмилган пайтлари бўлади, аммо бундай сурурли лаҳзаларнинг умри жуда қисқа. Бироқ биз Элизабетни англай оламиз. Мана шунинг ўзи ҳам «Қироличанинг юриши»нинг тўлақонли жозиба касб этишига бир сабабдир.

*Кристофер Леманн-Хауптнинг
“NEW YORK TIMES”га ёзган тақриздан*



ZABARIAD
MEDIA

ISBN 978-9943-7069-7-2



9 789943 706972